

*Ушбу  
ва  
за-мон*



Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 30 йиллигига  
бағишланади

© С. Саййид, 2021  
© “ADABIYOT”, 2021

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



# Сирожиддин САЙИД

ЭЛДОШЛАРИМ,  
ДИЛДОШЛАРИМ

---

ШЕЪРЛАР

---

МАҚОЛАЛАР

---

СУҲБАТ ВА МУНОСАБАТЛАР

ТОШКЕНТ  
“АДАБИЙОТ”  
2021

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиси Мурожаатномасида Янги Ўзбекистонимизнинг тараққиёти ҳақида гапириб: **“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”**, – деган сўзларни алоҳида таъкидлаган эди.

Бу жараёнда шоир ва ёзувчиларимиз зиммасидаги вазифалар нимадан иборат, адиблар бунёдкор халқимизга камарбаста бўлиш, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш учун қандай фаолият олиб бориш зарур? Президентимиз муборак номларини санаган буюк аждодларимиз илм-фан ва адабиёт намояндларидир. Инсоният тараққиётига катта ҳисса қўшган алломаларимиз фаолиятига назар ташлашнинг замирида қандай ишоралар борлигини бугуннинг ижодкори юрак-юрақдан ҳис этганида ўзининг жамиятдаги ўрнини қандай баҳолайди?

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг янги китобида мана шундай муҳим ва долзарб адабий-ижтимоий масалаларга эътибор қаратилган. Ўқувчиларга “Шоир ва замон” туркумида тақдим этилаётган мазкур китоб икки бўлимдан иборат. “Огоҳлик талқини” сарлавҳаси остида янги шеърлар, “Ватанни севиш керак” деб номланган бўлимда эса мақолалар, суҳбат ва муносабатлар жамланган.

Китоб мутолааси давомида ўқувчилар замонимиз қаҳрамонларининг ибратли фаолияти, ички кечинмалари, орзу-ниятлари билан танишади. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли туб ислохотлар бадиий талқин этилгани, воқеалар, ҳолатлар жонли ва ҳаётий мисоллар, ҳароратли сўзлар воситасида тасвирлангани туфайли асарлар китобхонлар юрагида халққа ва Ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотади. Китобнинг бутун мазмун-мундарижаси ичра бўй кўрсатиб турган бош қаҳрамоннинг бедор ва беҳаловат юрагининг “йўл харитаси” эса ўқувчини сеҳрли ҳайрату ҳаяжонларга ошно этади. Замон руҳи ижодкор юрагида жўш урса ва унинг асарларида акс этса, нур устига нур бўлади. **“Аё шоир, элинг айтар: балони сўз билан қайтар”**, дейди шоир ва сиз бу сўзларнинг чин юракдан айтилганига имон келтирасиз.

**“Адабиёт – халқнинг юраги”** деган ҳикматли сўзда ана шундай юксак ғоя ва эзгу ният мужассам, деб биламиз.


Азиз ўқувчи, сизнинг ҳам юрагингиз бугунги замонимиз руҳига ҳамнафас, адабиётга ҳамоҳанг уриб турганига сидқидилдан ишонимиз.

# ОГОҲЛИК ТАЛҚИНИ

2019–2021 ЙИЛЛАР  
ШЕЪРЛАРИ



*Шавкатли эл бу дунёда давлатлидир,  
Давлатли эл олам аро шавкатлидир.*



## НИЯТИ УЛУҒ ХАЛҚНИНГ

Манас. Мирзачўл. Мўйноқ.  
Замон бўлганми бундоқ!  
Оғамдирсан, инимсан,  
юз-бетинг бунча қайноқ.  
Кўзларингни ёшлантирмиш  
обод шаҳру қишлоқлар,  
Ернинг севинч ёшларидай  
қайнаб чиқар булоқлар.  
Фарзандмисан ҳақиқий,  
дилбандмисан чинакам –  
Фақат халқ баҳо берар,  
Фақатгина халқ ҳакам!

Нияти улуғ халқнинг  
иши ҳам улуғ бўлур,  
Орзу ҳам умидларин  
рўёби қутлуғ бўлур.  
Бу кунларнинг ҳар они  
дунёларга баробар,  
Янги даври давронинг  
қутлуғ бўлсин, биродар!  
Дилбандмисан ҳақиқий,  
фарзандмисан чинакам,  
Фақат халқ баҳо берар,  
фақатгина халқ ҳакам!

13.04.2019 й.

## МАРД МАЙДОНДА СИНАЛГАЙ

*Ғолиб ва музаффар ўзбек боксчиларига*

*(Екатеринбург. 21.09.2019 й.)*

Шавкатли замонларнинг  
ўғлонлари сиздирсиз,  
Бирингиз қош бўлсангиз,  
бировингиз кўздирсиз.  
Осонми бу дунёда  
юрт донғини таратмоқ,  
Олам аҳлин юзини  
бир зарбингга қаратмоқ,  
Дунё ўзи нимадир –  
чексиз кураш майдони,  
Тиш қайраб турса бунда  
арслонига арслони.  
Дилбандингни сен ўзинг  
қўллаб тургил, отажон,  
Ўзбекистон, жонажон,  
Ўзбекистон, онажон!  
Чин фарзандлар курашгай  
номус учун, ор учун –  
Дилда Ватан бор учун,  
Дилда Ватан Ёр учун.

Кураш надир: гоҳ енгмоқ,  
гоҳида енгилмоқдир,  
Енгилмоғинг осону,

енгмоғинг қийинроқдир.  
Паҳлавон Маҳмудларнинг  
тумори бўйнингизда,  
Қадрдонлар соғинчи,  
хумори кўнглингизда,  
Бирингиз – йигирма ёш,  
бирингиз йигирма беш,  
Дунё надир, энг аввал  
иддаосин қилгай пеш.  
Ватан десам кўрингай  
ҳар дашту, ҳар қир азиз,  
Шаҳобиддин, Дилшодбек,  
Бобоусмон, Миразиз –  
Қалқиб турди кўзимда  
жолаларим – жонларим,  
Нону тузин пок-ҳалол  
оқлолган ўғлонларим!  
Шаънингизга шеър битдим,  
тунларим сиёҳ бўлди,  
Тўккан севинч ёшимдан  
ҳар сўзим гиёҳ бўлди.  
Чин фарзандлар курашгай  
номус учун, ор учун –  
Дилда Ватан бор учун,  
Дилда Ватан Ёр учун.

Сангардак сувларидан  
ичиб кетган боламсан,  
Томиримсан, гиёҳим,  
майсамдирсан, лоламсан.  
Бир муштингда миллатнинг  
залвори бор, юки бор,  
Термизий боболарнинг  
дуоларин кучи бор.  
Алп эрларнинг наслисан,



Алпомишлар авлоди,  
Баҳодирсан алпқомат –  
Жалолиддин зурёди.

Етти иқлим зўрларин  
енга олган фарзандим,  
Дилу жони жонимга  
пайваста ҳам пайвандим,  
Ёт элларда ҳайиқмай  
майдонга тушганингда,  
Рингмас, гўё ўт-олов  
сандонга тушганингда –  
Кўксим аро потирлаб  
қушга айланди дилим,  
Ҳар зарбингдан менинг ҳам  
муштга айланди дилим.  
Ай болам-ай, ўпайин  
қошларинг, қароғингдан,  
Олам аро энг баланд  
кўтарган байроғингдан!  
Шавкатли замонларда  
шаъну шавкат яралгай,  
Шундай юксак онларда  
халқ ва миллат яралгай!  
Дилбандингни сен ўзинг  
қўллаб турдинг, отажон,  
Ўзбекистон, жонажон!  
Ўзбекистон, онажон!  
Мард ўғлонлар олишгай  
номус учун, ор учун,  
Дилда Ватан бор учун,  
Дилда Ватан Ёр учун,  
Дилда Ватан Ёр учун!

21-22.09.2019 й.

## ХАЛҚ ОВОЗИ

Халқ овози – Ҳақ овозидир,  
Ҳақ овози – Халқ овозидир.  
Халқ ризоси буюк бахт эрур,  
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Тингламасди олдин замонлар,  
Келди очиқ-ойдин замонлар.  
Тили боғлиқ мардум халқ эмас,  
Дили доғлиқ мардум халқ эмас.  
Халқ олдинги мавҳум халқ эмас  
Ва ё муте маҳқум халқ эмас.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,  
Ҳақ овози – Халқ овозидир.  
Халқ ризоси буюк бахт эрур,  
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Уч минг йиллик тарихинг пойдор,  
Уч минг йиллик оғриғинг ҳам бор.  
Эртакмас бу ва ё хангома,  
Ҳар айтганинг – буюк жангнома.<sup>1</sup>  
Халқ олдинги мавҳум халқ эмас,  
Боши эгик, мазлум халқ эмас.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,  
Ҳақ овози – Халқ овозидир.  
Халқ ризоси буюк бахт эрур,  
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

<sup>1</sup> Ҳ.Олимжон сатри.

Қаддинг кўтар, дунёга кенг боқ,  
Ҳар мулку ҳар маъвога тенг боқ.  
Не элатлар хор-зор дунёда,  
Хору зор ҳам ночор дунёда –  
Давлатинг бор – шавкатинг пойдор,  
Шавкатинг бор – давлатинг пойдор.

Юрт отаси – халқ орасида,  
Ҳар кўнгил, ҳар қалб орасида –  
Халқ ҳолидан, ё Қодир Оллоҳ,  
Ўзи кезиб бўларкан огоҳ,  
Эл кўнглида савол бўлмагай,  
Бундай элда завол бўлмагай.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,  
Ҳақ овози – Халқ овозидир.  
Халқ ризоси буюк бахт эрур,  
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Ота-она ризосидай бу,  
Келажакнинг имзосидай бу.  
Минг йилларнинг орзу-хаёли –  
Элу юртнинг кўрку жамоли.  
Келажакка тилхатларидир,  
Давру замон дастхатларидир.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,  
Ҳақ овози – Халқ овозидир.  
Халқ ризоси буюк бахт эрур,  
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

19.04.2021 й.

## БИЗНИНГ ОВОЗ

Бизнинг овоз дахлдордир асрларга,  
Янги даври замон, янги насларга.  
Юракларга келган янглиғ яна баҳор,  
Бизнинг овоз – ифор тўла она диёр.  
Эзгу орзу-ниятларга парвоз берамиз,  
Элу юртнинг бахти учун овоз берамиз.

Давру Замон шиддатлидир –ортга қайтмас,  
Инсон умри меҳнатлидир, сайру гаштмас.  
Ватан ватан бўлгайму биз жон чекмасак,  
Жондан кечиб, заҳматин ҳар он чекмасак.  
Ўйламангким биз сўзга пардоз берамиз,  
Ватан учун, халқ учун овоз берамиз.

Бу синовлар, имтиҳонлар дунёсида  
Инсон яшар ўт билан сув аросида.  
Инсонми у эзгулик деб тўлғонмаса,  
Маърифатнинг нури билан чулғанмаса?  
Қодирий ҳам Чўлпон учун овоз берамиз,  
Ўлмас илму ирфон учун овоз берамиз.

Оталармиз, оналармиз, фарзандлармиз,  
Барчамиз ҳам бир Ватанга дилбандлармиз.  
Орзулар бўй чўзиб, боғу чаман ўсгай,  
Ҳар ўғил-қиз тимсолида Ватан ўсгай.  
Олтин бешик – тахти учун овоз берамиз,  
Фарзандларнинг бахти учун овоз берамиз.

Кўнгилларни шаҳарлардай обод этиб,  
Келажакни биз бугундан бунёд этиб –  
Жаҳон ичра гўё мисли янги жаҳон

Қад ростлайди мутлақ янги Ўзбекистон.  
Биз миллатнинг равнақига парвоз берамиз,  
Ватан учун, миллат учун овоз берамиз.

Шавкатли эл бу дунёда давлатлидир,  
Давлатли эл олам аро шавкатлидир.  
Сўйлайверса адо бўлмас дардларинг бор,  
Дардларингни аритгувчи мардларинг бор.  
Шундай шаъну шавкат учун овоз берамиз,  
Мангу тожу давлат учун овоз берамиз!

*10.11.2019 й.*

## ТУРОНЗАМИН

Қадим Туронзамин – суронзамин бу,  
Гоҳ тўфон, гоҳида бўронзамин бу,  
Оху афғонлари кўкларга етган,  
Асрий офатларни кўрғон замин бу.  
Дашту саҳролари чексиз уммоним,  
Қадим Туронимсан, буюк Туроним.

Нухнинг кемасида чайқалган хилъат,  
Бир ўтлуғ нафасдан яралган тийнат,  
Одам авлодига шараф келтирган,  
Ҳазрати Ёфасдан тарқалган миллат.  
Асрлар жисмимда жўш урган қоним,  
Бобо туғенимсан, буюк Туроним.

Мозийларга боқсам – фақат ёнғинлар,  
Искандар, Доролар – ёвлар, ёғийлар,  
Ор-номус қалқони – ёрлар кўксидир,  
Ёрнинг сийнасида камон-ёй йиғлар.  
Эрк, кураш йўлида жоним, қурбоним,  
Қизим, ўғлонимсан, буюк Туроним.

Шайх ул-Куброларга айлабон таъзим,  
Амударёлари абадий азим.  
Мангу матонатнинг ўлмас тимсоли,  
Мангубердилари мангу Хоразм.  
Ватан деб қўзғолган, эй пок иймоним,  
Қадим кўрғонимсан, буюк Туроним.

Оламини бўйлаган ёвқур сарбонсан,  
Етти иқлимларга етган карвонсан.  
Илк бор замин узра Оқсарой қурган,  
Ўзинг соҳибдавлат, соҳибжаҳонсан.  
Мулки Турон ичра соҳибқироним,  
Кавну маконимсан, буюк Туроним.

Айтсин Алпомишлар, Афросиёблар,  
Ота Қўркутлардан қолган китоблар.  
Мехринг зиёсидан кўзлар қамашгай,  
Манас полвонларни кўрган офтоблар.  
Мангу адо бўлмас мардлик дostonим,  
Илму урфонимсан, буюк Туроним.

Қирғиз, қозоғимсан сен – қийиқ кўзим,  
Туркона боқсанг гар ловулла р юзим.  
Кўрку камолингдан жоним жимирлаб,  
Эрка ғизолингдан айланай ўзим.  
Озарий айтсам гар, назли жейроним,  
Сарви равонимсан, буюк Туроним.

Ҳазрат Навоидан тимсол байт олган,  
Ўз сўзин дунёга дадил айтолган.  
Минг йил қурмагани бир йилда қуриб,  
Ўз юртин қайтадан бунёд этолган.  
Оламга таралган шавкатим, шоним,  
Марди майдонимсан, буюк Туроним.

Фақат бир йўл бордир – нажотга элтар:  
Миллатлар, давлатлар, эллар, элатлар  
Аҳдлашиб, дўстлашиб, қадрдонлашиб,  
Бирлашиб оламини обод этсалар...  
Олам аҳли билан сайру жавлоним,  
Давру давронимсан, буюк Туроним.

12.11.2019 й.

## БУ КУНЛАР ТАЛҚИНИ

Шудир Яратгандан сенга сийловлар,  
Чексиз дала-даштлар, тенгсиз яйловлар.

Уфқларга қадар ястанган сурур,  
Кўзни қамаштиргай фахр ва ғурур.

Эллар, мамлакатлар, қитъалар оша,  
Офтоб жамолини қилгай томоша.

Ой ҳам шу юрт узра балқиб яйрайди,  
Олтин кокилларин шунда тарайди.

Бу жайрон, кўзлари ўйноққа бир боқ,  
Қорақалпоққа боқ, Мўйноққа бир боқ.

Бу тупроқ, бу уйғоқ заминлар қадар,  
Зарҳал қир-адирлар, Зоминлар қадар –

Ватан кўрганмисан Еру кўкда сен,  
Чаман кўрганмисан бирор мулкда сен?

Чорласа қандилдай янги мактаблар,  
Ўғил-қизларингни қўйгин мақтаблар.

Бахту толеинга дилдорлигинг бор –  
То бедор замонда бедорлигинг бор.



Аввал назар солгил элдошларингга,  
Замондош, заминдош, дилдошларингга.

Буюк бир уйғониш қалбларда зоҳир:  
Келажак – ҳозирдир, келажак – ҳозир!

Бунда жам бўлганда соҳиб давлатлар,  
Оламни чулғамиш нечун ҳайратлар?

Бу ҳолни болангга сўйладингми ҳеч,  
Дўппинг ерга қўйиб ўйладингми ҳеч?

Магар миллат учун савобгардирсан,  
Келажак учун ҳам жавобгардирсан!

Бахт ахир оқ либос келинчаклардай  
Кўкдан тушиб келмас ҳалинчакларда.

Бир зум кўҳна алам-дардларингга боқ,  
Янги замон қурган мардларингга боқ.

Халқу Ватан учун тун-кун қайғургил,  
Жисму жонинг билан буткул йўғрилгил.

Инсонлигинг учун айтгил ташаккур,  
Тафаккур айлагил, қилгил тафаккур.

Шудир Яратгандан сенга сийловлар:  
Янги Ўзбекистон – янги сайловлар!

3.12.2019 й.

## ЭЛДОШЛАРИМ, ДИЛДОШЛАРИМ

*Синовли кунлар тасаллиси*

Олам яшолмагай кўклам, яшилликсиз,  
Одам зоти ҳеч нарсадир аҳилликсиз.  
Яшасайди разилликсиз, бахилликсиз –  
Бир кам дунё бут бўларди тақчилликсиз.  
Бу дунёда шундай юрт бор – Меҳрдиёр,  
Одамлари яшолмайди яхшиликсиз.

Меҳрдиёр дедим, асли меҳри дарё,  
Бир-бирига меҳру сеҳри дарё-дарё.  
Шаҳарларим, қишлоқларим, дашту саҳро,  
Оғамдирсиз, инимдирсиз, опам, синглим –  
Номингизни тутиб бўлмас айро-айро.

Матонатни жонга жойлаб келган халқмиз,  
Оғир кунни сабр билан енгган халқмиз.  
Бир майизни қирққа бўлиб еган халқмиз,  
Тарих гувоҳ, жамлаб илму маърифатни,  
Пешонаси юлдузларга теккан халқмиз.

Таскин учун қамишдан ҳам куй чиқарган,  
Хушxabарнинг пешвозига қўй чиқарган.  
Пок ниятдан қанча фикру ўй чиқарган:  
Ўйлаб-ўйлаб, ҳажга йиққан пулига ҳам  
Қақраб ётган қишлоғига сув чиқарган.

Элдошларим, дилдошларим, тилдошларим,  
Ҳажга бормай ҳожи бўлган элдошларим,  
Дилдошларим, тилдошларим, йўлдошларим,  
Бу синовли кунлар ҳам тез ўтар-кетар,  
Бу синовли йилда азиз йилдошларим.

Арбобдирсиз, вазирдирсиз савоб ишга,  
Табибдирсиз, ҳабибдирсиз савоб ишга.  
Ўз дардингиз, ташвишингиз ютиб ичга,  
Кеча демай, кундуз демай эл-улус-чун  
Сиз ҳозир нозирдирсиз савоб ишга.

Эзгуликдан инсон умри фируз бўлгай,  
Токи одам бир-бирига дилсўз бўлгай,  
Оқ дастурхон тўшар ҳаёт – ризқ-рўз бўлгай,  
Мир Алишер бобомиз лутф этган мисол –  
Ҳар кунимиз Наврўз бўлгай, Наврўз бўлгай!

Олам аҳли билан букун дарддошдирмиз,  
Дарддошдирмиз, демак бирмиз, қардошдирмиз,  
Қардошдирмиз, демакким биз қалбдошдирмиз.  
Қалбдошлиқдир бирдамликнинг бошланиши,  
Бирдам бўлсак, бизлар буюк бардошдирмиз.

Меҳрда ҳам шавкатлисан, она юртим,  
Битмас меҳру шафқатлисан, она юртим,  
Эзгу шиор-даъватлисан, она юртим,  
Меҳринг билан бағринг очиб, олам аро  
Давлатлисан, давлатлисан, она юртим.

23.03.2020 й.

## САДОҚАТ

*“Фидокорона хизматлари учун” ордени  
соҳиби Қудратилла Рафиқовга*

Оллоҳ ҳар исмга бир ҳикмат бергай,  
Оллоҳ меҳрибондир, шафиқдир доим.  
Шу боис одамзод то умр кўргай –  
Меҳру эътиборга лойиқдир доим.

Шавкатли, бағрикенг улуғ зотларга  
Буюк халқ шавкатин этгайдир ато.  
Инсон муносибдир мукофотларга –  
Токи ўз бурчини қилгайдир адо.

Буюк боболарнинг ғурур-оридан  
Бу миллат тоабад номус-орлиқдир.  
Бир умр қолмайин эл-юрт коридан,  
Ҳалол хизмат қилмоқ – фидокорлиқдир.

Фарзандлар бахтини кўрмоқ ҳам – шараф,  
Ватан саодати – буюк саодат.  
Сидқу садоқатин бир умр асраб,  
Тўғри яшамоқ ҳам асли матонат.

Ҳали жаҳолатга тўлуғдир олам,  
Токи эл-юрт яшнаб, гулларга тўлгай –  
Сиздай инсонларни ўстирган халқ ҳам  
Асло кам бўлмагай, қудратли бўлгай.

2020 й.

## ҒАЛАБА ВА ИФТИХОР

*Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони  
Муроджон Аҳмадалиевга  
(АҚШ. Маями штати, 2020.01.02.)*

Шавкатли зотлардан шиддатлар олган,  
Шиддатли зотлардан ибратлар олган –

Осмондан тушмагай обрў, шуҳрат-шон –  
Оллоҳ муродингни бермиш, Муроджон!

Отанг Қаҳҳор, бобонг Аҳмадалидир,  
Заҳматинг шу элнинг заҳматларидир.

Осонми дунёда фарзанд ўстирмоқ,  
Эл-юртга муносиб дилбанд ўстирмоқ?

Бир ўғил улғайиб то ўғлон бўлгай,  
Ота-она бағри қанча қон бўлгай.

Париж, Румолардан йироқ-йироқда,  
Илму маърифатга макон тупроқда.

Камтарин эл аро сен камол топдинг,  
Бахту толеингни безавол топдинг.

Сенда жам шиддатнинг қанча-қанчаси,  
Ҳазрати Бобурнинг йўлбарс панжаси.

Қонингда жўш урган бедор, исёнкор,  
Машраб боболарнинг жазаваси бор.

Шавкатли зотлардан шиддатлар олган,  
Шиддатли зотлардан ибратлар олган.

Уммон ортидаги ҳар бир зарбингдир,  
Сенинг Ватан учун ҳарбу зарбингдир.

Кўрди Маямининг маҳлиқолари,  
Кўрди Оврупо ҳам Амриқолари –

Қанча зўравонлар бор бу дунёда,  
Ғирромлар дастидан хор бу дунёда –

Бир ўзбек ғолибу музаффар келмиш,  
Икки елкасида қўш камар келмиш.

Ҳа, мардлик олдида номардлик абгор,  
Сенда мард миллатнинг матонати бор.

Етти ёт эллардан юртга қайтайин,  
Мен ҳам дунёларга қараб айтайин:

Кетди кўксимдаги кўҳна нолам-ай,  
Фахру ифтихорим, жоним болам-ай!

Отанг Қахҳор, бобонг Аҳмадалидир,  
Сенга ёғилган эл раҳматларидир.

Осмондан тушмагай ҳаргиз шуҳрат-шон,  
Жонингни жабборга бериб, Муроджон,

Оқладинг халқингнинг ҳалол номини,  
Ўзбекистон номин, ўзбек номини.

Сени келди деган хушxabарингдай,  
Аму, Сирдарёни – қўш камарингдай,

Шу музаффар элнинг белига бойлаб,  
Бор ғурур-оримни дилимга жойлаб,

Янги даври замон саҳнидан туриб,  
Мен ҳам айтгим келар завқларга тўлиб:

Шавкатли зотлардан шиддатлар олган,  
Шиддатли зотлардан ибратлар олган,

Кетди кўксимдаги қанча нолам-ай,  
Фахру ифтихорим, жоним болам-ай!

01-02.02.2020

## “COVID–19”

### 1. Биринчи тасдиқ

Бир вирус чиқибди  
“Корона” эмиш,  
Ўзи Ер юзида ягона эмиш.  
Вируслар ичра тоқ,  
тождор эмиш у,  
Ким айтар тождормас,  
шоҳдор эмиш у.  
Яъни панжа-панжа...  
шоҳлари бормиш,  
Ўзи ... думалоғ-у...  
шохи бисёрмиш.  
Ўхшармиш сувости кемаларга ҳам,  
Кемаларга қарши миналарга ҳам.  
Бир зум карахт қолди  
қадим Чин-Мочин,  
Бу кўҳна очун ҳам,  
бу янги очун.  
Хитойнинг олмосқўз заррабинлари,  
Кўрсатди беш панжа,  
беш қўл сингари.  
Энг зўр усулларни татбиқ этдилар,  
Энг ҳозик табиблар тасдиқ этдилар.  
Қайта текширдилар минг бор,  
минг бир юз...  
Вируслар ичра бу  
энг янги вирус!



Олам аҳли томон  
гом<sup>1</sup> қўйдилар сўнг,  
Вирусга “Covid” деб  
ном қўйдилар сўнг...

21.03.2020 й.

## 2. Биринчи... ва минг биринчи тасдиқ

Қайдан чиқиб келдинг “Корона” вирус?  
Бугун Ер юзида ягона вирус.  
Вируслар ичра сен тождор экансан,  
Тождор экансан ҳам шохдор экансан.  
Дунёнинг ярми – сув,  
ярми қуруқлик,  
Ярми қоронғулик, ярми ёруғлик.  
Ўхшаб турибдирсан  
ажаб, во ажаб,  
Кемаларга қарши миналарга зап!..  
...Қайдан чиқиб келди бу офат-бало,  
Ўзинг паноҳ бергин, қодир Раббано!  
Қайдан чиқиб келди?  
Қай кўй-маъводан?  
Нарху наводанми?  
Обу ҳаводан?  
Кўрсатди заррабин ойнаклар аён:  
Бундайин вирусни кўрмаган жаҳон!  
Бир зум карахт қолди  
қадим Чин-Мочин,  
Бу кўҳна очун ҳам  
бу янги очун.  
Энг зўр усулларни татбиқ этдилар,

<sup>1</sup> Гом (форс.) – қадам. Бу ўринда юзланмоқ маъносига.

Олам олимлари тасдиқ этдилар.  
Имзо чекдилар сўнг:  
Афсус, минг афсус,  
Вируслар ичра бу энг янги вирус!..  
...Бу вирус шу тахлит,  
ушбу тариқа  
“Covid” номи билан кирди тарихга!

22.03.2020 й.

\* \* \*

Келмагандирсан-ку жимжима учун,  
Вирус, пайдо бўлдинг сен нима учун?  
Кўрсатмоқ учунми  
    разолат кучин,  
Ё олмоқ учунми жаҳолат ўчин –  
Вирус, пайдо бўлдинг  
    сен нима учун?  
Бу кўҳна очун ҳам  
    бу янги очун  
Бағрида одамзот болаларининг,  
Меҳр ва муҳаббат лолаларининг  
Сенсиз кам эдими дард-аламлари,  
Тортган азоблари,  
    ранж-ситамлари?  
Вирус, наҳот бу гал кўпга келдинг сен?  
На тўй  
    ва на талатўпга келдинг сен.  
Наҳотки бу галги жазойинг ёмон?  
Авзойинг ёмондир!  
    Авзойинг ёмон!  
Демакким, балою қазойинг ёмон.  
“Covid” мисан ўзи ва ёким жовид?<sup>1</sup>  
Жовидга келдингми бу сафар “Covid”?  
Вирус, пайдо бўлдинг сен нима учун?  
Бу кўҳна очун ҳам,  
    бу янги очун,

<sup>1</sup> Жовид (форс) – мангу, абадий.

Бобо Офтоб учун,  
Момо Ой учун  
Одамзот тоабад яшаса арзир,  
Тоабад яшаса –  
Тоабад қарздир.

13.04.2020 й.

## БИРУ БОР

### 1

Шу кунларни берганига  
Яратганга ташаккур,  
Тафаккур қил, тафаккур қил,  
тафаккур қил, тафаккур!  
Бирни кўриб фикр қилсанг,  
бирни кўриб зикр қил,  
Эй, одамзот, шукр қилгил,  
шукр қилгил, шукр қил!  
Билдингми ҳеч нечун мавжуд,  
борлиқ, Еру самолар?  
Энг аввало, Эгасига  
айтгил ҳамду санолар.  
Тўнқарилиб тушмас нечун  
шу осмон, шу самовот?  
Коинотнинг сарварига  
айтгил мақтов саловот.  
Танҳо бутун оламларнинг  
Эгаси Парвардигор,  
Унинг Ўзи Биру Бордир,  
Унинг Ўзи Биру Бор.  
Танҳо Унга дахлдордир  
мулк ҳам, кавну макон ҳам,  
Ўз-ўзидан пайдо бўлмас  
ҳеч бир даври замон ҳам.  
Ҳар қавм, ҳар улуским бор  
жой бергай, ватан бергай,

Кимга чўлу саҳро, кимга  
боғ бергай, чаман бергай.  
Нажот бергай, бахт бергайдир  
боқиб сўнгсиз хилқатга,  
Давлат бергай, тахт бергайдир  
қараб халқу миллатга.  
Оллоҳ Ўзи ҳар элга Ўз  
соясин ҳам бергайдир,  
Соясига олий мақсад  
ғоясин ҳам бергайдир...  
Шул сабабдан тупроғини  
кўзга сурт деб айтгайлар,  
Боболар ҳақ: Оллоҳ назар  
қилган юрт деб айтгайлар.

## 2

Одамзотнинг буғдойи бор,  
арпаси бор, шолиси,  
Салкам саккиз миллиардга тенг  
Ер юзин аҳолиси.  
Момо Ернинг сийнасида  
сон-саноқсиз оғриқдай,  
Салкам саккиз миллиард одам  
сочилмишдир тариқдай.  
Айланади кўҳна фалак,  
юлдузлар пичир-пичир,  
Айланади кўҳна Замин  
туну кун ғичир-ғичир.  
Неча миллиард йилдан буён  
яшаб келар одамзот,  
Боши узра шу коинот,  
сеҳрли шу самовот.

3

Сувданми ё ўтдан келар,  
ерданми ё кўкданми?  
Бойликми ё қашшоқликдан,  
очданми ё тўқданми?  
Сўнгсиз уруш-низолардан  
Ер бағри яроликдир,  
Фалак ҳоли одамзотнинг  
ишларига боғлиқдир.  
Нега, нечун қаҳр айлаб  
тўфон солар уммонлар?  
Бир томонда бурқсиб-тутаб,  
ёниб ётар ўрмонлар.  
Одамзотдан юз бургандай –  
қиёматнинг қаҳридай,  
Бутун-бутун минтақалар  
қитъалар сув қаърида.  
Оқибатсиз манзиллардан  
қушлар кетар нолакор,  
Наҳот инсон болалари  
нонкўрдир ё нобакор?  
Замин асли Яратганнинг  
бандаларга ҳовлиси,  
Салкам саккиз миллиардга  
тенг бугун Ер аҳолиси.  
Яйловларни қийратдингу  
бир майса деб хор бўлдинг,  
Дарёларни қуритдингу  
ўзинг сувга зор бўлдинг.  
Салкам саккиз миллиард жонсан,  
айтгил, энди нечуксан?  
Бир зарранинг каршисида  
заррадан ҳам кичиксан!..

Бор-йўқ ҳолинг шу экан-ку,  
бағрингни тил, одамзот,  
Яхшилик қил, Яхшилик қил,  
Яхшилик қил, одамзот!  
Бир-бирингга гўр қазгунча,  
кўчат, ниҳол ўтқазгил,  
Юртинг, ўғил-қизларингга  
ибрат – мақол ўтқазгил!

22.03.2020 й.



## НУСРАТ ДҶХТИР

Нусрат дўхтир ҳажга бормади.  
Қирқ миллёнми, эллик миллёнми,  
Ният қилиб йиққан пулини,  
Ҳалол ишлаб топган пулини,  
Кўп ўйлади, сақлаб қўйди у,  
Бошқа ишга асраб қўйди у.

Тақдир уни кўп бор синади,  
Нусрат дўхтир аммо синмади.  
Меҳри баланд эди ишига,  
Боқмай ҳаёт ғам-ташвишига,  
Ўз касби деб куйиб-пишарди,  
Тонг саҳардан ишга шошарди.

Куз ҳам ўтди, қиш ҳам ўтди-ку,  
Яхши-ёмон иш ҳам ўтди-ку.  
Қўзигуллар ёрарди илдиз,  
Баҳор келди – тенг кеча-кундуз.  
Қирлар яшнаб, яшариб олам,  
Яқинлашди ҳаж мавсуми ҳам.

Ҳеч кимга у кўнглин ёрмади,  
Нусрат дўхтир ҳажга бормади.  
Маҳалла-кўй, гузар, халойиқ,  
Гап топдилар мавзуга лойиқ:  
Балки сарфу харжга бормади,  
Нусрат дўхтир ҳажга бормади.

Меҳнат қилиб ҳаргиз ҳормади,  
Нусрат дўхтир ҳажга бормади.  
Қуруқшаган ариқлар нолон,  
Дўхтир бағрин эзарди ҳар он.  
Ёз пайтида жизғанак боғлар  
Беморлардай бағрини доғлаб...

.....

Бу сафардан кечмоқ осонми?  
Қирқ миллёнми, эллик миллёнми,  
Дўхтир шунча йиққан пулига,  
Эл-улус-чун савоб йўлига –  
Ниятини охир сездирди,  
Бир ажойиб кудуқ қаздирди.

Бир дарё сув тошиб, ярқираб  
Ер остидан чиқди шарқираб.  
Ариқларга жон кирди дарҳол,  
Сано айтди ҳар барг, ҳар ниҳол.  
Эл-улус ҳам етди фаҳмига,  
Дуо қилди дўхтир шаънига.  
Дуо қилди дилдан ҳожилар,  
Ҳаждан қайтиб келган ҳожилар.  
Айвонлари дуога тўлди,  
Дўхтир ҳажга боргандай бўлди.

23.03.2020 й.

## ҲАФСАЛА ФАЛСАФАСИ

Назар сол ҳар ҳолатнинг  
мазмун-моҳиятига,  
Хислатин ўйлаб кўргил,  
боққил хосиятига.  
Шу субҳидам сабо ҳам  
эсмади асли бекор,  
Унинг ҳам умринг аро  
ўз ўрни, ҳикмати бор.

Ҳаёт дарвозаларин  
ланг очмоқда баҳорга,  
Кўнглинг даричаларин  
тўлдирди у ифорга.  
Билсанг ўзингга боғлиқ  
ҳаётинг, ҳалокатинг,  
Шу тонгги насимчалик  
йўқми ё лаёқатинг?..

23.03.2020 й.

## “COVID-19” САБОҚЛАРИ

Вирус нимага ўргатди?

Ҳамма оммага кўрсатди,

Омма ҳаммага кўрсатди,

Ҳамма-ҳаммага кўрсатди:

Одамзот, ҳолинг шу экан,

Бор қийлу қолинг шу экан,

Бор ҳасби ҳолинг шу экан.

Кўрсатди у бир кечада,

Олам учун сир кечада,

Одам зотин фонийлигин,

Инсон умрин онийлигин.

Бор гап ҳам шу:

Аввалига

Ўхшаб олам саволига,

Саволи ҳам заволига,

Бани башар, аҳолига

Ваҳм солиб кўп кўрқитди,

Кўрқитса ҳам хўп кўрқитди.

Вирус нимага ўргатди?

Аввалига хўп ўйнатди.

Ўйнатди ҳам, ўйлатди ҳам,

Ўйлатса-да ўргатди ҳам:

Умринг бир пулга арзимамай,

Бир-биринг гўринг қазимай –

Қадр этмоқни ўргатди,

Сабр этмоқни ўргатди.

Вирус нимага ўргатди?

Энг аввало у кўрсатди:

Бу азалий қонун-қоида,

Ўпишмаслик кони фойда.

Барчани у биратўла,

Катта-кичикми – бирийўла,

Аввал масофадан туриб

Муомалага ўргатди.

Сўнг эса уйда ўтириб

Мутолаага ўргатди.

Ўргатди китоб ўқишга,

Китоб ўқиб ёш тўқишга.

Фикр этишга ўргатди,

Шукр этишга ўргатди.

Вирус нимага ўргатди?

Шошқалоқларни тўхтатди,

Ҳовлиқмаларни ўхшатди.

Тўхтаб туришга ўргатди,

Ўйлаб кўришга ўргатди.

Бир-бирининг орқасидан

Гапирмасликка ўргатди,

Тупурмасликка ўргатди.

Ҳозирча шу илк хулоса,

Бир куни, Худо хоҳласа,

Рўйи замин гулга тўлса,

Турли-туман микроблардан

Одамлар фориғ бўлолса.

Битиб барча каму кўстлар,

Мовий кўзлар, қора кўзлар,

Гаплашамиз яна, дўстлар,

Дардлашамиз яна, дўстлар.  
...Ҳозирча шу. Биз-чи, бизни  
Вирус нимага ўргатди?  
Энг аввало – қўлимизни,  
Энг муҳими – кўнглимизни  
Тоза ювишга ўргатди,  
Тоза юришга ўргатди!..

26.03.2020 й.

## СЕН УЧУН...

*Карантин кунларида*

Қодирийлар, Усмонлару Чўлпонлар  
Зиндонларда ўтиришди сен учун.  
Жангга кетган гулдай-гулдай ўғлонлар  
Душманларни ўлдиришди сен учун.  
Юз йил ўтар.

Ўтар асру замонлар,

Боқар бизга қурбон бўлган ўғлонлар,  
Осмонлардан гирён-гирён Чўлпонлар –  
Абдуллолар, Файзуллолар, Усмонлар,  
Гулдай-гулдай жувонмардлар,  
ўғлонлар.

Гулдай-гулдай жувонмарглар,  
қурбонлар –

Миллат учун жонин бериб ўлпонлар,  
Миллат учун шаҳид кетган ўғлонлар,  
Миллат гули бўлган азиз ўғлонлар.  
Қодирийлар, Усмонлару Чўлпонлар,  
Абдуллолар, Файзуллолар, Усмонлар –  
Зиндонларда ўтиришди сен учун,  
Шу замонни келтиришди сен учун.  
Кўз олдингга келтирмайсан сен нечун?  
Ўз уйингда ўтирмайсан сен нечун?!

27.03.2020 й.

## ИБН СИНО ЎГИТЛАРИ

Сино бобо шундоқ демиш:  
Одамзотга кўп ҳам емиш  
Керак эмас. Сув ва ҳаво,  
Ер ва қуёш – танга даво.

Яна шулким, Сино бобо,  
Аллома ҳам доно бобо  
Демишларки: Катта бойлик –  
Хотиржамлик билан соғлик.  
Сабр қилсанг – бу ҳам соғлик,  
Буёғи ўзингга боғлиқ.

Энг муҳими: ўқув керак,  
Ҳафсала ҳам уқув керак.  
Жаҳолат ва жоҳилликдан  
Бутун умр қўрқув керак.  
Сино бобо – доно бобо,  
Доно бобо – Сино бобо.

Оллоҳ Ўзи билгувчидир,  
Вақт-соатни бўлгувчидир.  
Узоқ яшанг, кўплаб яшанг,  
Ҳар қадамни ўйлаб яшанг.  
Ҳар кимнинг ризқ-рўзи бўлар,  
Ҳар дилнинг ўз сўзи бўлар,  
Яратганнинг кўзи бўлар.  
Буёғини, азиз дўстлар,  
Яратганнинг Ўзи билар.

27.03.2020 й.



## ИТАЛИЯ ДҶХТИРЛАРИ

Италия дўхтирларин кўрдингми сен?  
Кўргандан сўнг  
    ўзингдан ҳол сўрдингми сен?  
Ўзингдан ҳол сўргандан сўнг,  
    билдингми сен,  
Уйқунг келмай, юрак-бағринг тилдингми сен?  
Италия дўхтирларин юзига боқ,  
Ниқобларнинг ариқ-ариқ изига боқ.  
Юзига боқ,  
    қайта-қайта юзига боқ,  
Мунглуғ-мунглуғ нигоҳлари  
    кўзига боқ,  
Жанггоҳлардан чиққандайин бечоралар,  
Ҳорғин-ҳорғин, сўлғин-сўлғин дилпоралар –  
Улар бугун тонг саҳарда жангдан чиққан,  
Жон талашган ҳар бир жисму тандан чиққан.  
Чуқур ботган кўзларидан минг-минг бемор  
Боқар эди умидвор ҳам зору ночор.

Италия дўхтирлари, маъюс жонлар,  
Тирик туриб бергандайин кўп қурбонлар,  
Бутун олам ётгандайин сакаротга –  
Бу нигоҳлар сўйларди бор одамзотга:  
Айтмангизким,  
    биз жой ва ё нон талашдик,  
Жон талашдик,  
    ҳар жон узра жон талашдик.

Эй, одамзот,  
бир-бирингга дилхоҳ бўлгин,  
Инсон бўлсанг,  
ўз ҳолингдан огоҳ бўлгин!..

Интернетда бу сурат тез тарқаб кетди,  
Бир кечада олам куйиб,  
қақраб кетди.  
Бу суратга қараб бағринг  
тиғлайдурсан,  
Одам бўлсанг –  
йиғлайдурсан, йиғлайдурсан.  
Бу балони Ўзинг биздан даф қил дебон,  
Ўзинг гумроҳ бандаларинг афв қил дебон,  
Куймасин деб хонумони, уй-капаси –  
Тонгга қадар йиғлаб чиқди Рим Папаси.  
Бунга боқиб сен ҳам бағринг тиғлайдурсан,  
Одам бўлсанг –  
йиғлайдурсан, йиғлайдурсан.

Одам зоти бугун барча бир кемада,  
Ҳалокатли,  
фалокатли,  
сир кемада –  
Англадингми умринг оний чақинлигин,  
Ибтидонгдан интиҳойинг яқинлигин?  
Дантедайин зотлар берган қадим диёр,  
Қадим диёр,  
илоҳий ҳам азим диёр –  
Англадингми –  
нечун хору абгор қолди?  
Бир дард узра бунча зору ночор қолди?  
Англадинг гар,  
сен ҳам бағринг тиғлайдурсан,

Тонгга қадар йиғлайдурсан,  
йиғлайдурсан.

Эй одамзот, юзинг бир кун ёруғ бўлар,  
Рўйи замин дарду ғамдан фориғ бўлар.  
То унгача хулоса қил,

олгил сабоқ,

Италия дўхтирларин юзига боқ,  
Ниқобларнинг ариқ-ариқ изига боқ.  
Юзига боқ,

мунглуғ-мунглуғ кўзига боқ.

Шулардирлар улуғ жангнинг огоҳлари –  
Италия дўхтирларин нигоҳлари.  
Одам бўлсанг,

сен ҳам буни илғайдурсан,

Бағринг тиғлаб йиғлайдурсан!

Йиғлайдурсан!..

... Раҳм қилгил шу майсадай жуссаларга,  
Дучор қилма балоларга, ғуссаларга.  
Ўзинг асра барчамизни, Худовандо!  
Худовандо, Ўзинг асра, Ё Раббано!..

28–29.03.2020 й.

## ШИФОКОРЛАР ЖАНГ МАЙДОНИДА

Юз минг дўхтир сафарбардир.  
Юз минг дўхтир!  
Нокасларга балки бунинг фарқи йўқдир.  
Кимга бунинг фарқи йўқдир –  
қалби йўқдир.  
Улар ўйлар: бизга бунинг  
хавфи йўқдир.  
Юз минг дўхтир сафарбардир.  
Юз минг дўхтир!

Президент айтди у кун:  
Мамлакатлар,  
Манман деган мамлакатлар,  
эллар, халқлар,  
Чора топмай, бас келолмай,  
тўкиб ашқлар,  
То бизни ҳам маҳв этмай  
бу хавфу хатар –  
Юз минг дўхтир сафарбардир.  
Юз минг лашкар!

Биз шунчаки бир халқ бўлиб  
юрмаганмиз,  
Не-не жабру ситамларни  
қўрмаганмиз.  
Бекор ўзни ўтга-чўгга  
урмаганмиз,

Ҳар беморнинг юз-қўзида  
ишонч балқар,  
Тирикликдан токи умид –  
нишон балқар.  
Юз минг дўхтир жангга кирар.  
Юз минг лашкар!

Не-не доноларни берган чексиз диёр,  
Ибн Синоларни берган тенгсиз диёр.  
Жамлаб жами жадвал,  
тартиб-қонунларин,  
Одамзотга бахш этган  
“Тиб қонунларин”.  
Билгай буни Париж, Румо,  
Ҳинду Қашқар,  
Юз минг дўхтир жангга кирар.  
Юз минг лашкар!

Шу қадим юрт – ота-бобонг маконидир,  
Буқун миллат соғлиги –  
жанг майдонидир.  
Зое кетмас аждодларнинг таълимлари,  
Эй элимнинг Сиз Луқмони  
ҳакимлари!  
Шаштингиздан юз минг жону  
дилим қалқар –  
Юз минг дўхтир жангга кирар,  
Юз минг лашкар!

Юз минг лашкар, яна шунча  
дову дастга,  
Миллён-миллён қўлқоплару  
ниқоб-маска.  
Жангчилардай сафарбардир,

шифокорлар,  
Шифокорлар – садоқатли фидокорлар.  
Сариштакор фаришталар – ҳамширалар,  
Ҳамширалар – фаришталар парипайкар,  
Юз минг лашкар жангга кирар,  
Юз минг лашкар!

Бутун дунё букун буюк  
жанггоҳ эрур,  
Ғолиб улдир – қай эл хушёр,  
огоҳ эрур.  
Замин узра одамзот хор,  
уюм-уюм,  
Рўйи Замин – сенинг уйинг,  
менинг уйим.  
Битсам агар шеърга тўлар  
юз минг дафтар,  
Юз минг лашкар жангга кирар,  
Юз минг лашкар!

Йиғиштирдик не дабдаба, асъасадир,  
Виждон бизга бугун қурол-аслаҳадир.  
Бепарволик – хиёнатдир миллат учун,  
Халқу Ватан миллат бўлар кундир буқун.  
Фосиқ каслар фаҳм этмай  
бошин қашлар,  
Юз минг аскар жангга кирар,  
Юз минг лашкар!

Ўз жонингиз қўйиб хавфу хатарларга,  
Сиз кирдингиз жиддий жангу жадалларга.  
Яратгандан бордир менинг  
сўрорларим:  
Соғ бўлсинлар, омон бўлсин беморларим,

Беморларим узра Сиздай бедорларим!  
Соғ бўлсин деб бутун олам,  
                        халқу башар,  
Юз минг лашкар бошлаб кирар  
                        юз минг аскар!  
Юз минг лашкар жангга кирар,  
                        Юз минг лашкар!

*29–30.03.2020 й.*

## ДАВЛАТ КЕТМАГАЙ

Сўз мулкида,  
шеър мулкида султонлар –  
Жаҳонгирлар, оламгирлар, хоқонлар.  
Салтанатда арбоблару аъёнлар,  
Эл бахтини омонликда кўргонлар,  
“Шифоия”, “Халосия” қурганлар.

Элга дилсўз, элга жонсўз бобомиз,  
Улус бирлан бир қошу кўз бобомиз.  
Алишербек бобомиз, ўз бобомиз –  
Бор давлатин эл-улусга бурдирган,  
Хонақоҳлар, мадрасалар қурдирган.

Устод Мирхонд ё Хондамир айтсинлар,  
Қилинмагай тарих таҳрир, айтсинлар.  
Эл ғамини емоқ надир, айтсинлар:  
Тарих чархин элга қараб юрдирган,  
“Ихлосия”, “Низомия” қурдирган.

Яна қанча боғу роғу, йўл-работ,  
Гузарлару кўча-кўй ҳам маҳаллот.  
Мамлакат гар обод бўлса, эл ҳам шод,  
Қанча зору ночорларни тўйдирган,  
Эл кўнглида иншоотлар қурдирган.

Бир баҳона, мен мозийни эсладим,  
Мир Алишер Навоийни эсладим.



Бир бобомда шунча ранжу меҳнатлар,  
Элга меҳру вафойини эсладим.  
Жаҳонгирлар, оламгирлар, хоқонлар,  
Сўз мулкида соҳибқирон султонлар.

Асрларнинг кафтига кафт қўйганлар,  
Ҳар бир ғиштга кафт билан тафт қўйганлар,  
Шаҳарларни кафтида даст қўйганлар  
Давру замон шиддатларин бурганлар,  
Янги давру, янги замон қурганлар.

Оққан дарё оққай, офат етмагай,  
Шул замонга бир талофат етмагай.  
Давлат бердинг, шавкат бердинг, Худойим,  
Шу давронга зиён-заҳмат етмагай.  
Айтаберсам, Жайхундарё етмагай,  
Шу элимга келган давлат кетмагай,  
То дунё бор – шаъну шавкат кетмагай.

1.1.2020 й.

## УМУММИЛЛИЙ, УМУМБАШАРИЙ

Бу вирус дунё учун  
                                умумхатарий вирус,  
Бир эл ё элат эмас –  
                                умумбашарий вирус.

Чек кўйинг ҳар қандайин  
                                бекорчи издиҳомга,  
Риоя айланг, дўстлар,  
                                умумий интизомга.

Ҳар қандай балонинг ҳам –  
                                Ер ё кўк тоқидадир,  
Даф этмоқнинг илк шарти –  
                                тартиб ҳам қоидадир.

Оралиқдаги маълум  
                                масофани сақлангиз,  
Бир-бирингиз авайлаб,  
                                эъзозлангиз, асрангиз.

Одам бўлсангиз агар  
                                одамзотга суйкалманг,  
Меҳрингиз ичга ютинг,  
                                чучкирманг ҳам йўталманг.

Ҳал бўлди минг йил аввал  
                                келган бир топишмоқ ҳам,  
Кўришмоқ мумкин эмас,  
                                мумкинмас ўпишмоқ ҳам.

Энг аввало тинчлик ҳам  
хотиржамлик пеш эрур,  
Бир инсоннинг соғлиги  
умуммиллий иш эрур.

Бизда меҳру оқибат  
азал умумийликдир:  
Бахт ҳам – умуммиллийдир,  
дард ҳам умуммиллийдир.

Ҳар уй, ҳар хонадонда  
илм зиёсин асранг,  
Боболар, момоларнинг  
шарму ҳаёсин асранг!

Тошкентнинг қоқ бағрида  
умуммиллий боғим бор,  
Қодирий, Чўлпонлардай  
менинг миллий доғим бор.

Умуммиллий жаҳолат  
босганда мамлакатни,  
Бу инсонлар қутқарган  
миллат ҳам маърифатни.

Олам аҳли бошига  
тушган бу хавф ногаҳон –  
Барча миллатлар учун  
умуммиллий имтиҳон.

Дунёнинг ғам-кулфатин  
бирга-бирга тортиб-да,  
Биз букун яшолмаймиз  
якка-якка тартибда.

Бу офат ўйлантириб  
қўйди бани одамни,

Оламини ажратди ҳам  
бирлаштирди оламини.

Қитъаларни бир кунда  
гўё ҳибс этди у,  
Давлатларни беркитиб,  
халқларни жипс этди у.

Энг оғир кунларда ҳам,  
она юртим, онажон,  
Ўйладингми сен ахир  
ўз жонингни бир замон?

Бобо қуёш ҳам ҳатто  
олам аҳли тарафдир,  
Дардингга малҳам бўлмоқ  
умуммиллий шарафдир.

Тинч бўлсин ҳам мусаффо,  
ложувард ҳам нурафшон,  
Бошинг узра тоабад  
умумбашарий осмон.

Умуммиллий бир хабар,  
жаҳоний бир хушxabар,  
Бир саҳар Ер юзига  
тарқалмоғи муқаррар:

Яна бир ҳалокатдан  
халос бўлди одамзот,  
Ҳаёт давом этади –  
умумбашарий ҳаёт.

24.03–27.04.2020 й.

## ШУ КУНЛАР ҒАЗАЛИ

Ватанга эътиқодинг ҳам  
шу кунларда билингайдир,  
Садоқат ҳам, саботинг ҳам  
шу кунларда билингайдир.

Ватан сидқу вафо истар,  
ким ул – сайру сафо истар?  
Сиёфинг не, сифотинг ҳам –  
шу кунларда билингайдир.

Элинг бошига иш тушмиш,  
мисоли ёзда қиш тушмиш,  
Сиротинг, пулсиротинг ҳам  
шу кунларда билингайдир.

Жаҳонда дўстларинг бисёр,  
элингдан қўймасин зинҳор,  
Надир чин дўсту ётинг ҳам –  
шу кунларда билингайдир.

Элинг не бўлса шулдирсан,  
агар гул бўлса – гулдирсан,  
Билингай фикру ёдинг ҳам,  
шу кунларда билингайдир.

Ўғил ҳам қизларинг ширин,  
улар ширин – умр ширин,

Асал қанду наботинг ҳам  
шу кунларда билингайдир.

Сенга шундоқ чаман бермиш,  
ғурур отлиғ саман бермиш,  
Надир зурёту зотинг ҳам,  
шу кунларда билингайдир.

Гўзалдир асли Халлоқинг,  
гўзал тут хулқу ахлоқинг,  
Ёмон ҳам, яхши отинг ҳам  
шу кунларда билингайдир.

На мудроқсан, на бедорсан,  
эшит такрору такрор сан:  
Имонинг, эътиқодинг ҳам  
шу кунларда билингайдир.

Аё шоир, элинг айтар:  
балони Сўз билан қайтар,  
Надир шеъру баётинг ҳам –  
шу кунларда билингайдир.

Ватан – шавкатли давронинг,  
Худо бўлсин ниғаҳбонинг,  
Ҳаётинг ҳам, нажотинг ҳам  
шу кунларда билингайдир!

7-10.04.2020 й.

## **БИРИНЧИ ҲАМЛА. БИРИНЧИ ЗАРБА. ШИФОКОРЛАР**

Оламда қанчалар разолат аро,  
Сонсиз ҳалокату касофат аро.

Шунча кийну ҳасад, адоват ичра,  
Қанча қабоҳату жаҳолат ичра –

Биринчи ҳамлани дўхтирлар олди,  
Бутун олам шу тун “дўхтирлаб” қолди.

Бунчалар баттолсан, биринчи ҳамла,  
Қаттолсан, қаттолсан, биринчи ҳамла!

Амриқо, Оврупо, Чин-Мочинми ё,  
Ёлғон очунми ё чин очунми ё –

Қуртдан чиқдимми ё кўршапалақдан,  
Дунё бир сесканди зўр шапалоқдан!

Бу жангда ким бергай энг кўп талафот?  
Жаҳолат ютгайми ва ё одамзот?

Олам то бу офат фаҳмига етди,  
Илк зарба табобат аҳлига етди.

Балою қазога зирху қалқонлар,  
Биринчи зарбани қайтарган жонлар.

Шу жангнинг биринчи қаҳрамонлари,  
Тик туриб жон берган илк қурбонлари!

Гиппократ қасами Авиценнага –  
Тўғри келгандайин бир вакцинага,

Сиз доим ҳамдардлик тарафдорисиз,  
Инсонийлик номин шарафдорисиз!

Балонинг шаштини тўхтатолганлар,  
Бўйнини қайириб, нўхта солганлар –

Сиз башар авлодин қиз-ўғлонлари,  
Сизгадир оламнинг шараф-шонлари!

Гоҳ ҳужум, гоҳида қамал ҳолатда,  
Бурчни бажардингиз ҳамма ҳолатда –

Бурчни бажардингиз покиза, ҳалол,  
То дунё тургунча топмангиз завол!

Гиппократ қасамин жойлаб сийнага,  
Сиз таъзим қилгансиз Авиценнага!

*13–14.04.2020 й.*



## ЯНГИ ҲАЁТ ҚАСИДАСИ

... Биз эскича яшолмаймиз.

Шартлар қўяр кескин ҳаёт.

Ким кўрибдир бу дунёда сокин ҳаёт,

таскин ҳаёт.

Азал-абад эскилик ҳам янгиликнинг

жанги ҳаёт,

Доим ғолиб-музаффардир

Янги ҳаёт, Янги ҳаёт.

Жон Ватаним, олам кезиб

топмадим сен тенги ҳаёт,

Қутлуғ бўлсин, ватандошлар,

Янги ҳаёт, Янги ҳаёт!

Бу дунёда кўклам гарчи ёзу қишдан

кейинроқдир,

Янги ҳаёт қурмоқ асли

барча ишдан қийинроқдир.

Янги ҳаёт, осмонўпар биноларинг

бунча кўркам, бунча кўркам,

Бунча кўркам қадду бастинг,

янги ўлкам, янги ўлкам!

Ерга тушмиш гўё мовий

осмонларнинг ранги ҳаёт,

Баҳор янглиғ уфургайдир

Янги ҳаёт, Янги ҳаёт!

Янги замон қурмоқ асли  
мард зотларга буюргайдир,  
Бу давронлар янги-янги  
авлодларга буюргайдир.  
Йигирма минг хонадонда  
чироқ ёнса бир кечада,  
Юз минг кўнгил зиёсини  
қўргайдирсиз бир кўчада.  
Янги ҳаёт айвонларинг бунча ёруғ,  
Янги ҳаёт,  
Эл кўнгли ҳам шунча ёруғ,  
шунча ёруғ, Янги ҳаёт!

Янги даври Янги замон. Янги ҳаёт.  
Янги онг,  
Шаҳар узра ёришмоқда янги сахар,  
янги тонг.  
Жону таним, онажоним, жон Ватан,  
жон Ватаним,  
Янги тонгдай янгиланур жон-танним,  
жон ва танним.  
То бор экан Эзгулик ҳам ёвузликнинг  
жанги, Ҳаёт,  
Доим ғолиб-музаффардир  
Янги ҳаёт, Янги ҳаёт.  
Доим ғолиб-музаффардир  
мангу ҳаёт, мангу ҳаёт.

1.1.2020 й.

## “КИТОБХЎР ШАЙХ”

*Устоз Маҳмуд Саъдийга*

Даври ўтди не зотлару турфа зўрларнинг,  
Зари бору, зўри бору – қалби кўрларнинг.  
Ошхўрлару бошхўрлардан фарқли ўлароқ  
Бу камтар зот пири эди китобхўрларнинг.

Устоз Асқад Мухтор уни “шайх” деб алқаган,  
Яхши китоб кўрган они – офтоб балқиган.  
Шу китобни токи қўлга киритмагунча –  
Неча бора дунё тугаб, олам қалқиган.

Кимлар бойлик йиғди, зарҳал, кимхоб тўплади –  
Ўз жонига билмас ранжу азоб тўплади.  
Бу тинмас жон дўконлару расталар аро  
Китоб йиғди, бутун умр китоб тўплади.

Биз ҳам сўз деб ҳар кўчага чопганларданмиз,  
Сўз чангидан дилга чопон ёпганларданмиз.  
Шайх Саъдийдан тополмаган пандларимизни  
Маҳмуд Саъдий муаллимдан топганларданмиз.

Гувлар эди тун-кун дунё божхоналари,  
Ярқирабон кўркам қасру кошоналари –  
Зар-тиллога кўмилдилар кимлар, бу зотнинг  
Китобларга тўлди уйлар, ошхоналари.

Нур-зиёдир, хур зиёдир таълим-тарбият,  
Шулдир асли маънавият, миллат, қадрият.  
Умр бўйи китоблардан қўрғон тиклаган,  
Сиздай зотлар бор экан то – ўлмас маърифат.

Демак, устоз, бор бўлсин юрт ҳам элларингиз,  
Эранларга хос тилингиз, кенг феълларингиз.  
Қўлингиздан тушмасин ҳеч, яшасин доим  
Китоб тўла садоқатли портфелларингиз!

*18.07.2019 й.*

## ШЕЪРИЯТ

Бунчалар улуғсан,  
Оддий шеърият.  
Сен илоҳийсан, биз  
Моддий, шеърият.

Сен – муҳаббат кўшки,  
Ишқнинг айвони.  
Кўнгил билан руҳнинг  
Мовий осмони.

Гул рангли, дил рангли,  
Сен – янги ҳаёт.  
Сен мангу ҳаётсан,  
Сен – мангу ҳаёт.

Сен – ошиқ дилларга  
Азалий она.  
Мангу ҳикматдирсан  
Ясравиёна.

Сен – безавол гулшан,  
Мангу яшил боғ.  
Қанча шоир ўтди  
Юраклари доғ.

Улар олам юзин  
Ҳайрон этдилар.

Кўнгил қони бирлан  
Алвон этдилар.

Кўкларни тўлдирган  
Оҳларга қуллуқ.  
Навоийни суйган  
Шоҳларга қуллуқ.

Токи бу чаманзор  
Гулдир, райҳондир,  
Қанча Бобурларинг  
Барги хазондир.

Огаҳийларингдир  
Огоҳ ёрларинг.  
Оллоҳ ёр бўлган Сўз  
Оллоёрларинг.

Ватан деб чекдилар  
Ранжу ғурбатлар –  
Кетди қанча Машраб,  
Қанча Фурқатлар.

Куйди, куяверди,  
Юлдузлар куйди.  
Усмон Носир кетди,  
Гул сўзлар куйди.

Тоабад кўзлари  
Гирёнларингдир –  
Жувонмарг, лек сўнмас  
Чўлпонларингдир.

Яшаб юрибди-ку  
Қанча мурдорлар.  
Кетди Шавкат Раҳмон,  
Асқад Мухторлар.

Бир элнинг кўзини  
Ёшлади-кетди.  
Муҳаммад Юсуф ҳам  
Ташлади-кетди.

Бу шеърни ёзмоққа  
Бормади қўлим.  
Эй сен, гўзал ҳаёт,  
Эй, гўзал ўлим!

Юлдузлардан келар  
Дил уришлари.  
Тингланг, бу дунёнинг  
Сўзфурушлари:

Ким сўз деб нафсига  
Нон берар фақат.  
Ҳақиқий шоирлар  
Жон берар фақат.

*2001–2020 й.*

## ЭВАЗ

Ёқамни қўйвор шеър,  
Ёқамни қўйвор!..  
Сени қони билан  
боққанни қўйвор,  
Дилу жони билан  
боққанни қўйвор,  
Ёқамни қўйвор, шеър,  
Ёқамни қўйвор!..

Фарзанд бўлдимми мен ҳам?  
Дилбанд бўлдимми мен ҳам?  
Сени суғордим мен  
бардошлари билан,  
Онамнинг кўз нури,  
кўзёшлари билан,  
Сенга зиё бердим,  
нур бердим сенга  
Онамнинг оқарган  
сочлари билан.

Гуллик фаслим ўтди,  
Турлик йил ўтди,  
Мана, салкам эллик  
йил ўтди.  
Бетлардаги ариқлари  
айтсинлар,  
Тўқсон йиллик ажриқлари  
айтсинлар.



Айтсин ғўзабаргдай  
дил титроқлари,  
Ғўзапоя янглиғ  
қўл, бармоқлари.  
Йўлига қаратиб  
қўйганни қўйвор,  
Кўнгил хонумони  
қуйганни қўйвор!  
Ёқамни қўйвор, шеър,  
Ёқамни қўйвор!..

Фарзанд бўлдимми мен ҳам?  
Дилбанд бўлдимми мен ҳам?  
Дунёда энг яқин  
жигарларини,  
Опалари, сингилларини,  
Энг улуғ зот деганларини –  
Ўз онаси – муштипарини  
Тириклай куйдириб  
ёққанни қўйвор,  
Дарду армон билан  
боққанни қўйвор,  
Ёқамни қўйвор, шеър,  
Ёқамни қўйвор!..  
Мана, бир жизғанак  
юрак сенга,  
Қовурилган, совурилган  
юрак сенга.  
Яна нима керак сенга!  
Яна нима керак сенга!..

30.11.2019 й. – 16.08.2020 й.

## ЖАҲЛГА ЭРК БЕРМАНГ, ОДАМЛАР

*Шифокор Анвар Ражабов нақли*

Одамлар-о, одамлармисиз,  
Тоғда пишган бодомлармисиз?  
Тоғда пишган бодомлар ҳам сиз,  
Боғда пишган бодомлар ҳам сиз.  
Қаҳр отин сурманг, одамлар,  
Дўхтирларни урманг, одамлар.

Бу дунёда ранжу азоб бор,  
Қанча ғайру, қанча ғазаб бор.  
Бир лафзимдан мен ҳам қайтайин,  
Устозларим нақлин айтайин:  
Жаҳлга эрк берманг, одамлар,  
Дўхтирларни урманг, одамлар.

Кимлардадир нон талвасаси,  
Кимда ному шон талвасаси.  
Энг ёмони, жон талвасаси,  
Сизда эса қон талвасаси,  
Ярим тунда келса ёрдамлар...  
Дўхтирларни урманг, одамлар.

Инсон бўлмоқ – саодат ҳар дам,  
Ўз элингга садоқат ҳар дам.  
Бу дунёни фақат ва фақат.  
Қутқаролур меҳр ва шафқат  
Шу дамлардир – номус-ор дамлар,  
Дўхтирларни урманг, одамлар.

Қариндош деб куйганларингиз,  
Йўлига кўз тикканларингиз,  
Туғишган ҳам туққанингиз ҳам,  
Ухлаб ётар, донг қотган бу дам.  
Андишага бурманг, одамлар,  
Дўхтирларни урманг, одамлар.

Ким югурсин дўхтир югурмай,  
Ўз онаи зорин бир кўрмай.  
Ўз уйига кириб улгурмай,  
Болаларин ўпиб ўргулмай,  
Етиб келди – илдам қадамлар,  
Дўхтирларни урманг, одамлар.

Шифокорлик – асли матонат,  
На роҳат бор ва на фароғат.  
Олтмиш йил ҳам умр кўрмаган  
Ибн Сино бунга кафолат.  
Олам бир малҳамга зор дамлар,  
Дўхтирларни урманг, одамлар.

Азал ота-боболар юрти –  
Гўзал хулқу одоблар юрти.  
Миллат кўрки, мамлакат кўрки –  
Гўзал хулқли одамлар мулки.  
Ҳаёт давом этар абадий,  
Қисқартирманг уни асабий.  
Кўл кўтариб шифокорларга –  
Айланмангиз жафокорларга.  
Ҳақларига айланг дуолар,  
Дуоларга тўлсин дунёлар.  
Оллоҳ Ўзи элга ёр дамлар,  
Дўхтирларни урманг, одамлар.

16.08.2020 й.

## ОГОҲЛИК ТАЛҚИНИ

Кўринмас душманлар биз билан бирга,  
Улар доим қасди жонимиздадир.  
Гўё дахлдордай ҳар бир тақдирга –  
Ҳар кун, ҳар соатда ёнимиздадир.

Уйғоқ ҳар бир кўнгил уларга душман,  
Қадрдон ошноси – ҳар мудроқ юрак.  
Улар бу борада жиддий уюшган,  
Уларга лоқайд ва мудроқлар керак.

Фарқи йўқ кекса-ёш, эркакми, аёл –  
Бани одамзотга алами бордай:  
Дунёда сиҳатлик топсин дер завол,  
Тириклик ётсин дер хаста бемордай.

Мўлжал-муддаоси – тўсиқсиз ҳар қалб,  
Илму маърифатсиз ҳар мия бўлган.  
Шундоқ тарқаб-тарқаб, бир-бир эгаллаб,  
Охир келиб катта армия бўлган.

Кибру манманликнинг мавжлари аро  
Қай лаҳза лоқайдлик лангар ташлагай –  
Билингки, бу душман эмас бепарво,  
Бу душман шу заҳот лашкар ташлагай.

Лашкар эса ҳеч вақт бехатар бўлмас,  
Дилларга ин қурган махсуслари бор.

Ҳасад, риё отлиғ яшовчан, ўлмас,  
Жаҳолат сингари жосуслари бор.

Кўриб тургайдирсан дўсту ёрингни,  
Ганим гар одамдир – кўриб тургайсан.  
Билмасанг, сезмасанг зўр ағёрингни,  
Бошинг қайга олиб, қайга ургайсан?..

Уруш пайтидаги танг ҳолат янглиғ  
Жанг кетар шафқатсиз, тун-кун, беомон.  
Маҳв этар кўринмас қабоҳат янглиғ,  
Бу душман ёмондир, бу душман ёмон!

Қондош-қариндошинг қаршингдаги-ю,  
Кам-кўстинг хизматинг, ишингдагидир.  
Ташингдаги душман ташингдаги-ю,  
Ичингдаги душман ичингдагидир.

Ер юзин забт этиб олмоқдан аввал,  
Эринчоқ элларни қилгайдир ишғол.  
Онгу тафаккурин айлабон қамал,  
Кулфат ёғдиргайдир, ёғдирар завол.

Қасри бунёдингни емиргай ногоҳ,  
Кейин наф келтирмас сўнгги пушаймон.  
Эй инсон, огоҳ бўл, огоҳ бўл, огоҳ,  
Бу душман ёмондир, бу душман ёмон!

Билгилки, ҳар соат, ҳар лаҳза, ҳар дам,  
Лоқайд бўлмоқликка ҳаққимиз йўқдир.  
Қайта яралмагай Ватан ва одам,  
Бизнинг бошқа элу халқимиз йўқдир.

Оламда жанг кетар пинҳон ва узоқ,  
Шайтон ҳам шайланиб шимармоқда энг.

Бундай пайт иғвою бўҳтон тарқатмоқ,  
Халқингга хиёнат қилмоқ билан тенг.

Ҳақ йўли бир бора ўтилгай дебон,  
Қурбон бўлиб кетган Чўлпонлар ҳаққи,  
Янги замон қурмоқ эмасдир осон –  
Мард ва матонатли инсонлар ҳаққи,

Азиз шифокорлар, ҳорғин юз-кўзлар,  
Тунлар мижжа қоқмай қақраганлар – сиз,  
Жон олиб, жон бериб ҳар бемор узра,  
Миллат соғлигини сақлаганларсиз.

Сўнмагай оламда меҳру вафо ҳам  
Одамзод қалбининг нур, зиёлари.  
Огоҳ ҳар бир элни асрар Оллоҳ ҳам,  
Асрагай азизу авлиёлари.

Кўринмас душмандир гар бало, офат,  
Уйғоқ юраклардир – уйғоқ посбонлар.  
Манзилга еткизгай соғ, беталофат –  
Уйғоқ карвонларни уйғоқ сорбонлар.

Ҳушёр бўл, замондош.

Уйғон, замондош!

Мард зотлар ҳикмати бизга бўлсин ёр.  
Чунки ортимизда – жигардош, жондош  
Она Ўзбекистон – бедор Ватан бор!

21–23.07.2020 й.

## ИНСОНИЙЛИК ЁРДАМИ

Бу оламдир – одамийлик олами,  
Бу оламдир – меҳру шафқат олами,  
Сиз дейсизки – дарду ҳасрат олами,  
Мен дейманки – меҳру шафқат олами.  
Инсонпарварликдир бунинг бир номи,  
Меҳрпарварликдир лутфу каломи.

Бир миллатнинг бошига иш тушганда,  
Ёз палласи ногаҳон қиш тушгандай –  
Оғир юмуш, қийин ташвиш тушганда,  
Бир удум бор – азалий ва қадимий,  
Бир удум бор – инсонийлик удуми,  
Етиб келар инсонийлик ёрдами.

Бандалармиз барчамиз ҳам бир Ҳаққа,  
Ул Қаҳҳор ҳам ул Қодири барҳаққа,  
Бир занжирдан туташ кетган бир ҳалқа.  
Имдод бермоқ керак демак бир халққа.  
Ғаниматдир ҳар одамнинг ҳар дами,  
Бир удум бор – инсонийлик ёрдами.

Оғир кунда бир-бировни ёд этмоқ,  
Ёд этмоқ не – амалда исбот этмоқ,  
Исбот этмоқ, демакким имдод этмоқ,  
Қандай бахтдир – бир кўнгишни шод этмоқ,  
Бу демакким, Каъбани обод этмоқ,  
Бир элатнинг бир меҳрга зор дами,  
Ёрдам келар – инсонийлик ёрдами.

Бутун бошли мамлакатлар, давлатлар,  
Турган эди солиб ваҳму даҳшатлар,  
Босдими ё ногаҳоний ғафлатлар,  
Билди тушгач ўз бошига кулфатлар.  
Ҳамдард бўлди оламнинг бор одами:  
Ёрдам керак – инсонийлик ёрдами.

Одам Ато, Момо Ҳаво зурёди –  
Салкам саккиз миллиард жондир авлоди,  
Барбод бўлиб турса қасри бунёди,  
Офат ичра қолиб борлиқ ҳаёти,  
Олов пуркаб турса аждаҳор дами,  
Ёрдам келар – инсонийлик ёрдами.

Сиз дейсизки – дарду ғурбат олами,  
Мен дейманки – меҳру шафқат олами.  
Сиз айтасиз – ранжу заҳмат олами,  
Мен дейманки – раҳму шафқат олами.  
Одамийлик то бор экан одамда –  
Олам ҳаргиз тугамагай оламда!..

18.08.2020 й.



\* \* \*

*“Туронбанк” – 30*

Амир Темур бобо тангаларида  
Қанча давру замон,  
қанча сурон бор.  
Мозийнинг тамаддун ғазналарида  
То бу тангалар бор – мулки Турон бор.

“Бизким, мулки Турон...” демоқлик – шараф.  
Асрлар қаъридан узукларидай,  
Олтин сўзларидай ярқирар бу гап  
Ҳазрат Соҳибқирон тузукларида.

Олам обод эрур тижорат билан,  
Куч – адолатдадир, адолатдадир.  
Давлат устувордир сиёсат билан,  
Эл-юрт саодати – саховатдадир.

Янги замонларнинг миқёс-шитобин  
Қай бир халқ бизчалик чамалаб кўрган:  
Бугунги дунёнинг ҳисоб-китобин  
Асли Ал-Хоразмий рақамлаб берган.

Жаҳон бозорида қанча сурон-жанг,  
Ҳар мулкдор – унинг зўр кабирасидай.  
Кучга тўлиб турмиш мана, “Туронбанк” –  
Амир Темур бобо набирасидай.

24.08.2020 й.

## ТИЛ ВА МИЛЛАТ МАҚОМИ

Бу дунёда миллат бўлса – давлат яшар,  
Давлат бўлса – бу дунёда миллат яшар.  
Давлатинг бор – миллатинг бор агар билсанг,  
Миллатинг бор – давлатинг бор асрай билсанг.  
Ёфас боболардан ёдгор хилқатимсан,  
Она тилим, миллатимсан, давлатимсан.

Тошбитиклар пойин ўпган Энасойлар,  
Сойларингда кокил ювган Момо ойлар.  
Кўнглим аро уч минг йиллик авжларинг бор,  
Уч минг йиллик жавлонларинг, мавжларинг бор.  
Уч минг йиллик қоялардай қудратимсан,  
Миллатимсан, она тилим, давлатимсан.

Оқ фотиҳа сўраб бордим қошларига,  
Оқ тоғларим ўхшар бобом Кошғарийга.  
Ким дунёга келиб фақат дунё бузган,  
Боболарим менинг сўздан дунё тузган.  
Дунёларга далолатим, тилхатимсан,  
Она тилим, тожу тахтим, давлатимсан.

Ҳеч бир авлод ўзи шундай бино бўлмас,  
Ўз-ўзидан Беруний ё Сино бўлмас.  
Ер юзига ҳикмат экдинг аробийда,  
Қанча илму урфон бордир Форобийда.  
Жаҳолатга қарши мангу даъватимсан,  
Миллатимсан, она тилим, давлатимсан.

Сўз мулкида султонликни бола шерга –  
Лутфий бўлиб лутф этган зот Алишерга.  
Самарқандсан – буюкларга бешик бўлган,  
Маънавият дунёсига эшик бўлган.  
Олам аҳли аро ҳамон ҳайратимсан,  
Она тилим, миллатимсан, давлатимсан.

Бобур Мирзо соғинган ул қовунлардай,  
Қолиб кетдинг не-не довул қуюнларда.  
“Бобурнома” нг жабрноманг бўлди сенинг,  
Ҳар номанг бир сабрноманг бўлди сенинг.  
Авлодларга мангу мерос дастхатимсан,  
Миллатимсан, она тилим, давлатимсан.

Ёддан чиқмас Қодирий ҳам Чўлпонларинг,  
Жонлар бериб тўлаб кетган ўлпонларинг.  
Адабиёт яшаса гар – миллат яшар,  
Миллат яшар – Адабиёт яшаса гар.  
Авлонийсан, Беҳбудийсан, Фитратимсан,  
Давлатимсан, она тилим, миллатимсан.

Янги даври давронимсан десам ҳақдир,  
Бир юз ўттиз тўрт миллатга ўзинг тақдир.  
Янграб кетди томирларим, жону дилим,  
Олам узра янграганда она тилим.  
Миллатларни бирлаштирган миллатимсан,  
Давлатимсан, она тилим, давлатимсан.

Ҳар қизинг, ҳар болангни мен болам дедим,  
Болам дедим, бағримдаги лолам дедим.  
Ай болам-ай, қанду асал тилларингдан,  
Тилларингдан айланайин, тилларингдан!  
Бу дунёда қолар меҳру шафқатимсан,  
Давлатимсан, она тилим, миллатимсан.

Давру замон шиддатлидир – ортга қайтмас,  
Инсон умри меҳнатлидир – сайру гаштмас.  
Ватан ватан бўлгайму биз жон чекмасак,  
Жондан кечиб, заҳматин ҳар он чекмасак.  
Янги азму шижоатим, шиддатимсан,  
Давлатимсан, она тилим, миллатимсан.

Тасанно деб ёзган эдим, яна ёзай,  
Ёниб ёзай, кеча-кундуз ёниб ёзай:  
Шавкатли эл бу дунёда давлатлидир,  
Давлатли эл олам аро шавкатлидир.  
Олам узра юксак шаъну шавкатимсан,  
Давлатимсан, она тилим, давлатимсан.

*10–15.10.2020 й.*

## РИЗҚИНГНИ ҲАЛОЛ ЭТГИЛ

*Устоз Эркин Воҳидов шеърига  
тазмин мухаммас*

Тонгларга салом айтиб,  
                                дунёни хаёл этгил,  
Ўзбекча калом айлаб,  
                                умрингни савол этгил.  
Меҳнат била ком айлаб,  
                                касбингни камол этгил,  
Гайратни мудом айлаб,  
                                ғафлатни завол этгил,  
Уйқуни ҳаром айлаб,  
                                ризқингни ҳалол этгил.

Меҳнатда завол бўлмас,  
                                меҳнатда камол бўлгай,  
Меҳнатда малол бўлмас,  
                                ҳар луқма ҳалол бўлгай,  
Гар луқма ҳалол бўлгай,  
                                ул шахд ила бол бўлгай,  
Гайратни мудом айлаб,  
                                ғафлатни завол этгил,  
Уйқуни ҳаром айлаб,  
                                ризқингни ҳалол этгил.

Мажнунга савол булким:  
    Лайло нега тол ўлмас?  
Қомат нега дол бўлгай,  
    шамшод нега дол ўлмас?  
Офтоб – сени чехрангдай,  
    қош нега ҳилол ўлмас?  
Ғайратни мудом айлаб,  
    ғафлатни завол этгил,  
Уйқуни ҳаром айлаб,  
    ризқингни ҳалол этгил.

Уйқу била кечган дам,  
    ҳар лаҳза увол ўтгай,  
Гар лаҳза увол ўтгай –  
    умрингга завол ўтгай,  
Умрингки, увол ўтгай –  
    ҳар лаҳза савол ўтгай.  
Ғайратни мудом айлаб,  
    ғафлатни завол этгил,  
Уйқуни ҳаром айлаб,  
    ризқингни ҳалол этгил.

Огоҳ бўлу, огоҳ бўл,  
    сен тарки хаёл айла,  
Сен тарки хаёлу фол,  
    ҳам тарки малол айла,  
Сувнинг оқишин кўргил –  
    умрингга мисол айла.  
Ғайратни мудом айлаб,  
    ғафлатни завол этгил,  
Уйқуни ҳаром айлаб,  
    ризқингни ҳалол этгил.

Ҳар лаҳзаки бедордир –  
    ҳар лаҳза Биру Бордир,  
Ҳар лаҳзаки бекордир –  
    ўлимга биродардир.  
Ҳар лаҳзаки, бой бердинг –  
    минг йилга баробардир,  
Ғайратни мудом айлаб,  
    ғафлатни завол этгил,  
Уйқуни ҳаром айлаб,  
    ризқингни ҳалол этгил.

*12-13.01.2021 й.*

## АЁЛ ВА ЗАМОН

Вақту замон шиддат билан оқмоқдадир,  
Кимга ёқмас, кимгадир бу ёқмоқдадир.  
Замон сенга боқмас, деган гаплар бекор,  
Замон бугун барчага бир боқмоқдадир.

Юрт отаси айтди ташриф маҳалида,  
Раҳбарлар ҳам кўчиб ўтсин маҳаллага.  
Хизмат айланг энг покиза хаёл учун,  
Энг мўътабар, энг муштипар аёл учун.

Бир ҳолатга боғлиқ инсон жамияти:  
Уйда яхши бўлса аёл кайфияти,  
Эл-улусга нияtlари йўлдош бўлиб,  
Ўзгаргайдир жамиятнинг вазияти.

Бу гапларни пуч гаплар деб ҳисобламанг,  
Элнинг улуғлари буни исботлаган.  
Энг мўътабар энг аввало – онамиздир,  
Оиламиз – асли кўнгил ойнамиздир.

Надир асли бу дунёда гендер тенглик? –  
Рўзғорда ҳам, турмушда ҳам бағрикенглик.  
Токи ҳар уй, ҳар оила, ҳар хонадон  
Нур таратсин жамиятга шоду хандон.

Ҳеч бир замон эшитганми дардларини,  
Кўрганми ё аёлларнинг дафтарини?



Сизга боқиб куйган эди кўнгилларим,  
Эй сиз, менинг сўлғин опа-сингилларим.

Кўрдим бугун чеҳрангизда ишонч балқир,  
Кўзингиздан юзингизга ёшлар қалқир.  
Хушxabарлар уфурган гул мамлакатда,  
Севинчингиз ёшларидир бу албатта.

Ҳар муштипар аёлни мен онам дедим,  
Онам дедим, оламда яғонам дедим.  
Бир байрамда юртда қанча ўзгаришлар,  
Бир кечада кўнглинг ўсгай юз қаричлар.

Кимдир тумор, кимдир эса хумор истар,  
Элга керак ҳали қанча Тўмарислар.  
Момолари элга шаъну шавкат берган,  
Бошларига кетмас тожу давлат берган.

Қолмас энди ҳеч бир аёл безътибор,  
Бир эътибор сиздан, фақат бир эътибор –  
Умрингизни боғу бўстон этар аёл,  
Уйингизни Ўзбекистон этар аёл!

26.01–1.03.2021 й.

## **БУ ИШҚ СИРРИН КИТОБ ЭТДИНГ**

*Устоз Абдулла Орипов  
ғазалига мухаммас*

Бу дил қонин гулоб этдинг,  
                    гулобинг ичра мен борман,  
Тўкурман, деб итоб этдинг,  
                    итобинг ичра мен борман,  
Ёқурман, деб кабоб этдинг,  
                    кабобинг ичра мен борман,  
Бу ишқ сиррин китоб этдинг,  
                    китобинг ичра мен борман,  
Ўқурман, деб хитоб этдинг,  
                    хитобинг ичра мен борман.

Нигоҳинг ичра, эй дилбар,  
                    на нозик, инжа маънолар,  
Қадинг олдида мулзамдир  
                    неча сарв, неча раънолар.  
Уриб пойингга бошим мен,  
                    қилай сенга таваллолар:  
Ярашгайдир сенга дилбар  
                    ажаб нозу таманнолар,  
Кетурман, деб шитоб этдинг,  
                    шитобинг ичра мен борман.

Яширгайму юзингдан ё  
                    бу олам ою офтобин,

Фалак қошинг ҳилолидин  
тузарму кўкда меҳробин,  
Кўзинг кўйида кўргил, ёр,  
юзу кўзимни сайробин,  
Юзинг ҳажри билан оққан  
лаболаб чашм селобин –  
Ичурман, деб шароб этдинг,  
шаробинг ичра мен борман.

Хаёл ичра туну кунлар  
васл гулдастасин тузгум,  
Дилим қони билан ранглаб,  
сенинг кўйингга еткузгум,  
Умидим гуллари шул деб,  
қай онким сенга тутқузгум,  
Умид узгил, дединг ошиқ,  
муҳаббат риштасин узгум,  
Узурман, деб азоб этдинг,  
азобинг ичра мен борман.

Қаён қолди ўшал кўзким,  
қилурди ваъдалар бисёр?  
Ўшал чехра, ўшал юзким,  
малаксиймою ойрухсор,  
Ўшал оғиз, ўшал лабким,  
шакаргуфтору хушгуфтор,  
Қаён қолди ўшал сўзким,  
муҳаббат кўшкини, эй ёр,  
Тузурман, деб сароб этдинг,  
саробинг ичра мен борман.

Севибман сен каби дилдор  
ва ҳам маҳбубаи ишқни,

Раҳм қилмай қатл этгил  
бу янглиғ телбаи ишқни,  
Қабул эт, эй дилоромим,  
бу қонлиғ туҳфаи ишқни,  
Дилимда қолган ушбу ҳар  
на манзил кулбаи ишқни –  
Бузурман, деб хароб этдинг,  
харобинг ичра мен борман.

Чаманоро ўтар бўлсанг  
синаб ошиқларинг сабрин,  
Неча сарву санавбар лол,  
неча гул, неча хил насрин,  
Бу не бахтким, бу не таҳсин,  
бу не таскин, бу не тамкин:  
Муҳаббат гулшани ичра  
олиб Абдулланинг қалбин,  
Чалурман, деб рубоб этдинг,  
рубобинг ичра мен борман.


*12–17.01.2021 й.*

# **ВАТАННИ СЕВИШ КЕРАК**

*МАҚОЛАЛАР. СУҲБАТ ВА МУНОСАБАТЛАР*



*Бир Ватанким, поёни йўқ,  
кўринмайдир адоғи,  
Юрт биносин қурган зотлар,  
жонлар Сизга садоға!*



## СУРХОН БОҒЛАРИДА ГУЛ ТЎҚДИ ЎРИК

Етмишинчи йилларнинг бошлари, май ойимиди, июлмиди, эсимда йўқ, лекин иссиқ, эсимдагиси – тупроқ стадион, чанг-тупроққа беланиб “мактаб шарафини ҳимоя қилаётган” синфдош, тенгдош жўралар, мени барча ўйинлардан маҳрум этган физкультура муаллими, эсимдагиси – у мени дабдурустдан стадионга йўлатмайди, “бор – дейди, – сенинг жойинг бу ерда эмас, бор, кутубхонага бор, дарсингни қил, китобингни ўқи!..”

Менга бўлса алам қилади. Бутун стадион, синфдошларим, тенгдош жўралариму майдон чеккасида турган мактабдошларим устимдан кулаётгандек қийқириб-олқишлаб копток суради, мен эса...

Аниқ-тиниқ эсимда: 1974 йилнинг 28 август санаси, Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кириб борганимдан кейин “Физрук” Эшназаров ҳаммасини айтиб беради. Яъни, футболга берилиб кетмаслигим учун мени ўйинга қўймасликни унга отам тайинлаган экан. Гап нимадалигини билиб, сал-пал оғрингандай бўлсам ҳам, юзим ёруғ, кўкрагим тоғдай баланд эди. Боиси: мен шу мактабнинг ўқувчиси эдим, ўз кучим-билимим билан ўқишга (яна қаерга денг, ТошДУга, университетга, журналистика факультетига!) кириб келишимнинг ўзи мактабимнинг шарафини аъло даражада ҳимоя қилиш билан баробар эди. “Ничево, – дейди физрук, – маладес! Мана энди қанча ўйнасанг арзийди. Отанг жуда хур-

санд сендан. Қандингни ур, маладес!” – дейди-да, мени оқшом стадионга футболга таклиф қилади...

Стадион! Мактаб стадиони...

Синфдошларим йўқ, тенгдошларим йўқ, у шодон кийқириқ-олқишлардан асар ҳам қолмаган. Команда-мизнинг ягона ашаддий ишқибози – гўё ҳамма фақат унинг учунгина гол уриб, ғолиб чиқишга интилгандай – шўху шаддод Раҳима ҳам йўқ. Атрофи пахтазор, ярим олақуроқ чим, ярми чанг-тупроқ мактаб стадионида бир бузоқ шаталоқ отиб юрибди. Дарвозалардан бири қийшайиб ётибди, бошқа дарвозанинг ёғочига эса ориқ-қартанг сигир боғлаб қўйилган.

“Мен бу ерда нима қиламан?!”

Кўнглимдан кечган илк хулоса билан кўз ўнгимда турган ғариб-ночор манзарадан мактабимга ҳам, стадионга ҳам раҳмим келади. Кетаман.

Ўша пайтлар ўсмирликнинг тиниқ, аммо уқувсиз идрок билан битилган ҳикоя-қиссаларини газета-журналларга жўнатиш билан овунганман. Улар ҳеч ерда босилмайин, қай бир редакцияларнинг йўлақларию ўсмир орзуларимнинг унут ғаладонларида қолиб кетди. Бироқ эсимда қолгани мана бу: “Сариосиё ҳақиқати” газетаси. Маймиди, июлмиди, эсимда йўқ, лекин иссиқ, Ойбиби момоннинг чиллаки узумлари энди ранг ола бошлаган, анорзор, шафтолизор боғимизнинг этагидаги куюқ олча дарахтада қушлар, зоғчалару чуғурчуқлар, зарғалдоқ ва майналар ғужғон бўлиб қолган бир паллада – газетанинг тепасида “Далалардан дараклар” деб қўйилган саҳифасида бир жуфт хабар босилиб чиқади. Бировининг остида менинг фамилиям, яна бировида “М.Кенжабоев” деб қўйилган хабарлар...

“Далалардан дараклар”да кўп чиқдик.

Кейин, мана, Тошкент Университети. Журналистика факультети.

– Мирзо, – деди у. – Сариосиёдан. Кенжабоев. Энди бирга ўқиймиз...

*“Далалардан дараклар”ни эслаб кулишдик.*

Беш йилимиз бирга ўтди. Бирга ўқидик. Бирга оч қолдик... Университетни битирганимизга ҳам ҳадемай саккиз йил бўлади. Бизнинг хотиралар энди соғинчларимизнинг қуюқ лойсувоғи билан сувалган. Ҳаёту тирикликнинг “рубрика”лари газетадагидек эмас экан. “Далалардан дараклар”га энди кулмаймиз, у олис ўсмирликнинг олис шабадаси – эсладикми диллар орзиқади, орзиқаверади, эсладикми – диллар далаларга айланиб кетаверади, кетаверади.

*Сурхон боғларида гул тўкди ўрик,  
Баҳорга чулғанди бизнинг жанублар.  
Кунлар шамолида гуллар баргидек  
Учиб келаётир хушбўй мактублар.*

Мирзобекнинг учинчи китоби “Муножот” ҳам ўша далалар, ўша беғубор паллаларнинг давоми. Бу шеърий тўплам “Қуёш нурларини ичган бир юрак”нинг муқоваланган зиёлари, нурли соғинчлари.

*Тунлар қаҳратоннинг заҳрини сезган  
Ўзбекистон билан ёлғиз қоламан.*

Бу танҳолик – кимсасиз одамнинг ночор-нотавон ёлғизлиги эмас, бу – шоирнинг Ватан олдидаги бурчи, дил ҳисоботи. Боиси – одам боласи нима иш қилмасин, қайси касб-корда бўлмасин, барибир, ўз қўнглида ҳисоб бериб бориши керак: Ватан олдида. Муҳаббат олдида.

*Кетди, кетди қўп насим,  
Қолди, қолди фақат бир исм – Ватан.*



*Ватанки, мен ҳануз ёлғиз чоғларим  
Хилват анғизларга бағримни бериб,  
Ўкириб-ўкириб йиғлайман:  
Нечун, нечун дейман,  
Бу муқаддас тупроқ устида  
Юрурмиз биз оёқ-ла,  
Нечун юриб бўлмас юраклар ила?..*

Мирзобек барча дардлардан хабардор шоир. “Кўри йўқ юраклар – оламнинг шўри” эканини яхши билади. “Муҳаббатда фақат собит имонларга ишонгайман” дейди у ва сиз ҳам беихтиёр бу қатъий ва собит сўзларга ишонасиз.

Шоир ўз юрагининг майдонидан туриб сўзлайди. “Шеър дунёсига саёҳат”, “Сафарсайис”, “Тонгда самолётлар уйғотар мени”, “Мен дарахтман”, “Тошкентдан гапираман”, “Юрий Гагаринни эслаб”, “Катта танаффуслар” сингари шеърлар шу майдонда янграган жўшқин-назмий нутқлардир.

Бироқ юрак фақат майдонгина эмас, юрак...

*Энди бағир ўт олди,  
Келди ўзга баҳорлар.  
Юрагимдан ўтади  
Дунёдаги беморлар.*

Юрак фақат майдонгина эмас, юрак... юракка қулоқ солинг: “Мен дарахтман, онам-эй, юрак ёлғиз япроғим. Тошлар тегса танамнинг зирқирайди чапроғи!..”

Яхши-да, зирқираса, оғриси. Оғриқ, демак майдон мавжуд, гупуриб уриб турган, туну кун бедор-беҳаловат майдон. Ва, буни қарангки “Тошкент – Душанбе” 180-поездининг (“Ватан минтақаси”) ғилдираклари сизни олиб кетади. Вақт темирйўл шпалларидай чоп-

қиллаб-югургилаб қолаверади. Сиз кетасиз. Одамлар ўрнига ватанлар кезиб юрган бекатлардан ўтиб, “гул ёқали паришон йигитнинг украин эмас, Украиналигини” англаб, ҳар манзил, ҳар бекатда Ўзбекистон билан юзма-юз келиб кетаверасиз.

Бу йўллар ҳақиқат йўли, озодлик ва саодат йўли. Ватан олдидаги қарздорлик ҳисси, фарзандлик бурчи “Сахро дилингизни шудгорлар қилган” бу йўлларда уфқларга туташ она юрт кенгликларию тоғу даштлари қадар узаниб, ястаниб ётган садо бор:

*О инсон, садқайи номинг кетай мен!..*

Мирзобек дўстимиз бу назмий “Муножот” билан ўз кўнглидан – “юрагининг майдонларида” елиб юрган кенгликлардан дарак берибди. Дарак борми, демак юрак бор, юрак борми, демак дарддан дарак бор. Ажабмаски, унинг кейинги китоби “Юраклардан дараклар” деб номланса... (1986 (5.10.1986)

*Умрим, сен ниятнинг шафақларида  
Талпинган оловранг бир тахайюлсан.  
Умрим, сен қисматнинг дарахтларидан  
Тошкент боғларига тўкилган гулсан.*

*Умрим, лаҳзаларинг турнадек учди,  
Сенинг турналаринг қолдими тирик?  
Тошкент боғларини мовийлик қучди,  
Тошкент боғларида гул тўкди ўрик.*

**Орадан... Ўттиз икки йил ўтгандан кейинги  
“Хушxabар”.**

Заҳматкаш шоиримиз Мирзо Кенжабекнинг яқиндагина “Наврўз” нашриётида чоп этилган ҳажман мўъжазгина, мазмунан жуда ҳам муҳташам “Хушхабар” номли китобини ўқиб, рости гап, ҳаловатимни йўқотдим. Ҳаловатимни йўқотдим, “шахсий архив” деб аталмиш йилларимнинг таҳламлари – дунё-дунё қоғозлару дафтарларим орасидан юқорида зикр этилмиш мақолани топиш шарафига муяссар бўлдим. Оралиқ масофа ўттиз икки йилни ташкил этса-да, “Сурхон боғларида гул тўккан ўрик”ларнинг димоғимга урилган “хушбўй мактублари” ифоридан сархуш ва беҳуд эдим. “Хушхабар”да ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг:

*Гулшанингдин елдек, эй раъно ниҳол,  
Мен ёмон бордим, вале сен яхши қол, –*

байтига боғланган тазмин шеър бор.

Шу байтгинада бутун ҳаёту тирикликнинг баҳорию хазонрези, шоирлик қисматининг бор армону айрилиқлари жо этилгандай. Нима ҳолат бўлганда ҳам, шоир ўз эътиқоди ва маслагиди собит ва устувор. Шу боис, ҳар бир сўз Ватандай англашилади, Ватан соғинчлари янглиғ дилни жимирлатади. Демак, устоз Шукур Холмирзаев лутф этгандай: “Ҳаёт абадий”. Дийдор тугамайди. Хушхабарлар, хушбўй мактублар кўнгил муждаларидай келишда давом этаверади...

2018 й.

## СОҒИНТИРГАН СОҒИНЧЛАР

Қорақалпоқ адабиёти – буюк адабиёт. Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ каби улуғ шоирлар силсиласида Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим Юсупов, Тўлапберган Қаипбергенов сингари адиблар ижоди дунёда қорақалпоқ адабиёти мақомини пурвиқор тоғлардай юксалтириб турибди.

Ҳақиқий шоирнинг сўзи ҳеч қачон эскирмайди, у элт-юрт ҳамиша жон қулоғи билан тинглайдиган ҳикматларга бой бўлади.

Айниқса, рост ва тиниқ сўзга эҳтиёж кучайган бугунги сертахлика дунёда Ибройим Юсуповдай шоирларнинг халқ юрагидаги гапларни топиб айтган сўзлари ниҳоятда зарур ва долзарб. Шоирнинг сўзи бизга замондош, бизга сирдош, суҳбатдош. Унинг ўзи бўлмаса ҳам сўзи шундоқ ёнгинамизда катта йўлга чиққан карвон қўнғироғидай жаранглаб тураверади.

Бундан бир неча йил бурун битилган “Чўл армонлари” достонининг ўзбекча таржимасини ўқир эканман, беихтиёр ушбу асар яна бир Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Қарши қўшиғи” достонига нақадар ҳамоҳанг, нақадар замондош эканини чин юракдан ҳис этдим. “Қарши қўшиғи”ни эслайман:

*Лекин унинг баҳори,  
О, сен, чўллар баҳори,  
Соғинтирган онамнинг дийдори сендай ширин.  
Эрта кун қовжирашдан бўлса ҳам дилда зори,  
Лола лаби хандону тубда доғи яширин.*

“Чўл армонлари”ни ўқийман:

*Висол дамларини туйган хаёлдай  
Ҳис-туйғуси нозик бир гўзал кўнгил.  
Сир сақлаб, ошиғин кутган аёлдай  
Нурга тўлиб турган дала эди бул.*

Бир-бирига ўхшаш манзаралар тасаввуримни қамаштиради: “Тўрт тараф қисиб келиб, ногаҳон жала қуйса, Оламга анқиб кетар минг хил кўкат, минг хил ўт” (А. Орипов); “Ёвшан!.. Уни ёниб қуйладим нуқул! Ёвшан кенг саҳрони буркар атирға” (И. Юсупов).

Ибройим оға ўзининг “Менинг жигит вақтим...” деган машҳур шеърида башорат қилганидай “Чўл армонлари” достони эскирмас сўзнинг тимсоли бўлиб нур сочиб турибди, эл-юртга дастиёр навқирон йигитнинг юрагидай халқимизга хизмат қилиш ишқида ёниб турибди.

Достоннинг ўзбекча таржимасини бир нафасда симириб, ҳаяжонланиб ўқир эканман, олтин сатрлар Ватанга муҳаббат исмли ҳис-туйғуларимни янада жўштириб юборганини сезаман.

Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймонов, Қайсин Қулиев каби буюк адибларнинг меҳрини қозонган Ибройим Юсуповнинг сўзи бугун мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан ҳамоҳанг, эл-юртимизнинг фаровонлиги йўлида тер тўкиб меҳнат қилаётган замондошларимизнинг ўй-фикрлари, орзу-ниятлари билан уйғун янграмоқда.

“Чўл армонлари” достони – бугун Ватанимизнинг янада ривожланиши учун халқимиз ҳаётига жорий этилаётган бешта ташаббуснинг барча талабларига жавоб бера оладиган чинакам замонавий асар. Асар-

да тасвирланган Устюрт кенгликлари билан бугун олис Қорақалпоғистон шаҳарчасида, Мўйноқда амалга оширилаётган улуғвор янгиланишларни қиёслаб кўринг. Ибройим оғанинг сўзлари чўлларда очилган алвон қизғалдоқлар, турфа хил дала гуллари ёмғирдан кейин гуркираб яшнагани каби кўзни қамаштиради. Достоннинг бу қадар жозибали, бу қадар гўзал ёзилганининг сабаби нимада, деган саволга шоир “Ҳаёт, сенга ошиқман” китобига ёзган сўзларидан, адибнинг жамият ва халқ олдидаги бурчи ва масъулияти ҳақидаги қуйидаги фикрларидан жавоб топаман: “Гапнинг лўндасини айтсам, шоирликда уч нарсага содиқ бўлдим: шеър орқали халқнинг юрагига йўл изладим, замондошларимнинг юрак садосин, қайғу-қувончин, орзу-армонларин, тилак-истакларин, буюк инсонпарварлик фазилатларин куйлашга интилдим...”

Ушбу достоннинг ёшларни маънавий баркамол қилиб вояга етказишдаги, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти катта.

Заҳматкаш шоир Рустам Мусурмонни “Чўл армонлари” достонининг таржимаси билан чин юракдан табриклайман. Ўзбекча бадиий матн қорақалпоқча аслиятга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган. Сўзлар меҳр билан жой-жойига қўйилган. Ибройим Юсупов юрагидан чиққан сўзлар ёнимизда яшаётган навқирон замондошимизнинг беҳаловат юрагидай уриб турибди.

“Чўл армонлари” номли янги асарни азиз ўқувчилар эътиборига ҳавола этарканмиз, ушбу мунаввар кунларда юртдошларимизнинг эзгу ниятлари ижобатини тилаймиз.

2018 й.

## АДАБИЁТ ЗИЁСИ – АДАБ ВА ЁД ЗИЁСИ

*(Тошкент вилояти “Адабиёт зиёси”  
газетасига табрик)*

Ҳеч нарса оқ либосли келинчақдай оппоққина парашютда ўзидан-ўзи осмондан тушиб келмайди. Ҳар воқеа-ҳодисанинг ўз сабаб ва моҳияти, ҳар кўнгилнинг орзу ва нияти боис ҳаётда кўркем янгиланишлар рўй бермоғи, умидлар рўёбига эришмоғи ҳам бор гап.

Катта шоиримиз, бедор-беҳаловат ижодкор Маҳмуд Тоирнинг саъйи-ҳаракати, Тошкент вилояти ҳоқимлигининг хайрихоҳлиги билан “Адабиёт зиёси” номли газета чиқаётган экан, вилоят ижтимоий-маърифий ҳаётидаги бу маънавий-адабий ҳодисани фақатгина қўллаб-қувватлаш мумкин.

Олтин конидан фақат олтин чиқади дейилганидай, Тошкент вилояти сарзамини – адабиётимизнинг кўп улуғ намояндаларига бешик бўлган, жаннатмакон тоғу даралари ҳазрати Бобурдай зотларга пушту паноҳ берган табаррук маъво.

Адабиёт зиёси ҳамиша, ҳар доим керак. Ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, мактаблар ва билим юрталарида таълим олаётган толиби илмлар учун яна бир адабий-маърифий чашма ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Бунёдкор халқимиз, ҳалол ва камтарин замондошларимизнинг ўй-кечинмалари, қувонч ва ташвишлари яхши ва ҳаққоний шеърлар, манзума ва ҳикоялар, публицистик чиқишларда ўз ифодасини топади деган умидимиз бор.

Ҳар қандай навниҳолга эътибор ва парвариш керак. Шу маънода газета ёш ижодкорларнинг ҳам ўз истеъдодини намойиш қиладиган ҳақиқий минбари-га айланишига ишонамиз.

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли янгиланишлар, адабиёт аҳли, айниқса, ёш истеъдодларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва рағбатга лоқайд ва бепарво қараб туришга ҳаққимиз йўқлигини яхши англаган ҳолда, она юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги ва албатта, фарзандларимиз бахту камоли йўлида ҳар биримиз масъул ва жавобгар эканмиз, “Адабиёт зиёси” газета-сига ва унинг сергак жамоасига бедорлик йўлида баланд парвозлар ёр бўлишига тилақдошмиз.

5.01.2019 й.



## ЭЛГА АЙТАР ГАПИНГ БЎЛСА

Устоз Эркин Воҳидов мумтоз адабиётимизнинг назмий жанрлари, айниқса, ғазал, ғазалнавислик ҳақида гап кетганда, ўзига хос зарофат билан “улуғ устозларга эргашиб” деган иборани албатта тилга олиб ўтарди. Яна такрор-такрор таъкидлардики, “Бедилнинг битта байтини қирқ улфат қирқ хил маъно бериб талқин қилган экан. Бедилнинг ўзини ҳакамликка чақирганларида, у қирқ биринчи маънони айтиб ҳаммани лол қилибди”.

Шу боисдан ҳам Бедилхонлик, Фузулий, Машрабхонлик давралари ўз вақтида тараққий топган. Маълум маънода халқона ижод мактаблари сифатида эл-улус орасида ном қозонган. Бундай назмхонлик кечалари одамларнинг ўзи учун ҳам, фарзандлари учун ҳам катта маърифий-тарбиявий аҳамият касб этган.

Президентимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлиги натижасида ташкил этилган, янги давру замонларнинг том маънода адабиёт илмгоҳларига айланиб бораётган ижод мактабларидан кўзланган мақсаднинг эзгу мазмун-моҳияти ҳам айнан шунда: Маърифат. Маърифат. Яна бир карра Маърифат. Жаҳолатга қарши маърифат. Бу мактабларнинг кўрку чиройига сидқидилдан ҳавасингиз келади. Уларда таълим-тарбия топаётган ўғил-қизларимиз – адабиётимизнинг бўлажак Ҳамид Олимжонларию Зулфиялари, Эркин Воҳидовларию Абдулла Ориповларига боқиб сурур ва ҳавасингиз яна минг чандон ортади. Сабаби, ёш

талантларнинг бор қобилиятию истеъдодлари рўёбга чиқмоғи учун барча шарт-шароит ва имкониятлар тахт: компьютер деса компьютер, китоб деса китоб, эътибор ва рағбат деса – марҳамат, давру замоннинг ўзи пояндоз тўшаб турибди.

Устозларнинг буюк ҳикмати – сўзни Ватандек, Ватанни сўз янглиғ қадрламоқ – ҳар бир ижодкорнинг бурчи эканини англаган ҳолда, мавзуни кенгроқ, кўламли ва залворлироқ олишдан чўчимаслик керак.

Ғазал – нозик ва жозиб жанр. Зукко ва нозиктаъб муаллимимиз Эркин аканинг: “Эй мунаққид, сен ғазални кўҳна деб камситмагил, Севги ҳам Одам Атодин қолган инсон қонида” сатрларининг ўзи, ўйлаб кўрилса, кўп саволларга жавоб бўла олади.

Бойсун. Бойсун. Адабиётимизга Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Усмон Азим сингари устоз адиблару яна қанча номдор олиму бахшиларни берган ёмби маъданлар макони. “Олтин конидан фақат олтин чиқади-да” дердилар устозимиз.

...Беҳикмат бўлмагай тоғларнинг тоши дейилганидек, Бойсундан бир ғазалнавис бола чиқибди, ўзи-ям ғазалга ўч, ғазаллариям зўр, деган гапни бундан бир йилча аввал Андижонда, Захириддин Муҳаммад Бобур ижодига бағишланган анжуман ўтаётган кезларда эшитган эдик. Ўзи Сурхон воҳасида, худди Бойсундек жойда, байту ғазалари эса минг йиғоч йироқдаги Андижонда, яна кимсан шоҳ ва шоир ҳазрати Бобурдек улуғ зотнинг тўйларида тилга олинаётган бўлса, демак бир ҳикмати бўлса керак-да!

Исми Алишер экан. Ўша лаҳзаларда беихтиёр дилдан тилга кўчган иқтибос-ташбеҳ ҳозир ҳам ўз кучида турибди: Мир Алишер бобонинг кенжа невараси Алишербек. Алишер Муқим. Юрагида элга, элдошларига

айтар гапи-дарди бор эканки, шеърлари водийга қадар шунча овоза бўлиб юрибди.

Шоир инимизнинг даври давронига, шеърият мулкининг султони бўлмиш улуғ бобомиздан мерос исми билан тоза-тароватли ғазалларига ҳавасимиз келгани боис, унинг ёзганларини кенг ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқни лозим топдик. Навоий бобомиз “Умидим булдурким, умидингга етгайсен” деганларидек, Алишербекнинг орзу-ниятлари мўл. Сўз йўли оғир ва сермашаққат эканини яна бир карра эслатганимиз ҳолда, Алишер ва унга ўхшаган истеъдодли тенгдошлари билан республика ёш ижодкорларининг Зомин анжумани машғулотларида янада яқинроқ дийдорлашамиз деган умидимиз бор.

23.01.2019 й.

## КЕЛИБ КЕТМА – БИЛИБ КЕТ

Давлатимиз раҳбарининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган беш муҳим ташаббуси ҳар томонлама соғлом, фикри теран, маънавияти юксак авлодни камолга етказишда энг муҳим дастуриламалдир.

Хўш, бугунги кунда ушбу ташаббусларнинг илгари сурилишига қандай эҳтиёж бор эди?

Маънавий бўҳронлар гирдобида чайқалиб турган улкан кема янглиғ дунёни оммавий маданиятсизлик тўлқини тобора исканжасига олаётгани сир эмас. Аёвсиз бу тўлқинни фақат адабиёт, санъат, юксак маданият ва маънавият, соғлом тан ва соғлом тафаккургина жиловлашга қодир.

Бугунги техника-технология ёхуд ахборот тезкорлиги замонида инсонни маънавий таназзулдан ўзни англаш, тарихни билиш, буюк аждодлардан фахрланиш, миллий ғурур ҳиссигина асраб қолади. Инчунин, Президентимиз ёшларга миллатини, тарихини, қаердан келаётганию қай манзил сари кетаётганини билмоғи, англамоғи учун ҳам, халқининг, Ватанининг шаъну шавкатини баланд кўтариб, буюк боболари номига лойиқ ва муносиб фарзанд бўлиб камол топмоғи учун ҳам “Китоб ўқинг”, деяпти. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларини, ота-оналарни ёшларнинг қалбида китобсеварлик туйғусини уйғотиш, уларни мутолаа маданиятига ўргатиш масаласига жиддий эътибор

қаратишга, бунинг учун шароит яратиб беришга ундаяпти.

**“Агар сиз фарзандингизга данғиллама уй қуриб берсангиз – вақти-соати келиб, у эскириши мумкин. Агар энг зўр машина олиб берсангиз – уям тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз – уям бир кун сарф бўлиб тугаши мумкин. Аммо дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган, йўқолмайдиган бебаҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса, фарзандингизга берган билим ва хунардир. Лекин билим ва маърифатни қаердан, нимадан олиш мумкин? Аввало, китоб деган хазинадан!”**

Олий минбардан туриб айтилган бу сўзлар эртаси куниёқ мамлакатимизнинг ҳамма гўшаларида, энг чекка худудларгача аҳолининг барча қатлами орасида акс-садо берди. Ёшу қари, эркагу аёл, ўқитувчи билан шифокор, фермер билан тадбиркор – турли касб, турли тоифадаги ватандошларимиз оғзида шу гап, шу хайрихоҳлик билан қувонч ва ҳаяжон:

– Жуда тўғри айтилди. Вақтида айтилди. Худога шукр, рўзғоримиз бут, қорнимиз тўқ. Энди тарбияни ҳам бутлаш вақти келди!

Инчунин, халқимизда ҳам бир гап бор: “Келиб кетма – билиб кет”. Барча ўқув даргоҳларининг пештоқи-га эслатма қилиб осиб қўйса бўладиган даъват бу. Давлат раҳбари ҳам астойдил ёшларни ўз фарзанди қаторида кўриб, барака топкур, мактабга қуруқ келиб кетма, бирон нарса ўзлаштир, ўрган, ҳар куни билимингни нима биландир ошир, деб таъкидламоқда.

Бу гапларнинг юртдошларимиз ўртасида нечоғли кенг ва мўл муҳокама қилинганию нақадар қизғин ва яқдиллик билан қўллаб-қувватланганини биз, қалам аҳли, шаҳару қишлоқларда элдошларимиз билан бўл-

ган учрашувларда, мулоқотларда ўз кўзимиз билан кўриб, қулоғимиз билан эшитяпмиз.

Президентимиз ташаббусларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан алоҳида чора-тадбирлар дастури тайёрлаб, мамлакатимизнинг барча худудларида ёшларнинг адабиётга қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни олиб боряпмиз. Жумладан, Тошкент вилоятида бу борада “Бўка тажрибаси” йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда уюшма масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тумандаги умумтаълим мактабларига бориб, улардаги кутубхоналарнинг ҳолатини ўрганди, мавжуд китоб фонди инвентаризациядан ўтказилди. Бўкалик ёшларга турли ташкилотлар билан ҳамкорликда замонавий мусиқа асбоблари, спорт анжомлари, китоблар етказиб берилди.

Сирдарё, Наманган, Навоий вилоятларида ёшларни маданият, санъат, адабиёт, театр, рассомлик каби соҳаларга кенг қамраб олиш, ҳар бир шаҳару туманда турли танловлар, ижодий учрашувлар, мактаб, маҳалла, таълим муассасаларида китобхонлик кунларини ўтказиш, кутубхоналарга китоблар совға қилиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш ва бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олган “йўл харита”сини ишлаб чиқдик. “Ёшлар учун 100 китоб” лойиҳаси доирасида йигит-қизлар учун мўлжалланган Юз номдаги ихчам китобларни жами 50 минг нусхадан “Ижод” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан чоп этиб, вилоятларнинг барча таълим муассасаларига етказиб бериш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Сирдарё вилоятининг туман ва шаҳарларидаги кутубхоналарга уч минг нусхада бадиий адабиётлар етказиб берилди.

Бу ишлар Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, “Маърифат карвони” ташкил этилди. Ёшлар учун беш минг дона китоб уюшма томонидан тухфа этилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу беш ташаббус халқ, айниқса, ёшлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Эндиги масала – муסיқа асбобларининг чанг босиб, китобларнинг сарғайиб қолмаслигига эришиш. Уюшмамиз томонидан ёшларда китобга меҳр уйғотиш мақсадида китобхонлик маданиятини тарғиб қилишга қаратилган ишлар режаси қабул қилинган. Унга мувофиқ, масалан, Бўка туманида таниқли ёзувчи ва шоирларни жалб этган ҳолда ижодий учрашувлар ўтказдик. Тумандаги марказий кўчалар, маданий-маърифий масканлар, таълим муассасалари китобхонлик тарғиботига оид шиорлар, ҳикматли сўзлар билан безалди.

Бу борада юртдошларимиз фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутсак, мамлакатимизда китобхонликни оммалаштириш бўйича амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар, мавжуд муаммолар янада яққол намоён бўлади. Жумладан, бир ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг қуйидаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари жуда жўяли ва асосли:

– Мактаб ва коллежларда адабиёт дарслари қамровини кескин кенгайтириш керак, – дейди у. – Биринчи синфдан бошлаб биттагина ўқиш китоби билан чегараланмай, муттасил дарс сифатида киритилиши, шеър ёдлатиш, эркин мавзуда иншо ва баёнлар ёзиш тизимини тўлақонли шакллантириш болалар онги ва тафаккурини чархлашда катта ёрдам беради. Дарсдан, ўқишдан ташқари бериладиган қўшимча ўқиш адабиётлари сонини ҳам, нуфузини ҳам ошириш, бу жараёнга ҳам ҳақиқий дарс ва жавобгарлик мақомини бериш, рағбатлантириш ва тақдирлаш усуллари

кенгроқ фойдаланиш керак. Ҳамма турдаги олий ўқув юртлари – у техниками ёки аграр университет бўладими, тиббиёт ёки иқтисодиёт институти бўладими – биринчи босқичдан охириги босқичга қадар адабиёт дарслари, бадиий адабиёт ўқитишни таълим дастурига киритиб, унинг мажбурийлигини, битирув палласида давлат имтиҳони топшириш даражасигача мавқеини таъминлашни қонуний кучга киритгандагина китобхонлик, саводхонлик борасида анча-мунча ўзгаришларга эришиш мумкин.

Умри йўлда, самолёт ва поездларда ўтадиган тадбиркор-тижоратчи оғайнимизнинг таклифларида ҳам жон бор:

– Тошкентдаги катта аэропортдан тортиб истаган вилоятингизнинг аэропорти ёки вокзалига боринг, газета ё китоб сотадиган биронта тузукроқ дўкон ё растанни кўрмайсиз. Егулик, ичгуликни истаганча олишингиз, кафе, бар, ресторан ё буфетга хоҳлаганча киришингиз мумкин. Бироқ поездда ё самолётда ўқиб боришингиз учун тузукроқ газета ё китоб оламан десангиз, йўқ, тополмайсиз! Китоб, газета сотишни, тарқатишни шундай жойлардан бошлаш керак!

Аҳолининг турли қатламлари вакиллари, ҳар хил касб-кордаги юртдошларимизнинг ушбу фикрларига қўшилмай иложимиз йўқ.

Ёшларимизни баркамол, бахтли кўришдек эзгу мақсад-муддаоларни ўз ичига олган ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш, халқимизнинг уларни нафақат шаклан, балки мазмунан тушунишига, ўз ҳаёти мисолида ҳис қилишига эришиш бўйича қилинадиган ишларнинг залвори ҳам, кўлами ҳам катта, вазифалар кенг ва салмоқли.

Ҳар биримиз эл-юрт, Ватан тақдирига ўзимизни дахлдор сезсаккина уларни бекаму кўст амалга оши-



ра оламиз. Ёшларни китоб ўқишга ундай биламиз. Қалбларида ватанпарварлик туйғуларининг гуллаб-яшнашига туртки бўламиз. Она Ватанимизнинг ўзи буюк ва бетимсол китоб. Ёшларимиз бу улуғвор китобни англамоқ учун ҳам, унинг қадр-қимматиغا етмоқ учун ҳам жуда кўп гўзал ва чиройли китобларни муттасил мутолаа қилиши шарт.

19.04.2019 й.

## НИЯТИ УЛУҒ ХАЛҚНИНГ ИШИ ҲАМ УЛУҒ БЎЛУР

Президентнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида том маънода янги давру замонларнинг чинакам дастуриламал ҳужжати сифатида ўша куннинг ўзидаёқ она ватанимизда ҳам, дунё мамлакатларида ҳам ўз акс-садосини берди. Акс-садо деган ибора балки бу ўринда мазкур тарихий маърузанинг бор маҳобатию мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этолмас, бироқ ахборот каналларию ижтимоий тармоқлар, турли информатсион сайтларнинг туну кун тинимсиз бериб борган шарҳ ва муносабатлари ҳайратланарли бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Президентимиз бир йил муқаддам мустақил Ўзбекистонимиз тарихида илк маротаба Мурожаатномани Олий Мажлисга тақдим этганидан буён ўтган муддат давомида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли беқиёс янгиланишлар, айниқса, ватандошларимиз онгу тафаккуридаги ўзгаришларни фақатгина асрларга татиғулик кунлар ва ойлар деб баҳо бериш мумкин.

Халқимиз, айтиш жоизки, юксак сиёсий заковат ва тафаккур, донишмандона ақл, бедор ва огоҳ қалб маҳсули бўлмиш Мурожаатномани катта ишонч ва интиқиш билан, элу юртимиз равнақи, тинчлик ва бахту саодатимиз, фарзандларимиз камоли йўлида зиммамизда нечоғлик улуғвор тарихий вазифалар, улкан бурч ва масъулият юки турганини юрак-юракдан ҳис этгани ҳақ гап.

Ўтган қисқа вақт давомида халқнинг сиёсий онги, ижтимоий қарашлари, умумбашарий тасаввурлари мутлақо ўзгарганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугунги давр шиддати, замон суръатини, бир пайтлар устозларимиз ўкинч ва армон билан айтиб кетгандай, “орзу-мақсадларга эришамиз деб лайлак ҳайдаб юрганнимиз” қоғоздаги замонларнинг қолипи билан ўлчаб бўлмайди.

Мурожаатноманинг ҳар бир банди, ижтимоий ҳаётимизнинг қайси соҳаси бўлмасин, ҳар биримизга, жамиятнинг кексаю ёш, дини, миллати, касбу коридан қатъи назар ҳар бир фуқаросига дахлдорлиги, шу ватаннинг фарзандиман деган ҳар бир инсонга тақдирдош, жондош ва дилдошлиги билан алоҳида аҳамият касб этадики, буни англамоқ, амалга оширмоқ, ҳаётга татбиқ этмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Оғир йўлга ўтаяпмиз, аммо тўғри йўлга ўтаяпмиз деган ғояни алоҳида таҳлил қилиб бераркан, Юрт эгаси яккаю ягона йўл – нечоғли қийин ва машаққатли кечмасин тараққиёт йўли ҳам, барқарорлик йўли ҳам айнан шу йўл дея қатъий хулоса қилганида ҳам, ёки буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратларидан “Муваффақиятсизлик – лоқайдлик ва дангасаликда” дея иқтибос келтиргани замирида ҳам айнан халқ ва миллат тақдири уйғоқ юракдай гупуриб турганини ҳис қилдик.

Рақобатбардошлик ҳақида, айниқса, кўп таъкидланди. Меҳру оқибат, оилапарварлик, меҳнатсеварлик, хоксор ва камтаринлик борасида бизнинг халқимизга тенг келадиган рақобатбардош, танги халқ бўлмаса керак. Ҳалоллик ва мардлик бобида ҳам элимизга етадиган йўқ. Энди эса янги даврларнинг кенг ва беқиёс имкониятлари тили билан айтганда, тараққиёт ва янгиланиш, яъни оламшумул инвестиция-

лар билан бўйлашиш замони келди! Бундай шароитда Вақт дарёсининг соҳилида қармоқ ташлабгина бемалол ўтириб бўлмайди. Рақобатбардош маҳсулотлар, рақобатбардош иморатлару, рақобатбардош шеъру дostonлар яратмоқ даври шу давр эканини ҳар лаҳза, ҳар соат, туну кун уйғоқ юрак билан англаб яшамоқ, меҳнат қилмоқ талаб этилади.

Президент таъкидлаганидай, ижтимоий ривожланиш, энг аввало қалблардан, онг ва тафаккурдан бошланиши керак. Ҳар биримизнинг дунёқарашимиз тубдан ўзгариши даркор. Донишманд шоиримиз “Энг кичик заррадан Юпитергача” дея лутф этганидай, ҳар биримиз жисму жонимиз, қалбимиз-юрагимиз билан бедорлигу дахлдорликни шиор қилиб, элу юртнинг гулгун ҳаёти ва тақдири учун бурчли эканимизни бир зум бўлса-да унутмаслигимиз керак. Шунинг англаган ҳолда фахр билан меҳнат қилиб, завқу шавқ ва ифтихор билан яшамоқ замони келди. Замон эса лоқайдлик ва бефарқликни асло кечирмайди!

*Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ бўлур,  
Орзу ҳам умидларин рўёби қутлуғ бўлур.  
Бу кунларнинг ҳар они дунёларга баробар,  
Янгу даври давронинг қутлуғ бўлсин, биродар!  
Дилбандмисан ҳақиқий, фарзандмисан чинакам –  
Фақат халқ баҳо берар, фақатгина халқ ҳакам.*

13.04.2019 й.

**“КИТОБХЎР ШАЙХ”**  
**ЁХУД**  
**“ШОЛОХОВГА САЛОМ АЙТИБ ҚЎЙ”**

Дафтаримда ўн тўрттами-ўн бештами шеъррий машқларим, ўша пайтлар жуда ҳам машхур нашр – устоз Асқад Мухтор бош муҳаррири бўлмиш “Гулистон” журналида “Гулсапсар ҳиди” номли ҳикояси чиқиб, овозаси журналдан ҳам машхурроқ бўлиб кетган биринчи курс талабаси Алишер Ибодинов машқларимни жонли ижрода тинглаб бўлгандан кейин, жиддий ҳолатини заррача ўзгартирмай, қатъий оҳангда шундай деди:

– Яхши-ку... Маҳмуд акани танийсиз-а, Маҳмуд Саъдийни? Шошмай турсангиз, шеърларингизни ўша кишига кўрсатиб оламиз. Жуда яхши одам, эртами-индинми келаман деган...

Орадан салкам ярим аср муддат – қирқ беш йил вақт ўтибдики, ТошДУнинг журналистика, география, биология факультетлари талабаларига беминнат макон бўлган 2-ётоқхонасида кечган адабий кечалар – назмий ва насрий гурунглар ҳеч ёддан кўтарилмайди. Ўша паллаларда устоз билан кейинги (адашмасам учинчи бор) кўришганимизда кетма-кет иккита ажабтовур савол берган эди:

– Толстойни танийсан-а? Шолоховни ҳам яхши билсанг керак... Ўзингни “жонқобил”ларингдан. Наригиларни айтмаяпман, ўзимизникиларни сўраяпман... “Қадимий Бақтрия тупроғида” эссесини яхши ёзган. Ўқиб қўйсанг, зиён қилмайди... Ҳе укка...ар!.. Ўқиш керак, билиш керак!..

...Тоғай акани, Тоғай Муродни астойдил яхши кўрарди.

Германия Демократик Республикасида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, мушоирамизга жундор пўстин кийиб келган Усмон акани “Айиқ терисини ёпинган Усмон Азим” дея таърифлаган, шоирнинг уруш ва тинчлик мавзуидаги “Подполковник Фатеев” шеъри устозга беҳад маъқул тушиб, “Усмонқулнинг “Инсонни тушуниш” тўплами яхши чиққан” дея гурунглarda юпқагина китобчанинг пилигини кўтарган эди...

“Шу одам ўзгармади. Ҳамон ўша-ўша, Маҳмуд ака! Адабиёту матбуотнинг чин фидойиси. Китоб жинниси. Ёш ижодкорларга отадек ғамхўр... Ҳамон куйди-пишди, жонсарак, серҳаракат...”

Миннатдор шогирдларнинг устозга берган таърифу тавсифлари бор гап. Юрак-юрақдан билдирилган эҳтиром ва изҳорларида ҳам заррача муболаға йўқ.

Китобхонлик, билим ва тарбият, жаҳолатга қарши маърифат давлат ва мамлакат миқёсидаги масалага айланган бугунги сершиддат замонамизда устоз Маҳмуд Саъдий сингари фидойи ва камтарин зотларнинг ҳаётий тажрибаси, билим ва маърифати ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлишга арзигулик.

Устознинг саволлари...

Табаррук саксон ёшда аста-аста сўроқ аломатига айланиб бораётган жуссасию қомати, орадан салкам ярим асрлик муддат кечган бўлса-да, бизни – ёш толиби илмлар ва ҳаваскор шоирларни “Китоб ўқияпсанларми? Китоб ўқишни эсдан чиқариб қўймапсанларми?” дея ҳамон сўровга тутаётгандай туюлади. Устознинг ўзи эса... китоб тўла уйларию портфел-сумкалари билан, маърифат ва билимнинг жаҳолат лашкарига қарши метин ва мустаҳкам қўрғони, жонли истехкоми бўлиб кўринади... Донишманд шо-

иримиз лутф қилганларидай, “қалқон бор, қалъа бут, кўрғон саломат” бўлмоғига чин юракдан тилакдош-миз.

*Даври ўтди не зотлару турфа зўрларнинг,  
Зари бору, зўри бору – қалби кўрларнинг.  
Ошхўрлару бошхўрлардан фарқли ўлароқ  
Бу камтар зот пири эди китобхўрларнинг.*

*Устоз Асқад Мухтор уни “шайх” деб алқаган,  
Яхши китоб кўрган они – офтоб балқиган.  
Шу китобни токи қўлга киритмагунча –  
Неча бора дунё тугаб, олам қалқиган.*

*Кимлар бойлик йиғди, зарҳал, кимхоб тўплади –  
Ўз жонига билмас ранжу азоб тўплади.  
Бу тинмас жон дўконлару расталар аро  
Китоб йиғди, бутун умр китоб тўплади.*

*Биз ҳам сўз деб ҳар кўчага чопганларданмиз,  
Сўз чангидан дилга чопон ёпганларданмиз.  
Шайх Саъдийдан тополмаган пандларимизни  
Маҳмуд Саъдий муаллимдан топганларданмиз.*

*Гувлар эди тун-кун дунё божхоналари,  
Ярқирабон кўркам қасру қошоналари –  
Зар-тиллога қўмилдилар кимлар, бу зотнинг  
Китобларга тўлди уйлар, ошхоналари.*

*Нур-зиёдир, хур зиёдир таълим-тарбият,  
Шулдир асли маънавият, миллат, қадрият.  
Умр бўйи китоблардан кўрғон тиклаган,  
Сиздай зотлар бор экан то – ўлмас маърифат.*

*Демак, устоз, бор бўлсин юрт ҳам элларингиз,  
Эранларга хос тилингиз, кенг феълларингиз.  
Кўлингиздан тушмасин ҳеч, яшасин доим  
Китоб тўла садоқатли портфелларингиз!*

18.07.2019 й.



## ВАТАННИ СЕВИШ КЕРАК

### Илоҳий куч

**Остона – муқаддас, деймиз. Яқинлашганда ўннга, сўлга қараймиз, секинлаймиз. Бир лаҳза оҳиста тўхтаб, кўнглимиз ёришиб, ичкарига қадам ташлаймиз.**

Ватан остонадан бошланади. Балки она сийнаси-дан гўдак оғзига тушган бир томчи сутдан, илк бор тил чиққан маҳал айтиладиган она деган муқаддас сўздан ибтидо олар у...

Президентимиз бундан икки йил муқаддам, таъбир жоиз бўлса, “Ижодкорлар курултойи”да Ватан қадри-қимматини бадиий сўз воситасида ифода этишнинг нақадар улкан аҳамиятига ишора қилиб, шундай деган эдилар: **“Адабиёт ва санъатнинг нақадар қудратли кучга эга экани ҳақида сиздек зукко инсонлар ҳузурда сўз юритишга, очиғини айтсам, мен бироз тортинаман. Лекин мана шундай буюк, илоҳий кучдан биз мамлакатимиз, эл-юртимиз равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланяп-мизми? Ёки улуғ адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, атомнинг кучини ўтин ёришга сарфляп-мизми?”**

Дарҳақиқат, адабиёт – илоҳий куч. Назм султони Алишер Навоий замонидан бугунгача, эртага ва ундан кейин бебаҳо мазмун-моҳиятини асло йўқотмайди.

Мозийга бир қур назар ташласак, улуғ шоирларимиз ижоди гуллаб-яшнаб, юксак чўққиларга кўтарилгани ўша давр элу юрт раҳбари, сўнг жамиятнинг хайрихоҳлиги туфайли юз берганлигини кўрамиз.

### **Ғайб чериги мададкор бўлса...**

Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг суюкли устозларидан Мавлоно Лутфий салтанат соҳибини “сиёсат эгаси” дебон таърифларкан, “ўкинмагил, ғам емагилким, ранжу машаққатлар ортда қолиб, қаддимиз баланд, юзимиз ёруғ, орзу-ниятларга эришган ҳолда “Кўргайбиз ўзимизни Хуросон орасинда” дея гўеки келажак авлодлар ва замонларга ҳам лутф, ҳам башорат қилгандай бўладилар. “Малик ул калом” бобокалонимиз, табиийки, ўз бобо каломларини якка – қаровсиз ва муҳофазасиз қолдирмайин, “Чун Сизга мададкордурур ғайб чериги” дея, бу давлат, бу салтанатнинг Яратган томонидан буюрилганини, мамлакат ва унинг эгаси Оллоҳнинг ҳифзу ҳимоясида эканини алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Бугунги дунё, бугунги давру замонга қайтиб айтадиган бўлсак, оламнинг манаман деган сиёсатдонларию газета-журналлари, ахборот каналлари билан ижтимоий тармоқларининг она Ўзбекистонимиз ҳақида, давлатимиз раҳбари юргизаётган янгича сиёсат, мамлакатда қачаётган кенг қамровли ўзгариш ва бунёдкорликларга бераётган баҳоси, таърифу тавсифларидан қалблар ҳаяжонга тушади, беихтиёр жисму жон орзиқади, қалқийди, балқийди:

**“Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг уриб турган улкан, уйғоқ юраги”.**

Бедорлик бизга хос, азал-азалдан қалби ҳам, қони ҳам уйғоқ халқимизга хос.

Мамлакатда кечаётган жараёнлар, ўзгариш ва янгиланишлар осонликча бўлмаётганини дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам билиб, кўриб турибдилар. Аммо биз фақатгина бировлар кўрсин, билсин учунгина қилмаяпмиз бу ишларни. Ватан равнақи, халқ ва миллат тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислохотлар бировлар учун қилинмайди-да ахир. Бунга Президентимизнинг ШАХС сифатидаги қизгин ва беором фаолияти, халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз ободлиги йўлида кейинги икки йилда амалга оширган имиз маҳобатли ўзгаришлар гувоҳлик бериб турибди. Биз улуғ боболаримиз айтганидай, янги давр ва янги замон қасрини бунёд қилмоқдамиз. Миртемир домла сатрини она юртимиз миқёсига тенглаштириб “Дунё кенг, бибижон, кўзлар илғамас” дея иқтибос келтирсак ҳам тўғри бўлар, аммо азиз ва жонажон Ватанимизнинг бугунги кўрки-чиройига боқиб, ислохотлар самарасини кўриб оламнинг, олам аҳлининг кўзлари қамашаётгани ҳам бор гурунг.

Президентнинг орзу-нияти, юргизилаётган сиеятдан кўзланган мақсад-муддао: Халқни, Ватанни обод кўриш, энг тараққий этган мамлакатлар билан бўйлашиш, фарзандларимиз билимли-маърифатли бўлсалар, Бухорийлар, Беруний ва Ал-Хоразмийларнинг авлодимиз ахир, токайгача боболаримизнинг оқ отига мингашиб олиб, мақтанамиз, ўзимиз ҳам дунёнинг илму фан қўрғонларини забт этиб, миллатимизнинг шаъну шарафини кўтарайлик-да деган эзгу ва олийжаноб ғоялардир бу.

Маърифатсиз мулк – қуёшсиз осмондир деган эканлар Алишербек бобомизнинг яна бир олийшаън устозлари Амир Хусрав Деҳлавий ҳазратлари. Мамлакатимизда мана шу маърифат офтоби мангу чарақлаб нур сочиб турмоғи учун, фарзандларимизнинг маъна-

вий-маърифий камолоти йўлида барча ҳуқуқий-қонуний ва амалий имкониятлар кенг ва мўл яратилаяптики, бу борада ва яна бир қанча қулайликлару шарт-шароитларга ҳавас қилмай иложимиз йўқ.

**“Уйғонинглар!.. Эртага кеч бўлади! Уйғонайлик!..”**

Жаҳолат ҳар лаҳза, ҳар соатда хуруж қилаётган, таҳдид солаётган сертахлика оламда Президентнинг миллат аҳлига қарата айтган бу ташвишли даъватининг мазмун-моҳиятида ҳам ёшларимизни билимли, маърифатли қилишдек умуммиллий масала уйғоқ юрак мисол гупуриб турибди.

**“Бугунги раҳбарлар пок бўлса, ҳалол бўлса, кўп нарса ўзгаради. Порахўрлик иллоти миллатни емиради...”**

Қиличдай кескир ва кескин бу иқтибослар янгича сиёсат, янгича давлатчилигимиз бунёдкори бўлмиш Президентимизнинг шунчаки айтган сўзлари эмас – улар замирида халқ ва миллат поклиги, фарзандлар келажагию ватан тақдири билан боғлиқ жиддий ўй ва изтироблар силқиб, зирқираб турибди. Худди шу нуқтада Навоий бобомиз маълум ва машҳур байтлари билан давлат кўрган буюк донишманд мисол бугунги сиёсатни қўллаб-қувватлаб тургандай туюлади:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
...Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Давлат раҳбари жаҳондаги мураккаб вазиятда тўғри сиёсат юргизиш – энг мураккаб вазифа, дея таъкидлар экан, “халқимиз бир йил олдинги халқ эмас, ўзгарган, жудаям ўзгарган”, деган қатъий хулоса билан дунёқараши тамомила янгиланган, ҳаётга, эртанги кунга ишончи қатъийлашган одамларимизга энди

ёлғон гапириб бўлмаслигини, халқ билан вақт олий ҳакамлар каби ҳаммасини кўриб, чиғириқдан ўтказиб турганига алоҳида урғу беради. Бугун очиқ-ойдин сиёсат юргизилаётган экан, демак ўзини шу халқ, шу Ватаннинг фарзанди деб билган ҳар бир элдошимиз ўз бурчи-вазифасини сидқидилдан ҳис қилиб, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида виждонан яшамоғи, меҳнат қилмоғи шарт ва зарур. “Оғзакидан “беш” олиб юрган, яъни ҳамма нарса оғизда ва қоғозда “бажарилган” ёлғон замонлар ном-нишонсиз кетди. Қанча ёлғон, қанча сохтакорликлару Ватан, халқ шаънига қилинган нонкўрлик ва фирромликлар юзага қалқиб, эл-улуснинг кўзи ўнгида ошкор бўлди. Одамлар, катта-кичик, ёшу қари элдошларимиз комил ишонч билан амин бўлдиларки, орқага энди йўл йўқ, сиёсат очиқ-ошкора олиб борилаяптими, юрт эгаси кечани кеча, кундузни кундуз демай жон куйдираяптими, демак бундан буён халққа, она Ватанга нисбатан қаллобликка, хиёнат ва нонкўрликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди! Устозлар ҳикматига таяниб айтадиган бўлсак, “лайлак ҳайдаб юрганимиз” ёлғон тузумлару тизимларнинг куни аллақачон битди. Устозимиз алам билан айтган дардли-армонли бир ҳолат ҳеч эсимиздан чиқмайди: “Вилоят ҳокими билан кўришиб ўн-ўн беш сония гаплашишдан кўра аллақачон Рим Папаси билан кўришиб чиққан бўлардим”. Бу гаплар – ўша ёлғон замонларнинг аламли, изтиробли эсдалиги.

Бугунги даврнинг жўшқин ва қизғин манзаралари эса – халқ қабулхоналарию эл-улус билан бўлаётган очиқ мулоқотлар, ҳамма раҳбарлар – ҳоким ҳам, мутасадди шахслар барчаси халқнинг орасида, халқ эҳтиёжлари ва талабларини рўёбга чиқариш мақсадида халқ билан бирга, халқ хизматига камарбаста.

Жаҳон давлатчилик тарихида бунақаси ҳеч қачон бўлмаганини дунё сиёсатдонлари аллақачон эътироф этиб, тан берганлари ҳам барчага маълум. Шу боисдан Президентнинг **“Энг катта масала – эртанги кунга қўяётган қадамларимизга халқ ишониши керак. Ҳар бир бўғин ўз аравасини ўзи тортиши керак. Ҳеч ким келиб бизга ҳеч қачон ҳеч нимани қилиб бермайди!”** сингари қатъий хулоса ва кўрсатмалари барчани бирдек сергак торттирди, одамларнинг иши ва ҳаётида кенг акс садо берди.

Биргина **“Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш”** даъватининг умуммиллий ва умумба-шарий миқёсдаги аҳамияти хусусида гапирадиган бўлсак, бу даъватдан кейин мамлакатимизда бошланган кенг китобхонлик ҳаракатининг амалдаги самаралари беҳад ҳайратланарли. Тўғриси ай-тиш керак, китоб ва китобхонлик бизнинг кундалик турмушимиз ва ҳаётимиздан чиқиб кетаёзган бир пайтда, Президент ташаббуси билан китоб ва мутолаа ўз мўътабар мақомига қайтарилиб, яшаш тарзимизнинг асосий ва муҳим шарт ва эҳтиёжига айланди. **“Китобсиз келажак йўқ”** сўзларининг мазмун-моҳиятида ҳам айнан ана шу ҳаёт ва мамот масаласи назарда тутилган.

### Меҳрпарварлик илми

Ўтган неча-неча асрлар қўлига қалам олиб, сўз гавҳарларини тизгувчилар қашшоқликда, хору зорликда нола чекиб, дунёдан армон билан ўтганлари тарих зарварақларига битилгани барчага маълум.

Яқин-яқинларгача гарчанд ижодкорларимиз, мустақилликнинг илк кунидан бошлаб пешқадам сафларда собит турган бўлсалар-да, кўкракларига гоҳо

нишонлар тақилса-да, имкониятлар торлигиданми ё бошқа сабабларданми “Ҳолинг не кечди, биродар, аҳволинг қалай, соғлигинг дурустми, рўзгоринг бутми?” деб сўрагувчи йўқ эди. Аксинча, “Нега сен... нега..?” деган саноқсиз саволлар, ижод аҳлига нисбатан безакли қоғозларга ўралган ошкор-ноошкор нозиликлар ўрмалаб юарди.

Аслида, ҳар бир инсон зоти меҳрга зор. Меҳр кўрса, қалби жўш уради, ҳаётдан рози бўлади, “жонини жаббор”га бериб меҳнат қилади. Ўша тарихий учрашувда, давлатимиз раҳбари меҳр-оқибат, эътибор, ҳурмату иззат дарвозасини очиб берди. Назм ва наср фидойиларининг агар адабиётимиз сарчашмасини Мавлоно Лутфий ва ҳазрат Алишер Навоийдан юз очган десак, салкам етти аср давомида бирга йиғилиб маслаҳат соладиган, ўзаро ўрганиб, шогирдларни жамлаб, буюк манзилларни кўзлаб, орзу-умидлар қиладиган бирор-бир бино пешонасига битилмаганди. Кейинчалик, аниқроғи, 70 йиллар муқаддам муваққат ижара уй тегди, кўча-кўч балосига йўлиқди уюшма.

Президент айтдилар: **“...Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил топганига 70 йил тўлганига қарамасдан, ҳозиргача ўз биносига эга бўлмасдан, ижара биноларда фаолият кўрсатиб келаётган эди. Шунини ҳисобга олиб, Адиблар хиёбони ҳудудида Уюшма учун алоҳида бино қуриляпти”.**

Яна айтдилар: **“...Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун имтиёзли ипотека кредити асосида 2 та кўп қаватли уй барпо этиш, шу тариқа ушбу ҳудудни том маънода адиблар масканига айлантириш кўзда тутилмоқда”.**

Алоҳида таъкидладилар: **“...Зомин ва Паркент туманларининг сўлим ва хушманзара, илҳомбахш ҳудудларида ижодкор зиёлиларимиз учун замо-**

**навий ижод уйлари – коттежлар қурилиши режалаштирилмоқда”.**

Ҳозир воқеликнинг таърифини сўз билан ифода-лаш осон эмас. Авваламбор, кексаю ёш ижодкорларимизнинг нафосатнинг олиймақом манзилидан қада-ми узилмайди. Аллақачон халқаро тадбирлар уюшти-ришга муваффақ бўлдик. Ҳар куни янги китоб тақди-моти, ҳар куни маърифат-маънавиятнинг қалб шоди-ёналари асло тўхтамасдан давом этмоқда. Эрта-индин бунёд этилаётган шинам ва кўркам уй-жойларга шои-ру адибларимиз оилалари билан кўчиб ўтишади.

Бу эътибор, бу марҳамат, бу юксак ҳурмату иззат-ни кўриш бизга насиб этди. Энди бедорликни шиор этмоқ, шунга риоя қилмоқ пайти етди. Бундан буёғи-га адабиётга ўтин ёриш учун эмас, инсон руҳиятининг ноёб кечинмалари ҳақида, элу юртнинг равнақига, юртдошларимизнинг ички оламларини – миллий юк-салиш дунёсига туташтирадиган асарларни ёзмоғи-миз ҳам фарз, ҳам қарз.

Одатда, биз у ишни қилдик, буни қойиллатдик, деган мазмунда ҳисоботларни тиқиштириб мақта-ниб қўйиш қонимизда бор. Тўғриси, мақтанишимизга ҳали эрта. Зотан, уюшмамиз амалга оширган ишлари ўзига яраша кўп ҳамда салмоқли эса-да, халқимиз ора-сида юриб, ўй-ташвишларидан воқиғликда, ҳамна-фасу ҳамдардликда орзу-армонларини ёрқин бадиий услубларда очиб беролганимизча йўқ.

**Сув келтирган элда азиз, меҳр улашган-чи?..**

*Сув келтирган элда азиз,*

*Сув келтиргай мард киши.*

*Ўз халқини рози қилмоқ*

*Матонатли мард иши.*



Бойсунда, Мўйноқда, Манасда – умуман, юртимизнинг юзлаб қишлоқларига шарқираган тоза сув келди. Обихаёт – ўз номи билан тириклик манбаи, унинг хос воситаси. Сув – ҳаловат, нон – ризқу барака, уй-жой – бошпана, инсон оройиши. Шу уч сўзда ризолик акс этади. Шулардан етишмовчилик келса, умрни умр демак андак душвор. Қарангки, бир ерда боши осмонга теккан тоғлар оралаб, бошқа ерда қақраган биёбондан, яна бир манзилга тақир, қотиб кетган ерлардан қувурлар тортиб келишнинг ўзи не машаққат, не заҳмат?! Аммо меҳр кўрсатилса, халққа елка тутиб, жонига оро берилса, шарафли меҳнатнинг натижаси эл дуо-си, чексиз қувонч, шодиёна, бемисл ташаккуру миннатдорликлардан ажру савоблар топади... Эскилар айтадилар: дарё бошида турган оқилу доно, силайи раҳму эъзоз, ҳамрозу ҳамдардлик соҳиби бўлса, умринг яхши замонда роҳату фароғатда ўтади.

Не бахтки, давлатимиз раҳбари меҳрини, эъзозини, эътиборини ҳеч кимдан дариг тутмайди. Барчага баробар. Кўп миллатли халқимизнинг ҳар бирига назари баланд, эҳтироми юксак. Оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган Бўстон мўъжизасини олайлик. Болаларга алоҳида, ўсмир ўғил-қизларга бошқача, ёшларга қиёси йўқ, ўрта ёшлиларга ва кексаларга айрича эзгу муносабатлардан таркиб топган маъмур ва маънавий чароғон манзилнинг бунёд этилиши кишини ҳайратга солади. Унинг мағзида ҳам сув – тириклик, нон – ризқу барака, уй-жой – инсон оройиши акс этиши баробарида ҳам жисм, ҳам руҳ тарбиясининг уйғунлигига мос тарзда Зухро юлдузидек китоб қадаб қўйилди.

Шу ўринда, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб йўлга чиққан китоб ва маърифат карвонлари, кутубхоналар ва китоб марказларию китоб дўконла-

рининг қаторасига очилиши, бу масалага Президентнинг ўзи жиддий эътибор бераётганининг самараси ўлароқ, китобхонлик она диёримиз бўйлаб кенг тарқалаётгани, китобхон оила, китобхон маҳалла, мактаблар сони ва сифати ортиб-кўпайиб бораётгани кўпчиликка, айниқса, ота-оналар, устозу мураббийлар, муаллимларга олам-олам қувонч бахш этаётганини таъкидламоқчимиз.

Бўка туманидаги 27-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубованинг “Беш ташаббус” ҳақидаги самимий, сидқидилдан ўқиб берган шеъри ҳаммани, айниқса, давлат раҳбарининг ҳайрат ва эътирофига сазовор бўлди. Президент бу истеъдодли қизимизни **“Янги давру замонларнинг ширин меваси”** дея бошини силади, унинг отасига совға сифатида енгил автомашина тухфа этди. Ота-онасига, муаллимларига раҳматлар айтиб, ота уйида “Фазилат” номли кутубхона очиб беришга кўрсатма берди. Мурғак қалбида она Ватанимизга чексиз садоқат ва муҳаббат туйғулари жўш уриб турган ёшларимизнинг ёрқин вакиллари билан Зилола Шомуродова бўлса, Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 35-мактабининг 5-синфида аъло баҳолар билан ўқиш билан бирга, тенгдошлари орасида хулқи ва иқтидори билан ажралиб туради. У “Ёш китобхон” кўрик-танловининг туман босқичида ғолиб бўлиб, вилоят босқичига йўлланма олган. Ана шу мусичадай қизгина қалб амри ва юрак меҳри билан “Жаннат юртим султони” шеърини ёзиб, Юртбошимизга бағишлади ва мазкур шеър ҳамда ўзининг самимий тилаклари акс этган мактубни йўллади. Чинакам ватанпарварлик, юрт тақдирига дахлдорлик туйғулари билан суғорилган ушбу хат эътиборсиз қолмади. Президентимиздан Зилола Шомуродовага жавоб хати келганию, ушбу мактубни тан-

танали топшириш маросими Нурафшон шахридаги янги бунёд этилган “Ёшлар маркази”га йиғилганлар – кенг жамоатчилик вакиллари, шоира қизимизнинг синфдош дўстлари, оила аъзоларию устозлари ва тенгдошлари учун чинакам ҳавас ҳамда сурур байрамга айланиб кетганини алоҳида айтиб ўтмоқ лозим. Қанча ёш ўғил-қизларимиз қалбида ҳавас ва янги орзу-умидлар уйғотган бундай серҳаяжон анжуманлар тарбиявий ва ибратли жиҳатлари билан катта аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг фурсат топиб бир иқтидорли қизимизнинг дил изҳорига жавоб мактуби билан совға-саломлар йўллаганлари оталарча ғамхўрликнинг, бирор-бир истеъдод эътиборсиз қолиб кетмаслигининг ҳавас қилса, ифтихор этса, арзийдиган олиймақом тимсолидир. Дарвоқе, китобхонликка оид яна бир яхшиликни аён этсак, айна муддао бўлур эди. Биз, ижод аҳли китобхонликнинг халқимиз орасида устуворлик касб этишини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларнинг фаол ва самимий тарғиботчиси сифатида ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпмиз. Аслида, бу ҳам меҳрнинг бир кўриниши, тажаллисидир.

Ижодкорларимизни ларзага солган, уларда олийжанобликнинг энг беназири – маломатсиз эзгуликнинг яна бир энг олий намунаси хусусида бир-икки сония тўхталсак. Адашган, гумроҳ оила саркорларининг измига бўйсуниб ваҳший уруш комида хору зорликка мубтало бўлган 156 нафар оналару болаларнинг минг хавфу хатарларга қарамай, она ватанимизга қайтарилиши воқеоти одамийликнинг, аждодларимиздан мерос саховату оқибатнинг, такрор айтамыз, юксак меҳрнинг тасдиғи сифатида жаҳон айвонида кенг овоза бўлди.

Мушоҳадаларимиз ўртасида “Сув келтирган элда азиз” жумласининг давомини ёзиб қўйиш фурсати

келди чоғи. Дарҳақиқат, “Сув келтирган элда азиз, сув улашган эса улуғларнинг улуғидир”.

### Бедорлик мезони

Фаолиятимизни элақдан ўтказар эканмиз, бундан 22 йил аввал Президентимиз Жиззах вилоятига ҳоким бўлган кезлари устозимиз Абдулла Ориповни чорлаб, Зоминнинг жаннатмонанд “Ўриклисой” дам олиш масканида ёш ижодкорларнинг 1-республика миқёсидаги семинарини ташкил этиб берганини фахр билан ёдга оламиз.

Ўшанда улкан ниятлар билан ҳаяжонга тўлиб-тошиб айтгандилар: **Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин!**

Зомин семинари бу йил ҳар йилгидан ҳам жўшқинроқ ва баландроқ руҳда ўтганини алоҳида қайд этсак, хато бўлмас. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қуриб, фойдаланишга топширилган кўркам ва ҳашаматли Зомин санаторийси (коттеждардан-да юз маротаба аъло), унинг амфитеатрию чиройли оромбахш заллари, хоналари деярли тўлиғича устоз адибларимизу ёшларимизнинг завқу шавқлари ва истеъдодларини бор бўй-басти билан намойиш этишлари учун беминнат хизмат қилишга бағрини очди. Шеърый илҳомлари Ўриклисой жилғаларидек шарқироқ, завқ ва ҳаяжонлари Зомин тоғлари янглиғ юксак бу ўғил-қизларимиз орасида яқин келажакнинг Ҳамид Олимжонларию Зулфиялари етишиб чиқмоғига уларнинг ёрқин истеъдодлари гувоҳлик бергандай гўё.

Замон шитоби тез. Шоирларимиз деҳқон-ғаллакорларнинг шижоатли меҳнатини тараннум этишга

улгуриб-улгурмайин, мамлакат ёзнинг саратон палласига юз тутди. Далаларга борайлик, дея шоирларимиз Сирдарё далалари томон йўл олишди. Ғўзалар гуркираб ўсаётган пайкалларда Минҳожиддин Мирзо, Нодир Жонузоқ, Носиржон Жўраев, Ахтамқул Карим, Жўрабек Жаҳон сингари ижодкорлар деҳқонларимизнинг оғир ва шарафли меҳнатини мадҳ этиб ёзган, эгатлардай равон ва ғўзал шеърлари ҳурматли фермерларимизга айна чилла пайтида назмий елпиғичлар мисол ором бағишлаганига ишонамиз.

Тошкентга келсак, таниқли шоиримиз Саъдулла Ҳакимнинг “Юрт ўғлони” тўплами, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Ёзувчининг боғи” ҳикоялар китоби нашрдан чиқибди. Рустам Мусурмон Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Иброҳим Юсуповнинг “Чўл армонлари”, “Бу ер ҳали зўр бўлади” дostonларини қойилмақом қилиб ўзбекчага ўгириб қўйибди. Ихчам китоблар туркумида беҳаловат шоирларимиз Ўткир Раҳматнинг “Тамаддун дарёси”, Абдували Қутбиддиннинг “Биз – барчамиз, биз – ҳаммамиз” шеърий тўплamlари, азим шоиримиз Азим Суюннинг шаҳримиздаги бунёдкорликларга бағишлаб ёзган “Тошкент-Сити” достони, “Беш ташаббус – беш қоя” шеъри билан кўпчилик мухлислар олқишига сазовор бўлган беором адибимиз Абдусайд Кўчимовнинг, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг “Адиб ва жамият” рукнидаги китоблари ва яна бир қанча асарлару қўлёзмалар нашрга тайёрланаётганини кўриб, қувониб кетдик.

Бу янгиликларни эшитиб:

– Сирдарёнинг пахта пайкалларида сувчилар ухламасдан кечаси билан эгатларга сув тараб юрибди, элнинг шоиру ёзувчилари ухласа, бедорликни ихтиёр этмаса, уят бўлар, – дея донишмандона лутф қилди арбоб акалардан бири.

– Дуруст гап. Тўғри лутф. Қўшилмасдан иложимиз йўқ, – деди унга жавобан газета бош муҳаррири.

Бедорлик, уйғоқлик, айниқса, қалам аҳлининг қалб шиорига айланмоғи керак. Бўлмаса шоирлик нечун, қалам ва қоғоз сарфламоқ, вақтни бекорга харжламоқ нечун?..

**“Ватанни севиш керак! Ватанни севган одам хато қилиши мумкин, лекин ҳеч қачон хиёнат қилмайди!..”**

**“Ҳудудлар ободлиги – менинг ободлигим”.**

Давлат раҳбарининг сўзлари – беором ва беҳаловат қалбнинг Бедор ва уйғоқлигидан далолат беради. Навоий бободан мадад сўрайдиган бўлсак, у табаррук зот “Ҳайрат ул-аброр” дostonларида бундоқ деган эканлар: “Шаҳки иш адл ила бунёд этар, адл бузук мулкни обод этар”.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг суюкли устозларидан Мавлоно Лутфий салтанат соҳибини “сиёсат эгаси” дебон таърифларкан, “ўкинмагил, ғам емагилким, ранжу машаққатлар ортда қолиб, қаддимиз баланд, юзимиз ёруғ, орзу-ниятларга эришган ҳолда “Кўргайбиз ўзимизни Хуросон орасинда”, дея гўёки келажак авлодлар ва замонларга ҳам лутф, ҳам башорат қилгандай бўладилар. Англашиладики, энди улар биз билан ёнма-ён. Чунки инсон қадри улуғланган, шарафланган юртда ҳамиша мўъжизалар юз бераверади. Ота-она аждодларимиз руҳи шодлигидан она заминимизга ажиб сокинлик тўшаллади, руҳимиз енгил, парвозимиз тобора баландлашиб бораверади. Одамларнинг ҳаётдан мамнунлиги кун сайин кўнгилларидан илиқ эпкиндай таралиб, юзу кўзларга урилади. Ишонч ёғдулари пойтахтимиздан мамлакатимиз бўйлаб камалаксимон рангларда ёйилгани-ёйилган. Ошириб юбординглар, деманг, биз айтганларимиз-

ни ҳақиқат деб биламиз ва асло сўзимиздан қайтмай-  
миз.

*Мамлакатда бирор-бир  
сиз бормаган гўша йўқ,  
Бедор, беором ҳар қалб,  
дейсиз миллат кўркидир.  
Ватанни севиш керак,  
бундан оғир тўша йўқ,  
Матонат юкидир бу,  
Садоқатнинг юкидир.*

*Юртни юрт қилганларнинг  
Изсиз кетмас қалб кўри.  
Буюк уммонлар қолгай  
дарёдай буюклардан,  
Халқу Ватан тақдири,  
Келажакнинг тақдири  
Яратган томонидан  
Зиммангизга юкланган.*

*Юкинг ерда қолмагай,  
Она юрт, ота макон.  
Дилбандлар ҳам улғайиб,  
Соҳиби даврон бўлгай.  
Эл бошига кўтаргай  
Улуғларин ҳар қачон,  
Давлатинг пойдор шаъну  
шавкатинг жаҳон бўлгай.*

21.07–15.08.2019 й.

## ВАТАНИМ ДЕБ СЕНИ, УЙҒОНДИМ

*Ҳамид Олимжон таваллудининг 110 йиллигига*

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев миллатимизнинг улуғ сиймолари хусусида алоҳида фахр ва эҳтиром билан фикр юритаркан, жумладан, ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири, беназир шоир ва жамоат арбоби устоз Ҳамид Олимжонга шундай таъриф берган эдилар:

**“Улкан маданият намояндалари ҳақида сўз юритганда, энг аввало, XX аср ўзбек шеърятининг атоқли вакили, нодир истеъдод соҳиби бўлган шоир, драматург, таржимон, олим ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжоннинг ўлмас номи беихтиёр ёдимизга келади. Она юртимиз ҳақида, Ўзбекистон ҳақида Ҳамид Олимжондек: “Чаппар уриб гуллаган боғин, ўпар эдим Ватан тупроғин”, дея ёниб куйлаш камдан-кам шоирга насиб этган”.**

Дарҳақиқат, янги давру замонларнинг сурон солиб ўтаётган елдирим шиддатию оламнинг турфа авзойи, даҳри дуннинг ҳар лаҳза, ҳар соатда турли-туман эврилишларига қарамай бизнинг диёримизда давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори ва ғамхўрлиги шарофати билан бадиий адабиёт ўзининг баланд ва олийжаноб мақомини сақлаб келмоқда. Жумладан, ўзбек адабиётига беназир хизматлари сингган улуғ адибларимизнинг қадри ва мартабаси асл шаъну шарафини топмоқда ва муносиб эъзозланмоқда.



Бугун биз саноғига етиб улгурмаётган кўпдан-кўп эзгу ва хайрли ишлар, ҳатто ҳаётнинг ўзини ҳам лол қолдираётган ҳайратомуз ислоҳотлар ва янгиланишлар қаторида атоқли адибларимиз номи билан аталган Ижод мактаблари бунёд этилганини мисол келтириш кифоя деб ўйлайман.

Чақмоқдай чақнаган қисқа умри давомида ўзининг сермаҳсул ижоди билан чинакам адабиёт, нафис ва латиф шеърят мактабини яратган устоз Ҳамид Олимжон бундай юксак рутба ва эҳтиромга нақадар муносиб эканини ҳаммамиз теран англаб турибмиз.

Беихтиёр, донишманд устозларимизнинг “Мен ҳам яшаяпман ўз замонимда, давримдан қайга ҳам кетардим йироқ” сатрлари ёдга келади. Дарҳақиқат, истибдод замони деб аталмиш у тийра ва зулмкор тузумда Ватан ва миллат шаънига фусункор Сўз айтиш ҳам осон бўлмаган, албатта.

*Мен дунёга келган кунданоқ  
Ватаним деб сени, уйғондим.  
Одам бахти биргина сенда  
Бўлурига мукамал қондим.*

*...Ҳар айтганинг буюк жангнома,  
Қайга десанг қайтмай кетурман.  
Кўзларимни юммасман асло –  
Дарё каби уйғоқ ўтурман.*

Устоз Абдулла Орипов Ҳамид Олимжон ижоди ва у яшаган давр ҳақидаги “Мафтункор шеърят” сарлавҳали мақоласида бу ҳақиқатларни, қанчалик ачиқ бўлмасин, рўй-рост баҳосини берган:

**“...Собиқ тузумнинг асоссиз ва муваққат ғояларини байроқ қилавериш қандай аянчли оқи-**

батларга олиб келишини биз ўз кўзимиз билан кўрдик. Не-не порлоқ истеъдод эгаларининг ўша замонни улуғлаб ёзган асарлари эндиликда ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Бу эса, табиий ҳолдир.

Ўша замон адабий мафқурасининг ғайритабиий усулларида яна бири шу эдики, улар ҳар қандай образлилик тагидан ёхуд ҳаётий кайфият пардаси ортидан, албатта, ғоявий-сиёсий камчилик ахтарар эдилар. Ҳар қандай оддий шеърдаги, дейлик, юлдуз ташбеҳини шарҳлаб, “Бу юлдуз қайси тузумнинг юлдузи?” қабилдаги саволларни ўйлаб топишарди. Ҳижронни куйлаш эса, шубҳасиз, тушкунлик деб эълон қилинарди (Худди шу айбнома кейинчалик Ҳамид Олимжон хотирасига шеърлар битган шоира Зулфияхонимга ҳам қўйилди).

Шундай муҳитда ижод қилган шоирларнинг мутлақо яланғоч сатрлар битишдан ўзга иложлари йўқ эди. Ўтмишга мурожаат қилиш ўта хатарли эди. Уруш даври бўлгани сабабли “Муқанна” каби асарларда озодлик туйғуси куйлангани учун ўша пайтларда муаллифга тегинишмади. Лекин кейинчалик шу руҳдаги “Жалолиддин Мангуберди” асарини ёзгани учун Мақсуд Шайхзода қатағонга учради. Балки Ҳамид Олимжон барвақт кўз юммаганида унинг бошига ҳам Шайхзоданинг куни тушарди...”

Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним номидаги ва яна бошқа устозларимиз номларидаги Ижод мактабларида ўша қаттол замонларнинг мана шундай оғир сабоқларидан ҳам бугунги авлод хабардор бўлмоғи керак. Ана шундагина яқинда Гулистон шаҳрида Ижод мактаби очилган яна бир оташнафас шоирамиз Ҳалима Худойбердиева таъкидлагандай, бугунги дорилон кунлар, янги даври замонларнинг қадр қиммати кафтдагидек аён бўлади.

Шу боисдан ҳам айна лаҳзаларда маҳорат бобида Ҳамид Олимжон шеърятидан ўрганган, шоирнинг бир қарашда оддий ва осондек туюлгувчи инжа-нозик сўз заргарлигидан улгу олиб, ўз бетакрор мактабини яратган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари муҳтарам устозларимизнинг табаррук номларини эҳтиром билан эслаймиз.

Навоийшунослик борасида ҳам устоз Ҳамид Олимжон дарсхонасидан жуда кўп сабоқлар олиш мумкин.

Мен сўзимни чўзиб ўтирмасдан, Ҳамид Олимжоннинг бой ижодий меросидан, аниқроғи, унинг юксак таржимонлик санъати ва тажрибасидан биргина мисол келтириш билан чекланаман. Иккинчи жаҳон урушининг оғир ва машаққатли йилларида Ҳамид Олимжон бетиним ижтимоий фаолият билан бирга, айна пайтда, қизғин ижодини ҳам асло тўхтатмаганини ҳаммамиз яхши биламиз. Таниқли рус шоири Константин Симоновнинг “Жди меня” сарлавҳали дардли-изтиробли, руҳи баланд гўзал шеъри бор. Бу шеърни Ҳамид Олимжон юксак маҳорат билан ўзбекчага таржима қилган. Таржима шу қадар ўзбекона жаранглайдикки, шеър аслият билан муқояса қилинганда, гўё Константин Симонов уни ўзбекчадан ўз тилига ўгириб олгандек туюлади. Биз ушбу шеърни мактабда ўқиб юрган кезларимиздаёқ, бундан салкам 50 йиллар бурун улуф адибимиз Одил Ёқубовнинг “Эр бошига иш тушса” китобидан завқу ҳаяжон билан ўқиб, ёдлаб олган эдик.

Ижозатингиз билан “Мени кутгил” шеърини ўқиб берсам.

*Мени кутгил ва мен қайтарман,  
Фақат кутгил жуда интизор,  
Кутгил ёмғир зериктирганда,  
Мени кутгил ёққанида қор,  
Атрофингни ҳарорат қоплаб,*

Еру кўкни чанг тутганда кут.  
 Бошқаларни узатган дўстлар  
 Кечагина унутганда кут.  
 Хат келмасдан узоқ ерлардан,  
 Юрагингни қилганида қон,  
 Кутгил сен-ла бирга кутганлар  
 Зериккандан чекканда фиғон.

Мени кутгил ва мен қайтарман,  
 Бўлса ҳамки рангинг заъфарон,  
 Ёринг қайтмас, умидингни уз,  
 Деганларга тилама омон.  
 Майли, ўғлим, синглим, волидам,  
 Аза очсин мен йўқ туфайли.  
 Кутабериб сабри тугаган  
 Ёру дўстлар, ошнолар, майли,  
 Айрилиққа беролмасдан тоб,  
 Аччиқ-аччиқ ичсинлар шароб.  
 Кўзларингга тўлса ҳамки ёш,  
 Фақат сен кут ва айла бардош.

Мени кутгил ва мен қайтарман,  
 Ўлимларни қолдириб доғда.  
 Иши ўнгдан кепти десинлар  
 Кутмаганлар мени у чоғда.  
 Ёт туюлар кутмаганларга,  
 Бундай ажиб толеинг санинг.  
 Кута-кута мени офатдан  
 Омон сақлаб қола олганинг.  
 Қандай омон қолганлигимни  
 Ёлғиз сенга айтарман, сирдош,  
 Кута олдинг мени сен фақат,  
 Буюк эди сендаги бардош.

12.12.2019 й.

## ҚОДИРИЙ ҚАДРИЯТИ

*Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига*

Буюк ўзбек адиби, миллий романчилигимиз мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий асарларининг бугунги маънавий-ижтимоий ҳаётимиздаги беқиёс ўрни ва аҳамияти исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бу ҳақиқатнинг ўтмишга, ҳозирги замон ва келажакка ҳам баб-баравар дахлдорлигини барчамиз чин юракдан англаб, ҳис этиб турибмиз.

Абдулла Қодирий абадияти ҳақида гапирар экан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев улуғ адиб асарларини, айниқса, бугунги ёшлар кўпроқ мутолаа қилиши, ўқиб ўрганишлари зарурлигини қайта-қайта таъкидлаган эдилар. **“Буюк адибимиз, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий бадий даҳоси билан яратилган етук асарлар миллий ўзлигимизни англашда бугун ҳам беқиёс аҳамият касб этмоқда”.**

Дарҳақиқат, Қодирий ҳазратларининг бундан юз йиллар аввал: **“Биз янги даврга оёқ кўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз”**, деб айтган сўзлари Президентимиз фикрлари билан нақадар ҳамоҳанг, нақадар долзарб жаранглаётганини Вақтнинг ўзи очиқ-ойдин намоён этмоқда. Айтиш мумкинки, ёш авлод онги ва тафаккурига турли-туман таҳдид ва тазйиқлар хуруж қилиб турган бугунги сертахлика ва хавотирли дунёда жаҳолатга қарши маърифат билан кураш жабҳала-

рида Абдулла Қодирий асарлари бизнинг сафимизда собит аскарлардай кўкрагини қалқон қилиб тургани ҳам айна ҳақиқат.

Аслида Абдулла Қодирий ҳақида ҳамма гаплар ай-тиб бўлингандай, ул зот чеккан ранжу ситамлар, бошидан ўтқарган хорликлару етқизилган озору ҳақоратларни сўйламаган одам, қаламга олмаган шоир ё ёзувчи қолмагандай, русумат учун гапирётганларнинг ўзи ким қанча – бу гап-сўзларнинг бари бир тараф, адибнинг ўзи яратган асарлар бир тараф – энг одилсўз, олий маҳкамаларнинг олий ҳакамлари ҳам чиқара олмайдиган етук оқлов сифатида мангу салмоқ касб этиб турибди.

Бу асарлар – миллат фахри, муаллиф тақдири – миллат тақдири. Улар тақиқланган кунларга миллат тақиқланган кунлар, Қодирий қатл этилган замонга эса миллат қатл этилган замон деб қарамоқ керак. Мангу асарларнинг мутолааси мангу, туганмас мутолаадир. Қодирийни ўқиб битқариб бўлмайди, шул сабаб, ҳамма гаплар буткул айтилгандай туюлса-да, аслида ҳеч нарса айтилмаган бўлиб чиқади.

У армонли кунлар, миллат озодлиги ва равнақи йўлида қурбон бўлган улуғ зотларнинг фожиали тақдири ўзбек адибларини ҳамиша изтиробга солиб келган. Абдулла Қодирийни эслар экан, устоз Абдулла Орипов “Маломат тошлари” сарлавҳали шеърида ўкинч билан шундай надоматли сатрларни битган эди:

*Сарғайган саҳфалар аро боқиб тек  
Қодирий қабрини сўрар Отабек...*

Яна бир шеърида эса, ўша қаттол тузум исканжасида яшаган улуғ салафларига етказилган жабру

азобларни нозик ишора ва аччиқ заҳарханда билан таъкидлаб ўтади:

*...Улуғ отдошларим мақоми юксак,  
Мен шогирд эрурман гарчанд аларга.  
Ҳар нечук бир гапни айтмоғим керак:  
Осон бўлмаган ҳеч Абдуллаларга!*

Улуғ адиб: “Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир” деб айтганидай, қумридил ва булбулзабон шоиримиз Муҳаммад Юсуф миллатимиз бошига тушган у машъум ва қора кунларни қуйидаги аламли сатрлар билан ёдга олади:

*Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар!  
Ана, юришибди кийганлари зар,  
Қодирийни сотиб, шоир бўлганлар –  
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор.*

*Қўлинг қадоғига босай юзимни,  
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни.  
Қайинларга айтиб “Қаро кўзум”ни –  
Сибирларда қолган Усмонларинг бор!..*

Она Ватанимиз бугун оламга бағрини кенг очиб, янги давру замонларнинг шукуҳи ва эзгу орзу-умидлари билан яшамоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита юксак эътибори шарофати билан миллатнинг маънавий равнақи учун умри ва жонларини фидо қилган улуғ сиймоларимиз ўз қадр қимматини топтомоқда.

Президент ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “**Буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ижо-**

**дининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтириш ҳамда ёзувчи таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”**ги фармойиши қабул қилингани жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлганини кенг жамоатчилик, каттаю кичик элдошларимиз қувонч билан эътироф этиб турибди.

Биринчи навбатда Президентимиз қарорига биноан Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номидаги Ижод мактаби очилганини алоҳида мамнуният билан айтиб ўтмоқ жоиз. Бу қутлуғ даргоҳда Қодирий бобомизнинг энг кенжа истеъдодли набиралари – бугунги замонамизнинг ширин-шакар ўғил-қизлари таҳсил олиб, тил ўрганмоқда, адабиёт сабоқларини юрак юрагига жойламоқда. Гурурланмай бўладими, Миллий боғимиздаги Адиблар хиёбонида, Абдулла Қодирий номидаги мемориал-хотира боғида улуғ адибимизга муҳташам ёдгорликлар ўрнатилди. Адиб яшаб ижод қилган Самарқанд дарвоза маҳалласида Абдулла Қодирий уй-музеи барпо этилди. Ушбу муҳташам меъморий мажмуа Ватанимиз тарихида XXI аср янги Уйғониш замонининг миллий-маърифий кўркем обидаси бўлиб Қодирий кадриятининг беназир тимсоли сифатида ҳали яна неча-неча авлодлар қалбидан жой олмоғи муқаррар. Бу маърифат ва тарбият кошонаси миллатпарварлик йўлида жон фидо қилган улуғ зотларнинг келажак насллар учун ҳам ибрат ва огоҳлик мактабидир.

Табаррук сана муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилган Абдулла Қодирийнинг бир жилдлик танланган асарлари, “Абдулла Қодирий замондошлари”



қомусий мажмуаси, “Абдулла Қодирий феномени”, ёш китобхонларга мўлжалланган, уларни жиддий мутолаага ундайдиган, ихчам китоблар туркумида “Ўткан кунлар ибрати” номли мўъжаз рисоласи ва бошқа асарлар кўп нусхаларда нашр этилди. Республикамиздаги Ижод мактаблари ва бошқа таълим даргоҳларида қодирийхонлик сабоқлари, очиқ дарслар, иншолар танлови ва бошқа адабий учрашувлар ўтказилмоқда. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада “**Абдулла Қодирий ва замонавий ўзбек адабий тили**” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Озарбайжон, Қирғизистон сингари кўшни давлатлардан таниқли адиблар иштирок этгани барчамизни севинтирди. Абдулла Қодирий асарлари қардош ва хорижий тилларда нашр этилиб, тарғиб қилинмоқда.

Бу хайрли ишларнинг барчаси ҳақиқатан ҳам қувонарли ва ғурурбахш. Абдулла Қодирий – миллат фохри, халқ ифтихори, албатта. Мақсад шундан иборатки, бугунги ва келгусидаги ёш авлод шундай беқиёс адабий меросдан бохабар ва баҳраманд бўлмоғи шарт. Улуғ зотлар таъкидлаганидай, бугунги болалар – азиз фарзандларимиз эртанги халқ бўлмоғи учун ҳам, энг аввало, маърифат керак, билим керак, адабиёт керак, Қодирийлар керак! Яна ва яна Қодирийлар керак!

*Не тонг эди  
изғиринлар захрини тотдинг,  
Дастурхонда музтар қолди  
қанду наботинг.  
Шаҳидларнинг номларидир  
ҳар бир работинг,*

*Абадий ёд эрур  
асли Адабиётинг,  
Чўлпон, Фитрат, Қодирий  
ҳам Усмоним – Ватан!..*

*\* \* \**

*Отабек, кетдингиз айта-айта, бек,  
Бу миллат яралди қайта-қайта бек!  
Ўтган кунларин-ку ўқиб турибмиз,  
Ўтмаган кунлари қайда-қайда, бек?!*

*22-23. 12. 2019 й.*

## **“МЕНИНГ ҚЎЛИМ – ДЎСТ ҚЎЛИДУР..”**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркия Республикасига таширифи янги 2020 йилнинг – ҳали қишининг изғирин еллари борлиқ табиат билан хайрлашиб ё хайрлашолмаётган паллалар, бир томондан эса Яратганнинг қудрати билан олам айвонига Ҳамал саболарининг гул нафаслари тириклик завқу шавқидан соғинчлар уфураётган умидбахш дамларга мутаносиб келгани ғолиб ва музаффар ҳаётнинг буюк ҳикматидан дарак беради. Улуғ дарёлар туташиб, уммонлар ҳосил бўлгани янглиғ буюк давлатларнинг олийшон раҳнамолари умумбашарий орзу-ниятлар йўлида мулоқот юргизганларида – бу дийдорлашувнинг самараси ўлароқ халқлар, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бани башар фарзандларининг эзгу ғоялари рўёби учун хизмат қилиши билан қадрли ва қимматлидир.*

Қадим ва навқирон Туркия, ундан ҳам қадимийроқ турк улуси биз – ўзбеклар учун қадим-ул айёмдан қондош ва жондош элдир.

Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари бундан қарийб 550 йиллар аввал “Фарҳод ва Ширин” достонида фахр ва ғурур билан битганларидай:

*Агар бир қавм – гар юз, йўқса, мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.*

Дарҳақиқат, бизнинг халқларни қўш буюк чинорларга қиёс қилсак, осмонларга бўй чўзса – юлдузи бир,

тупроқ аро томир ёйса – илдизи бир қадимий туркий тилли шажарадир.

Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикаси Президент девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи давлатимиз раҳбарининг том маънодаги меҳр ва эҳтироми тимсоли бўлиш билан бирга, улуғ аждодларимизнинг табаррук номлари ва бебаҳо маънавий-маърифий меросига билдирилган юксак ҳурмат, жўшқин ва оташин кўнгил изҳори бўлиб янгради.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилган Халқ кутубхонасининг очилиши билан барча йиғилганларни муобракбод этар экан, Ўзбекистон Президенти шундай самимий дил сўзларини айтиб ўтди: “Агар азим Анқара Туркия мамлакатининг тожи бўлса, ушбу кутубхона ана шу тожга ўрнатилган энг ёрқин, энг гўзал гавҳарлардан бири бўлибди”.

Маърузада улуғ аждодларимизнинг номлари такрор ва такрор тилга олингани, Қозизода Румийдан тортиб, Мирзо Улуғбек ва бу улуғ зотнинг садоқатли шогирди Али Қўшчи, бу алломанинг набираси Мирам Чалабий, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳазратларигача, улардан сўнг Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Авлоний ва Абдулла Қодирий сингари улуғ маърифатпарвар адибларимизнинг миллат камоли ва равнақи билан бирга туркий дунёнинг бирдамлиги ва маънавий ривожини йўлидаги буюк хизматлари юксак халқаро минбардан яна бир қарра эътироф этилгани анжуман аҳлига маърифий ҳаяжонлар бағишлади.

Президентимиз шу билан биргаликда турк адабиётининг Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус Эмро,

Аҳмад Пошо, Сайди Али Раис Котибий, Тошлижали Яҳё, Ҳамди Чалабий сингари буюк намояндаларининг асарлари бизнинг юртимизда кенг қадр топганига алоҳида эътибор қаратгани икки минг кишилик халқаро анжуманни ўзгача файз ва шукуҳ билан мунаввар этди.

Анқарадаги халқ кутубхонасининг муҳташам ва виқорли кошонасига ўн олтига баланд ва мустаҳкам устунлар ўзгача залвор ва кўрк бағишлаб турибди. Бу улкан ва юксак устунларнинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Гап шундаки, ҳар бир устун дунёдаги ўн олти туркий тилли давлатлар тимсоли сифатида намоён бўлиб турибди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасига бағишланган устун теграсидаги китоб жавонларидан мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намоёндаларининг асарлари муносиб ўрин олган...

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг “Тўйга тўёна билан бормоқ лозим” деган ҳикматли сўзини мисол келтирар экан, Туркия Президент девони Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китобни тўхфа этгани, айниқса, маросимнинг энг ҳаяжонли ва фараҳбахш лаҳзаларидан бўлди.

Шу ҳаяжонлар жараёнида Ўзбекистон раҳбарининг ўзи “Сўзбоши” ёзган, бутун турк дунёси ва мусулмон оламининг улуғ шоири Юнус Эмронинг яқинда мамлакатимизда ўзбек тилида чоп этилган “Ўлмас кўнгул” номли китобидан шеърий иқтибос келтиргани анжумандаги ҳайрат ва ҳаяжонларнинг юксак чўққиси бўлди:

*Менинг тилим – қуш тилидур,  
Менинг қўлим – дўст қўлидур.  
Мен булбулман, дўст гулимдур,  
Билинг, гулим сўлмас менинг!*

Президентимиз тилидан янграган ушбу чуқур маъноли жозибали шеърий сатрларни телекўрсатув орқали тинглар эканмиз, беихтиёр Туркия Республикаси Президенти “Ўзбекистоннинг Миллат шоири” деб таъриф берган устоз Абдулла Орипов ижодидан мисол келтириб, “Тилимиз бир, динимиз бир, иймонимиз бир” дея ўз эҳтиромини сидқидилдан изҳор этгани ғуруримизга ғурур қўшди.

Оврупо халқларида “Замбараклар тилга кирганда назм ва наволар садоси ўчади” мазмунидаги мақол бор. Давлат раҳбарлари олий минбарлардан шеър ўқиганда эса, имонимиз комилки, замбаракларнинг товушлари ўчмоғи муқаррар.

Одамзод эзгу орзу-умидлари, фарзандлар бахтига, эртанги кунга, тинчлик ва саодатга ишончи билан тирик. Анқарадаги олий даражадаги учрашувлар бутун дунёни ташвишга солаётган таҳдид ва тазйиқларни бартараф этиш йўлидаги мустаҳкам тарихий қадамлар сифатида давлатларимиз тараққиёти солномаси варақларига олтин ҳарфлар билан битилганига олам аҳли гувоҳ бўлди.

21–26.02.2020 й.

## НАВОЙНИ ЎҚИШ ВА УҚИШ

Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимизда адабиёт муаллимимизнинг ҳар кун, ҳар соатда қайта-қайта такрорлайдиган сўзлари бор эди:

– Ҳозир ўқимасанг, бир кун келиб пешонанг деворга тақ этиб урилгандан кейин мени эслайсан, – дерди Сафаров домла қаҳр билан. – Барингнинг аҳволингга маймунлар йиғлашини ўшанда кўраман! Аммо унда кеч бўлади, ҳеч ким сенларга ёрдам беролмайди...

Худо раҳмат қилсин, Сафаров домла жуда билимли ва маърифатли устоз эди. Ўша қийин шароитларда ҳам бир оддий мактаб муаллими бериши мумкин бўлган бор таълим ва тарбияни қалбимизга чуқур сингдиришга ҳаракат қилар эди.

Мени шу сўзларни қоғозга туширишга, аниқроғи, китобига бирор нима ёзишга ундаган ёзувчи дўстимнинг “Энабулоқ” ҳикояси қаҳрамони Подачининг шундай гаплари бор:

– Барингни чивиқлигингдан биламан, биз энди ўтин бўлдик. Ғайратинг борида белингни синдирма... ёмон дегангаям яхшилик қил. Ёлғон гапирган ўғирликдан ёмон. Ўғирликнинг ўрни ўрин топар, кўнгил алдовининг сўрови тугамас экан. Ўзимизнинг кунимизга ўтин қалаяпмиз. Биров умрини гулхона, биров кулхона қилди. Энг оғир иш тўғри йўл кўрсатиш...

Подачининг руҳий ҳолатига муаллифнинг киши кўнглини алғов-далғов қиладиган ички изтироби ушбундоқ: “...Кетмон йиқитган бўлсаям дунёда отаси-

дан зўр одам йўқ. Шаҳардан келган меҳмонлар олдида қўлининг қадоғини енги ичига яширса-да, опасидан чиройли аёл бўлиши мумкин эмас, болаликка қайтмоқ оғир кўринади. Болаликнинг бетига бетлашга юрак бетламайди...”

Ватан иси – она юрт, ота макон иси, опа-сингилларнинг соғинчли қадрдон ислари келади бу сўзлардан.

Ҳақиқий асар шундай таъсир қилади, чинакам ёзувчи ўтин бўлиб, олов бўлиб-кул бўлиб битади бундай соғинчларни.

Адибнинг барча қисса ва ҳикоялари аллақачон устозлар томонидан эътироф этилиб, муносиб баҳосини олган. Асарларига қўйилган номлар бир чағат – бир томир туғишган номлар, элдошу эмақдош номлар: “Энайўл”, “Отаҳаёт”, “Отачироқ”, “Энашамол”, “Энабулоқ”, “Отамозор”... Ҳар бирида минг хил сўз – минг хил жилва.

Болалик чоғларимизда момоннинг, онамларнинг “ноқовул бола бўлсанг...” ёки “қовулгина бола бўлсанг...” деган иборалари бўларди. ...Бир куни, ғаройиб кунларнинг бирида шу “қовулгина” бўлиб ҳикоялар ёзиб юрган дўстимиз дабдурустдан унча-мунча зот эмас, нақ шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий бобомизнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муҳокамат ул-луғатайн”дек икки муҳташам асари мазмунини ҳозирги замон ўқувчи-ёшларига тушунарли қилиб баён этаётгани ҳақидаги “хушхабар”ни айтиб қолди-ку! Ростига гап, бу кутилмаган хушхабардан унчалик ҳам хуш бўлмадим. Ичимда Мардон даллининг “бурама-сурама”, “чаппа-чуппа” шартаки гапларидан айтгим ҳам келди-ю... масала жиддий эканини англаб, дostonчи боваларимнинг “Худо сўзимизни ҳам, юзимизни ҳам ёруғ қилсин!” деган дуолари кўнглимдан кечиби, чин дилдан ният билдирдик.



Устоз Абдулла Орипов:

*Бойқаро ирғишлаб истак отида,  
Жаҳонга боққанда мисли бола шер –  
Ҳирот дарвозасин бир қанотида  
Шеърий лашкарини тизган Алишер.*

сатрларини битаркан, улуғвор тарихимиз ва адабиётимизнинг икки буюк намояндасига юксак меҳр ва эҳтиромини билдирган эди.

Абдулла ака Навоий бобони жуда яхши кўрар ва табиийки, жуда яхши билар ҳам эди. Бир кеча “Тошкент – Навоий” поездида Тошкентдан то Навоий шаҳрига етиб боргунимизча – тонгга қадар тўхтовсиз улуғ бобокалонимиз ижодини ўқиш ва ўрганиш, англаш ва ўргатиш тўғрисида, жонли-жонли мисоллар билан, байтлар ва ғазаллардан тамсиллар келтириб борганлари ҳеч эсимиздан чиқмайди. Ўшанда, тонг саҳар поезддан тушаётганимизда, устоз лутф қилган эди: “Биз Навоий шаҳрига келдик, холос... Навоий бобонинг ўзига етгунча эса ҳали анча йўлни босиб ўтишимиз керак. Беш юз йилми, олти юз йилми?..”

Баъзан одам рўпарангдаги одамга етишолмай юрган бир паллада, ёнгинангда, шундоққина кўз ўнгингда ажиб бир дарё оқиб ётганини илғаб қолишинг, беҳосдан ўзингнинг олдингда ўзинг хижолат бўлиб туришинг ҳам қизиқ ҳолат экан.

Баҳодирнинг Самарқанд Давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетида таҳсил олганию орадан икки-уч йил ўтиб, биратўла, шу табаррук дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик факультетини ҳам умрининг тўрт йилини зое кеткизмай битиргани ҳақидаги ёшлик-ўспиринлик саналари, албатта, Самарқанддек тарихий ва жаҳоншумул шаҳарда

кечгани билан ҳам унинг таржимаи ҳолида нечоғлик муҳим аҳамият касб этгани – мен учун кутилмаган янгилик бўлди. Ҳавасимни келтиргани, у талабаликда бир вақтнинг ўзида Самарқандда таниқли тилшунос олим, хизмат кўрсатган фан арбоби, фидойи муаллим Улуғ Турсунов йўлга қўйган “Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш мактаби”да ҳам садоқатли ва кўйинчак ўқувчи сифатида таълим-тарбия олган экан.

Ушбу мактабда таҳсил олиб, кейинчалик ўзлари ҳам аллома устозлар даражасига эришган, Алишер Навоийнинг Самарқандда яшаган даврларини ўқиб-ўрганиб, “Навоий Самарқандда”, “Муҳокамат ул-луғатайн” ҳақида” сингари навоийшуносликка улкан ҳисса бўлиб қўшилган беназир асарларни ўқувчиларга тақдим этган академик олимлар Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаевларнинг китобларидан Навоий ҳаёти ва ижодини, Худойберди Дониёров, Раҳматулла Қўнғуров, Бозорбой Ўринбоев сингари етук олимларнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг тарихий аҳамияти”, “Ўзбек тилида тасвирий сўзлар”, “Алишер Навоий ва ўзбек тили” сингари асарлари мутоласидан Навоий бобомиз тилини тушуниш ва англаш сирларини катта меҳр ва муҳаббат билан ўқиб-ўрганган ёзувчи дўстимизнинг азму қарорию далли девона шижоати сабабини энди фаҳм этгандай бўлдим.

“Ўттиз йилдан бери шу ниятнинг заҳматини чекиб, шунинг ўй-азобида юрибман. Кечалари уйқуларим қошиб, ўзим билан ўзим бўлиб чиқаман”, деган гаплари аввалига муболағадай туюлса-да, бунинг ҳам исботини келтириб ўтмоқ жоиз, деб ўйлаймиз. Мана, навоийшунос аллома, заҳматкаш устод-муаллим Ботирхон Валихўжаевнинг “А-4” қоғоз ҳажмидаги ўзига хос портрети. Сурат тагида домланинг муборак дастхати: **“Қобилгина йигитда баҳодирлик фазилатлари янада**

**кўпроқ намоён бўлиб, илмимиз Баҳодирига айланса деган умиддамиз. Б.Валихўжаев. Сана 31.05.88.”**

Навоий бобонинг “Умидим буки, уммидингга ет-гил!” сўзлари билан нақадар уйқаш-ҳамоҳанг тилаклар. Дастхат эмас, шафиқ ва илмпарвар устознинг ўзи парваришлаган навнихол шогирдига нисбатан оталик меҳри балқиб турган дилхати, ишонч ва умиди.

Фикр тулпорининг жилови бўш қўйилса, гап сўқмоғиям узайиб кетаверади дейилганидай, шу ўринда яна бир азиз инсон, донишманд устозимиз Абдулла Ориповнинг ёзувчи ижодига, унинг баҳонасида адабиёт ва ҳақиқий истеъдодларга муносабати ҳақида сўз айтиш эҳтиёжи сезилади. Абдулла ака Баҳодирни яхши кўрарди.

Устознинг сўзга, сўзбоши ёзишга “хасис” – қаттиққўллигини яхши билганим учун ҳам бир нозик нуқтага эътиборингизни қаратмоқчиман: Абдулла ака ҳеч вақт, ҳеч қачон бир муаллифнинг, айниқса, бу муаллиф назмда эмас, насрда қалам тебратувчи бўлса (гарчанд устознинг ўзи “кўп китобларга сўзбоши ёзганман” дея эътироф этган бўлса-да), сўзбоши билан “сийлаган” эмас. Ҳар ҳолда бундай воқеани эслай олмайман. Устоз Баҳодирнинг асарларига бир эмас, уч маротаба сўз ёзгани эса истисно ҳолат. Биринчиси, “Юртга ошуфталик туйғуси” сарлавҳаси билан 2009 йил 12 февралда “Ҳаёт” газетасида, иккинчиси “Умидбахш ижод” сарлавҳаси билан, бундан салкам ўн йил бурун 2011 йилнинг 9 февраль санаси – худди ният қилингандек Мир Алишер Навоий бобомизнинг таваллуд топган кунларида, 2016 йилнинг 14 январь санаси қўйилган учинчи сўзбоши эса “Сирли, ҳарир парда орқасидаги ҳаёт” сарлавҳаси остида “Энайўл” қиссасининг “Ой йўли” нусхасида – 2018 йили – аввал “Шарқ юлдузи” журналининг 7-сониди, худди шу йили “Энайўл” қисса ва ҳикоялар

китобида сўнгсўз сифатида чоп этилган. Минг афсуски, устознинг ўзига бу сўзларни китоб ҳолида, чоп этилган шаклда кўриш насиб этмади.

Шу боисдан, устоз хотираси ҳурмати, Абдулла аканинг Баҳодир ҳақидаги меҳр балқиб турган қалб сўзларидан мўъжазгина бир парчани ёд этмоққа бурчлимиз, деб ўйлайман:

“...Адабиёт деб аталмиш тилло остонадан ҳатлаб ўтолмаётганлар қанча. Эзгу хаёл, эзгу фикр, эзгу туйғу тирик экан, адабиёт дегани шу бўлади... Унинг асарлари қўшиққа ўхшайди. Қадим ва таниш қўшиққа ўхшайди. Янги асарини муаллиф қисса деб белгилайди. Мен “поэтик қисса” деган бўлардим. Бу асарларда қош-кўзи бўялган образлар, бўйнидан арқон боғланган суҳбатлар, тушгаям киришга уяладиган воқеаларнинг ўзи йўқ... Эл-юртни суйиш шундай бўлади. Мен кўз ўнгимда шаклланган адиб укам, дўстимнинг яна бир асарига сўзбоши ёзганимдан хурсандман. Бундан кейингилариям шундай ўқишли, ватан ва миллат дардига дармон бўлишидан умидворман. Янги асарларда учрашгунча, дейман”.

Устознинг катта қалб билан битилган сўзларининг ўзи – шарҳланса бир дoston бўлгулик. Абдулло бобо томонидан прозаик укасига билдирилган катта ишонч ва эътибор унча-мунча шоирга ҳам насиб этмаган.

Муҳтарам Президентимиз алоҳида таъкидлаб айтган **“Мумтоз адабиётимизни, хусусан, Алишер Навоий асарларини халқимизга янада яқинлаштириш, бу ноёб меросни маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаи ва таркибий қисмига айлантириш”**-дек умуммиллий аҳамиятга молик улуғвор ва кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай эзгу интилиш ва хайрли ҳаракат, албатта, таҳсинга сазовор, деб ўйлаймиз.

Мўъжизани қарангки, биз ушбу сўзларни қоғозга тушираётган кунларда, халқимиз ният қилгандек, Давлатимиз раҳбарининг **“Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”**ги муҳташам қарори эълон қилингани олам аҳли қалбида жонажон Ватанимиз – Янги Ўзбекистонимизнинг ижтимоий ҳаётида рўй берган улкан тарихий воқеа сифатида акс садо бергани ҳам айни ҳақиқат. Қарорда алоҳида урғу берилган **“Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқиш концепцияси”, “Навоий ва ёшлар” махсус дастури**ни ишлаб чиқиш” ҳақидаги алоҳида бандлар, ўйлаймизки, ортиқча изоҳ ва тушунтиришни талаб қилмайди.

Ёш ука-сингилларимиз – бугунги куннинг зукко ва билимдон ўқувчиларига тақдим этилаётган кўлингиздаги китоб ҳам, авваламбор, улуғ бобокалонимизнинг муборак таваллуд саналарига бир туҳфа бўлса, иккинчидан, ул зотнинг бебаҳо меросини ўқиб-ўрғанишга хизмат қилади, деган умидимиз бор.

*Ҳар бир калла,  
Ҳар бир бош  
Жаҳолатдан қўрқиши керак.  
Ҳар бир бола,  
Ҳар бир ёш  
Навоийни ўқиши керак.*

*Ҳар бир ота,  
Ҳар бир мўйсафид  
Умр ҳикматларин кўрсатиб,  
Нафс арқонларин қирқиши керак,  
Фарзандлари, набирасига  
Навоийни ўқиши керак.*

*Бир болага – бутун мамлакат,  
Баъзан эса қирқ киши керак.  
Бешиклардан тушиб болалар  
Навоийни ўқиши керак.*

*Сиз дейсиз: Йўл топиши керак,  
Уй қуриб, пул топиши керак,  
Йўқ-йўқ, у ор қилиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!*

*Самарқанду Бухоро, Термиз  
Тўйларида барчамиз жаммиз.  
Бизлар ахир кимлардан каммиз?!  
Элга олам олқиши керак,  
Оламга тик боқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!*

*Берунийлар, ибн Синолар,  
Улуғбеклар, Бобур Мирзолар  
Қуриб кетмиш қандай бинолар!  
Ёш қўнгиллар қалқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!*

*Ватан азал битта Ватандир,  
У биз учун сўлмас чамандир.  
Шул сабабдан бола чоғлардан,  
Майса чоғлар, лола чоғлардан  
Ўзни уриб, юлқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак,  
Дилга недир юқиши керак!*

9.10.2020 й.

## ЭЪТИҚОД ИМТИҲОНИ

**“Коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганнинг берган бир синовидир...”**

**“Хотиржам бўлиш хиёнат ҳисобланади”.**

**“Қаттиққўллик. Интизом. Тартиб”.**

**“Вазиятни жиловлаб олмасак агар...”**

**“Ўзимизни ўзимиз асрамасак, ҳеч ким келиб бизни асрамайди...”**

Президент мурожаатларидан олинган бу иқтибосларни мен маърузанинг шиддати ва суръатига мос тарзда улгургунимча ёзиб борганим дафтаримдаги мисоллардан танладим. Даврнинг, синовли кунларнинг шашти-шиддати шундай. Ҳар бир иқтибосга дунёнинг исталган шахридаги телеминораларни ундов белгиси қилиб қўйса арзийди. Вазият шундай, дунё мамлакатлари бошига тушган оламшумул ғам-ташвишнинг кўлами ва миқёси шуни тақозо этади.

Салкам саккиз миллиард кишига яқинлашиб қолган Ер юзи аҳолисини оғир ташвишга солиб қўйган умумбашарий бу офат-бало ўттиз тўрт миллионлик бизнинг халқимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мана-ман деган давлатлару мамлакатлар унинг сурункали хуружига бас келолмай, саросимага тушиб қолганини ҳар кун, ҳар соатда кўриб-кузатиб турибмиз. Ҳар кун, ҳар соатда дунёнинг турли минтақалари, пойтахтларию мегаполисларидан келаётган нохуш хабарлар ва

албатта... хушхабарлардан кўнглимиз алағда ва умидвор. Умидворлик бир зум бўлса-да ҳеч биримизни тарк этгани йўқ. Мушфиқ оналаримиз туну кун дуода, оталаримиз кечасию кундузи такбир қайтариб, дуо қилмоқдалар: “Элу юртимизни тинч қил, балою қазолардан Ўзинг асра!..”

“Гапдан гапнинг фарқи бор, етмиш икки нархи бор” дейилади халқ мақолида. Гап “сўз” ҳақида кетганда эса, гапга чечан, сўзга сахий халқ негадир “нарх”ни тушириб айтади: “Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор”. Иккиланиб, ўйланиб ҳам қоласиз: Бу ўринда гап “сўз” нархи ҳақида кетяптими ёки одамзотнинг ўттиз икки тиши, яъни “гап чайнаш” хусусиятига нозик ишора борми?..

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаарида келтирилган “Оғизга келганин демак – нодон иши ва олиғга келганин емак ҳайвон иши” деган маълум ва машҳур танбеҳлари бор. Улуғ бобокалонимиз шу икки оғизгина ҳикматда одамзот тақдири, бани башар авлодини ҳалокат ва залолатга элтувчи бор-йўғи икки асосий жиҳат ҳақида ўзларига хос валиёна донишмандлик билан айтиб қўйгандай. Дарҳақиқат, оғзига келган ҳар бало керак-нокерак гапни деганию, олдига келган ҳар нимаики бало бўлса егани боис – баднафс-бадхўрлигию бадбин ва бадгўлиги учун ҳам эҳтимол одамзод бугун ўзини ўзи шу жазою қазоларга гирифтор қилгандир?

Аллома зотлар “Ичиндагини ичиндаги билади” деганларидай, Яратганнинг амрисиз бу ёруғ дунёда бир зирапча ҳам бандасининг бармоғига бежиз-бесабаб кирмас экан.

Вирус зирапчадан ҳам кичик, заррадан ҳам заррароқ, сўзчи шоирларимиз топиб айтгандай, гард-даккина, яъни гарднинг ҳам гардчаси, ғуборгинаси.



Афсуски, уни замбараклар билан ўққа тутиб бўлмас экан-да! Атомлар билан ҳам таг-томиригача қуритиб бўлмаслигига ўша “бомбали давлатлар”нинг ўзи бу “тождор”нинг қаршисида титраб-типирчилаб ночору нотавон қолганини аҳли олам кўрди, ишонч ҳосил қилди. Шу кунларда ҳам айна шу нохуш манзараларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Хорижий телеканалларнинг бирида дунёнинг бугунги авзойини шарҳлаётган машҳур журналист ўз фикр-мулоҳазаларига ўзича ўкинч аралаш кинояомуз якун ясади: атом бомбалари, ракеталар, баҳайбат кемалару ҳарбий самолётлар, таҳдидлару тазйиқлар бирлаштиролмаган бутун оламни – бир-бирига дўст ҳам душман, ошно ҳам етти ёт мамлакатларни биттагина, заррагина бир вирус бирпасда бирлаштириб, ҳамдард ва ҳамжиҳат қилди-қўйди!

Демак, бутун инсоният учун биргина нажот ва халос йўли қолганини инсониятнинг ўзи ўз жонидан ўтқариб, ҳис қилиб, имон келтириб турибди: ИНСОНИЙЛИК. Инсонпарварлик. Меҳру оқибат. Тотувлик ва аҳиллик. Бирдамлик ва ҳамжиҳатлик..

Одабийлик ва маърифат унинг толе ва саодат йўлини ёритгувчи порлоқ ва мунаввар машъалалари бўлмоғи керак... Бошқа йўл йўқ, бошқа нажот йўқ.

Шу кеча-кундузда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг интернет сайтида азиз устозларимиз Эркин Воҳидовнинг “Инсон” қасидаси, Абдулла Ориповнинг “Она сайёра” шеърлари энг кўп ўқиляётган назмий асарлар сифатида бугунги синовли кунларнинг хонанишин ва оилапарвар ўқувчилари – кексаю ёш элдошларимиз қалбини жунбишга келтираётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Буни қарангки, салкам эллик йиллар аввал битилган назм дурдоналарида ҳар икки устозимиз ҳам – Эркин ака “тождор ўзинг” деб,

Абдулла ака эса “коинот гултожи” деб улуғлаган энг азиз ва мўътабар хилқат инсон сиймоси бўлиб турибди. Шу юксак ва шарафли мақомни асраб қолмоғимиз учун эса – ҳар биримиз масъул ва жавобгармиз, азиз биродарлар. Миллат жипслиги – энг аввало диллар жипслиги, ниятлар, умидлар жипслигидир. “Дунё бу – уч дарахтнинг соясидир” дейилган экан ҳадисларда. Ўзимизни учинчи дарахтнинг соясида тургандай ҳис этайлик. Азиз, қадрли устозларни эсладик. Эркин акада худди шу бугун тонг саҳарда ёзилгандай жўяли бир сатр бор экан: “Бу кунлар эътиқодда имтиҳон бўлса ажаб эрмас...” Шу эътиқодимизни бекорчи гап-сўзларга сарфламасдан, боламизга китоб ўқиб берайлик. Ҳеч бўлмаганда, Қодирийлар, Чўлпонлару Фитратлар нима учун зиндонларда ўтирганини ўғил-қизимизга тушунтирайлик, юрак-юрагига, жон-жонига жойлайлик. Қайта-қайта ўқтирайлик, қайта-қайта тушунтирайлик. Ҳеч бир зурёд, ҳеч бир инсон боласи маърифатсиз дунёга келмайди дейилган муқаддас китобларда. Илоҳий маърифати билан Оллоҳ бизга берган фарзандларимиз тақдири-келажаги, таълим-тарбияси, тинчи ва саломатлиги учун, то улар олтмиш ёшга етгунга қадар ҳаммамиз, ҳар биримиз масъулмиз, жавобгармиз. Огоҳлик бонгидай садо бераётган бу даъваткор сўзларни юрт эгаси, давлат раҳбари элга, элдошларимизга қарата такрор ва такрор таъкидлаётганининг боиси не – ҳеч ўйладикми? Бир отадай, бир фарзанд сингари ташвиш-хавотирга тушдикми?

Битта тандирининг атрофида минг бир жаҳон жойлашган, бир нонининг теграсида икки юз минг зор етимга меҳр бериб тўйдирган бағрикенг ва меҳрпарвар халқмиз биз. Ер юзини ҳадис ва ҳикмат билан нурафшон этган миллат эканлигимизни унутмайлик, азиз элдошлар.

Улуғвор мамлакатнинг шижоатли Раҳнамоси бу синовларни ҳам матонат билан енгиб ўтамиз, дея қатъий ишонч билан Сизга, бизга мурожаат қиларкан, энг аввало, шу олиймақом ишончга муносиб бўлайлик, муносиб ишлар қилайлик. Бунинг учун, аввал ўзимизни ўзимиз имтиҳондан ўтказайлик, ўзимизга ўзимиз баҳо берайлик. “Ўткан кунлар”ни яна бир карра (балки тўртинчи маротаба бўлар) жиддий ўқиб чиқиш фойдадан холи бўлмайди... Ва... шундоқ, “мозийга қайтиб”, Тошкентдан олисроқда, Олмаота устидаги жанггоҳда биринчи ўзбек романининг қаҳрамони бўлмиш бек йигит Отабек эмас, қатағоннинг қабоҳатли тунида “беш грамм” қўрғошин билан “мукофотланган” ном-нишонсиз адиб, миллат ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг ўзи қурбон бўлганини дафъатан билиб, англаб оласиз... Нима учунлигини айтиш эса сизга ҳавола...

8.04.2020 й.

## АДАБИЁТ – ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ

Мир Алишер Навоий бобомиз “Мажолис ун-нафоис” асарининг мухтасар муқаддимасида ният ва муддаони маълум қиларкан, шундай сўзларни битадилар: “... Бу жиҳатдин Султон Соҳибқироннинг ҳумоюн валодатлари замонидин рўзафзун давлатлари даврониғачаким, қиёматғача барқарор ва олам инқирозиғача пойдор бўлғай, улча фақир эшитибмен, аммо хизматларға етмаймен, ва улча хизматлариға етибмен, аммо ҳоло бу фано дорил-ғуруридин бақо дорис-суруриға интиқол қилибдурлар ва улча ҳоло бу фарруҳ замонда намояндадурлар ва ул ҳазрат зоти малакий сифотиға мадҳ сарояндадурлар, жамъ қилилғай ва ҳар қайсининг натойижи табъдин бирор нима нишона йўсунлуқ ёзилғай. Чун бу мақсудға етилди, они секкиз қисм этилди ва ҳар қисми нафис бир мажлисға мавсум бўлди ва мажмуаға “Мажолис ун-нафоис “ от қўюлди...”

Муқаддиманинг муқаддимаси Яратганга назмий ҳамд ва мақтов сатрлари билан бошланади:

*Юз ҳамд ангаким ясаб жаҳон бўстони,  
Айлаб юзу зулфини гулу райҳони.  
Қилди ясағоч бу боғи руҳафзони,  
Назм аҳлин анинг булбули хуш илҳони...*

... Боғи Руҳафзо. Боғи Дилкушо. Самарқандда – Боғи Шамол. Тошкентда – Адиблар хиёбони, яъни Адабиёт

боғи. Адабиёт – адаб ва ёд янглиғ, Абадий ёд, Абадий ҳаёт мисол жаранглайди. “Чун адам саҳросидин келдим вужуд айвониға” дейдилар ҳазрат Навоий. Бу сатрнинг давоми, аниқроғи, бардавом ва барҳаётлигини, шу пайтга қадар Олий Мажлисгоҳнинг муҳташам биноси томон серсукут ва ўйчан ҳолда боқиб турган бобомизнинг янги давру замонамизда шарафли рутбаларига муносиб қибла томонга қарата қўйилган сиймолярию, ул беназир зотнинг мақомларига яраша юртимизнинг энг баланд айвонидан баланд номларига лойиқ ҳурмат-эҳтиромлари жойига тушганлиги – улуғ бобокалонимиз Абадият айвонидан мангуликка қадар сафарлари давом этаётганидан далолат бермайдими?..

Адиблар хиёбони. Адабиёт боғи. Абадият боғи.

Мамлакат Президенти муҳташам ёдгорлик пойига гул қўйиб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатаркан, бунда йиғилган адабиёт ва маърифат аҳли – шоир ва ёзувчилар билан жиддий суҳбатлашиб, жиддий саволларни ўртага ташлади.

– Адабиёт халқнинг юраги, – деди Президент, – элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маънавиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз.

Ўйлаб кўрилса агар, Давлат Раҳбари кейинги икки-уч йил давомида энг кўп қадам ранжида қилган маскан Миллий боғ ҳудудидаги Адиблар хиёбони экан. Суҳбат асносида буни Президентнинг ўзи ҳам эътироф этди. Яқин тарих саналарига назар ташланса агар, бу борадаги илк ташриф 2017 йилнинг 3 февралига тўғри келаркан. Ўша йилнинг 18 апрелида Давлат Раҳбарининг тегишли қарори қабул қилин-

ди. Бўлажак Адиблар хиёбонининг меъморий-ғоявий лойиҳаси тайёрланди.

Ҳали ҳам эсимизда: бу маъвода, ён-атроф худудда ҳозирги Тошкент тарихи (ўшанда Кўргазмалар зали) дан бўлак бошқа бирор-бир бинонинг ному нишони ҳам йўқ эди. Қиш изғиринидан дийдираб турган боғ аро сувқоғоздан тикланган омонат чодир ичида Давлат Раҳбари илк маротаба бу масканда Ёзувчилар уюшмаси учун янги иморат ва адиблар хиёбони барпо этиш тўғрисида сўз бошлагани асносида худди орзу ва ниятнинг оқлигини тасдиқлагандай паға-паға лайлак қор ёға бошлаган эди...

Ҳақиқатан ҳам, ниятлар оқ экан, мана, бугунга келиб, орадан ҳеч қанча муддат ўтмай, ўша манзили маконда жаннатмонанд, фирдавсмақом Адиблар хиёбони бунёд этилдики, адабиёт ва адаб аҳлига бағишланган бундай кўркам маъво бошқа мамлакатларда топилмаслиги муқаррар. Бу хулосамизга хиёбоннинг яхлит меъморий мажмуасию дид ва фаросат билан бунёд этилгани, гуллар ва дарахтлар, йўлаклар ва чироқларнинг бир-бирига уйғун ва мутаносиблигигача гувоҳлик бериб турибди.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг бундан уч йил аввал, 2017 йилнинг 3 август куни мамлакат ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан муҳим бир иқтибосни келтирмоқ жоиз: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”.

Бу даъваткор ва тарихий сўзлар айтилганига ҳали ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлса-да, мана бугун – тарих

2020 йил 20 май санаси кунни олам аҳли ҳавас қилса арзийдиган бинойидай Адиблар хиёбони ҳам тап-тай-ёр бўлиб турибди!

Ҳеч қандай истиҳоласиз очиқ айтиш мумкинки, Президент Адиблар хиёбонини ўзгача завқу шавқ, ҳайрат ва ҳаяжон билан кезиб чиқди, кўздан кечирди. Давлат раҳбарининг изидан шоир-ёзувчилар қанча илдамланмасин, у кишига бақамти қадам ташлашга улгурмай қолди. Шоирлардан кимдир енгил мутойиба қилди: Адабиёт замондан орқада қолмаслиги керак!..

Устоз Эркин Воҳидовнинг серсукут сиймосига қарар экан, Президент бирпас ўйга толгандек бўлди. Беихтиёр бундан икки-уч йил аввал айтган, бугун ҳам суҳбат чоғи бир эслаб ўтган “Менинг ҳам армонларим бор...” деган гаплари кўнглимиздан кечди. Шу ўринда устозимизнинг салкам ўттиз йил аввал битган сатрларини эсладик:

*Агарчи исмим Эркин,  
Эрки йўқ банди кишан бўлдим,  
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ,  
Тилим йўқ, бесухан бўлдим...  
Чекибдур Бобуру Фурқат  
Ватан ҳажрида афғонлар,  
Мен эрсам, ваҳ, не ғурбатким,  
Ватанда беватан бўлдим.  
Ишончим бор, Ватан, бир кун  
Келар чун нурли давронинг,  
Дегайман шунда чин Эркин,  
Чин инсон қайтадан бўлдим.*

Ушбу шеърнинг аввали билан охирги сатрлари оралиғидаги масофа йигирма тўққиз йил! Йигирма тўққиз йилдан кейин – Давлат Раҳбарининг сидқидил

эътиборию бу ҳурмат-эҳтиромнинг амалий ифодаси бўлмиш Адиблар хиёбони тимсолида рўёбга чиққан орзу, ушалмас армонлар муборак бўлсин, азиз устозлар!..

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бердақ, Огаҳий, Муқимий ва Фурқат. Бир томонда миллатпарвар жадид боболаримиз: Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий.

Устоз Ҳамид Олимжон “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” дебон ҳозир ёнингизга тушиб келадигандай. Елкалари узра қалдирғочлар чарх уриб турибди. Зулфия опа ўтирган ҳолатда “Эъзозлар, ҳурматлар учун ташаккур” деб турибдилар. Гарчанд хиёбонда оралари унча узоқ бўлмаса-да, ўртада неча-неча умрлик дарду фироқ, муҳаббат ва садоқат манзиллари турганини юрак-юракдан ҳис этасиз...

Муҳташам қорақалпоқ адабиётининг азамат намояндалари Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим оға, Тўлапберган боболар – халқ-Ватан олдидаги қарзини сўз билан тўлап берган боболар. Абдулла Қаҳҳор, Ойбек домла, Ғафур Ғулом муаллим, Саид Аҳмад домла, Саида Зуннунова... Домла Озод Шарафиддинов. Ва албатта, Александр Файнберг, Муҳаммад Юсуф...

Ҳозирча ушбу мажлисда Мақсуд Шайхзода муаллим иштирок этмаяптилар. Бир замонлар “Хиёбон” китобини ёзиб, таъна-маломатлардан биёбонга айланган Шайх домланинг муборак сиймолари ўрнатилиш арафасида...

Ва ушбу анжумандаги барча соҳибкалом ва соҳибқаламларга донишмандона қараб турган устоз Абдулла Орипов...

Қийин замонларда, оғир даврларда ижод қилган, халқ ва миллат дардини куйлаган азиз ва қадрли устозлар, муаллимлар. Улар сўзга, адабиётга хиёнат



қилмадилар. Сўзни ерга урмадилар. Сўзни, шеърни Ватандек, Ватанни юксак сўз ва шеър сингари қадрладилар. Адабиётни Ватан деб, Ватанни Адабиёт деб билдилар. Шу садоқат ва матонатлари боис ҳалоллик ва поклик билан миллатнинг улуғ адиблари мақомига эришдилар.

*Ҳар қисматга ҳар кимнинг  
даврони сабаб бўлгай,  
Шеър ун чекса шоирнинг  
армони сабаб бўлгай,  
Мен фахр этсам, умримнинг  
ҳар они сабаб бўлгай,  
Топган тож-тахтим менинг  
жонажоним шеъроят,  
Энг олий бахтим менинг  
онажоним шеъроят.*

Адиблар хиёбони. Адабиёт боғи. Абадият боғи.

– Мен сизларга мавзу бердим, – деди Президент,  
– энди бунга назарий, амалий жиҳатдан тўлиқ юзага чиқариш – Сиздан...

Мавзу жиддий, вазифа жиддий, масъулият бе-  
ниҳоят жиддий.

Адиблар хиёбони биргина адибларнинг эмас, бутун халқники, миллатники, миллат келажаги бўлган ёшларники. Адабиёт, китобхонлик ўрнини интернетга бой бериб қўймаслик керак. Адабиёт ва китоб ўзининг азалий ўрни ва мақомини қайта забт этмоғи учун ҳам бу ишга олий ўқув юртлари кенг жалб этилиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳайкал – мажмуа биттадан олий ўқув юртига бириктирилди. Адабиёт, барча олий ўқув юртлари – институтлар, университетлар орқали мушоиралар танловлар воситасида тинимсиз

ўқитилиши, тинимсиз тарғиб қилиниши шарт ва зурур дейилдики, бу ишлар, бу ҳаракатлар вилоятлар миқёсида ҳам кенг амалга оширилиши керак...

Адиблар хиёбони. Адабиёт боғи. Абадият боғи.

Бу шунчаки боғ эмас, шунчаки ёзувчилар хиёбони эмас. Хиёбонга жон киритиш керак, ёдгорликлар жонли тилда сўзлаши, гапириши, таълим ва тарбия, дид ва фаросатга, билим ва маърифатга хизмат қилиши керак.

Бундаги Тошкент тарихи музейи, бу ердан чиқиб бориб кўрганимиз, барча ижодкорларни том маънода ҳайрат ва ҳаяжонларга солган энг замонавий “Болалар миллий тиббиёт маркази”даги ҳайратомуз манзаралар – янги Ўзбекистонимизнинг ёрқин ва порлоқ саҳифалари янглиғ тарих зарварақларига нақш этиб қолдирмоқ қалам аҳли зиммасидаги бурч ва масъулиятдир. Сабаби, давру замон ўз Йўлбошчиси тимсолида бу муҳташам иншоотларни Ватан ва халқ манфаати йўлида кўз ўнгимизда бунёд этди. Ҳеч нимарса осмондан ўзи тушмайди. Ҳеч бир нарса ўз-ўзидан бино бўлмайди. Бунинг маънавий-маърифий аҳамияти беқиёс-лигини англаган ҳолда, сўзимизни Давлатимиз раҳбари Адиблар хиёбонида номини бир неча марта юксак эҳтиром билан тилга олган Муҳаммад Ризо Огаҳий бобомизнинг бугунги кунларни башорат қилиб битган сатрлари билан якунламоқни лозим топдик:

*Ҳар ким ўқуса, дуо била ёд этгай,  
Рухимни бу ёд этмак ила шод этгай.  
То Тангри анинг бу карами борасида  
Жойини икки жаҳонда обод этгай.*

22. 05. 2020 й.

## МАТОНАТ УНУТИЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, том маънода мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида кенг қамрови, кўлами ва залвори жиҳатидан таъбир жоиз бўлса, халқни илм-маърифатли миллатга, манзилу маконни юксак даражада ривожланган Ватанга айлантириш қудратига эга оламшумул тарихий воқеа бўлди. Дунёнинг турфа мамлакатлари, турли касб-кор, мақом ва лавозимдаги олам аҳли қалбида кенг акс садо берди. Ушбу Мурожаатнома янги Ўзбекистонимизнинг шарафли солномаси эпопеясига зарҳал ҳарфлар билан битилажак. Замондошларимиз бу муҳташам сиёсий ҳужжатни, мардонавор Мурожаатни тинглаб-эшитиб, ўқиб-ўрганиб, миллатимиз тараққиётининг йўл харитаси сифатида жону дилларига пайванд қилганлари ҳам айни ҳақиқат.

Мурожаатномада инсоният тарихининг энг оғир ва машаққатли даврларидан бири – Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллик санасини халқаро миқёсда кенг нишонлаш мавзусига ҳам алоҳида урғу берилган. Давлатимиз раҳбари уруш йилларида халқимиз кўрсатган бетимсол матонат ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай иқтибосларни келтиради:

**“Бизнинг мард, енгилмас ва олийжаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқийёс ҳисса**

**кўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди”.**

Бугунги замон шиддатли, дунёда таҳлика ва хавотир кўпайгандан кўпайиб бораётир. Жаҳолат ва қабоҳат аждаҳолари батамом яксон қилинмаган. Ёвузлик алангасини пуркаётган кўп бошли важоҳатини аҳён-аҳён намоён қилиб турибди. Уруш ва жангу жадал хавфи инсоният ҳаётига таҳдид солишни тўхтатган эмас. Шундай хавотирли лаҳзаларда ижодкор кўлидаги қалам қуролга айланиб, устоз Ҳамид Олимжоннинг уруш йилларида “Кўлингга қурол ол!” деган сатрларидаги даъват сингари бугун огоҳлик ва сафарбарлик нидоси бўлиб жарангламоғи зарур.

Довюрак жангчилар қатори қаламни қурол қилган шижоатли адибларимизнинг мардонатор ҳаёти ва ижоди, фронтнинг олдинги сафларида аскарлар билан елкама-елка туриб буюк Ғалабага кўшган ҳиссаси бугунги шоир ва ёзувчилар учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлмоғи керак.

Мурожаатномада ижод аҳли зиммасига бу борада ғоят масъулиятли ва ўта муҳим вазифалар юкланган:

**“Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам “Ғалаба боғи” бунёд этилмоқда.**

**Бир сўз билан айтганда, Хотира ва кадрлаш куни ва Ғалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак”.**

Халқимиз ёзувчи ва шоирлардан уруш ва тинчлик мавзусидаги жонли ва ҳаётий асарлар кутмоқда. Ватандошларимиз у оғир ва мусибатли уруш йилларида бошидан кечирган бор ҳақиқат ва жароҳатларидан бугунги ёш авлодни хабардор этиш учун ижодкор аҳли огоҳ аскардай хушёр ва камарбаста бўлмоғи даркор.

Мурожаатномадаги ушбу сўзларни тинглаш жараёнида шу элга дахлдор бир қаламкаш сифатида беихтиёр менинг кўзларимда ҳам ёш ғилтиллади. Устоз Абдулла Орипов фахр ва армон билан “Менинг ҳам қонимда қилич занги бор”, деб ёзганидай менинг отам раҳматли ҳам у машъум урушнинг барча жабру азобларини бошидан кечирган. Урушнинг илк паллалариданоқ I-Украина фронти жанггоҳларида қон кечиби, етти марта яраланган... Бу мавзу мен учун ниҳоятда изтиробли, дардли ва бағоят қадрлидир. Уруш кулфатлари ва мусибатлари отамнинг биз фарзандларига берган дардли-аламли гурунглари ва суҳбатлари билан бирга ҳанузга қадар менинг жисму жонимда кўрғошин бўлақларидай яшаб келмоқда.

Дунё тарихида Иккинчи жаҳон уруши деб ном олган бу мудҳиш қирғинбарот жанг роппа-роса 1903 кун давом этган. Шунинг “Улуғ Ватан уруши” деб аталмиш асосий қисмини – 1418 кунининг бор жабру ситамларини бошига кулфат тушган барча халқлар қатори бизнинг халқимиз ҳам баб-баравар ўз жонидан ўтказди.

Фашизмнинг ўчоғи бўлмиш Берлиннинг Рейхстаг биносида 1945 йилнинг 2 май куни расман нуқта қўйилиб, 9 май Ғалаба куни дейилган бўлса-да, бу машъум уруш “ўлимларни доғда қолдириб” соғ-омон уйга

қайтганларнинг, майиб-мажруҳ бўлиб келганларнинг жисму жонида, ҳаётию фарзандлари ёдида кейин битмас жароҳатдай умрбод зирқираб давом этди.

Бу уруш жанг майдонларида жувонмарг кетган гулдай ўғлонларнинг ота-оналари тортган фарзанд доғида, музтар-музтариб уйларнинг ғариб деворларида осиглиқ қолиб кетган кемтик нонларнинг тилсиз-забонсиз фиғону фарёдида бир зум бўлса-да тўхтамади.

Кемтик-ярим кўнгиллардай зору нотавон, ўксик ва кемтик нонлар. Интизор, нигорон кемтик нонлар.

Кемтик умрлар.

Кемтик кўнгиллар...

Отам гурунг берган, ўзи кўрган, гувоҳ бўлган уруш йиллари хотираларидан бир мунгли, дардли манзара ҳеч эсимдан чиқмайди. Бу воқеани отам биз уйимизда қотган нонларни молга, кучукка бераётганимизни кўриб, кейин дастурхон атрофида йиғилишиб ўтирганимизда гапни узоқдан бошлаб айтиб берган.

– Нонга, насибага ҳеч вақт нописанд бўлманглар, – деганди отам. – Одамзоднинг бошига ҳар бало тушиши мумкин. Уруш экан-да, 1943 йил ярадор бўлиб, госпиталда даволанганимдан сўнг, ярам оғир экан шекилли, уйга бориб келишимга рухсат беришди. Келдим. Йўлхалтамда бир буханка қотган нон билан бир бонка яхна гўшт. “Тушёнка” дейди-ку. Сариосиё вокзалида жинжаги чиқиб кетган, юпун, муштипар бир аёлга кўзим тушди. Ёнида боласи ҳам бор, сағирадан ҳам баттар – иккови оч-наҳор, зор-зор термулади. Бир менга, бир йўлхалтамга қарайди. Қарайди, қалтирайди, қалтирайди, қарайди. Ўзимни тутолмадим. Яраланган суякларим қайта ўқ егандай зирқираб кетди. Нон билан тушёнкани бердим. Камбағаллар, бир қақшайди, бир қалтирайди. Нон тишлайди, қалти-

райди, қалтирайди, нон тишлайди. Ўзим дарё ёқалаб тахтакунжара чайнаб кетдим. Чўпонлар берган тахтакунжарани. Айтсам, ишонмайсизлар. Итнинг бошига солмасин у кунларни, итнинг!..

1943 йил Сариосиё вокзалида отам иштирокида кечган бу маҳзун манзара, 1972 йил – бундан қирқ саккиз йил бурун отам бизга ибрат учун нақл қилган бу изтиробли ҳолат оғир ва машаққатли уруш йилларининг жонли, мунгли кинолавҳасидай бизнинг ҳаётимизга бир умрга нақшланиб қолди...

\* \* \*

Рус шоири Андрей Вознесенский “Шеърят инсон онги-тафаккурида қаердан пайдо бўлади?” деган саволга жавоб изларкан, шундай руҳий ҳолатга тушганини баён қилади:

Мен йўлда кетарканман, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган миллионлаб ватандошларимиз ҳақида ўйладим. Ногаҳон нима учундир ўз-ўзидан миямда 30 миллион рақами чарх ура бошлади. Бир йилни лаҳзаларга бўлиб чиққанда 30 миллион сония келиб чиқаркан. Ҳар бир сония жувонмарг кетган бир инсон умридай нидо бериб турибди. Таҳририятда “Шу пайтгача қурбонлар сони 15–20 миллион дейиларди-ку, бу рақамларни қаердан олдингиз?” деб сўрашганида менинг “Бу бор-йўғи бир образ” деган жавобимга дарров кўна қолишди.

Ярим йилдан кейин тарихчи Рой Медведев урушда қурбон бўлганлар сони ҳақиқатан ҳам ўттиз миллион кишини ташкил этиши хусусида ўзининг қатъий, инкор этиб бўлмас хулосаларини эълон қилди. Афсуски, ғойибдан менинг хаёлимга келган, мен йўл-йўлакай шунчаки ўйлаб келган рақамлар тўғри бўлиб чиқди.

\* \* \*

Сариосиёнинг тоғли Зевар қишлоғилик Давлат момонинг ҳам икки эгизак ўғли урушдан қайтмади. Бедому дарак, беном-бенишон кетди. Момо бир умр: “Худойим Давлат деган ном берди, беҳисоб давлат берди, Ўзига шукур, узундан узоқ умр берди, Ўзи билгич, Ўзи берган икки баламниям Ўзи олди” дея бир умр деворга осифлиқ, ўғилларининг тиш излари қолган икки кемтик нонга тикилавериб, йиғлайвериб кўзларининг нури адо бўлди. Момонинг жон риштаси ҳам сўнгги дамда шу нонларга тикилиб қолган ҳолда узилди.

Кундажувозлик Равзо момонинг Эшонкул, Авлиёкул исмли ўн гулидан бир гули очилмаган ўғилларини ҳам қаттол уруш ўз комига тортди. Онамнинг яқин қариндоши ва тенгдоши бўлмиш Дурбиби опа – ўша жувонмарг кетган ака-уканинг туғишган синглиси умр бўйи нукул бир гапни такрорларди: “Онам узоқ яшарди, акаларимнинг доғида ўлиб кетди...”

Бу дардли, армонли рўйхатни юз минг, икки юз, уч юз, тўрт юз – беш юз минггача давом эттириш мумкин. Бу дарду алам, армон ва изтироб рўйхати номлардан узлуксиз бонгларга, бонглардан туганмас ном ва ёдларга айланиб таралиб бораверади.

Бош эгамиз, ёд этамиз.

“450–500 минг” рақами устида мулоҳаза юритаркан, машхур “Аёл” шеъри муаллифи, “Шундайлар бўлмаса агар дунёда, Бу қадар мухтарам бўлмасди аёл” сатрларини битган устоз Абдулла Орипов шундай армонли сўзларни айтган эди: “Уруш бўлмаганида, бу йигитлар ҳаёт юрганида эди, ҳозир ўзбек халқи ҳам олтмиш миллиондан ошиб кетган бўларди”...

Бош эгамиз, ёд этамиз. Ёд этамиз ва бош эгамиз.



\* \* \*

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий фотомухбирлар жанг майдонларию ҳарбий юришлар издиҳомида туширган суратлардан тартиб берилган фотоальбомда шундай сурат-лавҳа бор: ҳарбий машиналар кетаётган катта йўл. Икки томонда яланғоч дийдираб турган дарахтлар. Қиш, лекин қор йўқ. Йўлнинг ўнг томонида қавилган пахталик ҳарбий кийимдаги солдатлар. Елкаларида автомат, милтиқлари, бошларида телпак. Ҳар бири биттадан велосипед ушлаб турибди. Фашистларники экани шундоққина кўриниб турибди. Ўлжага олинган. Суратнинг асосий биринчи планида ола-була устунга икки томонлама узун кўрсаткич шаклида қоқиб қўйилган катта оқ тунока лавҳ. Лавҳда икки томонлама ёзув: бир томонга **“Москва 1535 км”**, нариги томонга **“Берлин 165 км”** деган сўзлар битилган. Сал нарироқдаги дарахт танасига яна битта катта тўртбурчак оқ тунока лавҳ қоқилган. Унда ўрус тилида катта-катта ҳарфлар билан ёзилган шундай сўзларни ўқиш мумкин: “Воин! Помни о том, что ты находишься на территории Гитлеровской Германии!” Суратда мангуга муҳрланган умумий ҳолат – ҳавонинг мунтазир авзойи, жонсарак дарахтлар, йўл бўйидаги қуюқ қарағайлар пойида кўпчиб турган қоп-қора тупроқ – қиш кетиб баҳор нафаси яқинлигидан дарак берувчи соғинчли ва орзиқтиргувчи палла беихтиёр таниқли режиссёр Татьяна Лиознова билан ёзувчи Юлиан Семёновнинг машхур “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси” кинофильмидаги худди шундай жонли ва ҳаётий лавҳаларни ёдга солади. Баҳоргача ҳали беш-ўн кун вақт борлиги кўриниб турибди. Ғалабагача эса яна 165 чақирим масофани босиб ўтиш керак. Суратдаги аскарларнинг уч нафари Берлин йўлига кетаётган ҳарбий мошин-

ларнинг ортидан қараб турибди, фақат биттасининггина ярим юзи билан икки кўзи биз томонга қараб қолган... “Мирзоҳасанга ўхшаркан, – ўйлайман ичимда. – Мирзоанвар амакимизнинг ўғли, отамнинг болалик жўраси Мирзоакрам балки шудир?..”

Тошкентдан Берлингача тўғри йўл салкам 4303 километрни ташкил этаркан. Айланма йўллар, манзилу маконлардан ўтиб борганда эса 5205 чақиримдан кўпроқ масофани босиб ўтишга тўғри келади. Шу рақамларга яна саккиз юзни қўшсак, Кундажувоздан Берлингача бўлган оралиқ масофа 6000 чақиримдан ҳам ошиб кетади.

1945 йил май ойининг йигирманчи кунларида Мулло Эшонкул бова бошчилигида Тўполондарё устига осма кўприк солаётган ҳашарчилар билан бирга ишлаётган Мирзоанвар амакнинг қўлига пастдан – район марказидан бозорлик қилиб қайтаётган йўловчилардан бири “Ўғлингиздан келган экан” деб бир хат тутқасади. Хат ҳақиқатан ҳам амакнинг ўғли Мирзоакрамдан, худди Берлиндай шаҳардан жўнатилган экан. Кўприк бошида, ҳашарчилар иштирокида очиб ўқилган хатда битилган “Биз ғалаба қилдик, насиб бўлса, бир ой-бир ярим ойларда уйда бўламиз...” деган сўзларни, хат охиридаги “Берлин, 2 май, 1945 й.” деган санани ўша ҳашарда қатнашган ҳамқишлоқларнинг ҳар бири кейин умрининг охиригача афсус ва армон билан гапириб ўтишини ҳали уларнинг ўзлари ҳам билмайди.

“Э, иккинчи мойдан кейинам кўп аломотлар<sup>11</sup> бўлган, – дея эсларди отам. – Тўққизинчи мой ғалаба куниям Берлинни ўзида ўқ еб қанча салдотлар ўлиб кетди. Мирзоакрамларни эшелонга босиб Хитойга, Манжурия чўлларига ҳайдаган бўлишиям мумкин.

<sup>1</sup> *Аломот* (шева) – тўполон, ғала-ғовур.

Ёпон билан урушгани кетаётганларини айтмасдан об кетган. Ҳа, кейин, етиб боргандан кейин айтган. Гирмонда қоб кетдими, Хитойда ўқ еб ўлдими, ким билсин, балам. Ҳаммаси ёш-ёш йигитлар эди. Асомиддин қанию, Исмойил қанию, Авлиёқул қайда қолдию, Сайидали билан Жумақуллар қани энди? Жувонмарг бўп кетди ҳаммаси! Ҳаммаси гулдай-гулдай йигитлар эди. Биронтаси чумолигаям озор бермаган. Суяклари мусофир юртларда қоб кетди. Ҳай, аттанг!.. Уйгинаси куйсин онағар гитлерни, шунча балани жувонмарг қилди!..”

...Мен урушда ҳалок бўлган шу ўғлонларнинг бир авлоди сифатида уларнинг номи ва ёди олдида бўйнимдаги оғир ва залворли қарзни ҳис қилганим ҳолда такрор ва такрор Хотира майдонига бораман.

Бунда юрак билан қадам босиб, қалб билан сукут сақлаш керак.

Бунда исмлар, номлар орасидан узлуксиз, ҳар лаҳза, ҳар он тинимсиз ва тўхтов билмай сассиз-садосиз турналар учиб чиқаётгандек туюлаверади.

450–500 минглар оқ, сокин турна орасидан ярми оқ, ярми кулранг бир турна қаторидан алоҳида ажралиб чиқади-да худди мени таниётгандай, бобо қирларнинг менда қолган қадрдон исларини сезаётган янглиғ бошим, елкаларим узра сокин-сокин қанот қоқиб айлана бошлайди.

Унинг айланиб, чарх уриб учгани сайин оппоқ хатга ўхшаб бораётгани, оппоқ хатга эврилиб боргани сайин эса оқ турнага менгзаб кетаётганини илғайман. Бора-бора бошим узра ярми оқ турна, ярми оқ хат шаклидаги оппоқ муаллақ шарпа қолади. Турнанинг бир қанотида ҳам, хат варағида ҳам фақат бир ёзув: “Биз ғалаба қилдик, насиб бўлса, бир ой-бир ярим ойларида уйда бўламиз. Берлин, 2 май, 1945 й.”

1940 йилда, уруш бошланишидан бир йил олдин ҳарбий хизматга чақирилган, роппа-роса 1418 кун жанг қилиб, 1945 йилнинг иккинчи май куни Берлинни ишғол этиш муҳорабаларида бошқа жангчилар билан баб-баравар қон ва олов кечган, Ғалаба кунини ўз кўзи билан кўрган ўқчи аскар Мирзоакрам Ниёзов (Раҳмонов)дан шу хат ва шу ёзувлар ёдгор қолди. Унинг уйдагиларига бошқа қурбонларга ўхшаб “мардларча ҳалок бўлди” деган “қора хат” келмади. Ота-онаси, яқинларига унинг ўзидан, ўз қўли билан ёзилган хушхабар келди. Оқ хат, оқ, ёруғ хушхабар. Мирзоанвар амак, Фотимажон онаси “Ана келади, мана келади” дея йўлига кўз тикавериб оламдан ўтиб кетди. Энг кенжа жияни Мукаррам амак “Эсиз Мирзоакрам амаким, иккинчи майда худди Берлиндан хати келувди, ғалаба қилдик, бориб қоламиз деб ёзган эди. Ҳеч йўқки келса...” дея-дея ўлим тўшагида эслаб-эслаб, йиғлаб-йиғлаб жон берди.

“...Берлин, 2 май, 1945 й...”

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”**ги қарори ижроси бўйича бажарилаётган ишлар жадал давом этмоқда. Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ғалаба боғининг концепцияси ишлаб чиқилиб, ундаги вазифаларни амалга ошириш кенг кўламда давом этаяпти. Президентимиз такрор-такрор таъкидлаганидек, умумжаҳон миқёсидаги ушбу тарихий санани тантанали нишонлашга ўзбек халқи ҳар томонлама ҳақли ва муносиб. Ахир, ҳужжатда алоҳида қайд этилганидек, ўзбекистонлик 120 мингдан зиёд аскар ва офицер

жанг майдонларида кўрсатган жасорати учун жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди. Уларнинг 301 нафари “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвонига, 74 нафари учала даражадаги “Слава” (“Шухрат”) орденига сазовор бўлган. Яна бир тарихий факт:

...Фашистлар Германиясининг узил-кесил капитуляцияси ҳақидаги ҳужжатни Тошкентда ишлаб чиқарилган самолётда Берлиндан Москвага олиб келган матонатли ўзбек учувчиси Абдусмад Тайметов эканлигини биз илк мартаба давлатимиз раҳбарининг сўзларидан билиб олдик.

Дарҳақиқат, матонат унутилмайди.

*9 май, 2020 йил*

## МУРОД ГУЛИ ҚАЧОН ОЧИЛАДИ *ёхуд шоирнинг “ижодий куну”*

Устоз Абдулла Ориповнинг она Ватан ҳақида: “Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб, Сени танимаган мени ҳам билмас”, дея ғоят донишмандона айтилган кўркам сатрлари бор. Замонамизнинг заҳматкаш ва аллома шоири Мирзо Кенжабек – Китоб шаҳри яқинидаги табаррук маъво, қадимий Хожа Имкана – ҳозирги Хўжаилмкони қишлоғига “муҳаббатга сазовор манзил” дея таъриф бераркан, авваламбор, бу мўътабар манзилларда ўтган азизу авлиёлар номини ёд этгани бежиз эмас. Қатлам-қатлам ҳикмат ва ибратдан иборат табаррук қадамжолардан ҳамиша пурзиё ва закий инсонлар дунёга келиши – азал-азалдан бор гап.

“Шоир Азим Суюннинг қишлоғисан, сен Накурт” деб ёзганида ориф устозимиз ўз шогирдининг наинки киндик қони тўкилган тупроғи, балки том маънода унинг Ватанини, шунга кўра, шоирнинг мақоми ва унвонини ҳам ўқувчига зарофат билан маълум қилмоқда.

...Ватан дарсини Ватаннинг ўзидан олган, уни дилга жойлаб, англаб, ҳис этиб улғайган зариф шоиримиз Ғайрат Мажид ўзининг бир жилдлик сарҳисоб китобига “Беш дарс” деб ном қўяркан, авваламбор, улуг боболарига эҳтиром ва садоқатини изҳор этади. “Беш дарс”нинг ўзи-да, ўқувчини бефарқ қолдирмайди, сергаклантиради.

Унгача... Бундан уч-тўрт йил бурун шоир укаларимиз ишлар тиғизлашиб кетганидан озроқ ранжу ма-

лол тортиб, “ижодий кун” сўровига тушиб қолганини эслаб ўтмоқ жоиз. Бир қарашда ҳазил-мутойиба ёинки алам-армонга ҳам ўхшаб кўринадиган у гурунглари вақтнинг ўзи “чеклов кунлари” кўмагида жойига тушириб қўйди.

Ижодкорга “ижодий кун”, албатта, керак. Давр шиддати кўзлаган режа ва ниятларимизга ўз таҳрир ва ўзгартишларини киритишга мутлақо ҳақли. Бу аёвсиз ҳукм измига бўйсунмоқдан бошқа илож йўқ: Ҳунаринг бўлса – ёз, ёзиб кўрсат, давр, мана замон сенга, шундай даврда ёзмасанг – қачон ёзасан, дегандай.

Аслида, шоирнинг ижодий куни – унинг бутун умри, изтироб ва соғинчлари, меҳр-муҳаббатия дийдор ва айрилиқларидан таркиб топган кунлар ва тунлардан иборат эмасми?

Худди шундай. Бошқа йўли йўқ. Хуллас, Алишербек бобомизнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарини мутолаа қилаётганимиз тиғиз кунлардаги ушбу хулосадан ўзимиз ҳам мамнун бўлдик-да, шоир инимизга “Ҳайрат ул-аброр” дея таҳсин кўрсатиб, унга қизғин ва баракали ижодий умр тиладик.

Аслида ҳам шундай. Бу ўтган фурсат оралиғида Ҳайратбой ғайрат камарини маҳкам бойлаб ғайрат қилди. Ижод мактаблари ҳақида, айниқса, устоз Ҳамид Олимжон ижодига меҳр ва эҳтиромини ифодаловчи “Бунда булбул китоб ўқийди” номли бамаънигина китоб чоп эттирди. Мамлакатда бўлаётган ижтимоий жараёнлар, маънавий-маърифий ўзгаришларга бадий-публицистик мақолалари ва шеърий чиқишлари билан фаол муносабат билдириб келаётир.

Ҳадисларда айёмнинг ўтиши панду насиҳатга қиёс қилинган экан. Панду насиҳат эса тириклик сабоқларию кўрмиш-кечирмиш тажрибалардан пайдо бўлади. Шу ўринда Ҳожа Имкангай бобонинг шогирд-

ларига қарата: “Оёққа алам тикони кирмагунча мурод гули очилмайди”, – деган ҳикматли сўзларини яна бир карра эсга олиб, ўзи камгап-камсухан Ғайратбойга сўз ва ҳаёт дарсларида ғайрат, билим ва ҳикмат тилаймиз. Биргина “ижодий кун” мазмунидаки шунча сўз ва маъни бор экан, бу борада Чўлпон ҳазратларининг “Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен...” деган сатрларидан ўтказиб бирор гап айтиш қийин, деб ўйлаймиз.

25.05.2020 й.



## СУРОНЛАРДАН ЎТГАН “ТУРОНБАНК”

Таниқли адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг “Пул – бу озодликдир...” деган халқ орасида жуда машхур бўлиб кетган ибораси бор.

Айтилганига ўттиз йиллардан ошган, бор-йўғи уч сўздангина иборат ушбу ҳикмат замирида туркий-забон халқларнинг йирик намояндаси бўлмиш улуғ ёзувчининг буюк орзу ва армони яширинган десак муболаға бўлмайди. Боиси – Чингиз Айтматов ўз халқини, истибдод исканжасида тили боғлиқ, дили доғлик барча халқларни озод ва фаровон кўришни орзу этган, шу эзгу орзу ва армонларнинг рўёбга чиқишини астойдил ният қилган. Донишманд халқимиз билиб айтгандай, Яхши ният – ярим давлат. Мана, бугун муҳтарам Президентимиз Бош Бунёдкори бўлмиш Янги Ўзбекистонимизда, янги давру янги замонларда мамлакатимиз банк тизимида ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгиланишлар ва ислоҳотлардан, рақамли иқтисодиётнинг турфа қулайликларидан унча-мунча “эски” тажрибали одамнинг ақли шошиб қолаётгани ҳам бугунги воқелик учун бор гап.

...Менга “Туронбанк”нинг айнан “Туронбанк” деб номланиши ёқади. Буни қарангки, молиявий бухронларнинг барча суронларни бошдан кечирган “Туронбанк” ҳам Чингиз бованинг юқорида келтирганимиз ўша машхур иқтибоси билан деярли тенгдош-қариндош, эгизак оға-ини экан.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Биз ким, мулки (эҳтимол малики) Турон...” дея оламга назар соларкан,

“Дунё тижорат билан ободдур” деган жаҳоншумул ба- шоратни Худо бекорга ул буюк зотнинг кўнглига сол- маган бўлса керак. Салкам етти юз йил қаёқда-ю, ўт- тиз йилу яна уч йил қаёқда?! Кейинги уч йил давомида “Туронбанк” – бугунги рақамли иқтисодиёт ва илғор технологиялар замонининг равожланган, обрўли ва пешқадам банки сифатида ўз нуфузи ва мавқеини мустаҳкамлаб, кўз ўнгимизда исми жисмига муносиб банкка айланганига унинг ҳозирги доврўғи ва овоза- си гувоҳлик бериб турибди. Бунинг боиси нимада дер- сиз... Боиси – мижозлар банк учун эмас, аксинча банк мижозлар учун, эл-улуснинг эҳтиёж ва қулайликлари учун хизмат қилиш таомилига қатъий риоя қилиши- дадир. Демак, гап қатъий ва темир тартиб-интизом, қонун ва қоидага ҳам келиб тақалади.

Албатта, билим ва савия, дид ва фаросат ҳам сув билан ҳаводай зарур. Давлатимиз раҳбари бундан бор- йўғи уч йил бурун “Қўй боқиш учун ҳам ҳали билим ва савия керак бўлади...” деган иборани ишлатганларида кўпчилик мажлис аҳли ҳайрон қолган эди... Мана, ора- дан ҳеч қанча вақт ўтмай биз айнан барча соҳада би- лим, уқув ва салоҳият керак бўладиган, буларсиз бир қадам ҳам ривожланиш мутлақо мумкин эмаслигини исботлаб турган замонларни кўз ўнгимизда кўриб ту- рибмиз! Қандингни ур, янги замон, қандингни ур, янги даврон, дея қалбларимиз ҳаприқиб, кўзларимизда ёш филтиллаб, фахру ифтихор этаётганимиз ҳам асло чўп- чак эмас, бугунги куннинг бор гапи, рост гапи!..

Замон талаби – билим ва савия, дид ва фаросат би- лан ишлаш, қайси жабҳа бўлмасин – бир янгилик ва қулайлик киритиш, амалда жорий этиш, бунинг нати- жасида одамларга, жамиятга яхшилик ва бахтиёрлик бахш этиш. Буларнинг бари – садоқат ва матонат би- лан эл-юртга хизмат қилиш деганидир.

“Туронбанк”нинг доврўғи, мухтасар қилиб айтганда, унинг билимли ва тажрибали, сермулоҳаза, оғир ва вазминлик билан иш юритадиган ўз соҳасини қалбан ҳис қилиб, сидқидилдан яхши кўрадиган раҳбари Чори Мирзаевдан тортиб билимли-малакали ходимларининг ўз ишига садоқатли муносабати билан боғлиқ бўлса керак.

Муомала маданияти, зукколик-уддабуронлик ва албатта, билим ва савия, дид ва фаросат билан меҳнат қилиш – юксалиш ва тараққий топишнинг энг муҳим поғоналаридирки, замонанинг бу зарур шартларини “Туронбанк” аҳли, айниқса, ёш ва кичик хизматчиларигача яхши билишади, юрак-юракдан ҳис қилиб, меҳр ва садоқат билан элдошларимиз хизматига доим камарбаста бўлиб пешвоз чиқмоқлари ҳам бир ғаройиб, бир ажойиб! Ҳавасингиз келадиган даражада Сизга бағоят хуш келади! Нима деймиз, Янги давру замонларда янги нашъу намолар “Туронбанк” аҳлига, унинг барча фидойи ва заҳматкаш ходимларига муборак бўлсин деймиз.

*Амир Темура бобо тангаларида*

*Қанча давру замон,*

*қанча сурон бор.*

*Мозийнинг тамаддун ғазналарида*

*То бу тангалар бор – мулки Турон бор.*

*“Бизким, мулки Турон...” демоқлик – шараф.*

*Асрлар қаъридан узукларидай,*

*Олтин сўзларидай ярқирар бу гап*

*Ҳазрат Соҳибқирон тузукларида.*

*Олам обод эрур тижорат билан,*

*Куч – адолатдадир, адолатдадир.*

*Давлат устувордир сиёсат билан,  
Эл-юрт саодати – саховатдадир.*

*Янги замонларнинг миқёс-шитобин  
Қай бир халқ бизчалик чамалаб кўрган:  
Бугунги дунёнинг ҳисоб-китобин  
Асли Ал-Хоразмий рақамлаб берган.*

*Жаҳон бозорида қанча сурон-жанг,  
Ҳар мулкдор – унинг зўр кабирасидай.  
Кучга тўлиб турмиш мана, “Туронбанк” –  
Амир Темур бобо набирасидай.*

2.07.2020 й.

## БУ ОЛАМДИР МЕҲРУ ШАФҚАТ ОЛАМИ

Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳамса”нинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр” асарида одамзотнинг яралиши ҳақида **“Олам аро халқни Яздони пок Аҳли нажот этти-ю аҳли ҳалок”** дея таъриф берарканлар, айни пайтда бир одамнинг ўзида ҳам одамлар аро қанча фарқ ва тафовутлар борлигини “Одам аро кўр не тафовут турур...” мисраси билан ўзларига хос тарзда изоҳга ўрин қолдирмай изоҳлаб ўтадилар.

Улуғ бобокалонимиз бундан беш асрдан зиёд вақт муқаддам “Олам аҳли, билингизким иш эмас душманлиғ...” дея мурожаат қилган Ер юзи аҳолиси бугунга келиб салкам саккиз миллиард жонни ташкил этмоқда. Энди тасаввур қилинг: саккиз миллиардга яқин одам болаларининг ҳар бирида қанча масалаю муаммо бору қанчадан қанча ўй-ташвиш мавжуд?

Шунча аҳолининг ўттиз тўрт миллионга яқин кишиси онажон ва жонажон Ўзбекистонимиз, кўпмиллатли мустақил Ватанимиз халқидир. Модомики ҳар бир одамга меҳр ва эътибор, тинчлик ва осойишталик зарур экан, худди шу эҳтиёжни умуммиллий ва умумбашарий миқёсда, бугунги қалтис ва сертахлика дунё кўламида олиб кўрилса, бор манзара ойдинлашади.

Бир иқтибос:

**“Синовлар даври, жуда мураккаб бир пайтда яшаяпмиз биз... Бу муддат тагида ҳали хавф-хатар жуда кўп! Иқтисодий вазият дунёда қандай – кўриб турибмиз. Карантин чекловларини юмшатиш, ақл**

**билан, заковат билан, матонат билан иш тутишимиз шарт!..”**

Давлатимиз раҳбарининг бундан тўрт ой аввал – шу йилнинг 20 апрель санасида ўтказган видеоселектор йиғилишида қайта-қайта, такрор-такрор янграган даъвати мазмун-моҳияти, оламшумул аҳамияти жиҳатидан нақадар муҳим ва долзарблигини дунёда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар кўрсатиб турибди.

Президент таъкидлаганидай, **“бугунги кунда жаҳон миқёсида ва мамлакатимизда юз бераётган мураккаб синовларни муносиб енгиб ўтиш”** ақл билан, илм билан иш тутувчи ҳар бир ватандошимизнинг фарзандлик ва инсонийлик бурчига айланмоғи керак.

Ижтимоий ҳаётимизда кейинги бир йил давомида энг кўп янграган “Матонат ва шижоат”, “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, “Ҳалоллик вакцинаси”, “Ватанни севиш керак”, “Ўз болангни ўзинг асра”, “Онг ва тафаккур”, “Ҳаёт курашдан иборат”, “Адабиёт – халқнинг юраги”, “Ватан учун фидо бўлмоқ – ўлим эмас”, “Меҳр ва саховат”, “Мард ва олийжаноб халқимиз”, “Маданият – Мўйноқдан бошланади”, “Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг оғизбирчилиги учун”, “Шифокорлар матонати”, “Ўзимизни ўзимиз асрамасак, ҳеч ким келиб бизни асраб бермайди”, “Яшашга ва ишлашга ўрганишимиз керак” сингари умуммиллий-умумбашарий аҳамиятга молик бедор-беҳаловат иборалар барчамизни жиддий ўйлантирмоғи, қудрат манбаи, саодат маскани бўлмиш жонажон Ўзбекистонимиз тақдири – ҳар биримизнинг умрий тақдиримизга айланмоғи учун ҳам Яратган бизга шундай синовли кунларни буюрганини бир сония бўлса-да, эсдан чиқармоққа ҳаққимиз йўқ.

*Меҳрдиёр дедим, асли меҳри дарё,  
Бир-бирига меҳру сеҳри дарё-дарё.  
Шаҳарларим, қишлоқларим, дашту саҳро,  
Оғамдирсиз, инимдирсиз, опам, синглим –  
Номингизни тутиб бўлмас айро-айро.*

*Олам аҳли билан букун дарддошдирмиз,  
Дарддошдирмиз, демак бирмиз, қардошдирмиз,  
Қардошдирмиз, демакким биз қалбдошдирмиз.  
Қалбдошликдир бирдамликнинг бошланиши,  
Бирдам бўлсак, бизлар буюк бардошдирмиз.*

20.08.2020 й.

## ВАТАНГА СУЯНЧ БЎЛИНГ

Мустабид шўро тузумининг авж палласи. Биз – Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультети талабалари бўлмиш бир гуруҳ ёшлар “Метро ишга тушар экан” деган хушхабардан ўзимизда йўқ шод, бу янгиликнинг “суюнчи”-сига бир кунлик дарсларнинг баҳридан кечиб, ақл бо-вар қилмайдиган мўъжизавий ерости поездига тезроқ минишга ошиқиб бормоқдамиз. Самарқандда ҳар хил техникум, институтларда ўқийдиган синфдош, мактабдош ҳамқишлоқларимиз ҳам шундай завқ ва иштиёқ билан ўқишини ташлаб, метрони кўришга келган...

Ўқув йилининг илк оyi – сентябрь тугаб-тугамай пахта йиғим-теримига оммавий сафарбар қилинадиган, ҳали ўсмирлик палласидан чиқиб-чиқмаган талаба-ёшлар учун метронинг ярқираган ям-яшил вагонларида “сайр” қилиб юриш чинакам мўъжиза эди. Тарих XX аср, сана – етмишинчи йилларнинг иккинчи ярми нари-бериси. Орадан ўн-ўн беш йиллар ўтибми, ўтмайми, қанча ёлғон тузумлару сохта таълимотлар барбод бўлишини биз ҳали билмас эдик.

...Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллиги байрами арафасида янги давру замонамизнинг мутлақо ўзгача қиёфа ва тимсолини ўзида мужассам этган Тошкент метроси Юнусобод йўналишининг нурафшон ва мунаввар “Туркистон” бекати-га янги замонавий вагонларда кириб борар эканмиз, менинг хаёлимдан салкам ярим асрлик аввалги узуқ-



юлуқ хотиралар темирйўл шпалларидай ялт-юлт ўта бошлади. Талабалиқдаги 18-19 ёшли ҳайратларим янги Ўзбекистоннинг уч йиллик ҳамда менинг олтамиш баҳор ва кузлардан ўтган умрим палласидаги ҳайратлар олдида ўтмишнинг нурсиз шамчироғлари мисол хира тортиб қолди.

*Янги замонда янги метрополитендир бу,  
Тошкент зар чопон бўлса, янги зарҳал енгдир бу.*

Рақамлар тили билан айтганда, Тошкент метрополитени Юнусобод йўналиши иккинчи босқичининг қурилиши амалга оширилиш муддати 2017–2020 йиллар – уч йил деб белгиланган. Лойиҳани амалга ошириш доирасида салкам уч километр узунликдаги метро йўли ҳамда “Юнусобод” ва “Туркистон” метро бекатлари бунёд этилди. Лойиҳа умумий қийматининг 103,8 миллион долларлик маблағидан 51 миллиони давлат бюджетидан, қолган 52,8 миллион миқдоридаги қисми эса Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан қопланди. Метрополитеннинг ерости тоннел қисми диаметри 6,1 метрни, метро бекатларининг умумий баландлиги 17,2 метрни ва бекат платформаси узунлиги 102 метр, кенглиги эса 18,5 метрни ташкил этади. Шунча меҳнату заҳмат эвазига, соғинч ва изтироблар, уйқусиз тунлар, уйғоқ ақл-идрок ва теран тафаккурдан кутилган мақсад – элдошларимизга қулайлик, халқимизнинг оғирини енгил қилиш. Демак, “Юнусобод” ва “Туркистон” бекатлари орқали кунига 7,5 минг йўловчининг узоғини яқин қилиш кўзда тутилган. Шаҳар табиатининг тозалигини сақлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Йилига 5,3 минг тонна зарарли газларнинг об-ҳавони заҳарлаши олди олинди. Бу – миллат соғлиғини ҳам ҳимоя қилиш демакдир.

Бугунги сертахлика дунёда, кўринмас офат-бало ҳар лаҳза, ҳар соатда инсонлар жонига қасд қилиб турган қийин бир шароитда бунёдкорлик ва яратувчанлик завқу шавқи билан яшамоқ юксак инсоний олийжанобликдир. Янги ишга туширилган ерости ва ерусти метро йўллари, муҳташам метро бекат-қасрлари, ташқарига чиққанда эса кўзни қамаштирадиган кенг ва равон шоҳқўчалар, кўп қаватли уй-жойлару энг замонавий технопарклар ўзидан-ўзи осонгина бино бўлиб қолган эмас. Буларнинг барчаси, авваламбор, қудрат манбаи, саодат маскани бўлмиш жонажон Ватанимиз – янги Ўзбекистонимизнинг тиниб-тинчимас лойиҳачилару меъморлари, қурувчи ва муҳандислари, барча фидойи ватандошларимиз меҳнатининг улуғвор самарасидир.

Раҳматли бобомнинг бир ҳикматли сўзини отам бизга қайта-қайта насиҳат қилиб айтар эди: “Ватанга ҳам, ерга ҳам меҳр керак, меҳнат керак, болаларим! Ҳамма ёмонлик бемехрлар ва бекорчилардан чиқади”.

Кейинги икки-уч йил ичидаги азим пойтахтимизда бўй кўрсатган янгиланишлар, айниқса, Юнусобод ва Яшнобод туманлари мисолидаги бунёдкорлик ишларига қанчалар меҳр ва меҳнат, матонат ва шижоат сарфланганини Ватанни англагандай юрак-юрақдан ҳис этамиз. Модомики, гап меҳр ва садоқат ҳақида кетар экан, касб-кори ва юмушидан қатъи назар, элдошларимизнинг оддий инсоний туйғулари айни шу кунларда, мураккаб ва синовли дамларда халқимизнинг умуммиллий олийжаноб фазилатлари билан имтиҳондан ўтаётир. Демак, меҳрда гап кўп. Қийин кунимиз ҳам, яхши кунимиз ҳам ўзимизники. Бас, шундай экан, меҳримизни ҳеч қачон бир-биримиздан дариф тутмайлик.

*Бугун сизга оқ дастурхон тўшар ҳаёт,  
Таронани тоғорага қўшар ҳаёт,  
Ҳам сингил, ҳам ёрингизга ўхшар ҳаёт –  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.*

Худди кўнглимиздаги кечинмаларни сезаётгандай чарақлаган метро поезда кенг ва ёруғ, Шарқ қуёши порлаб тургандек нурафшон бекатга келиб тўхтади. Вагон овознигорига ёзилган жарангдор сўзлар янграйди: “Эшиклар очилади. “Туркистон” бекати!” Бир қарашда оддий хитобдек туюлган бу ибора замирида беихтиёр томирлари мозийларга бориб тақалгувчи теран ҳикмат, қадимий эл-улуснинг қадим тарихи ниҳон эканини англайсиз. Демак, ҳозирги замон қасрлари, бино ва иморатларининг меъморий ечимларида боболарнинг дарду армонлари, бугунги ва келажак авлодларнинг орзу-ҳаваслари бадийий ва тасвирий тилсимлари ўз рамзий ифодасини топган. Бекат деворлари, суратлар, порлоқ чироқлар, кошинлар ва устунларгача, оддий нақшу безакларгача зиё таратиб турган китобга ўхшайди. Бу муҳташам ва сермазмун қаср-китобдан каттаю кичик Ватан дарсини, миллий ва умумбашарий қадриятлар сабоғи ва тарбиясини олади.

“Туркистон” бекатининг қадимият обидалари нақшланган бўртма деворий суратларига синчиклаб қараган навқирон йигит-қизлар бамисоли тарих китобини мутолаа қилгандек, аждодларимизнинг бебаҳо маърифий меросини ўргангандек бўлади. Шу маънода “Туркистон” бекати кўрғазмали дарсхонага ўхшайди. Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек: **“Нафақат илм ва иқтисодиёт, балки тарбия бизни юксалтиради”**.

...Хаёлимиз беихтиёр олис мозийлардан яқин ўтмишга, аниқроғи, улуғ устозларимиз “тилим боғлиқ,

дилим доғлиқ”, дея армон билан куйлаган ўтган асрнинг саксонинчи йилларига кўчади. Устоз Эркин Воҳидов “Туркистон бир – Ватан бир” шеърида ҳам, ёки мана шундай янги замонларни кўмсаб, соғиниб:

*Ул қаср ичра бари  
аҳли жаҳон меҳмон бўлур,  
Бир тамошо қилган одам  
лол бўлур, ҳайрон бўлур,*

дея орзу қилганидек, биз мана шу эзгу ниятларнинг ижобатини бугун шундоққина кўз ўнгимизда кўриб турибмиз.

Замон шиддат билан ўтмоқда. Вақт суръати тезоқар дарёдан ҳам илдамроқ ўзиб бораётир. “Туркистон” метро бекатида салкам ярим соатлар кечган вақтимиз давомида биз йўл-йўлакай, узуқ-юлуқ таассуротлар билан эмас, бутун тарих ва ўтмиш, бугун ва келажак, аждодлар ва авлодлар тақдири, давр ва замон кечинмаларини мужассам этган залворли ўй ва фикрлар билан навбатдаги манзилга бориш учун эшиклари очиқ вагонларга кирар эканмиз, ўриндиқларга жойлашиб олганимиздан сўнг овознигорнинг янгроқ товуши эшитилди: “Эшиклар ёпилади. Илтимос, суянмангиз! Кейинги бекат...”

Шу аснода хаёл ва ҳаёт тўқнаш келганини ҳис этамиз. Шоирона ташбеҳлар хаёл осмонида қалдирғочлардай чарх ура бошлайди: **Эшикларга суянманг, бир-бирингизга суянинг! Биз бугун якка-якка тартибда яшолмаймиз. Шахсий манфаат учун Ватанга суянманг! Ватанга таянч бўлинг! Ватанга суянч бўлинг! Худди бинолардай, йўллардай Ватанга хизмат қилинг! Ватан учун ер бўлинг, кўприк бўлинг!**

**Ор бўлинг, номус бўлинг, ҳеч бўлмаганда севинч ёшлари учун киприк бўлинг!**

*Дунёнинг бу паллалари топилмайди,  
Эшиклари тун-қун очиқ, ёпилмайди.  
Меҳр кейин дўконларда сотилмайди,  
Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.*

01.09.2020 й.

## ТУҒИШГАН ТУЙҒУЛАР, ТАНСИҚ ТУЙҒУЛАР

### *БИР САТР ВА БИР КИТОБ ТААССУРОТИ*

Умр ўтган сайин инсондан узоқлашиб борадиган, айни пайтда ҳаёт чархида сайқал топиб, одамнинг қалбидан чуқур ва мустаҳкам жой оладиган соғинчли хотиралар ҳамиша азиз ва қадрлидир. Болаликдаги, ёшлик пайтингиз ва ўрта ёш даврларда кўрган, таниган-билган, ҳамсуҳбат бўлган кишиларингиз, ёру ошнолар, бегоналар, турфа хил қиёфалар...

Наинки ана шу сиймолар, балки қачондир ўқиган севимли китобларингиз, мактаб партасида ёд олинган шеърий сатрлар, димоғингизда хиргойи қилиб юрган ашулалар бора-бора қадрдон ҳамроҳларингизга айланиб қолганини ҳам сезмай қолар экансиз. Орадан неча йиллар ўтиб, турмуш ташвишлари аро тасодифан ана шундай бир хотира парчасига дуч келсангиз, беихтиёр чанг босган олис умр йўллари хаёлингиз кўзгусида чарақлаб ёришиб кетгандай туюлади.

Дилбар шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” қасидасини бундан эллик йиллар аввал биз, саккизинчи синф ўқувчилари Сариосиё пахтазорларида бир-биримизга завқланиб айтиб юрардик. Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди, мустабид тузум, ёлғон-сохта таълимотлар заволга юз тутди. Аммо “Ўзбекистон” қасидаси, бу латиф ва сеҳрли сатрлар, бу гўзал шеърият ҳамон яшаб келяпти.

Бу мулоҳазаларни мен бежиз ёзаётганим йўқ. Таниқли адибимиз Хайриддин Султоннинг янги китоби қўлёзмасининг биринчи варағини очар эканман, ўша шеърдаги болаликдан ошно ва қадрдон “Одамлардан тинглаб ҳикоя” деган сатрга кўзим тушди. Ўқиганим заҳоти, худди бир пайтлар бир партада байт таллашиб, шеър айтишган, кўпдан буён кўришмаган синфдош дўстим билан юзма-юз учрашгандай ажиб ҳолатга тушиб қолдим.

Мана шу биргина сатр кўнглимнинг туб-тубида хира торта бошлаган олис хотираларни уйғотиб юборгандек, уларга қайтадан жон ато этгандек бўлди.

Дарҳақиқат, улуғ устозларнинг завол билмас ижоди давру замонларнинг синовидан ўтиб, ўзида ҳаётнинг залвори ва шиддатини, латофати ва ҳасрат-андуҳларини мужассам этгани билан мумтозлик касб этгандир.

Шубҳасиз, китобнинг “Одамлардан тинглаб ҳикоя” деб номланиши зукко ўқувчининг фикру зикрини ўзига тортади. Ва ўйлайманки, у сўз заҳматкаши бўлмиш донишманд адибнинг мақсад-муддаосини савқи табиий равишда юрак-юракдан ҳис эта бошлайди.

Мен Хайриддин Султоннинг 30–40 ёшлик даврларини – жўшиб ижод қилган, ҳикоя ва қиссалари, публицистик мақолалари, роман ва киносценарийлари мунтазам нашр этилиб турган ижодий камолот йилларини яхши эслайман. Шундан сўнг адибимизнинг зиммасига масъул давлат ишлари юкланиб, кўпчиликнинг назарида у ижоддан бирмунча узоқлашгандай эди.

Аммо адабиёт, сўз санъати шундай бир сеҳрли мўъжиза эканки, унинг илоҳий моҳиятига ошно бўлган ҳақиқий истеъдод соҳиби бу мафтункор, сирли оламни асло тарк этолмас экан.

Шу маънода, Хайриддин Султон кейинги йилларда “Уч юз олтмиш тўрт кун”, “Ҳақиқат жамоли”, “Кўнгил озодадур”, “Бобурийнома” номли янги китобларини эълон қилгани, муаллифнинг ўқувчилар билан қайта дийдорлашуви барчамизни хурсанд қилган эди. Мана, бугун қўлингиздаги ушбу муаззам мажмуа билан адабий жамоатчиликнинг, адабиёт муҳибларининг қувончи бардавом бўлиб турибди.

Илк таассурот шулки, китобга нозик дид ва маҳорат билан тартиб берилган. Оддий ўқувчи сифатида илғаганимиз – масалан, тўпламдаги биринчи асар – “Омад” ҳикояси “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” деган табаррук калом билан бошланади ва у гўёки бутун китобнинг мазмун-мундарижасини белгилаб беради. Сўнгги, “Мактуб” деб аталган, куйган кўнгил фарёди каби янграйдиган асар эса Яратганга муножот билан тугалланади.

Кўлёмани ўқир эканман, аввало, унга ўттиз битта янги ҳикоя жо бўлгани эътиборимни ўзига қаратди.

Қизиқ, нега айнан ўттиз битта? Адибнинг бундан олдин нашр этилган “Уч юз олтмиш тўрт кун” китобига ҳам ўттиз битта ҳикоя, “Ҳақиқат жамоли” публицистик тўпламига ҳам ўттиз битта мақола киритилган эди.

Албатта, бу бежиз бўлмаса керак. Эҳтимол, бунинг замирида фақат муаллифнинг ўзигагина маълум ва маъқул бир маъно мужассамдир? Балки бу рақамда биз билмайдиган қандайдир сирли хосият бордир? Эҳтимол, бунда инсон умрининг тугал бир фасли – ўттиз бир кундан иборат тўлиқ ой назарда тутилаётгандир?

Нима бўлганда ҳам, мен бу саволларга жавобни китобнинг ўзидан излашни афзал топдим.

Ўттиз битта ҳикояда бир-бирини такрорламайдиган, бир-бирига ўхшамайдиган ёрқин характерлар, қаҳрамонларнинг ички дунёси, қалб туғёнлари



уларнинг бевосита ўз тили, ўз нутқи орқали очиб берилади. Бу эса ёзувчининг бир қарашда жуда оддий, содда бўлиб туюладиган, аммо аслида ниҳоятда мураккаб бир ижодий услубни танлаб иш кўрганидан далолат беради.

Маълумки, мумтоз адабиётимизда **“саҳли мумтанеъ”** деган бадий санъат бор. Унинг моҳиятини закий аждодларимиз “Айтмоқ осону енгил кўринади, аммо бундай айтмоқ мумкин бўлмас ё қийин бўлур”, дея шарҳлаганлар. Китобдаги ҳар бир ҳикоя мана шу гўзал санъат асосига қурилган, десак, адашмаган бўламиз.

Насрда фақат бир кишининг айтганига, яъни, монологга таяниб тўлақонли бадий асар яратиш албатта осон иш эмас. Бундай усул қаҳрамоннинг руҳий оламини борлигича, яхшию ёмон барча жиҳатлари билан ҳаққоний акс эттиришга монелик қилиши (ҳар ким ҳам ўзининг салбий хусусиятларини очиқ тан олиб айтишга қодирми?), маълум даражада ёзувчининг ижодий фантазиясини чеклаб қўйиши мумкин. Бинобарин, бундай ифода усули адибдан заргарона маҳоратни талаб қилади.

Тўпламдаги мавзуси ҳам, бадий талқини ва ечими ҳам ғаройиб ҳикояларни ўқиганда, киши ўйланиб қолади: бу ҳаётнома, тақдирнома, дардномаларнинг ҳаммаси бўлган воқеаларми ёки муаллиф хаёлотининг маҳсулларими?

Агар бўлган воқеалар десангиз, уларда шундай антиқа ҳодиса-тафсилотларга дуч келасизки, йўғ-э, ҳаётда бундай бўлиши мумкин эмас, деган фикрга борасиз.

Агар бу ҳикояларни муаллиф ўйлаб топган ёки тўқиб чиқарган, десангиз, ундаги аксарият ровийлар кўпчиликка таниш инсонлардир.

Масалан, китобда “Омад” ҳикоясини машҳур уламо Анвар қори Турсунов, “Отамнинг айтганини қилишим керак”ни шоир Ориф Одилхонов, “Ҳар иш бўлса – Худодан” ҳикоясини маънавият фидойиси Зокиржон Машрабов, “Одам бўлган одам”ни ҳарбий врач Зикрилла Эгамбердиев сингари реал шахслар сўзлаб берган, деб нақл қилинади.

Ўрни келганда айтиб ўтмоқчиман, Зикрилла акани мен ҳам яхши танирдим. Ўтган асрнинг 80-йилларида “Тошкент оқшоми” газетасида ишлаб юрган кезларимда у киши билан кўп учрашганман, суҳбатлашганман. Энг қизиғи, раҳматли Зикрилла ака ҳикояда ифода топган ҳайратомуз қисмати бизга – таҳририят ходимларига ҳам сўзлаб берган эдилар. Лекин, қарангки, бутун бошли бир асарга арзигулик мана шундай воқеаларни ёзиб қўйиш бизнинг хаёлимизга келмаган экан.

“Монолог”, “Биринчи миллион”, “Отабекнинг жанозаси”, “Икки карра қаҳрамон”, “Миллатчининг жазоси”, “Бир умрнинг уч фасли” ҳикояларидаги қуйма, ёмби характерли бадий сиймолар ҳам қайси бир жиҳатлари билан ҳаётда ўзингиз кўрган, учратган, суҳбатидан баҳраманд бўлган инсонларни ёдингизга солади.

Ёзувчи оддий одамларнинг оддий ҳаётига жуда синчковлик билан теран назар ташлайди, уларнинг дарду дунёсини ич-ичидан англашга, жўнгина ҳаётини воқеалардан жиддий бадий-фалсафий умумлашмалар кашф этишга интилади. Дехқон ёки уста бўладими, терговчи ёки муаллим, шифокор ёки тадбиркор бўладими, шофёр ёки суғурта агенти бўладими – улар табиатининг шу пайтгача биз сезмаган, кўрмаган янги қирраларини очиб беради.

Муаллиф одамлардан ҳикоя тинглар экан, айтиш вақтида ҳассос шоиримиз айтганидек, унинг қалби ва

онгида ижодий ғоя ҳам ўсиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Тўпلامдаги бошқа ҳикояларни камситмаган ҳолда, “Ўзбек халқининг миллий ғояси” менга қаттиқ таъсир қилганини таъкидлашни истардим. Балки буни ҳикоя деб ҳам бўлмас, уни, эҳтимол, кекса файласуф олим Эҳтиром Абдуллаев тимсолида муаллифнинг изтироб билан суғорилган аччиқ ва ҳаққоний ўйлари, халқимизнинг дил дардлари мужассам бўлган сардафтари деб аташ ўринлидир. Очиғи, мўъжазгина бу асарни ўқиб, кулишингизни ҳам, йиғлашингизни ҳам билмай қоласиз.

Китобдаги аксарият асарлар маҳзун оҳанг билан йўғрилган бўлиб, уларда фожиали тақдирлар, хиёнат ва ҳижрон, саробга айланган орзулар ҳақида сўз боради. Айни вақтда муаллиф ҳасрат водийси тасвирида ҳам “зулмат ичра нур” топа олади. Юксак некбинлик ва шукроналик, беозор ва самимий юмор туйғуси бу ҳикояларни ич-ичидан нурлантириб туради. Устоз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, ушбу асарлар шахсан менга **“Лабда табассуму кўзда ёш билан”** яратилгандек туюлади.

Таъкидлаш керакки, ўзбек прозасида шу вақтга қадар жамиятнинг юқори табақасига мансуб бўлган ижтимоий қатлам ҳаётига бағишланган асарлар бармоқ билан санарли эди.

Улуғ адибимиз, раҳматли Шукур ака Холмирзаев суҳбатларининг бирида: “Мен генераллар, министрлар, умуман, киборлар дунёси ҳақида асарлар ёзишни орзу қиламан, аммо баъзан бунга билим ва тасаввурим етармикан, деб ўйлаб қоламан”, деган эди.

Ушбу китобдан ўрин олган “Ички ишлар вазирининг ошга боргани”, “Қишлоқ хўжалик вазирининг таъзияга боргани”, “Мудофаа вазирининг жанозада

имомлик қилгани”, “Валижон касал бўлди”, “Байрут хотираси” каби ҳикояларда ана шу адабий орзунинг амалий ифодасини кўргандек бўламиз. Кўз ўнгимизда бугунги куннинг юқори мартабали раҳбарлари, вазирлар, фавқулодда ва мухтор элчилар, генераллар, олий тоифали учувчилар, дин пешволари, маданият ва санъат арбобларининг бутун бошли бир галереяси намоён бўлади. Ёзувчи уларнинг оддий кишилар кўпинча аниқ тасаввур қилавермайдиган ҳаёт тарзи, ички дунёси, бу одамларга берилган катта ваколат билан бирга, уларнинг зиммасидаги катта масъулият ва мажбурият туйғуси, инсоний изтироблари билан бизни яқиндан ошно этади.

Масалан, ички ишлар вазирининг бир ўринда: **“Мен агар кечаси соат иккида ишдан уйга қайтсам, ўзимни бахтли ҳисоблайман”**, деган сўзлари, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Хайриддин Султон – дунёнинг жуда кўп мамлакатларини гоҳ расмий, гоҳ норасмий тарзда кезиб чиққан жаҳонгашта адиб. Энг муҳими, кўрган-кечирганларига моҳирлик билан бадий жило бериб, уларни гўзал, таъсирчан асарларга айлантира оладиган ижодкор. Унинг бу фазилатига “Бобурийнома” маърифий романини мутолаа қилганда амин бўлган эдик.

Мазкур тўпламдаги аксарият ҳикоялар ана шундай сафар ва саёҳатлар таассуроти асосида яратилган бўлиб, ўқувчини нотаниш, янги бир адабий маконга олиб киради. Биз қаҳрамонларга эргашиб, гоҳ Байрутнинг тўрт минг йиллик тангу тор кўчаларини, гоҳ Андаман денгизининг сокин соҳилларини, гоҳ ғоят драматик воқеалар юз берган Нью-Йорк, Куала-Лумпур аэропортларини, гоҳ қирқ йилдан буён ўқ товуши тинмаётган жафокаш афғон заминини кезиб юргандай бўламиз.

Китоб мутолааси адоғига етар экан, унинг саҳифаларида тасвир этилган етти ёт бегона инсонлар энди ниҳоятда яқин одамларингизга айланиб бораётганини, улар сизга нафақат маънавий йўлдош, балки тақдирдош эканини англай бошлайсиз. Англай бошлаганингиз сайин ўзгара бошлайсиз, ўзгара бошлаганингиз сари янада чуқурроқ англай бошлайсиз.

Тўпلامдаги “Таржимаи ҳол” ҳикояси Нисохон Аҳмедова номига нисбат берилган. Магнитофон тасмасидан ёзиб олинган бу асар билан танишган ўқувчи унинг автобиографик характерга эга эканини дарров сезади.

**“Мен бор-йўғи уч синф ўқиган бир кампир бўлсам, менда таржимаи ҳол нима қилади”,** деб сўз бошлаган оддий бир инсоннинг қисмати – умр баёнини кузатинг.

Мана у – қулоқ қилинган отасининг ёнида муштдай боши билан шўро ошхонасини супурган, аччиқ қисматдан қочиб борар экан, изғиринда пишқирган дарёда чирпирак бўлиб оқиб, бир ўлимдан қолган, илон-чаёнлар, каламуш-калтакесаклар югуриб юрган тўқайзорда ертўла қазиб кун кечирган, от ўрнига ўзининг бўйнига арқон солиб омоч тортган, ойнанинг ёруғида ер чопиб, умрида кетмон тегмаган тош тупроқни тозалаб деҳқончилик қилган, даҳшатли урушда арслондай акасидан ажралган, уйдаги бор будини давлат фронтга деб тортиб олган, Фарҳод ГЭСи қурилишида елкасида тупроқ ташиб умуртқаси эзилган, гоҳ чайлада, ертўлада, бировларнинг ижара уйда яшаган, гоҳ бир қариндошининг оғилини ўзига бошпана қилган, гоҳ далада гектарчилик қилиб кун кўрган, гоҳ азим шаҳарда аҳволи танг бўлиб, нонга ҳам пул топа олмай қолган, далада беда ўриб юриб бола туққан, саккизта фарзандини боқиб одам қилган,

камқонлик туфайли бошини ёстиқдан кўтаришга ҳам мажоли қолмаган, ўттиз олти яшар ўғлини машина уриб ўлдирган бир аёл...

Ўзингиз айтинг, бир инсон шунча азоб-уқубат ва кўргиликларга бардош бера олиши мумкинми? Мумкин экан, деб далолат беради ушбу ҳикоя.

Иродаси, сабр-матонати темир каби мустаҳкам бу аёл ўз бошидан шундай оғир кунларни кечирган бўлса-да, ҳеч қачон Худои таолога, ҳаётга бўлган умиди ва ишончини йўқотмайди.

Шунча қийинчилик ва машаққатларга қарамасдан, ношукурлик қилмаган, алалоқибат, яхши кунларни ҳам кўриш насиб этган инсон тақдири ҳақида ҳам қайғули, ҳам қувончли қўшиқ бу!

Мана, мушфиқ она умрининг сўнгида англаб етган тирикликнинг содда, теран ҳақиқати:

**“Нима деб насиҳат қилай сизларга? Майли, болаларим, неварачевара, келин-куёвларим, сизлардан битта илтимосим бор: ризқи-насибам битиб, бу дунёдан кетар бўлсам, ўзларингни йўқотиб, юрту элга кулги бўлманглар, билиб-билиб ишларингни қилинглар. Туғилмоқ ҳам, ўлмоқ ҳам – Одам Атодан қолган мерос.**

**Ўғилларим, невараларимга атаб ўз қўлим билан чопон, белбоғ, дўппиларни тикиб қўйганман. Пахтали чопон ҳам бор, пахтасизи ҳам, керагини сандиқдан олиб киярсизлар.**

**Қизларим, келинларимга гапим шуки, ортиқча доду фарёд солиб оламини бузманглар, ўлганнинг кетидан шаҳид бўлиш динимизда йўқ экан. Бош эгаларингни ҳурмат қилинглар, ўғилдир-қиздир, неварачевараларимни ўқитинглар, тагли-тахтли, ҳалол-пок одамлар билан қуда-анда бўлинглар.**

**Маъракаларимни катта қиламан, деб ҳеч ўзингларни уринтирманглар. Сизлар қийналсангиз, менинг арвоҳим ҳам безовта бўлади...**

**Болаларим, аҳил бўлинглар – енгилмайсиз, меҳнатдан қўрқманглар, меҳнатдан қочманглар – хор бўлмайсиз. Ўқиб, олиму доно бўлинглар – бутун дунё сизники бўлади. Лекин қўлингизда албатта бир хунарингиз бўлсин – ҳеч қачон ночор қолмайсиз.**

**Яхши кунларингизда, тўй-томошаларингизда бир кекса онам, эзма бувим бўларди, шу гапларни бизга айтиб кетган экан, деб бир оғиз эсласангиз, мен ҳам сизлар билан бирга хурсанд бўламан..."**

Бир ўйлаб кўрайлик: бу ҳикоя ҳар биримизнинг умр бўйи меҳнатдан, ғурбатдан боши чиқмаган, ҳаётда одамлардан кўп ёмонлик, жабру жафо кўрган бўлса ҳам, бировга асло кек сақламаган, ҳеч қачон иймонини йўқотмаган, оққўнгил, инсоф-диёнатли ўзбек оналари – ҳар биримизнинг онамиз, момомиз ҳақида эмасми?

Хурматли ўқувчи, мен сиз мутолаа қилишга чоғланган ушбу китобни бошдан-оёқ шарҳлаб ё тушунтириб бериш фикридан йироқман. Аммо ундан ўрин олган асарларни ўқиш асносида дунёдан ўтиб кетган не-не азиз инсонларнинг хотираси ёдимга тушганини, бугун ҳаёт бўлган устозларим ва дўстларимни кўргим келганини, одамзод умри югурик вақт ва ҳаёт шиддати олдида ҳеч нарса эмаслигини яна бир карра юрак-юракдан ҳис қилганимни айтиб ўтмоғим жоиз.

Алқисса, бир сатр ва бир китобдан олган таассурот ва кечинмаларимни – кам-кўстлари учун узр сўраган ҳолда – якунлар эканман, зарофатли адибимизга, айни пайтда, миллий адабиётимизга ушбу янги, кўркем ва муҳташам китоб муборак бўлсин, дейман.

*23 октябрь, 2020 йил.*

## МЕН НИМА УЧУН “HURRIYAT”НИ ЎҚИЙМАН?

XXI асрда яшаяпмиз.

Ҳар лаҳза, ҳар сонияда рўй бераётган шиддатли воқеа-ҳодисалар, шусиз ҳам сершитоб умримизни шошириб қўяётгани аини ҳақиқат.

Олам ўзгараётир. Олам ўзгаргани сайин одамзод ҳам ўзгариб бораётир.

Ўқилган, ўқиладиган газеталар қанчаю, ўқилмай тахлам-тахлам қолиб кетаётган керак-нокерак рўзномалар қанча – бунинг ҳисоб-китобию увол-савобини билмоқ учун бир қайрилиб ортга қарамоққа юрак бе-зиллайди.

Шу аснода “Hurriyat” менинг ўқиладиган газеталарим рўйхатида турганини илғаб, хушхол бир кайфиятда мутолаага шўнғиб кетганим ҳам бор гурунг. Бу – ҳаммишаги гурунглاردан фарқли ўлароқ, ҳар ҳафтанинг чоршанбасидан бошланиб чоршанба кунигача менинг ҳаётимда бардавомлик касб этаётганини бир ўқувчи сифатида алоҳида таъкидлаб айтгим келади. Ўйлайманки, бошқа кўпмингсонли газетхонлар ҳам аини менинг ҳолатимда худди шу соғинч ва илҳақлик билан “Hurriyat”ни кутишади ва мутолаа қилишади. Тавалло бобомиз лутф этгандай: “Яшнатиб дил ғунчасин фасли баҳор айлар газет”.

Ҳўш, мен нима учун “Hurriyat”ни ўқийман, нима учун газета ярим кун кечикса, безовталана бошлайман?



Донишманд зотларнинг “Агар сен инсон бўлсанг яратгин ўзинга ном” деган сермазмун ҳикмати бор. Бу ўринда “ном” жумласи ҳозирги тараққиёт замонининг жонли тилимизга мустаҳкам ўрнашиб олган фасон ва машҳур сўзларидан бўлмиш “имидж”га мос келади. Айтмоқчиманки, “Hurriyat” ўз номини ўзи яратган, ўз имиджига эга исми жисмига муносиб ва мутаносиб газета.

Биргина таклифим: газета тимсолини жиддий ўйлаб кўриш керак. Энг илғор технологиялар ва дизайн замонида “Хуррият” сўзига мос кўркам рамз топиш унчалик кўп меҳнат талаб қилмайдиган юмуш. Матнларни ҳам ўқувчи нафас олиб, яйраб ўқийдиган даражада кенг ва мўл қилиб жойлаштиришдан чўчимаслик лозим.

Менга, авваламбор унинг номи ва яхши кўрган сўзларимдан бири “хурният” билан уйқаш-қофиядошлиги хуш ёқади.

Онамларнинг рўзғордан рўшнолик кўрмай, бир умр орзу-армонда ўтган Ҳури момо деган қариндошлари ҳақида кўп дардли-изтиробли ҳикоя ва нақлларини болалик чоғларимданоқ эшитиб улғайганим учунми, ушбу газета менга ёруғликка чиққан Ҳури момони эслатаверади.

Газета эндигина 24 ёшга – айна куч ва шиддатга тўла норғул ўспиринлик палласини қаршиламоқда. Биз бу ёшда “Тошкент оқшоми”нинг уйсиз-жойсиз, ёш-бебош мухбирлари сифатида “ахборот қироллари” ёнида: “Газеталар бўронида кетаяпман, кетаяпман, метро янглиғ бу дунёнинг қоқ бағридан ўтаяпман, ўтаяпман” дея кўп оҳанжама ва баландпарвоз сатрлар битиб юрганларимизу – ҳозирги янги давру законларнинг ҳур ва озод ҳаволаридан тўйиб-тўйиб нафас олаётган ёш қаламкаш укаларимизга ҳавас қилиб тур-

ганимиз – мана шу порлоқ ва мунаввар онларга қадар – қанча сувлар, эҳ-ҳе, бу сувлар билан қанча замонлару тузумлар оқиб ўтдилар!..

Бугунги ҳурриятимиз, Янги Ўзбекистонимизнинг бор кўрк ва жилолари, дашту далаларимизу зангор ва мусаффо осмонларимиз, тинч тонгларимиз билан эзгу ниятларимиз тимсоли бўлмиш давлатимиз байроғининг ранглари ва юксаклиги янглиғ газета саҳифаларида ўз мазмун ва ифодасини топаётганидан мамнунлигимизни айтмоқчи эдим.

*Қай элдаким озод фикру ҳур ният бўлгай,  
Юртнинг бахту саодати зўр ният бўлгай –  
Элнинг шаъну шавкатидан юксалиб Ватан,  
Давлат байроғидай баланд Ҳуррият бўлгай.*

17.11.2020 й.

## УСТОЗГА БАҒИШЛОВЛАР

### *“Hurriyat” газетаси учун*

Бу битик ё бағишловлар турфа ҳолат, турли вазиятларда ёзилган. Баъзан бир кайфият боис, баъзан эса устознинг ўзи “бир кунда тўрт фасл кечар бошимдан” дея эътироф этганидай, об-ҳаво ва ё ҳаводаги магнит жазаваси сабаб йўл-йўлакай қоғозга тушгандир. Масалан, “Совға” деган шеър устознинг Япония сафаридан бир олам таассурот ва ҳайратлар билан қайтиб келганларидан кейин, шу завқу ҳаяжонлар оғушида, биз – бир неча шогирдларига японча ручка туҳфа қилганлари асносида кўнгилда пишиб етилган эди. Айтмоқчи-манки, хоҳ икки қатор, хоҳ тўрт сатр бўлсин – ҳар бир шеърнинг ўз тарихи ва таржимаи ҳоли бор...

“Эҳтиром” шеъри Абдулла аканинг 60 йиллик юбилеи муносабати билан ёзилган эди. Ушбу бағишловни “Туркистон” саройида устознинг ўзи ва Ҳанифа янгамиз қур тўкиб ўтирган тантанали анжуманда шогирдлар қутлови сифатида ўқиб берган эдим.

Бу туркумдаги энг муҳим, айти пайтда энг дардли ва армонли нуқта – “Маънавият меъморлари” парчасида акс этган деб ўйлайман. Боиси янги замон Бунёдкори бино этган бугунги давру замонларни устозларимиз орзу этган эдилар. Афсуски, улар бу кунларни кўрмасдан, армон билан кетдилар...

Сўз заҳматкашлари бўлмиш улуғ зотлар ёди-хотираси олдида бош эгайлик, устозларимизнинг кўрмай кетган кунлари ҳақи шу кунларнинг қадрига етайлик, азиз ватандошлар.

21.03.2021 й.

## ЭҲТИРОМ

Жаҳон бўлмас муҳорибсиз,  
        замон бўлмас мухолифсиз,  
Яшаб бўлмас бу дунёда  
        вале шеъру маорифсиз,  
Ким айтур энди яйрабсиз,  
        ким айтур энди ҳорибсиз,  
Ҳамон Абдулла Орифсиз,  
        ҳамон Абдулла Орифсиз.

Туманлар, барча ёмғирлар,  
        фасллар суҳбати ичра,  
Жунунлар, изтироблар ҳам  
        асрлар суҳбати ичра,  
Қасрлар ҳайъати ичра,  
        вазирлар суҳбати ичра  
Аён Абдулла Орифсиз,  
        ҳамон Абдулла Орифсиз.

Бу йўллардан неча устоз,  
        неча соҳибкалом ўтган,  
Улуғ Шайхзода ҳам Ойбек,  
        улуғ Ғафур Ғулом ўтган,  
Уларнинг ному ёдин ҳам  
        баётин бардавом этган,  
Нишон Абдулла Орифсиз,  
        ҳамон Абдулла Орифсиз.

Ҳаволар, сарзаминларда  
        бу шеърий кайфият бордир,

Ватан бордир Ватанда то  
бу янглиғ шеърият бордир.  
Бу янглиғ шеърият то бор,  
Ватанда қадрият бордир,  
Макон Абдулла Орифсиз,  
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Тузумлар узра чақнаб,  
кўкда чақмоқларни сўндирган,  
Муҳит деворларига дил  
билан чечаклар ундирган,  
Кўмир дилларни куйдирган,  
темир йилларни синдирган  
Фиғон Абдулла Орифсиз,  
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Бу шеърлар янграган уйлар  
чироғида Ватан бўлгай,  
Уларни ёдлаган авлод  
сабоғида Ватан бўлгай,  
Дилу жону қабоғи ҳам  
қароғида Ватан бўлгай,  
Замон Абдулла Орифсиз,  
ҳамон Абдулла Орифсиз.

Улуғ кунлар баҳорида,  
тирикликнинг наҳорида,  
Улуғ эл бирла дардлашган  
улуғ зотлар қаторида,  
Жаҳон аҳлига юз тутган  
бу ўзбеклар диёрида  
Жаҳон Абдулла Орифсиз,  
ҳамон Абдулла Орифсиз.

\* \* \*

*Охир мухалифлар ҳориб бўлдилар,  
Эл-юрт сўз фаҳмига бориб бўлдилар.  
Сизнинг шеърингиздан, Абдулло ака,  
Қанча Абдуллалар ориф бўлдилар.*

2001

\* \* \*

*Эл аро доим зиё бирлан  
маориф бўлгуси –  
Битта фарзанди агар  
Абдулла Ориф бўлгуси.*

2011

\* \* \*

*– Рози бўлгайсизми, – дерди  
кекса устоз кўзда нам, –  
Мендин ўзга барчангиз  
ҳазрат Навоийсиз десам?..*

2011

\* \* \*

*Кекса устоз айтдиларким:  
Сўлмангиз ҳеч, очилинг,  
Яхшилик қилмоққа доим  
шошилинг шу шошилинг!*

2011

\* \* \*

(Устоз шеърига)

Биринчи муҳаббатим,  
Оғрир дил, муҳаббатим.  
Биринчи муҳаббатим –  
Охирги муҳаббатим.

2014

## СОВҒА

Дунёнинг ярмиси – нур ва зиёдан,  
Ярми – ёзув-чизув, ярмиси – ғавғо.  
Қалам келтирдингиз Ёпониядан,  
Дедингиз: Бу мандан сизларга совға.

Олам мусофирлар билан бедордир,  
Сайёҳлар ичра ҳам сиз мулло, ака.  
Дунёнинг энг гўзал қисми дийдордир,  
Дийдор қутлуғ бўлсин, Абдулло ака!

Бундай пайт кўргали дўсту ёрон ҳам  
Ўғиллари келгай, қизлари келгай.  
Сиздан, кучоқ очиб пешвоз олган дам,  
Япон ёмғирларин ислари келгай.

Биз-чи, биз қаламни чўнтакка урдик,  
Гўё бўй қўшилди қад, бўйимизга.  
Олис эллар ҳақда суҳбатлар қурдик,  
Сўнгра тарқаб кетдик уй-уйимизга.

*Шоирлик нимадир?  
Дард билан ҳижрон.  
Қалам ҳам бир нени илғаса керак.  
Биз ухлаб қолганда, тунлари пинҳон  
Билдирмай японча йиғласа керак.*

2003

## СОМОНЧИЛАР

*Ажабмас, эрта кун бир шоир укам,  
Шеърлар ёзиб юрса Сомон йўлида.  
Абдулла ОРИПОВ*

*Устозлар Сўзда ҳам хокисор қулдек  
Тупроқдан излашган армонларини.  
Бизлар ўзимизча забт этиб бўлдик  
Чангитиб шеъроят осмонларини.*

*Сомон йўлларида юрибмиз, мана,  
Фалак буржларидан иржаймоқдамиз.  
Кўкда Зухродан ҳам сўраб кўрмана,  
Гоҳ ҳиринглаб, гоҳо тиржаймоқдамиз.*

*Тўлин ой агарчи бизга чой дамлаб,  
Булутни тўшакка айлантиролдик.  
Бизлар бир ҳолатда кетдик баландлаб:  
Биз сўзни хашакка айлантиролдик.*

*Тупроққа қорганлар дил хирмонини,  
Ердан олгандирлар шеърга ҳам ихлос.  
Устозлар йиққанлар Сўзнинг донини,  
Бизлар сомон ташиб юрибмиз, холос.*

2007



## МАЪНАВИЯТ МЕЪМОРЛАРИ

“Бедорликнинг йўл харитаси” достонидан

...Бир Ватанким, поёни йўқ,  
    кўринмайдир адоғи,  
Юрт биносин қурган зотлар,  
    жонлар Сизга садоға!  
Остонадан бошлангайдир  
    асли таълим-тарбият,  
Ахлоқ-одоб дарслари ҳам  
    маърифат, маънавият.  
Қирқ беш кунда пайдо бўлмиш  
    кўз олдингда зап шаҳар,  
Бу мўъжиза қайдан келди,  
    ўйладингми, ҳамшаҳар?  
Тошкитоблар битган қадим  
    тош маҳаллар айтсинлар,  
Ҳазрат Бобур гапирсинлар,  
    Тоғмаҳаллар айтсинлар.  
Дунёдир бу – турфа одам,  
    пасту баланд турмушдир,  
Кимлар Расадхона, кимлар  
    ҳасадхона қурмишдир.  
Сўз биносин қурган зотлар,  
    жонлар Сизга садоға,  
Устоз Абдулла Ориф ҳам  
    Чингиз Айтматов оға!  
Сиз энг қийин замонларнинг  
    заққумларин ютгансиз,

Элингизга шон келтириб,  
 эл учун жон тутгансиз.  
 Гўё ҳаргиз ўлмагансиз –  
 худди иссиқ нафасдай,  
 Суратлардан қарайдирсиз  
 Алпомишдай, Манасдай.  
 Ўхшайдирсиз мангу сўнмас  
 маънавий қуёшларга,  
 Буюк ибрат мактабисиз  
 Сиз бугунги ёшларга.  
 ...Уч минг, тўрт минг хонадондан  
 таралгай меҳр иси,  
 Беш юз чевар қиз-жувоннинг  
 ёришганда чеҳраси.  
 Не-не зулмат асрларни  
 қаламим-ла ағдардим,  
 Мен шеъримга нур-зиёни  
 шу уйлардан ахтардим.  
 Битсайдим гар Термиздан то  
 Зомин, Шуманай қадар,  
 Завқу шавқим, ҳайратларим  
 бўлгайди юз минг дафтар.

\* \* \*

Дунёдир бу – турфа олам,  
 пасту баланд турмушдир,  
 Кимлар Расадхона, кимлар  
 ҳасадхона қурмишдир.  
 Бир Ватанким, поёни йўқ,  
 қўринмайди адоғи,  
 Юрт биносин қурган зотлар,  
 жонлар Сизга садоға!

Обод қишлоқ, бир кўчангда  
қанча кўрку тароват,  
Қанча орзу-ҳавас кўрдим,  
қанча файзу фароғат.  
Бир зўшангда дуо айлар  
мушфиқ онажонларим,  
Қанот ёзсин, улғайсин деб  
мурғак полапонларим.  
Оиланг тинч, Ватанинг тинч,  
демак, ухла, болам, тинч,  
Ширин, сокин тушларингдай  
бўлсин рўйи олам тинч.  
Шавкатли эл фарзандисан –  
дуогўйинг шу элдир.  
Ўз элинга шаён келтиргил,  
шараф келтир, шон келтир.  
Бир кўнгилни шод айламоқ  
мушукул эрур бағоят,  
Бутун элни обод қилмоқ  
мардликдир ҳам матонат.  
Бу хислатлар пойқадами  
қутлуғларнинг ишидир,  
Ўз халқини рози қилмоқ  
улуғларнинг ишидир.

8.9.04.2018 й.–23.07.2018 й.

## ЛАБДА ТАБАССУМУ КЎЗДА ЁШ БИЛАН ёхуд келажакнинг кўзлари

*“Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири  
Салим Дониёров билан суҳбат*

– Ҳар қандай давр ва замондаги ўзгаришлар халқ руҳияти ва маънавиятидаги устунликлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтмишдан керакли сабоқларни чиқариб, бугунги кунга баҳо бериш ва келажак учун илҳомбахш ғояни тақдим этишда ижодкорларнинг салоҳияти ва дунёқараши муҳим аҳамият касб этади. Сизнингча, бугунги кун ижодкори маънавий ислоҳотлар жараёнида қай даражада фаол бўлмоғи керак?

– Ҳеч қандай шамол бесабаб эсмайди. Ҳар қандай кўчат ва ё навниҳол ҳам ўз-ўзидан ўсиб дарахтга айланавермайди. Донишманд боболаримиз “ниҳон ичра пайдо, пайдо ичра пинҳон” деганларидай, гоҳ ёруғ, гоҳ қоронғу бу оламда “қора ер қаъридан то Зуҳал авжига қадар” тафаккур қилиб кўрсангиз – бутун Ер ва коинот, борлиқ мавжудот сабаб ва моҳиятдан иборат буюк бир қонуният билан яшаётганига имон келтирасиз. Шундай бўлмаганида эди, улуғ шoirларимиз қийин ва қабоҳат замонларда “Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш” дея осмону фалакларга қараб нолакор ва наъравор сатрларни ҳайқирмаган бўлардилар.

Биз XXI асрда, кишилиқ жамиятида яшаяпмиз.

Насиб этса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай – бор-

йўғи йигирма ё ўттиз кундан кейин – “йигирма бир” санаси билан рақамланган бу асрнинг йигирма биринчи йилига ҳам қадам қўямиз. Худо хайрли қилсин деймиз. Барча эзгу ишларимиз, орзу-ниятларимизни Яратганнинг Ўзи ўнгидан келтирсин дея тилаклар билдирамиз.

Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, Вақт орқага қайтмайди.

Давру замон самовий тезликда шиддат билан умримизнинг зарварақлари бўлмиш азиз ва ғанимат кунларимизни биздан юлқиб олиб, гувиллаб-гулдурос солиб ўтиб кетаётир. Вақт билан одамзот ўртасида аёвсиз мусобақа кечаётгандай. Энг ғаройиби Вақтнинг ўзи бунда Бош ҳакам этиб қўйилган.

Улуғвор ўзгаришлар кишилиқ жамиятида қадимул-айёмдан буён рўй бериб, давом этиб келаётган тарихий ҳақиқат, тарих ва тақдир, давр ва замон тақозоси.

“Замондан койинмангларки, Замоннинг эгаси Парвардигордир” дейилади Термизий боболар йиққан ҳадис китобларида. Бунинг замирида, замондан койинмоқ – Яратганнинг Ўзидан койинмоқдир деган буюк маъно ва ибрат мужассамдир. Донишманд аждодларимиз “ҳар бир туғилажак одам зурёди илоҳий маърифат билан дунёга келади” сингари умрбоқий ҳикматлар хазинасини бебаҳо маърифий мерос сифатида бизга қолдириб кетганлар. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳамма гап таълим-тарбия, билим ва маърифатга келиб тақалаяпти.

Сиз берган саволларни даврнинг ўзи қўндаланг қўяётир. Тан олиш керак, жиддий ва кенг қамровли, қўлам ва залвори жиҳатидан Ватан тақдири, миллат миқёси билан тенг келадиган замон саволларига дабдурустдан жавоб бериш осон эмас, албатта. Биз барчамиз оталармиз, оналармиз, опа-сингил, ака-ука, оға ва

инилар – бир сўз билан айтганда, қондош ва жондош, меҳрпарвар ҳам саховатпеша, бағрикенг бир халқ, бир Ватаннинг дилдошлари, дилбандларимиз. Бир жойга борсак, ортимиздан гўё бутун эл-юрт, бор уруғ-аймоғимиз қараб-кузатиб тургандай – яхши ишимиздан элдошларнинг юзи ёруғ, ножўя қилмишимиз бутун миллатнинг юзини шувит қилиб, номига иснод келтириш билан баробар эканини, айниқса, бугунги сертахлика дунёда янада теранроқ англаётимиз.

Бобур ҳазратлари **“ҳеч нарса Худонинг измисиз хориж содир бўлмас”** деганларидай, модомики гап давру замон хусусида борар экан, бобо тарихимиз, узоқ ва яқин ўтмишимизга назар ташласак, буюк салтанатлар, улуғ ва қудратли ҳукмдорлар жаҳон сиёсат майдонига бежиз-бесабаб чиқиб келмаганининг гувоҳи бўламиз. Яратган Эгам элу юртга боқиб, халқнинг хоҳиш-иродаси нечоғли улуғвор ва устуворлигига қараб, шунга муносиб ва мутаносиб йўлбошчиларини юборади деган нақл жаҳон халқлари тарихида ҳам, ўзимизнинг тарихда ҳам бор гап.

Халқ руҳияти ва маънавиятидаги устунликлар деганда нимани тушунамиз? Халқ – тарих дегани, тарих эса бугун ва келажак демакдир.

Сўз ҳам бунёдкор бўла оладими дейишингиз мумкин. Бўлмаса “Сўз мулкининг соҳибқирони”, “Ғазал мулкининг султони” деган барҳаёт иборалар қаердан чиқиб келган? Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришига кўра, Амир Темура бобомиз Шаҳрисабзда бунёд эттирган, муаззам Оқсарой пештоқларида кўп илоҳий ёзувлар қатори **“Подшоҳларнинг сўзлари – сўзларнинг Подшосидир”** деган битик ҳам нақш этилган экан.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг биргина **“Чунки топдим ул калом ичра камол”** мисрасини шарҳлаб бермоқ учун – унинг талқин ва таҳлили учун неча бир

диний-тарихий китобларни титкилаб чиқишга тўғри келади.

Кўҳна ва оқсоч мозийнинг мумтоз назмий саройлари давридан ҳозирги замон ўзбек адабиёти саҳифаларига қайтадиган бўлсак, тарих ва халқ руҳиятидаги кечинмаларни ҳассос шоиримиз Абдулла Орипов қуйидаги армонли сатрлар билан ифодалаб кетганини кўрамиз. Устоз ёзадилар:

*Менинг ҳам Ватаним жанглар гувоҳи,  
Менинг ҳам тупроғим топталганди хор.  
Менинг ҳам руҳимда ажодлар оҳи,  
Менинг ҳам қонимда қилич занги бор.  
Минорлар эмас бу – фалакка қасам,  
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.  
Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам  
Ўлик фиръавнлар кетарлар санчиб.*

Мўъжазгина шеърий парчада жо этилган тарихий фожиалар кўламини тасаввур қилиб кўринг-а – юрагингиз орқага тортиб кетиши муқаррар.

Тарих – бугунги кун ва келажак, билим ва маърифат деганидир. Ажодлар оҳи, қиличлар зангию қасоскор боболар санчиб кетган қасамлар унутилмайди. Барчамиз шаъну шавкати баланд элнинг фарзандларимиз. Бундан ғурур ва ифтихор этмоқ – бу юксак туйғу ва тушунчаларни юрак-юракдан ҳис этмоқ учун эса миллат болаларидан катта салоҳият ва билим талаб этилади.

Замон ўз Бунёдкорини яратгани каби, Бунёдкор замон биносини барпо этади. Бу бинонинг пештоқларига **“Жаҳолатга қарши маърифат”, “Китобсиз келажак йўқ”, “Ўз болангни ўзинг асра”, “Адабиёт – халқнинг юраги”, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”, “Тил бор экан – миллат**

**барҳаёт”, “Маърифат. Маърифат. Яна бир карра маърифат!”** сингари замон ҳикматларининг битилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ...

Биз барчамиз Президентнинг халқни миллатга, мамлакатни Ватанга айлантира олиш қудратига эга тарихий маърузалари замонда яшаяпмиз. Биргина **“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”** даъватининг ўзи мамлакатимиз маърифий оламини жунбишга келтиргани ҳам айна ҳақиқат. Тарихий ва умрбоқий иқтибослар зўрма-зўраки ўйлаб топилмайди. Халқ ва миллат тақдири, уйқусиз ва бедор тунлар, уйғоқ онг ва тафаккур маҳсули бўлмиш чинакам иқтибослар қалб қони билан яралади. Шу боисдан халқ қалбида кенг акс садо беради. Сўзнинг Бунёдкорлиги, яратувчанлик қудрати ҳам шунда.

**“Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, “илиги тўқ” халқмиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор.**

**Ҳаммамиз яхши тушунамиз, Учинчи Ренессанснинг пойдеворини яратиш – беш-ўн йилда бўлади-ган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак...”**

Ҳазилакам сўзлар эмас булар. Биз яшаётган кунлар ҳазилакам кунлар эмаслигини халқимиз англаб, тушуниб турибди. “Юз эшитгандан кўра бир кўрган афзал” дейилганидек, биз кўз ўнгимизда рўй бераётган бемисл ўзгаришлар ва янгиланишларга кўникиб ҳам қолдик. Гўё бари ўзидан-ўзи шундоққина осмондан тушиб келаётгандай.

Гўё барча қурилаётган, қад ростлаётган иморатлару иншоотлар, бутун бошли шаҳарлару кентлар, одамлар онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар – барча-барчаси давру замоннинг буюк дарёсидай тошқин солиб,



гуриллаб-гулдираб олдигинамиздан оқиб ётибдию, баъзи қавмдошларимиз қатори бунинг бизга дахли йўқдай, ёгаётган қорнинг севикли ёримиз киприкларига нозик-нозик кўнаётгани ҳақида бамайлихотиргина шеърлар ёзиб ўтирибмиз. Шу ўринда, бир дўстимизнинг “телеграм” канали орқали йўллаган мутойибага ўхшаш саволини келтириб ўтсам: **“Эй биродари азиз, бутун шеърятни, ижтимоий тармоқларни ҳам қор босиб кетди-ку, бундан бошқа мавзу йўқми сизларга? Эртан кун офтоб чарақлаб, кунлар исиб кетса, бу қорлар эриб кетади-ку, шеърларингизни сув босиб кетмайдими, ўйлаб кўряпсизларми ўзи?!”**

Бундай ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Касбу кори экин-тикин, миришкорликдан иборат оддий қишлоқ кишиси, деҳқон одамнинг истеҳзоли эътирофида аҳли шуаро учун ибратли ишоралар бор деб ўйлайман. Буям бугуннинг гапи, бугунги китобхон – мухлиснинг гапи. Буниям эътиборга олиб, керакли жиҳатларидан хулоса чиқариш мумкин.

Дунёда Ватандан ҳам юксакроқ мавзу, муқаддас ва шарафлироқ ғоя бўлмаса керак. Ҳамма гап шу муқаддас мавзуни қандай ёзишда, қай йўсинда тараннум этиб, қай тарзда кенг китобхонлар оммасига етказа билишда деб ўйлайман. Устозлар мавзуни ҳам, кўламини ҳам кенгроқ ва қамровлироқ олишдан чўчимаслик керак дейишарди.

Нима учун Қодирий бобонинг **“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар”** сўзлари юз йилдан бери худди кеча ёзилгандай янгилигича яшаб келаётир, бунинг сабаб ва моҳияти нимада?

Яна бир иқтибосга эътибор беринг:

**“Модомики, биз янги даврга оёқ кўйдиқ, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашишимиз ва шун-**

га ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгариишға, халқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зухро”лари, “Чор дарвиш”лари, “Фарҳод-Ширин” ва “Баҳром гўр”лари билан таништиришқа ўзимизда мажбурийат ҳис этамиз...”

“Ўткан кунлар” романининг кириш қисмидаги сўзбошидан олинган бу иқтибосни асар ва муаллифнинг номларини қўймасдан ўқилса агар – бу гаплар худдики бугун, айнан бугунги замон ижодкорлари учун битилгандай, гўёки Абдулло Қодирий ҳазратлари Самарқанд дарвозадаги хужраларида бугун эрта тонгдаёқ яхши ниятлар билан турганлару қаламкаш невараларимга бир йўл-йўриқ кўрсатай дея қоғозга тушириб қўйгандай.

“Ёзғувчидан” деб номланган мухтасаргина муқаддиманинг биз мисол келтирмаган иккинчи бўлагида **“...ҳавасимда жасорат этдим, хаваскорлик орқасида кечатурган қусур ва хатолардан чўчиб турмадим”**, деб айтаркан, буюк адиб ўз азиз бошини ихтиёрий равишда мустабид тузумнинг қатлкундасига қўяётганини жуда яхши англарди. Ич-ичидан сезиб-билиб тургани учун ҳам миллат тақдирининг, таъбир жоиз бўлса, гўзал ва буюк қайғуномаси бўлмиш ўлмас асарини ёзмоққа **“жасорат этдим”** дейди.

Беназир адибимиз наинки ўз даври, балки бугунги ва эртанги кун ижодкорининг тарих, даври замон ва келажак олдидаги бурч ва масъулиятини ҳам назарда тутмоқда.

**“Навоий, сўз айтурда мардона бўл”**, дейдилар буюк бобокалонимиз. Бу дегани – сўзда ёлғон ва муттаҳамлик кетмайди. Сўз номардликни кўтармайди. “Ҳеч осон бўлмаган Абдуллаларга” дея мақоми юксак отдошларига бағишловлар битган устозимиз Абдулла Орипов ҳам **“Шеърни мард киши ёзади, тамом-вас-**

**салом!”** дер эдилар. Замон ҳикматиға айланган бу сўзлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан долзарблиғича қолмоқда.

Халқимиз тарих синовларини кўп кўрган. Хўлу қуруқ баб-баравар ёнган қийин ва машаққатли кунларни ҳам, зулм ва зўравонликка асосланган истибдод даврининг жисмоний ва маънавий қатағонларини, миллат шоирлари ўкинч ва армон билан айтиб кетгандай “Юлдузни кашф этиб, авом деб ном олган” миннатли замонларнинг ранжу аламларини ҳам обдон бошидан ўтқарган, хоксор ва камтарин халқ, мард ва орияти баланд миллат. Бугунги кун ижодкори том маънода, бугунги замон ижодкориям, тарихчисиям, салномачиси ҳам бўлмоғи керак деб ўйлайман.

Ижозатингиз билан яна бир иқтибосга диққатингизни қаратсам. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли адиб Шукур Холмирзаев “Қадимий Бақтрия тупроғида” сарлавҳали машҳур эссесида халқ тарихи, Ватанга муҳаббат, унинг кечмиши ва келажаги ҳақида сўз юритаркан, эрамиздан икки юз йил аввал ўтган юнон ёзувчиси Лукианнинг “Ватан шаънига” деган асаридан қуйидаги ибратли парчани мисол келтиради: **“Менинг бу гапларим ғоят эски гаплардир. Лекин ҳақиқат шундаки, ўз отасини севмаган фарзанд ўзганинг отасини ҳам ҳурмат қила билмайди ва ...ўз Ватанини севмаган киши ўзгалар Ватанини ҳам кадрлай билмайди”**.

Айтганингиздай, биз ҳақиқатан шиддатли бир даврда, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, айни пайтда кенг кўламли маънавий ва маърифий ислохотлар замонида яшаяпмиз. Қизғин ва жўшқин жараёнлар ҳаммамизни, жумладан, ижод аҳлини ҳам бир-бир саралаб элакдан ўтказаётир. Нима ҳолат бўлган тақдирда ҳам шоир ёки ёзувчи ўз даврининг фарзанди, даврнинг

воқеа-ҳодисалари, ўзгариш ва эврилишларидан айро ҳолда яшай олмайди. Виждон уйғоқлиги, қалб бедорлиги унинг ижтимоий фаоллигини белгилайди. Адабиётда тунги ёки кундузги навбатчилик қабилидаги гаплар кетмайди. Бунда тун билан тонг бўлмайди, буюк саволлардан Буюк Жавоб томон борилади. Мен мард ва матонатли Бунёдкор раҳнамолигида қисқа вақт ичида барпо этилган бугунги Янги Ўзбекистонимизни жафокаш халқимизнинг асрий саволларига берилган буюк ва оламшумул ЖАВОБ деб биламан. Оддий бир ижодкор сифатида камтарона тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, ўзимиз сўзимизга ва ё сўзимиз ўзимизга эмас, балки элу юртимизга хизмат қилмоғи керак.

Ҳеч бўлмаганда, Сардоба фожиасини бошидан кечирган, сирдарёлик оқсоқол Отабой бобо Эгамбердиев Президент ҳузурида жўшқин завқу шавқ ва ҳаяжон билан “Сардоба сити” дея таъриф бергандек, қисқа муддатларда бунёд этилган, эл-юрт иродаси ва шижоатининг тимсоли бўлмиш Сардоба мўъжизасига ҳам гувоҳ бўлган халқнинг, ҳеч бўлмаганда, яп-янги, ёп-ёруғ шу уйларда қалби ҳам, юзи ҳам офтобдай ёришган шу элнинг бир хонадонига кириб, оила аҳлининг қувончу бахтига шерик бўлиш ҳам ижодкор киши учун бурч ва виждон иши ҳисобланади.

Бу дунёда буғдойнинг ҳам, буғдой сўзинг ҳам бўлсин экан.

Биз китоб совға қилганимиз хонадон соҳибалари – мунис ва мушфиқ онахоннинг дуоларию рангпаргина навжувон келинчакнинг таскин-тасалли сўзимиздан ўпкаси тўлиб кетиб, тўккан севинч ёшларини сиз ҳам кўрсангиз эди. Биз ҳам бу хонадондан “лабда та-бассуму кўзда ёш билан” кетдик.

Шу аснода, беихтиёр, Навоий бобомизнинг биров-

нинг бузилган ва тушкун кўнглини кўтариб, хотири-ни хушнуд қилмоқ вайрон бўлган Каъбани обод этмоқ билан баробардир, мазмунидаги эл аро доврўқ қозонган маълум ва машхур байтлари эсга келади.

Менга қолса, юқорида келтирганимиз Сардобадаги хонадон мисолида, бир қарашда кундалик турмушдаги оддий манзарадек туюладиган таъсирчан ва мунаввар лаҳзаларни Навоий бобо ҳикматининг беш юз саксон йилдан кейин – бугунги кунларимиздаги амалий ифодаси сифатида алоҳида таъкидлашни истардим.

Президентнинг Сардоба аҳли билан бўлган учрашувда **“Оилада аёлнинг кайфияти яхши бўлса, жамиятда вазият ўзгаради”** деган сўзлари давлат ва халқ, халқ ва сиёсат оғизбирчилигининг, яъни сўз ва иш бирлигининг ёрқин ҳаётий далилидир.

**“Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак”.**

*– Давлатимиз раҳбарининг ушбу гапларини мамлакатимиз ижодкор зиёлларининг бир вакили, қолаверса, халқ шоири сифатида қандай шарҳлаган бўлардингиз?*

– Президент, миллий Уйғонишнинг тўрт узвий ҳалқаси қаторида **“Янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устун, яъни маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мустаҳкам устун бўлади”** деб ота-оналарга катта ишонч билдирар экан, бу ўринда, кенг қамровли оилавий тарбиянинг нақадар

муҳимлиги, устуннинг пойдевори, бу пойдеворнинг устувор ва емирилмас асослари оила муҳитида, узлуксиз ва муттасил оилавий таълим-тарбия орқали қўйилажагига алоҳида урғу берилмоқда.

Устун билан устувор – қариндош-уруғ, ота-бола, оға-ини сўзлар, Устун устувор бўлмоғи учун пойдевор, пойдевор маҳкам бўлмоғи учун асос мустаҳкам бўлиши шарт ва зарур. Буни қарангки, “асос” сўзининг тилимиздаги яна бир маъноси “асил”, “мустаҳкам” сўзи эса “соғлом” деган маънони ҳам билдираркан.

Шу жиҳатдан халқнинг “соғлом танда – соғлом ақл” мақоли билан Фитрат муаллимнинг **“Бу дунё – кураш майдони. Соғлом тан, ўткир ақл, яхши ахлоқ бу майдоннинг қуролидир”** деган сўзлари тарихга нисбатан қаралганда тарихдош ва асрдош бўлиш билан бирга тақдирдош ва асосдош ҳамдир. Йўлдош ва қўлдош бўлиш баробарида, аёвсиз жанг кетаётган маънавият фронтининг қурдош-қуролдошларидир ҳам. Бу кураш майдонида талай талофотлар, талай офатлар бўлиши табиий. Бунда енгил иш бўлмайди, “енгил иш – енгилиш” деб қабул қилинади.

Нима учун, уюшмаган ва ё адашган ёшлар деймиз? Эй, биродари азиз, вақт-бемаҳал кўча-кўйда бабош-бебош саланг-саланг санғиб юрган болаларни “йўлдан адашган” десак ўзимиз янглишган бўламиз-ку! “Фикри бузуқ, хаёли жойида эмас” деган ўзбекча ибораларимизни бир эсланг. Демак, фикру онг адашиши мумкин, кўнгил йўлини йўқотган бўлиши мумкин. Одам боласи хато қилиши, чор-ночор қолиши мумкин, лекин адашмайди. Ундан кўра болангизни йўлдан қайтаринг, у ҳали навниҳол бир кўчат, норасида бир новда, ҳар хил шамоллар тазйиқидан эгилиши, синиб кетиши мумкин. Болага китоб ўқитинг, касбу корга,

хунар ва меҳнат қилишга ўргатинг.

Шайх Фаридиддин Аттор ҳазратларининг тўрт минг олти юз байт – тўққиз минг икки юз мисрадан иборат “Мантиқ ут-тайр” асарини севиб мутолаа қилаётган ҳали бола Алишерга ота-онаси ёшига тўғри келмайди дея китобни тақиқлаб қўяди. Бу пайтга келиб, тўрт-беш ёшлар атрофидаги Алишербек уни тўлиқ ёдлаб олганди. Умрининг охирларида Навоий бобо болалик чоғларидаги ёддан чиқмас буюк мутолаа ва улуғ шайх хотираси учун “Лисон ут-тайр” асари билан ўз ҳурмат ва эҳтиромини бажо келтиради:

*Мен демонким, ул атодур, мен ўғул,  
Ул шаҳи олийсифат, мен банда қул.*

Буюк бобокалонимиз мисолида айтиш мумкинки, буюк китобхонлардан буюк шахслар етишиб чиққан. Уйғониш ҳисси – Ренессанс туйғуси миллатнинг қонид бор...

Ватан ҳисси, Ватанпарварлик туйғуси аввал бошда оила муҳотида, кейин эса мактабда болаларимиз билан қадма-қад, бўйма-бўй камол топиб вояга етади.

Мана сизга давру замон, мана шарт-шароит ва имкониятлар, мана сизга энг илғор технологиялару компьютерлар, барча илм даргоҳларининг эшиклари ланг очик – фарзандингизни ўқитинг, таълим-тарбия беринг, билим олсин, ўқисин, оламнинг кўзига тик қараб, оламни ҳайратга солсин, одам бўлсин, ўз халқи, Ватанининг шаъну шавкатини оламга ёйсин дейилмоқда. Қандингни ур, давру замон, қандингни ур шу замоннинг саодатли боласи, дея ҳайқиргиларинг келади!

Президент матбуот хизмати томонидан тайёрланган **“Остонам. Юксалиш формуласи”** ҳужжатли фильмини бутун халқимиз катта ҳаяжон ва қизиқиш

билан томоша қилди. Баъзи ҳолатларда кўзларда ёшлар қалқди... Биласизми, бир ижодкор сифатида фильм ижодкорларига ҳам, ундаги ёрқин лавҳалар, бугунги ўғил-қизларимизнинг жонли ва самимий ҳолатларию уларнинг орзу-умидларига, рости гап, ҳавасларим келиб кетди! Иккинчи томондан шу элнинг бир шоири сифатида – пахта даласидан чиқиб келаётган беғуборгина қишлоқ ўқувчилари олдида, Президент алоҳида эҳтиром билан **“бугунги кунимизнинг ҳақиқий маърифатпарвари, давримизнинг Авлонийси, Фитрат домласи, Мунаввар қориси”** дея таърифлаган оддийгина қишлоқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаевнинг заҳматкаш қиёфасию у кишининг ёнида хоксоргина ёндашиб турган оиласининг, **“мана шу медалларини олганларини, Оллоҳга шукрлар бўлсин, ана...”** дея ҳассага таянганча қараб қолган камсуқумгина онахоннинг эгик жуссаси – умрий заҳматлари билан фидойилиги олдида ўзимни ночор-нотавон айбдордай ҳис этдим!

Биласизми, нима учун? Бундай одамлар ҳақида ёзиш керак, Ватанга садоқати ва фидойилиги ҳақида асарлар, қиссалар, қасидалар, дostonлар ёзиб оламга жар солиш керак! Токи бошқалар ҳам кўрсин, билсин, ўргансин, ибрат олсин, тарбия олсин! Биз-чи, улгурмаяпмиз деймиз, пандемияни рўкач қилиб, панд емай дея пандемияга ҳам панд берамиз. Ҳолбуки, қирқ-эллик дақиқалик хужжатли бир фильмгина унча-мунча шоиру ёзувчиларимиз қилиши керак бўлган ишни қисқа муддатда амалда кўрсата олди. Унинг таъсир кучи кенг қамровли бўлди, элдошларимиз қалбида кенг акс садо берди. Бугунги замон ижодкори шундай ишлаши керак. Миллий Уйғониш даври Янги Ўзбекистонимиз солномасининг жонли ва ҳаққоний муқаддимаси сифатида келгуси авлодлар учун ҳам бундай асарларнинг тари-



хий-тарбиявий аҳамияти беқиёсдир, деб ўйлайман.

**“Орадан ўн йил ўтади, ўн беш йил ўтади, йигирма йил ўтади, ҳозирги биринчи синфга бораётган боламиз Беруний бўлади, Ибн Сино бўлади, Улуғбек бўлади. Мен бунга албатта ишонаман!”**

**“Тил билган одам дунё билади. Тил билган одам билан дунё гаплашади. Булар ўзини билдиради. Ҳамма соҳада билдиради. Мен бунга ишонанаман!”**

Президент бу сўзларни келажакнинг кўзларига тик қараб айтди. Қатъий ишонч билан, замон Бунёдкори сифатида бутун элнинг, элдошларнинг, замондош ота-оналар ва муаллимларнинг кўзларига, уларнинг нуридийдалари бўлмиш қора кўзу қаламқош ўғил-қизлари – азиз болаларимизнинг масъум кўзлари, қароғларига тик қараб айтди. Зеро, болаларнинг кўзлари – келажакнинг кўзларидир.

*– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси олдида қандай муҳим вазифаларни қўйди? Бугунги авлод ижодкорлари руҳиятига мумтоз адабиётимиз таъсирини янада кучайтириш учун нималар қилиш лозим деб биласиз?*

– Президент қарори – миллий ва маънавий ҳаётимиздаги яна бир тарихий-ижтимоий воқеа, мамлакат миқёсида расман биринчи марта кенг нишонланган қутлуғ сана Ўзбек тили байрами арафасида қабул қилинганлиги, **“Ўзбек тили ва адабиётини, миллий маданиятимизни янада раванқ топтиришга қаратилган амалий ҳаракатларимиз билан уйғун ва ҳамоҳанглиги”** жиҳатидан ҳам умуммиллий ва умумбашарий аҳамият касб этади.

Биргина тарихий мисолга мурожаат қилайлик. Ҳас-

сос ва оташнафас шоиримиз Ҳамид Олимжон Иккинчи жаҳон урушидан уч йилча аввал **“Навоий – ўзбек тилининг яратувчиси”** мақоласида шундай ёзади:

**“Навоий даври ўзбек тарихий адабиётининг энг юксак давридир. Ўзбек адабий тили ана шу Навоий давридагина юзага келди, ишланди, зўр адабий бир тил ҳолида камолга етди ва классик адабий тил бўлиб қолди. Бунинг қуёши, албатта, Навоий эди...”**

Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавийнинг **“Аёнга аёндир, ноаёнга не аён”** деган ҳикматларига ҳамоҳанг тарзда Навоий бобо: **“Қилмаған шогирдлик, ҳеч ишта устод ўлмади”** дер экан, ота-онасининг гапига кулоқ солмай, устоз-муаллимлари ҳурматини бажо келтирмаган дидсиз-маърифатсиз фарзандлар чаламуллалигича қолиб кетади, улар улғайиб, ёшлари бир жойга бориб қолган тақдирда ҳам – бундай меҳру садоқатсиз, баттол ва ноқобил шогирдлар одам бўлиш у ёқда турсин, ҳеч бир соҳада устозликка ҳам ярамайдилар деган маърифий-тарбиявий ғояни илгари суради. Халқ тили билан қисқа-лўнда қилиб айтганда, **“Устоз кўрмаган шогирд – ҳар мақомга йўрғалар”**.

Навоийни тинмай ўқиш керак, тинимсиз ўқитиш керак. Хонадонларда, боғча-мактабларда, клуб ва тўғаракларда – тўрт-беш ёшдан бошлаб – майса чоғлар, бола чоғлар, лола чоғлардан тинмасдан-тиндирмасдан ўқитиш ва яна ўқитиш, ўргатиш, ўргатаверишдан асло чарчамаслик керак. Бир ҳарф бўлсаям, бир мисра ва ё байт бўлсаям, қитъами, рубойи ва ё туюқми – ёшига қараб ҳар кун, ҳар соат ўқитиш, овоз чиқариб ўқитиш ва ёдлатиш, рағбатлантириб ёдлатиш, ёдлатиб рағбатлантириш болаларни тезда ром этади, ҳавас уйғотади, адабиётга, китобга меҳру муҳаббат уйғотади. Мурғак қалбда адабиётга муҳаббат уйғониб, ўрнашиб

олдими, ана энди бу бола чинакамига сизники, ҳеч қандай ёт ғоялар, қора кучлар уни сиздан тортиб ололмайди. Оилавий муҳитда ҳам адабиёт мутолааси ва тарбиясини шу тахлитда муттасил йўлга қўйиш мумкин деб ўйлайман. Кичик-кичик ҳажмдаги мумтоз сўзлар луғатларини, Навоий асарлари луғатларининг ихчам ва болаларбоп намуналарини, аудио, видео луғатларни ҳам чиқаришни кенг йўлга қўйиш, кўплаб таълим-тарбия, билим даргоҳларига тарқатишнинг ўзи анча-мунча самара беради.

“Педагог” сўзининг асл маъносини биласизми? Бизда ўқитувчи, муаллим, устоз, устод, мураббий, ёки нари борса, тарбиячи дейилади. Нима учун педагог-муаллимлар деймиз.

Тилшуносларнинг фикрича, қадимий юнончадан тўғридан-тўғри ўгирганда педагог – **“болалар доҳийси”**, яъни, болалар йўлбошчиси дегани экан.

Навоий бобони устозимиз Абдулла Орипов жуда яхши кўрар, **“шеърият тахтининг мангу тахтдан тушмайдиган султони – Навоий ҳазратлари бўладилар”** деган таърифни **“мендан сизларга эсдалик”** деб дастхат тарзида ёзиб ҳам берган эди. Бир кеча “Тошкент – Навоий” поездида Тошкентдан то Навоий шаҳрига етиб боргунимизча – тонг саҳарга қадар буюк бобокалонимиз ижодини ўқиш ва ўрганиш, англаш ва ўргатиш тўғрисида, жонли-жонли мисол-тамсилларни ёддан ўқиб борганлари ҳеч эсимиздан чиқмайди. Ўшанда, тонг отар пайти манзилга етиб, поезддан тушаётганимизда, устоз лутф қилган эди: **“Биз Навоий шаҳрига етиб келдик, холос... Навоий бобонинг ўзига етиб боргунимизча, ҳали эҳ-ҳе, қанча йўлни босиб ўтишимиз керак. Беш юз йилми, олти юз йилми, бунисини Худойимнинг ўзи билади!..”**

– Бугунги адабиётга, умуман, ижод аҳлига кўрса-

*тилаётган эътибор ҳар қачонгидан юқори. Бу ўз навбатида, ижодкорларга юксак ва шарафли масъулият юклайди. Сиз кўплаб улуғ ижодкорларнинг шогирдисиз, улар билан ҳамсуҳбат, фикрдош, маслакдош бўлгансиз, маълум маънода уларнинг йўлини давом эттираяпсиз. Букунларга етиб кела олмаган, шуқуҳли онларни кўриш насиб қилмаган устозлар агар ҳаёт бўлганида, ижодларида қандай давр кечаётган бўлар эди деб ўйлайсиз?*

– Президентнинг: **“Адабиёт – халқнинг юраги”, “Адабиёт юракка жойланиши керак”** ибораларини катта-кичик адибларимиз кўп иқтибос келтирадилар. Дарҳақиқат, халқимиз шеърпараст, кўшиқпараст, азал-азалдан шеъру ғазални, гўзаллик ва нафосатни жону дилидан яхши кўрадиган адабиётсевар халқ.

Биз халқу Ватан, давру замон олдида, шу давру замоннинг матонатли Бунёдкори олдида барчамиз бирдек қарздормиз.

Ижодкор одамини биринчи навбатда қарздорлик туйғуси, дахлдорлик ҳисси ҳеч қачон тарк этмаслиги керак.

Устоз Эркин Воҳидов **“Эл устозим, мен эса – толиб”** десалар, Абдулла ака **“Мен ҳам яшаяпман ўз замонимда”** дер экан, айна пайтда бугунги кунларни назарда тутгандай **“Ўйғониш замонинг муборак бўлсин!”** дея башоратли сатрларни битганида ҳам буюк ҳикмат мужассам.

Президентимизнинг буюк адабиётимизга, унинг улуғ намояндаларига, жумладан, азиз устозларимиз, уларнинг номи ва хотирасига ҳурмат ва эҳтиромини ҳамиша, ҳар қадамда кўриб-билиб ҳис этиб турибмиз. Пойтахтимиз марказидаги Миллий боғимизда Алишер Навоий бобомизнинг муҳташам ёдгорлик мажмуига мос ва муносиб равишда бунёд этилган Адиблар хиёбонида кўп улуғ сиймолар қаторида қаҳрамон

шоирларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг ўйчан ва донишманд қиёфалари ҳозир ҳам барчамизга адабиётдан дарс бериб тургандай. Улар номидаги Ижод мактабларида вижир-вижир қалдирғочлар мангу ошён қурган мисол бугунги ўғил-қизларимиз шеър ва адабиётдан таълим олмоқдалар.

Президент ҳар гал **“Менинг ҳам армонларим бор. Менга бугун Эркин ака, Абдулла акаларнинг овозлари етишмаяпти”** дея анжуман аҳлига савол назари билан қараркан, **“Қани шоирларинг, қани ёзувчиларинг, қани янги бугунги давру замоннинг ҳақиқий асарлари?!”** дея сўраётгандай, ҳар гал тилим калимага келмай, ўзимни йўқотиб қўйгандай бўламан...

Халқимизнинг яқин дўсти ва севимли адиби Чингиз Айтматов бир асарида Амир Темур ҳазратлари билан Хўжа Ҳофиз Шерозий ўртасида кечган “қора хол” ҳақидаги машҳур ривоятни мисол келтириб, Соҳибқирон бобомиз тилидан тарихий бир хулосани алоҳида меҳр ва мамнуният билан айтиб ўтади:

**“...Бир оз сукут сақлагач, Амир Темур мулозимларига назар ташлайдию:**

**– Ўз шоирини излаб-истаб юрган олампапоҳнинг қўл остидаги халқи бахтли бўлади. Бироқ ўз ҳукмдорини излаб-йўқлаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир. Менинг бу сўзларим ҳамма вақт ёдингизда бўлсин! – дейди”.**

\* \* \*

Биз XXI асрда яшайпмиз.

Оллоҳнинг ҳам “насиб ё насиб”лари бор.

Нима учун тарих ва тақдир юксак, гўзал шеърятимизнинг икки буюк намояндаси Ҳамид Олимжон билан Абдулла Ориповни бир аср, бир тузум ва бир

жамиятда дунёга келтирди-ю, икки хил қисматни раво кўрди? Икки улуғ устозимизнинг ҳар бир шеъри – халқимизнинг бир асрлик тарихи билан тенг.

Ватанни тараннум этган, бир оҳанг, бир ҳижо ва бир хил вазндаги “Ўзбекистон” қасидаси ҳар иккала шоиримизда ҳам бор. Ёзилган саналари ўртасидаги фарқ ва тафовут бор-йўғи ўттиз йилни ташкил этади. Абдулла ака **“Кўкламингдан олиб сурурни, довруқ солди устоз Олимжон”** деб куйлар экан, худдики, **“Чаппар уриб гуллаган боғин, ўпар эдим Ватан тупроғин”** дея қаршингиздан Ҳамид Олимжон чиқиб келаётгандек туюлаверади. Нима учун деб ўйлайсиз? Чунки бу улуғ устозларимиз, қанчалик қийин ва оғир тузумларда яшамасинлар, тазйиқ ва таҳдидларнинг эмас, зулм ва истибдодни руҳан енгиб – келажак авлодларни ўйлаб, келажакнинг кўзларига тик боқиб ижод қилганлар. Шу боисдан ҳам яратган асарлари емирилмас метин сўз биноларидай ҳозир ҳам ўз кўрки, таровати ва жозибасини йўқотмай ярқираб, чарақлаб яшаб келаётир.

\* \* \*

Ижозатингиз билан, ҳозирги замонда, ҳозирги замон ўзбек хонадонида ота-бола ўртасида кечган бир суҳбат-тортишувга эътиборингизни қаратсам.

Олис Япониянинг Токио шаҳридан таътилга келган талаба ўғил, таътил муддати тугаб, ўқишига қайтмоқ учун йўл тадоригини кўраётир. Самолёт киши бошига 20 килограмдан ортиқ юкни қабул қилмайди. Сафар халтаси эса лиқ тўла. Бундан ташқари, ноутбук, китоб-дафтар дегандай қўл юки ҳам бор.

– Нима солдинглар бунча?.. – деб сўрайди ўғил.

– Қази-қарта, писта-бодом, ёнғоқ-туршак, патир

билан нонлар ҳам бор...

– Қази қарталаринг, қанд-курсларингни олиб қўясизлар, – дейди ўғил. – Японияда нонни кам ейишади, менам шунга ўрганганман. Бир жуфт кулча нон қолса бўлди...

– Сумкангни бир томони бўшаб қолди-ку болам, ҳеч бўлмаса, қази билан патирларни ол.

– Йўқ! – дейди ўғил. – Байроқ олганман, Ўзбекистон байроғини! – дея бир ўрам – дид ва фаросат билан тахлаб ўралган элликтача кичкина байроқлар ўрамини сумкасига жойлай бошлайди.

Ота ўғлига ҳеч нарса деёлмайди...

Наврўзбек (ўғилнинг оти шундай) сафар сумкаси кўнгилдагидек таппа-тахт бўлгач, ниҳоят бошини кўтариб:

– Ота, энди дуо беринг, – дея қадини ғоз тутиб юзланган маҳал, ота билан ўғилнинг кўзлари бир тўқнашади. Ўғил тик қараб турган ҳолда... Отасининг кўзлари эса... филт-филт ёш эди.

\* \* \*

Мен бу манзарани ўйлаб топмадим ва ё тўқимадим. Барчамиз яшаётган ҳозирги замонда, ҳозирги замон ўзбек хонадонида шу кеча-кундузда ота-бола ўртасида беш ё ўн сония ичида кечган биргина шу юксак инсоний ҳолатнинг ўзи кунчиқар мамлакатга қадар ҳайқириб, жар солиб, дoston қилиб айтишга арзигulik.

Биз аллома устозларимиз бир умр орзу ва армон қилган шу замонларда яшаётирмиз. Улар орзу қилган замон ва келажак эса, мана кўз олдимизда турибди. Замоннинг кўзига тик қараб яшайлик, азиз замондошлар! Зеро, замоннинг кўзларига тик қарамоқ – келажак

жакнинг кўзига, боламизнинг кўзига тик қараб яша-  
моқни билдиради. Боламизнинг кўзлари – келажак-  
нинг кўзлари эканини унутмайлик!

*Каҳкашон сайрида ҳур қуёш билан,  
Кезарсан тоабад шодумон, хуррам.  
Лабда табассуму кўзда ёш билан,  
Сенга талпинаман, буюк набирам.*

8.12.2020 й.



## МАТОНАТДАН БИНО БЎЛГАН ДАВЛАТИМСАН

Давр ва Замон. Давр шиддати. Замон шиддати. Халқ ва Миллат тақдири. Ватан равнақи. Эл-улус фаровонлиги. Одамларимизнинг – миллати, дини ва ирқидан қатъи назар – элдош-замондошларимизнинг маънавий қиёфаси, азиз ўғил-қизларимизнинг келажак тақдири. Аҳоли саломатлигидан то бешикдаги боламизгача – тўрт мучаси соғлом ўсишидан тортиб улар то улғайиб, бизнинг ёшимизга етгунларига қадар – бутун жамият аҳли – ота-оналар, устоз-мураббийлар, маҳалла-қўй, барчамизнинг бурч ва масъулиятимизу жавобгарлигимиз хусусидаги миллат Раҳнамосининг гоҳи ғурурбахш, гоҳи изтиробли, гоҳида фахру ифтихор билан, баъзида эса аламли-армонли фикр-мулоҳазаларию даъватлари олдида, шу элнинг оддий бир ижодкори сифатида юрак-юракдан ҳис этиб англаганим: Вақт шиддати, айём тошқинлиги қаршисида, элнинг орияти, ор-номуси, миллатнинг пойдорлиги – миллат фарзандларининг бедор ва огоҳлиги билан нақадар боғлиқлигини яна бир карра вужуд-вужуддан ўткармоқнинг ўзи кишига қанчалар уйғоқ кечаларни бахш этадики, оддийгина халқона тил билан ифодаланганда, бу беҳаловатликнинг номи бурч ва қарздорлик туйғуси дейилади.

Президент барчамиздан бедорлик ва дахлдорликни, онг ва тафаккур, қалб ва руҳ бедорлигини талаб этмоқда. Инсон умри жуда қисқа ва ғанимат. Яратган то-

монидан берилган ана шу умрни эзгу ва улуғвор ишларга, эл-юрт равнақи, фарзандлар камоли йўлида сарфламоқнинг завқу гашти, қувонч ва севинчлари ўзгача.

Президентнинг Бухоро сафари давомида янги уйга кўчиб ўтган оддий хонадонга кириб, хонадон соҳиблари билан дилдан суҳбат қурган чоғда айтган гаплари: **“Ҳеч ким бу дунёга устун бўлолмайди. Яхшилик қилиш керак. Одамдан эзгу ишлар, яхши ном ва яхши фарзандлар қолиши керак”** мазмунидаги сўзлари кўпчилик элдошларимиз, оддий одамларнинг қалбида нечоғли олийжаноб туйғуларни жунбишга келтиргани баробарида, бугунги ҳаётимизнинг, айниқса, жамиятда кечаётган ўзгаришларнинг теран инсоний ва ахлоқий томирлари борлигини ҳам англатдики, бу туйғуларни ўғил-қизларимиз қалбига сингдириб тарбияламоқ бизнинг бурчимиз эканини бир зум бўлса-да унутмаслигимиз шарт ва зарур.

Давлатимиз раҳбарининг маъруза ва суҳбатларида шижоат ва матонат сўзлари ҳамиша алоҳида жўшқинлик ва ғурур-ифтихор билан тилга олинади. Беихтиёр Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри тало жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим” деган тарихий тузуклари ёдга келиши баробарида, ул шариф зотнинг Шаҳрисабздаги Оқсарой пештоқига нақшлаган “Подшоҳларнинг сўзлари – сўзларнинг Подшосидир” деган барҳаёт ва улуғвор ҳикматлари кўнгилдан кечади.

Яна бир буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий салтанат соҳибларининг азму шижоати ҳақида сўз юритар экан, **“Замона қасрини замон раҳнамоси бунёд этаркан, қиёматга қадар шу улуғ бунёдкорнинг номини ўша бинога нақш қилиб битиб қол-**

**диргай”** мазмунидаги юксак эътирофни изҳор этиб, улуғ бунёдкорлар шаънини шарафлаб бундоқ сатрларни айтадилар:

*Ҳар лаҳза қил анга юз иноят, ё Раб,  
Оллиға ёрут шамъи ҳидоят, ё Раб,  
Ҳам умрини айла бениҳоят, ё Раб,  
Ҳам давлатиға етурма ғоят, ё Раб.*

Қадим шоирлардан бири “Янги олам, янги одам қайтадин тузмоқ керак” дер экан, бани башар авлодининг маънавий таназзулига нозиккина ишора қилган ҳолда одам болаларининг таълим-тарбияси, маърифий камолоти йўлидаги оғир машаққатини назарда тутганлиги бежиз эмас.

Президент таъкидлагандек, “Биз маърифат борасида ҳам “илиги тўқ” халқмиз”. Шу ўринда бундан бир йилдан зиёдроқ вақт аввал, 2019 йилнинг 20 ноябрь куни Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрган чоғда, давлатимиз раҳбари ўзи асос солган ушбу муассаса ҳақида айтган сўзларини яна бир карра эсга олмоқ жоиз:

**– Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг юртимиздагидек бой ўтмиш, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак. Бу марказга келган одам улкан меросимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур.**

Ва мана, Президентнинг, Ислом цивилизацияси марказига, навбатдаги, янги ташрифи чоғидаги ҳайратлар ва ҳаяжонлар. Ҳали тўлиқ қуриб битказилмаган муҳташам ва маҳобатли обида. Олам аҳлини, уммонлар ортини ёритган буюк ақл машъаллари – Бе-

рунийлари, ибн Синолари, Навоийларию Бухорий ва Термизийлари тимсоли бўлмиш қадим миллатнинг оламшумул тамаддунини олам аҳлига намоён этгувчи Ислом цивилизацияси марказининг замон раҳнамоси, миллат йўлбошчисининг шижоат ва матонатига хос ва муносиб Маърифат кўргони.

Оврупонинг денгизларда адашган саргашта бола-си Христофор Колумб аслида Ҳиндистонни излаб елканларини кўтариб сафар бонгини чалганда, бизнинг Беруний бобомиз “Ҳиндистон” ва “Сайдана” асарларини битган, ер ва осмон илми ҳақидаги барча сиру си-ноатлар мушкулоти қадим тамаддун бешиги бўлмиш бизнинг сарзаминда ҳал қилинаётган эди...

“Колумбда бор аламиним маним”, дебон истибдод замонида нола чеккан устоз Абдулла Орипов Абу Рай-ҳон Беруний бобога бағишланган “Аллома” шеърида (“Ҳайрат” китоби, 1974 й.) шундай дардли-армонли сатрларни битган эди:

*Халқим, тенгсиз фарзандлар бергансану дунёга,  
Зар қоғозга ишқибоз, мурғдай устин ёпгансан.  
Сўнг юз йиллаб фаромуш кўзинг тикиб самога  
Дафинаи ганжингни эслатишса топгансан.  
Беруний бобомиз шу, исми ҳам Абу Райҳон,  
Ба форси гуфтаам гар аз замони пур Сино.  
Бу зотни етиштирган кўҳна шарқ, кўҳна жаҳон,  
Қумуш соқол, тилла бош, асл қомусий даҳо.  
Шунчалик бўлар ахир аллома деганлари,  
Агарчи қисмат чигал, ношукур ул замона.  
Жавоҳир истеъдоднинг меваси бунинг бари:  
“Осор ул-боқияю”, “Ҳиндистону” “Сайдана”.*

Президент бундан бир ярим йиллар аввал 2019 йилнинг 25 июн куни Цивилизация маркази қурили-

ши билан танишув чоғида билдирган мулоҳазалар, **“ушбу марказ ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини ўрганадиган, динимизнинг асл моҳиятини халқимизга етказадиган илмий-маърифий маскан бўлиши кераклиги”**ни таъкидлаш баробарида, бундай олий-мақом илм даргоҳлари беназир алломаларимизнинг меросини ёш авлод қалбига сингдириш билан бирга, жамиятда **“Жаҳолатга қарши – маърифат”** тамоъилини кучайтиришда катта аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратган мақсад-ниятлар бўйича қилинган ишлар, янги таклиф ва режаларнинг амалдаги ифодасини яна бир бор назардан ўтказиш – навбатдаги ташрифнинг натижа ва самаралари учун ғоятда муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бунёд этилаётган бинонинг маҳобат ва улуғворлиги ҳақиқатан миллат тамаддунининг, халқимиз илму маърифатининг қадимийлиги ва жаҳоний кўлами билан кишини беихтиёр улуғ боболаримизнинг оламшумул даврасига, кўҳна ва ҳайратомуз маърифат мозийсига етаклайди. Киши қалбини ғурур ва ифтихор туйғулари билан лиммо-лим этади. Ер юзини ўз илму маърифати билан аллақачон забт этиб бўлган, аммо сиз шу пайтга қадар беҳабар қолган улуғ боболаримизнинг ному ёди, соғинч ва армонлари қуршовида беихтиёр кўзларингизга ёш қалқийди, севинасиз, куюнасиз. Армон қиласизки, шундоқ Ватанда туғилмишсиз, шундай улуғ зотлар, буюк алломаларга дилбанду даврдош, элдошу замондош эканлигингиз билан юрагингизнинг туб-тубидаги минг-минг йиллик орийат, ғурур ва ифтихорингиз юзларингиз, қиёфа, сурат ва сийратингизда порлаб-чарақлаб юзага чиқаётганидан лолу ҳайратда қоласиз.

Ва мана, эрта тонгда, Янги Ўзбекистонимизнинг порлоқ газета ва рўзномаларида, ижтимоий тармоқларда, жаҳон ахборот агентликларида маърифат кўёшидек чарақлаб, порлаб бир хушхабар кўнгилларни мунаввар этади: **“Эски шаҳарда Янги тарих барпо этилмоқда. Маърифатли халқимиз Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида бундан икки ярим йил аввал қурилиши бошланган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази битишини сабрсизлик ва ҳажон билан кутмоқда”**.

Янги Ўзбекистонимизнинг сертахлика дунёда – шиддатли даври замонлардаги асл мақсад ва моҳиятини, умуммиллий ва умумбашарий маърифий тамойилларини, инсонпарварлик ва тинчликпарварлик, эзгулик ва гуманизм ғояларининг олам аро, олам аҳли кўзи ўнгидаги яна бир амалий исбот ва далили. Президентнинг Қорақалпоғистон сарзаминида айтган: **“Кимки бизнинг ислоҳотларимизга шубҳа билан қарайдиган бўлса, келиб Мўйноқни кўрсин”** деган машхур иборасини иқтибос келтириб ифодаладиган бўлсак: “Кимки бизнинг илму маърифатимиз, исломий тамаддунимизга шубҳа ё ғайри кўз билан қарайдиган бўлса келиб Тошкентни кўрсин. Самарқандда Имом Бухорий, Термизда Имом Термизий номидаги халқаро илмий тадқиқот марказларини кўрсин, шаҳарларимизнинг кўрку жамоли, улуғвор иншоотлари, қураётган йўллар-қўприklarимизни кўрсин, ҳавас қилсин. Бизнинг боболаримиз бутун Ер юзини ҳадис ва ҳикмат экиб, мунаввар этган улуғ алломалар эканлигига яна бир карра амин бўлсинлар”, дея ҳайқиргингиз келади.

Президентнинг сўзлари – давр ва замоннинг сўзлари, элу юрт тақдирини ўз тақдирим деб билган, умрининг бор меҳнату заҳмати халқу Ватан, мил-

латнинг маънавий фазлу камоли йўлида сарф этаётган шижоатли, матонатли давлат раҳбарининг уйғоқ ва бедор тафаккури. Замона кўрғонлари оддий истак-хоҳиш билан эмас, халқни розилиги йўлида, улуғвор ниятлар билан авваламбор онг ва тафаккурда бунёд бўлади, қалб қони қоришган ақл ва заковат маҳсули бўлиб бунёд этилади, дунёга келади.

Шу ўринда беихтиёр Алишер Навоий бобомизнинг “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмамон” сатрлари ёдга тушади.

Президентнинг **“Миллий ўзликни англаш деб кўп гапирамиз. Лекин шунга муносиб бўляпмизми деган туйғу мени қийнайди. Ота-боболаримиз қийин шароитларда, меҳнат-машаққат билан қандай буюк ишларни амалга оширган. Жадид боболаримизни ҳам бекорга қатл қилишмаган. Чунки билишардики, илм, ғурур, давлатчилик бизнинг қонимизда бор. Бу ерда ҳамма буюк алломаларимизнинг овози эшитилиб туради”** сўзлари Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўраётган кунлар арафасида айтилгани билан ҳам қадрлидир.

Янги Ўзбекистонимизнинг маърифий кўрғонлари мустақкам ва устувор бўлмоғи учун бизнинг билим ва маърифатимиз, фарзандларимизга бераётган таълим ва тарбиямиз емирилмас бўлмоғи керак. Шу пайтга қадар бутун дунё бизнинг боболаримизнинг илми билан мақтандию, номларини айтмади. Ўзимиз бўлсак, улуғ аждодларимизнинг ному насаблари билан фахрлансак-да, уларнинг илмларию маърифатларидан беҳабар қолдик. Ўз илму маърифатимизни англамоқ замони етди, азиз элдошлар!

*Инсонийлик деган қадим зироатлар,  
Орият ҳам ориятга риоятлар,  
Шунда унган, айтсин қўҳна ривоятлар,  
Етмиш пуштим тиклаб кетган иморатлар,  
Тарбиятнинг биносини қурғон ерим.*

*Боболардан мерос меҳру шафқатимсан,  
Қатлам-қатлам илму ҳадис, ҳикматимсан,  
Матонатдан бино бўлган давлатимсан,  
Ғуруримсан, орим, шаъну шавкатимсан,  
Дунё юзин шараф-шонга бурғон ерим.*

30.01.2021 й.



## НАВОИЙНИНГ ВАТАН ЯНГЛИҒ ҚИЁСИ ЙЎҚ

*Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига  
бағишланган  
анжуман учун кириш сўзи*

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар, азиз меҳмонлар! Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Азиз ёшлар, Алишер Навоий бобомизнинг бахтиёр ворислари!

Бугун барчамиз ҳазрат Мир Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан ул муборак зот тимсолида ўзбек халқининг буюк адабиёти ва маданиятига юксак эҳтиром рамзи сифатида барпо этилган Адиблар хиёбонидаги муҳташам ҳайкал пойида йиғилиб турибмиз.

Алишер Навоий ҳазратлари ҳаётлик чоғларида Ҳаж зиёратига боришни ният қилганлар. Бироқ ўзлари **“Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай, Онча борки Каъба вайрон бўлса обод айлагай”** деб ёзганларидек, ўз умрини фақиру фуқаро ва ғарибу ғураболар кўнглини шод айлашга бағишлаганлар. Бу саховатли амаллари ва ибратли фаолиятлари учун икки жаҳон саодатига муяссар бўлганлар. Шу босидан ҳам ул буюк зотнинг номлари Каъбани обод этган, Оллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлган муборак зотлар қаторида эътироф этилади.

Барчангиз яхши хабардорсиз, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳазрат Алишер Навоий ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганиш

ва оммалаштириш, умуман, мамлакатимизда адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратмоқдалар.

Айнан хурматли Президентимизнинг ташаббуси билан қисқа вақт ичида пойтахтимиздаги энг сўлим масканда Адиблар хиёбони барпо этилди. Таъбир жоиз бўлса, мана шу муҳташам мажмуа ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига улкан совға бўлди.

2020 йилнинг 19 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”**ги қарори қабул қилиниши маданий-маърифий ҳаётимизда улкан воқеага айланди. Ана шу тарихий ҳужжатнинг муқаддимасида шундай сўзлар битилган:

**“Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутати. Улуғ шоир ўз асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади”.**

Президент қарорида буюк мутафаккиримизнинг бебаҳо илмий-ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва бутун дунёда тарғиб қилиш, ҳазрат Навоий илгари сурган юксак ғояларни ёшларимиз онги ва қалбига чуқур сингдириш борасида улкан вазифалар белгилаб берилди.

Шу мақсадда яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Алишер Навоий номидаги**

**халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида**”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Айниқса, ҳазрат Алишер Навоий меросини чуқур тадқиқ этиш ва унинг юксак ғояларини тарғиб қилишга улкан ҳисса қўшган инсонлар ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида **Алишер Навоий орденининг** таъсис этилиши барчамизни руҳлантириб юборди.

Шу пайтгача барчамиз бутун дунёда асосан таниқли сиёсий арбоблар ва ҳарбий саркардалар номи билан аталадиган орден ва медаллар таъсис этилишига кўникиб қолган эдик. Жонажон Ватанимизда миллий адабиётимиз ва она тилимизнинг асосчиларидан бири бўлган улуғ мутафаккир шарафига Алишер Навоий орденининг таъсис қилиниши Ўзбекистонда маънавий-маърифий тараққиётга қай даражада юксак эътибор қаратилаётганининг ёрқин далилидир.

Маълумки, ҳазрат Алишер Навоий ўз даврида буюк гуманист аллома сифатида халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган. Ул зот барпо этган мадрасаларда турли миллатларга мансуб ёшлар таълим олишган. Қолаверса, форс-тожик адабиётининг улуғ намояндаси Абдураҳмон Жомийни ўзига устоз деб билиб, уни юксак ҳурмат қилган.

Шу маънода, бу йил пойтахтимизда **Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактабининг** барпо этилиши замирида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Насиб этса, яқин келажакда ана шу даргоҳда юртимиз ва хорижий мамлакатлардан келган истеъдодли ёшларни ўқитиш йўлга қўйилади.

Кейинги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида **Алишер Навоий**

**асарларини узлуксиз ўқитиш концепцияси** асосида ўқитиш йўлга қўйилади.

Йил давомида Алишер Навоийнинг илмий-ижодий меросига бағишланган нуфузли халқаро анжуманлар ўтказиш, буюк мутафаккирнинг асарларини чоп этиш ва бошқа яна кўплаб тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Атоқли рус шарқшунос олими Николай Конрад шундай деган эди: **“Дунёда Алишер Навоийдек шоир борлиги учун ҳар қанча қувонсак арзийди. Бизга шундай шоирни инъом этган ўзбек халқига буюк ташаккуримизни айтамыз. Биз бу шоирини нафақат ўрганамиз, балки унинг асарларини қўлимиздан қўймасдан ўқиймиз, мутолаа қиламиз. Нафақат ўқиймиз, айти пайтда унинг беназир ижоди ҳақида ўйлаб, мушоҳада юритамиз. Уни ўз шоиримиз сифатида ардоқлаймиз.**

Устозимиз Абдулла Орипов эса: **“Шеърят тахтини мангу эгаллаган султони Алишер Навоийдир”**, – деган эди.

Алишер Навоийнинг барча асарлари исломий маърифат зиёси билан йўғрилган. “Арбаъин” номли асарларида ҳадисларни шеърга солиб, юксак бадий санъат намуналарини яратадилар: **“Қай ким ўзига раво кўрмагани биродарига раво кўрар экан, имонли бўлмагай”** деган ҳадиси шарифни шундай гавҳар сўзлар билан назм шодасига терадилар:

*Муъмин эрмастур улки, иймондин  
Рўзгориди юз сафо кўргай.  
Токи, қардошига раво кўрмас –  
Неким, ўз нафсига раво кўргай.*

Ёки “Халққа раҳм қилмаганга Оллоҳ раҳм қилмайди” деган ҳадис мазмунини шундай дурдона мисраларга айлантиради:

*Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,  
Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим.  
Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас,  
Анга раҳм айламас раҳими карим.*

Алишер Навоий асарлари илоҳий маърифат нури билан суғорилгани учун ҳам неча юз йиллар давомида дунё китобхонлари кўнглини, онгу шуури ва тафаккурини мунаввар этиб келмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам бугун ёш авлод маънавиятини юксалтиришда, уларни илмли, билимли, имон-эътиқодли, ўз Ватани ва халқига садоқатли этиб тарбиялашда Алишер Навоий асарлари сув ва ҳаводек зарур.

Маълумки, шу пайтгача мамлакатимизда ва чет элларда жуда кўплаб навоийшунос олимлар етишиб чиқиб, ҳазрат Алишер Навоийнинг бебаҳо ижоди ва ибратли фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш борасида жуда катта ишларни амалга оширмоқдалар. У кишининг асарлари моҳир таржимонлар томонидан дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, узоқ-яқиндаги барча навоийшунос олимлар ва таржимонларга, умуман, улуғ шоиримиз ижодининг тарғиботчиларига чин дилдан миннатдорлик билдирамиз.

Эътиборли жиҳати, муҳтарам уламоларимиз ҳам бугунги қутлуғ сана муносабати билан юртимиздаги барча масжидларда ул зотнинг асарларида илгари сурилган эзгу ғоялар ҳақида мўмин-мусулмонларга

маърузалар ўқиб, ҳазрат бобомизнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилиб, дуойи хайрлар қилиш ташаббуси билан чиқишган. Фурсатдан фойдаланиб, бундай савобли ишлари учун уларга ҳам ташаккур айтамыз.

Алишер Навоий Иккинчи Ренессанс деб аталган буюк Уйғониш даврининг улуғ намояндаларидан бири эди. Шоир тараннум этган умуминсоний ғоялар, унинг жаҳон адабиёти дурдоналарига айланган асарлари бугун ҳам миллий ва умумбашарий қадриятларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш учун хизмат қилаётир.

Ҳазратнинг ўзлари **“Ҳар тунунг қадр ўлубон, Ҳар кунунг ўлсун наврўз”** деганларидек, Навоий асарларини мунтазам мутолаа қилган инсоннинг ҳар туни қадр, ҳар куни наврўз бўлиши, шубҳасиз.

Азиз дўстлар, Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш мамлакатимиз бўйлаб – шахру қишлоқларимиз, билим юртлари ва мактаблар, юртимизнинг хорижий элчихоналари, қолаверса, Москва, Минск, Рига, Шанхай, Токио, Боку, Душанбе шаҳарларидаги Навоий бобомизга ўрнатилган ҳайкаллар пойда ҳам давом этади.

Бутун дунё миллатимиз маънавиятининг қуёши улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда.

Барчамизга, халқимизга бугунги айём қутлуғ бўлсин!

*Навоий сенга ҳар бир тун керак бўлгай,  
Агар шодсан ва ё маҳзун – керак бўлгай.*

*Агар ошиқ эрусан – лолазорингдир,  
Агар Лайлосану Мажнун – керак бўлгай.*

*Агар уммон билан суҳбат қурай дерсан,  
Агар ўзни десанг Жайхун – керак бўлгай.*

*Билай дерсан надир кўнгил биноси ҳам  
Надир одам, надир очун – керак бўлгай.*

*Навоий осмондир, осмонийдир,  
У гардун узрадир гардун – керак бўлгай.*

*Сенинг бу оламинг – фисқу фасод бирлан,  
У бир оламдурур гулгун – керак бўлгай.*

*Навоийнинг Ватан янглиғ қиёси йўқ,  
Ватан янглиғ сенга ҳар кун керак бўлгай.*

9.02.2021 й.

## САНДИҚДАН ЧИҚҚАН ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Қаҳрамони ва Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори Янги Ўзбекистонимиз адабий-ижтимоий ҳаётидаги тарихий воқеа бўлди. Ушбу қарорда “**Абдулла Ориповнинг бетакрор ижодий мероси, унинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олийжаноб инсоний фазилатларни мадҳ этган етук бадий асарлари, сермазмун ҳаётий ва ижтимоий фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги беқиёс ўрни ва аҳамияти**” алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

Ҳаётбахш ҳужжатга биноан улуғ устозимизнинг шу пайтга қадар очилмай ётган сандиқларидаги қўлёзмалар юзага чиқди.

Оқ-қора қўлёзмалар, қораламалар. Шом ва тонг мисол, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг кеча ва кундузи янглиғ, тун ва кунга монанд қора-оқ, оқ ва қора қўлёзмалар, қораламалар. Шоирлик умрининг тонг ва шомлари, қалб ва руҳ кечинмаларининг кеча ва кундузлари, тун ва кунлари.

Ёинки “Маломат тошлари”да битилган “Не деб сўзлаганкин боқиб биз сари, Бетимсол Ойбекнинг ҳорғин кўзлари? Сарғайган саҳфалар аро боқиб тек, Қодирий қабрини сўрар Отабек” сатрлари янглиғ қатағон замонларнинг дилни жунжиктиргувчи рўзу шабларими булар? Оқ-қора рангларда, қора-оқ ранглардаги



соғинчлар, изтироблар, орзу ва ниятлар, дийдор ва айрилиқлар. Камол дейсизми, завол дейсизми, хобу хаёл ва ё ҳажру висол дейсизми – барча ташбеҳ ва иқтибосингизга мос ва мувофиқ келаверади. Алишер Навоий бобомизнинг бедор қалби билан изоҳлаганда “Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг”, Ғафур Ғулом муаллимнинг риндона тили билан айтганда, “Менинг заволиму онинг камоли тун била тонг” мисраси ўша мустабид тузумларнинг қаттол авзойи билан бағоят уйқаш ва ўхшаш...

Биз бугун Янги Уйғониш замони, Янги Ўзбекистонда яшаяпмиз.

Адиблар хиёбонидаги устоз Абдулла Ориповнинг муҳташам ҳайкали пойида ўтказилган катта адабий-маърифий анжуманда таниқли ижодкорлардан бири барчани қутлуғ айём билан табриклар экан, жуда ўринли ва чиройли лутф қилди: “Баҳор айёми, шеъриятимиз Наврўзи бугун эмас, аслида Президентимиз қарори билан бундан уч-тўрт ой аввал аллақачон бошланиб бўлган эди...”

Шу латиф иқтибосдан айтиш мумкинки, устозимиз сандиғидаги қўлёзмалар ҳам вижир-вижир қалдирғочлар мисол назмимиз осмонида озод, эркин парвоз эта бошладилар.

Устоз Абдулла Орипов:

*Мен ҳам яшаяпман ўз замонимда,  
Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ, –*

деб ёзаркан, икки мисрагина шеърда ўша оғир даврларга ишора қилганини юрак-юракдан ҳис этамиз.

Баҳор ҳам ўз-ўзидан кириб келмайди, албатта. Қалдирғочлар бекорга юрт осмонини тўлдириб учмайди.

Синов ва имтиҳонларга, қувончу соғинчларга тўлиқ қишимиз ҳам, баҳоримиз ҳам ўзимизники, ташвишимиз-юмушимиз ҳам шу эл, шу Ватан билан, элнинг тинчи ва саодати билан бирга ва бақамти. Устознинг ўзлари “Сенинг висолингдан қувонмай нега, Баҳор, соғинтирдинг ахир кўп узоқ” деганларидай, табиатнинг, еру коинотнинг ҳам ўз қонун-қоидалари ва ўлчамлари бордирки, шу қонуниятга биноан барчаси ўз вақти-соати билан жой-жойига тушмоғи муқаррар. “Қарши кўшиғи”да шундай сатрларни ўқиймиз:

*Лекин унинг баҳори, о, сен чўллар баҳори,  
Соғинтирган онамнинг дийдори сендай ширин.  
Эрта кун қовжирашдан бўлса ҳам дилда зори,  
Лола лаби хандону тубда доғи яширин.*

Абдулла аканинг ижодий-адабий мероси.  
Устоз Абдулла Ориповнинг бетакрор адабий мероси...

“Мерос” дейишга ҳам тил бормайди – қайси томондан келманг “адабий” жумласи “абадий”га эврилиб бораверади.

Навоий ҳазратлари ҳақида фахр билан гапирар экан, Абдулла ака тўрт сатргина шеърда бутун мангуликни сингдира олган эди:

*Абадият билан қай сўз эгизак,  
Балки яхши орзу, яхши ниятдир?  
Мангулик англанар Навоий десак,  
Навоийнинг ўзи Абадиятдир.*

Озод домланинг ибораси билан айтадиган бўлсак, сатрлар тирик, улар нафас оляпти, кўклам чоғи гупуриб-уфуриб гуллаётган найсон навниҳоллари янглиф

бўй таратаяпти, ифор сочаяпти. Асл шеърятнинг асл моҳияти ҳам баҳорийлигию ҳаётбахшлигида эмасми.

Дарвоқе, Абдулла аканинг илк шеърый туркуми айнан домла Озод Шарафиддиновнинг “Оқ йўл, Абдуллажон!” сарлавҳали дил сўзлари – дуоси билан “Шарқ юлдузи” журналининг ўтган XX асрда – 1964 йилги бешинчи сонида босилганига ҳам, мана, салкам олтмиш йил бўлибди. Салкам олтмиш йил бўляптики “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Сен баҳорни соғинмадингми?” сингари шеърлар ўз сеҳри ва қудрати, нафосати ва садоқати билан баҳорий тароватини йўқотмай яшаб келаётир.

...Ҳанифа янгамизнинг, устознинг юпанчи ва қувончи бўлмиш суюкли ва қуюнчак қизлари Рухсораойнинг далолат беришларича, Абдулла аканинг назмий сандиғида чиқарилмаган, чоп этилмаган шеърлари, қўл-ёзмалари ҳали талайгина. Уларнинг салмоғи, залвори жамлаб-чамалаб кўрилса агар, устознинг нашр этилиб, аллақачон халқ мулки ва миллат ғурурига айланиб кетган асарлари қўлами ва миқёсидан кўпроқ чиқса чиқадики, асло кам эмас экан.

Бу биз – нўноқ ва гердайган шогирдлар-шогирдчалар, ўзи ўзига маҳлиё сўз исрофгарлари – тўрт қатор шеъримизни даъвою дoston қилиб, сархуш ва сармаст, шон-шуҳрат фазоларида баланд парвозлар талаб этаётган, бир зум бўлса-да ўз жону танамизда ўйлаб кўрдикми: Сўз нима? Сўз йўлида сўз устида жон бермоқ нимаю, шоирлик нима?.. Мўъжазгина бир тўртликда бўлса агар ўн тўққиз ё йигирматагача сўз бўлиши мумкин. Устоз шундай бир тўртликкинани ўн етти марта қайта ишлаб, ўн еттита жумласини бус-бутун ўзгартирганини қандай тимсол, Сўзга садоқат ва эътиқоднинг қандай иқтибоси билан ифодалаш керак?..

Ўша темир-бетон замонларда шунча катта шоирлар туриб, улкан адиб Абдулла Қаҳҳор нима учун айнан Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидовдек ёш ижодкорларнинг шеърларидан ўз ҳикояларига эпиграфлар олган?..

Митти юлдуздан ҳам миттироқ ёш шоирнинг илк китобига Миртемир домладек забардаст оқинлару сўз деҳқонлари не сабабдан муҳаррирлик қилганию, айнан Ойбек, Шайхода домладек улуғ зотлар бошини силаб, мақтаб-алқаганлари нима учунлигини биламизми?..

Ўзбек адабиётининг улкан тоғлари саналмиш бу аллома адиблар ижарама-ижара яшаб юрган ёшгина йигитчага Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлмоғи учун меҳр ва ҳафсала билан тавсияномалар ёзиб берган, қўллаб-қувватлаган...

*Муҳаббатим лол қотган ул тоғларинг айтсин,  
Тонгда оҳим такрор этган боғларинг айтсин,  
Менсиз кечган ҳар бир лаҳза, чоғларинг айтсин:  
Сен учундир бор ҳаётим, шуҳратим-шоним,  
Қўлларингни бергил менга, ширинзабоним.*

Азиз ўқувчилар эътиборига биринчи маротаба яхлит китоб шаклида ҳавола этилаётган шеърлар Абдулла аканинг асосан ўсмирлик чоғлари, талабалик даври – ўн етти, ўн саккиз, ўн тўққиз, йигирма-йигирма бир ёшларда ёзган, шунингдек, серизтироб умрнинг бошқа фасл ва паллаларида ёзиб сандиққа ташлаб қўйилган қўлёзмаларидан тартиб берилди. Уларда бурунги ва бугунги адабий жараён ихлосмандлари, айниқса, катта адабиёт остонасида мўралаб турган ёш ижодкорлар учун талай ибратлар, ўрганса арзийдиган сўз жилолари, меҳр ва садоқат, қалб ва рух иқтибослари мавжуд.

Тўпلامдаги “Танқидчига” номли шеър ҳам бугунги муҳаррир-мунаққидлар учун фойдадан холи бўлмас деган умидворлик билан шу кунгача етиб келибдими, демак устоз ҳам уни бекорга қоғозга тушириб чамадонга ташлаб қўймаган бўлса керак.

Абдулла аканинг Ҳамид Олимжон ижодига меҳри ҳам, ихлоси ҳам бўлакча эди. Адабиётда мактаб яратган шоирлар унчалик кўп эмас, Ҳамид Олимжон эса мактаб яратган шоир, буни билиб қўйинглар, дер эди.

“Кўкламингдан олиб сурурни, Довруқ солди устоз Олимжон”, “Сен барҳаёт онамсан, Ватан”, “Шабнамдай маъсуму кўклам каби ёш” сингари кўплаб сатрлар, меҳр тўла шеърларни чуқур ҳурмат ва миннатдорлик билан азиз устозига бағишлаган эди.

Барчамизга маълум ва машҳур тўртликни эслайлик:

*Кимлигимни билар эдим озроқ,  
Билар эдим суюклигимни.  
Амударёни кўрганда бироқ  
Билиб қолдим буюклигимни.*

Демак, катта адабиёт даргоҳида турган ёш истеъдодлар улуғ устозларнинг ўзлари қайси улуғ устозларнинг мактабидан ўқиб-ўрганганлигини ҳам билишлари зарур.

Беназир устозимиз Абдулла Ориповнинг мана шундай найсоний ҳаволарга тўйинган тоза ва муаттар шеърларини қадрли китобхонларга тақдим этар эканмиз, “бугунги замоннинг зукко ўқувчисини бир нарсага ишонтириш қийин”лигини эътиборга олиб, устоз шеърларининг қўлёзма нусхалари факсимилеси (сояхати)ни ҳам узвийлиги ва силсилавийлигини сақлаган ҳолда, яхлит китоб шаклида юксак дид ва

фаросат билан тартиб беришда жонбозлик кўрсатган, мазкур ғоя ва лойиҳа муаллифи ҳамда кайвониси муҳтарама Ҳанифа янгамизга, ҳар бир шеърий сатрни ноннинг ушоғидай кўзга суртиб, авайлаб-эъзозлаб бизга етказган Рухсороойга, Рухсора Ориповага кўпсонли шеърият мухлислари номидан чин дилдан миннатдорлик билдираимиз.

Сўз салафлари айтиб кетгандай, бир улуғ шоирнинг туғилиши ҳам аслида Наврўзнинг туғилишидай, эл-улуснинг кўнглини, рўзгорию ҳаётини сурур ва зиёларга тўлдиргувсидир. Наврўзингиз, шеър ва сурур айёмингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Устознинг ўзи лутф этгандай:

*Юрт букун карвонлар бошида нордир,  
Юрт букун шарқ ичра тенгсиз бир диёр.  
Юрт букун охудай хўп ишвакордир,  
Сир каби серавждир, Помирдай пойдор.  
Толе юлдузининг қутлуғ зиёси  
Саодат буржида балққан замон бу.  
Бепоён Ватан бу – йўқдир қиёси,  
Ажиб бир бўстон бу – Ўзбекистон бу.*

17–21.03.2021 й.

## БИЗ ЁЗМАСАК КИМ ЁЗГАЙДИР БУ КУНЛАРНИНГ “ХАМСА” СИН...

*“Янги Ўзбекистон” газетаси мухбири билан суҳбат*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: **“Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”**.

Бу сўзлар қанчалар ҳақ эканлигини мамлакатимизда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбир ва анжуманларнинг миқёси ва салмоғидан, эзгу ишлар сари ташланаётган катта қадамлардан ва юртимизда бошланиб халқаро майдонларда давом этаётган, алоҳида эътирофга сазовор бўлаётган адабиёт байрамлари шуқуҳидан билиб олишимиз мумкин. Ҳазрат Навоий айтганларидек, элнинг адаби, юксак маънавияти унинг

ҳар не бойлигидан устун туради. Айни пайтда жамиятдаги ана шу руҳий устуворлик, мустаҳкам маънавий пойдевор учун кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ва янгиланишлар кечаётгани умид ва қувонч бағишлайди. Ўтган 4 йил мобайнида мамлакатимизда рўй берган маданий-маърифий, адабий-маънавий ўзгаришлар ва бу улкан янгиланишлар замиридаги ҳақиқатлар барчамиз учун беҳад муҳимлиги билан қадрлидир.

*– Кун кеча Президент томонидан “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинган юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бораётганининг яққол исботидир. Суҳбатимиз аввалида мазкур қарорлар асосидаги вазифаларга тўхталиб ўтсангиз.*

– Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 20 май куни Адиблар хиёбонига ташрифи чоғида: “Адабиёт – халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз”, деган эди. 2021 йилнинг 19 январь куни Шавкат Мирзиёев маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида ушбу фикрларига асос ҳозирлади. Кеча имзоланган ҳужжат-



лар эса ўша йиғилишда айtilган гапларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди. Хусусан, давлат раҳбарининг “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида кўрсатилганидек, энди халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъанаю қадриятлари куйланган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини топган мумтоз, замонавий адабиётимиз намуналари хорижий тилларга тизимли таржима қилинади ҳамда жаҳон ахборот тармоғида кенг тарғиб этилади. Содда айтганда, миллий меросимиз, буюк аждодларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссалари дунё миқёсига олиб чиқилади. Мамлакатимиз ва халқаро доирада илмий-маърифий тадбирлар, адабий анжуманлар, фестиваллар, танловлар, халқ сайиллари китоб ва адабиёт байрамлари тарзидаги адабий-муסיқий кечалар ўтказилади. Бир пайтлар ёш ижодкорларнинг биринчи китобларини чоп этиш харажатлари иқтисод қилинган, яъни сифатсиз, сариқ қоғозларда чоп этилган эди. Бугунги ёшларимизнинг бахти шундаки, уларнинг илк тўпламлари чиройли муқоваларда, сифатли қоғозларда, кўп нусхаларда чиқариляпти. Бунинг қадрига етиш керак. Ҳужжатга кўра, бу каби ишлар энди янада такомиллашади. Хусусан, ёш муаллифларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этиладиган биринчи китоблари, таниқли адибларимизнинг ижод намуналари мазкур маблағлар ҳисобидан нашр этилади. Бу йил Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги, Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги ва халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Янги ташкил

этилаётган фонд ана шундай тадбирларни ўтказишга кўмакчи бўлади. Инчунин, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг ижодий кечаларини ўтказиш, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган уюшма аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш шулар жумласидандир. Энг муҳими, адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилган ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бадиий асарлар муаллифлари, яъни ёзувчи ва шоирларимиз моддий жиҳатдан рағбатлантирилади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда унинг таниқли аъзолари ижодий фаолиятига бағишланган веб-сайтлар яратилади ва улар мунтазам янгилаб борилади. Эътибор берган бўлсангиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 20 миллиард сўм сармоя ажратилган. Бу ҳазилакам маблағ эмас. ОАВ саҳифаларида, ижтимоий тармоқлар, телерадио каналларида берилаётган жўшқин муносабатлардан кўраётгандирсиз, бу эътибор ижод аҳли қалбида кенг акс садо бермоқда. Айни эзгу ишлар Президентимизнинг адабиётимизга катта эътибори ва ғамхўрлиги билан амалга оширилган, бунинг қадр-қимматини ёш ижодкорларимиз ҳам, устоз адибларимиз ҳам яхши билади.

– “Эй ёронлар, халқни кўринг, кўринг орзу-ҳавасин, Биз ёзмасак ким ёзгайдир бу кунларнинг “Хамса”син...” Юртимизда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган, ҳар бир соҳада янги ланишлар рўй бераётган адабий байрамларимиз кўнгишларга зиё улашаётган шу кунларда сизнинг ушбу мисраларингиз дилимизга келади. Шу ўринда бу кунларга етгунча устоз адиблар ва шоирларимиз “бошидан ўткан” машаққатлар ва қийинчиликлар ва айни кунларда уларнинг орзулари рўёби бўлиб амалга оширилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Президентимиз бир гал элдошларимиз билан бўлган учрашувни якунлар экан, “...бу маъруза эмас, менинг азобим, изтиробларим”, деган эди. Чиндан ҳам давлатимиз раҳбари ҳар гал маънавий-маърифий жараён борасида сўз очганида миллат дардини, Ватан ва халқ қайғусини, ёш авлод тақдирини қайғуриб туну кун уриб турган бедор, беҳаловат қалбнинг ўй ва изтиробларини ҳис қиламан. Президентимизнинг жонкуярлиги ва юксак эътибори туфайли етмиш йил муқим манзилу маконига эга бўлмаган, “беватан” бўлган Ёзувчилар уюшмасига Ватанимизнинг кўркам боғи бағрида чиннидай кўзни қамаштиргувчи бино қуриб берилди. Адиблар хиёбони барпо этилди. Қалам аҳли учун пойтахт марказидан янги уй-жойлар ажратилди. Она диёримизнинг жаннатмонанд гўшаларида ижодхоналар барпо этилаётир. Олий адабиёт курслари олий ва баланд мақомда қайта тикланди. Ёш ижодкорлар, кекса адибларга кўрсатилаётган амалий эътибор, марҳум адибларнинг номи ва хотираларига эҳтиром, уларнинг оилалари ҳолидан хабар олиш, уюшманинг вилоят бўлимлари моддий-техник базасини янада яхшилашдан тортиб, давлат миқёсида рағбатлантиришгача – ҳамма моддий-маиший шарт-шароитлар бекаму кўст яратиб берилаётган бўлса...

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида улуғ устозларимиз номидаги ижод мактаблари очилгани бирор-бир давр ё мамлакатда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган маънавий-маърифий ҳодиса экани ҳам бор гап. Давлатимиз раҳбари қандай йиғилиш ё анжуман бўлмасин, соҳаси ёки йўналишидан қатъи назар, ўзбек адибларини бирон-бир баҳонаи сабаб билан эслаб ўтади. Меҳр ва соғинч, орзу ва армон биланми, албатта, бир йўқлов баҳонасида адабиёт ва адибларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиромини ҳар гал ҳаммамизга

эслатиб қўймоқчидай, худди, “Уйғониш замонларинг келди, қачон уйғонасизлар?” дея огоҳлантираётгандай... Жадид боболаримизнинг руҳлари шод бўлаётган шу кунларда барчамиз янги Уйғониш даврининг фаол иштирокчисига айланишимиз жудаям зарур. Тўғри айтдингиз, ҳозирги кунда юртимизда бошланган адабиёт тантаналари халқаро эътирофларга сазовор бўлмоқда. Устозимиз Абдулла Орипов хотирасига бағишланган “Олтин сўз” халқаро адабий фестивалида ҳам биз бундай эътирофлардан беҳад қувондик. Алишер Навоий бобомизнинг 580 йиллиги тантаналари эса Америка Қўшма Штатларида ҳам нишонланди. Навоийшунос Бенедик Перининг, “Навоийдек қуёши бор юрт ошиғиман”, деган таъкиди ҳам биз учун ғурурбахш. Устозлар “бошидан кечирган”, ҳатто ўзимиз ҳам гувоҳ бўлган “ўткан кунлар”имиз машаққатлари ҳақида гап кетганида, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг мана бу мисралари ёдимга келади:

*Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тиғида  
Фалакни кўзларди менинг ҳам созим.  
Лекин икки дарё оралиғида  
Қолиб кетди менинг ўшал овозим.*

Шундай овозлар бундан буён Мовароуннаҳр, яъни икки дарё оралиғида қолиб кетмаслиги учун ҳам, бир тангани топиш жуда мушкул бўлган ҳисоб-китобли бу дунёда Президентимиз ҳомийлигида жуда катта маблағ ажратилиб, қалам аҳли, ижод аҳли учун кенг қамровли ғамхўрликлар қилинаётгани ҳаммамизга катта масъулият юклайди, албатта.

– Бундан роса 53 йил аввал устоз адибимиз Абдулла Қаҳҳор “Ёшлар билан суҳбат” китобида шундай деган

эди: “Ҳозирги адабий ёшларимиз, шубҳасиз, ўзига ҳам, адабиётга ҳам ғубор қўндирмайдиган ҳақиқий замона ёшларидир. Биз бир-биримизга катта меҳр қўйишимиз, бир-биримизни ҳар томонлама бойитишимиз, бир-биримизни бало-қазодан, ёмон кўздан сақлашимиз зарур, эртаги буюк адабиёт биносининг ҳақиқий меъморлари бўлишимиз керак. Шундоқ бўламиз, бунга бутун адабий жамоатчилик, бутун халқ катта ишонч билан кўз тутаетибди”. Кейинги пайтда Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорлар билан янада гавжумлашиб бораётгани қувонарлидир. Демак, улар ўзлари излаган, орзу қилган ижод дунёсининг қайсидир оламларини, одамларини ушбу маскандан топишга муваффақ бўлмоқда.

– Бугунги ёшлар мутлақо янги давру замонларнинг янгича фикрлайдиган янги фарзандлари. Орзу-ҳаваслари, ният ва интилишлари шунчаки ҳавоий гаплар эмас. Мамлакатимизнинг адабий-ижодий, маънавий-маърифий ҳавоси билан иқлими уч-тўрт йил давомида мутлақо ўзгарди, тозарди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Шу ўринда бир ҳақиқатни таъкидлаб ўтиш зарур. Мамлакат адабий ҳаётида, адабий жараён ва жамоатчилик орасида, айниқса, ёш ижодкорлар учун нуфузи ва мақомига кўра, том маънода чинакам адабиёт байрамига айланган, не-не устозлару шогирдларнинг юракларини жимирлатиб орзиқтирган Зомин семинарлари ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Ўриклисойнинг бетимсол табиати манзаралари билан ака-ука, опа-сингил тутинган адабиёт байрамларининг, ёшлик ва сурур анжуманларининг ҳақиқий ижодкори, чин ташаббускори ўша кезлари вилоятнинг биринчи раҳбари вазифасида ишлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев бўлган. Ижтимоий фаолиятини иш тартиби ўта тиғизлигига қарамай, катта эътибор ва хайрихоҳлик билан ўзи эгалик қилиб,

Ўзи бош-қош бўлган ҳолда анжуманни юксак мақомда ташкиллаштирган. Шу боис, мазкур семинар акс са-долари билан, қувончу ҳайратлари билан тез орада бутун мамлакатга ёйилиб кетди. Ташаббус билан ғоя адабиётсевар ва маърифатпарвар раҳбарга тааллуқли бўлгани, ғоя ва ният муаллифининг ўзи уни амалга оширишда бевосита раҳбарлик қилиб иштирок этаётгани-ю, ёш шоирлар билан баб-баравар завққа тўлиб, қувониб-шодланиб ўтиргани – шу биргина ҳолатнинг ўзи семинарнинг нуфузини ҳам, мавқеини ҳам янада юксалтириб юборган эди. Бу кутилмаган эътибор ва хайрихоҳликдан анча-мунча давра кўрган тажрибали устозлар ҳам ҳаяжонга тушгани ёдимда...

Ўша пайтларда шаҳар ва туман миқёсида ўтади-ган кўпгина адабий йиғинларда аксарият маҳаллий раҳбарларнинг қатнашиши у ёқда турсин, ижод аҳлига рўйхуш бермасдан, адабий-маънавий тадбирларга нописанд қараганига кўп бора дуч келган, шунга кў-никкан кексароқ адиблар учун бу янгилик ростак-мига ҳайратланарли эди. Бугун ўйлаб, муқояса қилиб кўрсак, адабиёт ва ижод аҳлига эътибор, ёш истеъдод-ларга кўрсатилаётган амалий ғамхўрлик, китоб ва ки-тобхонлик масалалари, Адиблар хиёбони ва Ёзувчилар уюшмасининг янги биносини бунёд этиш сингари эзгу ишлар доирасида қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар, Халқ қабулхоналарию одамлар билан очиқ мулоқот қи-лишдек эзгу амалларнинг илк тамал тошлари ҳам ўша Зоминдаги муборак анжуманларда қўйилган, десак му-болаға бўлмайди. Куни кеча таниқли бир шоир укамни саволга тутсам, “Бизнинг орзу-умидларимиз Зоминда, Ўриклисой ўрикларида куртак ёзган”, дея жуда жўяли жавоб қилди. Бундан йигирма беш йиллар бурун (та-саввур қилинг: салкам чорак аср аввал!) устозимиз Аб-дулла Орипов газеталардан бирига шундай интервью

берган экан: “Мамлакат ёш шоир ва ёзувчиларининг Зоминда ўтган анжумани ғоятда самарали бўлди. Биз бу анжуманга шунчаки навбатдаги тадбир сифатида қарамаслигимиз керак. Негаки, ёш ижодкорларнинг семинар-кенгашини ўтказар эканмиз, кўнглимизнинг бир четида унчалик ҳам осон бўлмаган ҳозирги шароитда ёшларимиз адабий-бадий ижоддан тирикчилик йўлига кетиб қолмадимикан, деган хавотир йўқ эмас эди. Энг муҳими, ҳеч бир лофсиз, баландпарвоз гапларсиз, баралла айта оламизки, оққан дарёларимиз оқиб турибди экан. Айни чоғда ёшларимизга баъзи топшириқларимиз ҳам йўқ эмас. Инсон ўз қалбини қанчалик тадқиқ этса, ўша қалбда яшайдиган Халқ ҳамда Ватан туйғуларини ҳам шунчалик теран ва самимий тадқиқ этмоғи лозим. Мен аминманки, бугундан эътиборан, Зомин адабий мактаби деган атама ҳам ижод оламида кенг урф бўлади”.

Шуни ғурур билан айтиб ўтиш лозимки, ўтган йиллар давомида Зомин семинарларида ғолиб бўлган ижодкорлар: Уйғун Рўзиев, Хосият Рустамова, Нодир Жонузоқ, Ғайрат Мажид, Зилола Хўжаниёзова, Бахтиёр Генжамурод, Муҳиддин Абдусамад, Бобур Бобомурод, Ориф Тўхташ, Воҳид Луқмон, Шодмонқул Салом, Гўзал Бегим, Даврон Ражаб, Зоҳиджон Олов, Кумуш Абдусаломова, Аллаёр Дармоновлар бугунги кунда адабиётимизнинг фаол вакилларига айланган. Бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин. Ва бугун олди қирқ-қирқ бешга қараб бораётган шоир-ёзувчиларнинг “чаппар уриб гуллаган чоғлари” айнан Зомин семинарларида, Ўриклисойнинг сурурбахш сув ва ҳаволари қўйнида сидир бўлганини уларнинг ўзлари ҳам соғинч ва орзиқиш билан эслайди. 2020 йилда Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари онлайн тарзда ўтказилди ва бу адабий анжуманда

иштирок этиш учун Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонлик ёш ижодкорларнинг ҳавас ва мамнуният билан иштирок этгани бизни жуда қувонтирди. Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган “Менинг биринчи китобим” лойиҳасида эса ўтган йили 7 нафар ёш ижодкорнинг илк ижодий тўпламлари ҳар бири ўн минг нусхада чоп этилди. Ушбу китобларнинг тақдимотлари алоҳида эътибор ва тайёргарлик асосида ўтказилди. Айниқса, таниқли адабиётшунослар, ёзувчи-шоирларнинг таҳлилий мулоҳазалари, танқидий қарашлари туфайли тақдимотларимиз ижтимоий тармоқларда ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

– *Мутолаа ўз-ўзимизни тафтиш қилишга ундайдиган сеҳрли кучдир. Шу боис, бизнинг аجدодларимиз эзгуликка чорлайдиган китобларни юз-қўзларига суриб, уларни хонадоннинг энг тўрида сақлаб эъзозлаган. Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори қўлаб зиёлиларимиз эътирофига сазовор бўлди. Ижодкорларнинг китобларини нашр этиш борасида шу кунгача Ёзувчилар уюшмаси томонидан амалга оширилган ишлар борасида ҳам айтиб ўтсангиз.*

– Одамзоднинг жаҳолатга қарши биринчи муқоваланган исёни китобдир. Риёю разолат, тубанлик, пастликка қарши одам болалари бино этган илк истеҳком ҳам китоб саналади. Бизнинг боболаримиз бутун рўйи оламини, ерни ҳам, самони ҳам билим билан, тафаккур ва китоб билан забт этган. Серюлдуз осмон, Мирзо Улуғбек бобомизнинг дурахшон кутубхонасига



ўхшайди. Термизийлару Бухорий боболар, Ибн Синолару Фарғоний ва Хоразмий боболаримизгача жаҳонни ақлу заковат, илму ҳикмат билан эгаллаган буюк жаҳонгирлар бўлган. “Не мулк ичраки бир фармон йибордим, Анинг забтиға бир девон йибордим”, деганларида Навоий ҳазратлари биргина ўзлари эмас, илму маърифати билан жаҳонкушойлик қилган сарзаминимизнинг барча буюк алломалари, донғи оламшумул боболаримизни ҳам айнан назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Ҳалигача у ёғи Амриқою бу ёғи Овруро, Ҳинду Хитойдан тортиб Парижу Австриёгача, Эрону Қоҳира, Истанбулу Лондондан токи Токиога қадар бирон-бир китоб “Бобурнома” янглиғ ер юзи ўлкаларини бунчалик бардавом забт эта олган эмас. Жаҳонгирлик мана бундоғ бўлибди, десак япон бобуршуноси жаноб Эйжи Моно ўрнидан туриб, ҳурмат билан тавозе бажо келтирмоғи ҳам айни ҳақиқат.

Бироқ кейинги йилларда аждодларимиз меросига, китобхонлик ва илму маърифатга бўлган эътибор анчагина сусайиб қолган эди. Республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар марказларига эътибор берсангиз, қўша-қўша бозор, юзлаб супермаркетлар орасида китоб дўконлари деярли кўринмай қолди. Демак, энг аввало, китобхонлик ва китоб мутолааси муаммосини ҳал қилиш учун китоб етказиб бериш, китоб тарқатиш масаласини жиддий ҳал қилиш керак эди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Президентимиз фармойиши айни вақтида қабул қилинган зарур ҳужжат бўлди.

Шу ўринда 2018–2020 йиллар мобайнида Жиззах вилоятининг Зомин туманида анъанавий тарзда ўт-

казиладиган ёш ижодкорларнинг Зомин семинари ва шу анжуман иштирокчиларининг “Биринчи китобим” рукни остида чоп этилган китоблари тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтмоқчиман. Шу қисқа ва тиғиз муддат давомида Ёзувчилар уюшмаси томонидан 37 нафар ёш ижодкорларнинг 260000 нусхада биринчи китоблари нашр этилди. Китоб муаллифларига жами қиймати 70 448 000 (етмиш миллион тўрт юз қирқ саккиз минг) сўм қалам ҳақи тўланди. Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорлар билан ишлаш бўлимида юзга яқин ижодий ишлар ўрганилмоқда. Кечаётган йилда бўлиб ўтадиган Зомин семинарининг ҳудудий босқичлари апрель-май ойлари оралиғида ўтказилиши режалаштирилган.

Аслида, она Ватанимизнинг ўзи буюк ва бетимсол китоб. Бу улуғвор китобни ўқиб англамоқ учун, садоқатли, маърифатли ва билимли фарзанди бўлиб шарафламоқ учун, авваламбор, Ватан равнақи, тинчлиги, ободлиги учун хизмат қилиш зарурлигини сидқидилдан англаб етган саодатли ҳар бир ўғил-қиз шарафли ва муқаддас бурчни адо этган бўлади.

*Мухтасар Тожимамамова суҳбатлашди.*

23–27.03.2021 й.

## ЮЛДУЗЛАР ЁДЛАБ ОЛАДИ<sup>1</sup>

(Сўнгсўз ўрнида)

*Давлатимиз раҳбари 2020 йил 20 май куни Адиблар хийбони мажмуасининг очилиши маросимида бир гуруҳ ижодкор зиёлилар билан учрашиб, адабиётнинг халқимиз ҳаётидаги ўрнини таърифлаб, шоир ва ёзувчиларимиз зиммасидаги бугунги масъулиятли вазифалар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, шундай деган эди:*

**“Мана, “замонамиз қаҳрамонлари”, деб кўп гапираимиз. Бугун бу қаҳрамонлар коронавирусга қарши курашаётган фидойи шифокорларимиз, мард ҳарбийларимиз, саховатли тадбиркорларимиз, ватанпарвар ёшларимиз, уларнинг жасорати ҳақида ўқишни ҳаммамиз хоҳлаймиз”.**

Президентимизнинг ўша даъватларига жавобан Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид томонидан битилган “Бу оламдир меҳру шафқат олами” номли шеърлар туркумини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Ушбу шеърлар ижодкорнинг бедор ва беҳаловат юрагини, фаол фуқаролик позициясини, коронавирус балосига қарши матонат билан курашаётган замонамиз қаҳрамонларига камарбасталигини намоён этиб турибди.

Бадиий асарни баҳосини китобхонлар беради. Албатта, асарнинг ҳақиқий умри йиллар синовидан

<sup>1</sup> Ушбу мақола “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2020 йил 1 сентябрь сонидан чоп этилган.

ўтгандан кейин белгиланади. Уни бир неча авлод вакиллари ўқийди. Замон руҳи, халқ ҳаёти, инсон тақдирини акс эттирган бадий асарлар қанча вақт ўтса ҳам ҳеч қачон эскирмайди.

*Осмоннинг остида бир оғиз ҳам  
сўзим йўқолмайди. Ҳақ тарафида  
не айтсам – юлдузлар ёдлаб олади, –*

деб ёзади қорақалпоғистонлик бетакрор шоир Соғинбой Иброҳимов. Дарҳақиқат, ҳақ сўзни, инсон манфаатини ҳимоя қиладиган, одамлар, яъни жамият учун зарур бўлган сўзни ёзган адибнинг асари ҳеч қачон унутилмайди. Адабиётнинг ижтимоий аҳамияти шу бўлса керак.

Яқинда қўлёзмаларим ичидан “Одам нега шеър ёзади?”, “Одамлар нима учун шеър ўқийди?”, “Одамларга шеър нима учун керак?” деган учта муҳим саволга улуғ устозимиз Абдулла Орипов жавоб ёзган бир варақни топиб олдим. Бу жавобларда, шоирнинг бошқа одамлар қалбидаги туйғуларни уйғотувчи бедор юраги, бадий асарнинг ижтимоий аҳамияти, адиб ва жамият ҳақидаги фикрларга асосий эътибор қаратилган экан. Ана шу жавоблардан бирида шундай сўзлар бор:

**“Шоирнинг ички мусиқий оҳанг ва юксак руҳ билан йўғрилган бадий сўзи оддий сўзлар билан ёзилган бир неча жилд китобдан кўра кўпроқ ва кучлироқ фикрларни ифодалай олади ҳамда минглаб юракларни ларзага солади. Халқнинг қўзғолган қалби – ниҳоятда мислсиз қудратдир”.**

Ҳа, **“Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз, Ҳайхот, қўзғолмасин бу қалб дафъатан”** деган шеърда устоз ана шу зўр қудратни назарда тутганини англадим.

Бугун бутун дунё синовли кунларни бошидан кечирмоқда. Тарихда ҳаётнинг жуда кўп синовларини бошидан кечирган халқимиз сабр-тоқат ва матонат билан юксак маънавиятини намоён этмоқда. Қурувчилар бинолар қуриб, шаҳар барпо этаяпти. Деҳқонлар далаларда ҳосил етиштираяпти. Шоирлар-чи? Улар жамият, одамлар учун айнан ҳозир ниҳоятда зарур бўлган сўзларни айтаяпти, китобхонлар юрагини тўлқинлантирадиган шеърлар ёзаяпти.

Сирожддин Саййиднинг шеърлар туркумини ўқиганимда хаёлимдан ана шундай фикрлар кечди. Бу шеърларда бугунги ҳаётимиз, замондошларимиз руҳиятида кечаётган туйғулар ифодаланган. Олам ва одам ҳақидаги бадий-фалсафий фикрлар ўқувчини ўйлантиради. Олам дарди, одам изтироби жонли тасвирланган сатрлар юракни ларзага солади. “Инсонийлик ёрдами” сарлавҳали шеъридаги:

*Бу оламдир – одамийлик олами,  
 Бу оламдир – меҳру шафқат олами.  
 Бир миллатнинг бошига иш тушганда,  
 Ёз палласи ногаҳон қиш тушгандай –  
 Оғир юмуш, қийин ташвиш тушганда,  
 Бир удум бор – азалий ва қадимий,  
 Бир удум бор – инсонийлик удуми,  
 Етиб келар инсонийлик ёрдами.*

Ушбу сатрларни ўқиганимда шоирнинг одамларга меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги уфуриб турган шеърлари ҳам ҳозирги кунда одамларга инсонийлик ёрдами-дир, деган фикр хаёлимдан ўтди. Шеър руҳига даҳшатли балою офат олам аҳли ҳаётига хавф солиб турганда одамлар бир-бирига ёрдам бериши керак, давлатлар бир-бирига кўмаклашиши керак, оламни офатдан са-

ховатпеша, фидойи ва мард одамлар кутқаради, меҳру шафқат, одамийлик қадрияти халос этади, деган фикр сингдирилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг ташкил этилгани жамиятни пандемия тўфонидан кутқариб қолишнинг чораси экани жонли бадиий воситалар ва мисоллар билан тасвирланган.

“Соғлик ва озодлик” номли шеърда “соғлик” деган сўзнинг янги рамзий маънолари, жонли тимсоллари яратилган.

*Соғлик – озодликдир.*

*Озод миллатнинг*

*Бардам туғилажак зурёди – соғлик.*

*Минг асрлик давлат, куч ва қудратнинг*

*Бир юз ўттиз йилда барбоди – соғлик.*

Одамзот ўзи шундай ҳаётдаги бир нарсанинг қадрига уни йўқотгандан кейин этади. Бутун дунё кўринмас балою қазога қарши курашаётган бугунги кунда соғликнинг қадри нақадар билинди. Ўзбекистон Қоҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов “Тансоғлик ҳам хотиндай, Қарамасанг, кетади” деб ҳазил-мутойиба оҳангида ёзган шеърда аччиқ ҳақиқат бор. “Соғлик – озодлик” шеърда эса ушбу тушунчанинг моҳияти янада теран очилган. Соғлик – фарзанд, демак миллат келажаги учун ўртанган аждодларнинг фарёди, мустабид тузумнинг оммавий қатағонидан миллат кўксига қолган жароҳат – соғлик, уруш йилларида шаҳид кетган ботирларнинг бева хотинлари, етим болалари кўзидаги изтироб, қалбидаги ғам-алам – соғлик, захар сепилган пахта далаларида умрлари хазон бўлган ўсмирлар, хотин-қизларнинг куйган ҳаёти – соғлик...

Шу тарзда гапнинг равиши, мазмун-мундарижаси тан соғлиқдан маънавий-руҳий соғломликка, соғлом ижтимоий муҳитга, жамият соғлигига қараб кенгайиб кетаверади. Соғлом жамиятни вужуди, руҳи, номуси, ори, эътиқоди, дунёқараши ва маънавияти соғлом ва бақувват ёшлар қуради. Бунинг учун биз бугун жамиятимизни барча юртдошларимиз соғлигини асрашга асосий эътибор қаратилиб, соғлом ижтимоий муҳит яратилмоқда.

*Фарзандларга боқиб замон Меъмори,  
Ҳар дилбанд бўлсин дер замон бедори.  
То соғлом ўссин деб номус ва ори –  
Тинч элнинг бунёду ободи – соғлик.*

“Нусрат дўхтир”, “Covid-19” сабоқлари”, “Жаҳлга эрк берманг, одамлар”, “Ҳасад аҳли”, “Биринчи ҳамла, биринчи зарба”, “Италия дўхтирлари”, “Умумбашарий. Умуммиллий” каби шеърлар ҳам мазмунан “Соғлик – озодлик” шеърига ҳамоҳанг. Уларда бугунги дунёнинг дарду андуҳлари, олам аҳлининг хом сут эмган банда сифатидаги носоғлом фаолиятлари, гуноҳларию тавбалари изтиробли ва таъсирчан руҳда очиб берилган. Фикр, мавзу доираси, туйғу ва хаёлнинг кенглиги оламшумул миқёсга эга. Қисқача айтганда, бу шеърларни Башариятнинг бугунги ниҳоятда қайғули қўшиғи, бани одамзотнинг фарёди, дейиш мумкин. Гўё ер сайёраси бўйлаб учаётган оққушнинг сўнги оху ноласидек юракларни тешиб юборадиган даражада бўзлайди. Ва бу фарёд замондошларимизни огоҳ бўлишга, бир ёқадан бош чиқариб, ақл, билим, фаросат, нозик дид ва фидойилик билан кўринмас ёвга қарши курашишга ундайди.

*Бу балони Ўзинг биздан даф қил дебон,  
Ўзинг гумроҳ бандаларинг афв қил дебон,  
Куймасин деб хонумони, уй-капаси –  
Тонгга қадар йиғлаб чиқди Рим Папаси.  
Бунга боқиб сен ҳам бағринг тиғлайдурсан,  
Одам бўлсанг –  
йиғлайдурсан, йиғлайдурсан.*

Ушбу сатрларни ўқир экансиз, шеърда тасвирланган қайғули воқеадан таъсирланасиз, юрагингиз шеърнинг қаҳрамони бўлган италиялик дўхтирларга ҳамдардлик туйғусини ҳис этасиз. Фақат италиялик дўхтирларнинг эмас, бутун жаҳон аҳлининг дардини, фожиасини юрак-юрақдан ҳис этган одам шоир айтганидек, нафақат йиғлайди, йиғлагандан баттар бўлади, даҳшатга тушади, кўринмас алангада ёнаётган одамларни тасаввур қилиб кўрқиб кетади. Бу туйғу юрагида кечган, бу ҳолатнинг нима экани онгу шуурига етиб борган одам огоҳ бўлади, ўзини, оиласини, миллатни асрашга ундайди. Юқорида устоз Абдулла Орипов таъкидлаган шеърятнинг одамларга таъсири, жамиятга таъсир қилган ижтимоий аҳамияти шу эмасми.

Буюк адиб Чингиз Айтматов: “Ижод бу – жон азобидир”, – деган эди. Жонингни азоблаб асар ёзасан, деган эди. Шоирнинг азоби – жисмоний, руҳий, ижтимоий дард, изтиробдир.

Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг бу ҳодисани шундай бадиий талқин этади:

*Сахий, фидойи, камтар юракка ишқ муносиб,  
Қийналганга буюрган ҳаёт маънисин уқиш.  
Севган, ғам-алам чеккан одамга бўлгай насиб  
Юлдуз олови билан битилган Сўзни ўқиш.*



“Эваз” сарлавҳали шеър “Бу оламдир меҳру шафқат олами” туркумининг юрагидир. Унда шоирнинг тақдири, шеърнинг яратилиш жараёни, ижод, умуман, адабиётнинг моҳияти жонли тимсоллар воситасида тасвирланган. Шоирлар қандай яшайди, уларнинг ҳаёти нимадан иборат, ижодкор қисмати, русча айтганда, автобиографияси, қорақалпоқчасига айтганда, умрбаёни (умрининг баёни) қандай? Чинакам бадий асар ниманинг эвазига дунёга келади? “Эваз” шеъри мана шу саволларнинг барчасига жавоб беради.

*Ёқамни қўйвор, шеър,  
Ёқамни қўйвор!..  
Сени қони билан  
боққанни қўйвор,  
Дилу жони билан  
боққанни қўйвор.*

Шоир чеккан азобнинг, дарднинг эвазига шеър туғилади. Алишер Навоий ҳазратлари “Меҳр кўп кўргуздим...”, “Жон баче қилдим фидо...” деганларидек элга ғамхўрлик қилиш, одамларга меҳрибон бўлиш, миллат дарди ва ғами билан яшаш ва қайғуриш эвазига шеър бино бўлади. Шеър деганда шоир ана шу ҳодисани назарда тутмоқда. Бунда “шеър” образга, метафорага айланган. Шеър бу қоғоздаги оддий матн ёки қофияланган сўзлар тизмаси эмас, шеърнинг жони бор. Шеър, бу – руҳ. Уни шоир жони, қони, дили, кўнгли билан боқади. Шеър шоирнинг жондан ҳам азиз нарсалари, жондан ҳам азиз кимсаларининг соғинчи, дарди, изтироби билан озикланади ва жонли руҳга айланиб, умрбоқий яшайди.

*Сени суғордим мен  
бардошлари билан,  
Онамнинг кўз нури,  
кўзёшлари билан,  
Сенга зиё бердим,  
нур бердим сенга  
Онамнинг оқарган  
сочлари билан.*

Шоир нафақат ўзининг жисмидан, балки онасининг кўзёшлари, сабру бардошларидан куч-қудрат олиб яшайди. Агар шу нарсалар бўлмаса, шеър бир кун ҳам яшай олмайди. Шоирнинг қисмати шундай. Ўзини, бутун ҳаётини, қони, жонини ижодга қурбон қилиши эвазига шеър туғилади. “Бетлардаги ариқлар”, “Тўқсон йиллик ажриқлар”, “Ўзабаргдай дил титроқлари”, “Ўзапоя янглиғ қўл, бармоқлари” каби образлар кекса онанинг нурли ва мунис сиймосини чизган, айти пайтда шоирнинг меҳр-муҳаббати бирла соғинч-изтиробини ифодалаган.

*Ёқамни қўйвор, шеър,  
Ёқамни қўйвор!..  
Мана, бир жизғанақ  
юрақ сенга,  
Қовурилган, совурилган  
юрақ сенга.  
Яна нима керак сенга!  
Яна нима керак сенга!..*

“Жизғанақ юрақ”, “Қовурилган, совурилган юрақ” – шоирнинг юраги. Ана шундай юракларгина Александр Файнберг айтганидай “Юлдуз олови билан битилган Сўзни ўқиш”га муяссар бўлади. Лекин нима-

ларнинг эвазига, қандай азобларнинг бадалига муяс-сар бўлишини бошидан ўтказган билади.

“Бу оламдир меҳру шафқат олами” номли шеърлар туркумини ўқиганимдан кейинги фикрларимдан келиб чиқиб, Соғинбой оғанинг шеърига шундай жавоб ёзган бўлар эдим:

*Заминнинг устида бир оғиз ҳам  
сўзим йўқолмайди. Меҳр-шафқат тарафида  
не айтсам – одамлар ёдлаб олади.*

Ҳа, меҳр-шафқатни тарғиб этган сўзларни одамлар ёдлаб олади, ҳақ сўзларни юлдузлар ёдлаб олади... Одамлар, юлдузлар ва адабиёт олами ҳамиша йўлдош.

Халқимизнинг юрагида азалдан мавжуд бўлган, миллий қадриятга айланган фазилат бугун умуминсоний аҳамият касб этмоқда. Одамнинг, оламнинг бошига синовли кунлар тушганда кўрсатилган меҳр-шафқат, саховат ва кўмак ҳеч қачон унутилмайди. Миллатнинг, шу билан бирга олам аҳлининг соғлигини, яъни ҳаётини сақлаб қолиш учун чин юракдан куйиниб ёзилган, минглаб қалбларни ларзага солган шеърларни одамлар ёдлаб олади.

*Йўловчи сув излаб булоқни топар,  
Зулматда нур излаб чироқни топар.  
Камондан чиққан ўқ топар нишонни,  
Юракдан чиққан сўз юракни топар.*

**Рустам МУСУРМОН,**  
*Қорақалпоғистон халқ шоири*

## МУНДАРИЖА

### ОГОҲЛИК ТАЛҚИНИ

#### 2019–2021 йиллар шеърлари

Нияти улуғ халқнинг.....	6
Мард майдонда синалгай.....	7
Халқ овози.....	10
Бизнинг овоз.....	12
Туронзамин.....	14
Бу кунлар талқини.....	16
Элдошларим, дилдошларим.....	18
Садоқат.....	20
Ғалаба ва ифтихор.....	21
“Covid – 19”.....	24
“Келмагандирсан-ку жимжима учун...”.....	27
Биру Бор.....	29
Нусрат дўхтир.....	33
Ҳафсала фалсафаси.....	35
“Covid-19” сабоқлари.....	36
Сен учун... ..	39
Ибн Сино ўғитлари.....	40
Италия дўхтирлари.....	41
Шифокорлар жанг майдонида.....	44
Давлат кетмагай.....	48
Умуммиллий, умумбашарий.....	50
Шу кунлар ғазали.....	53
Биринчи ҳамла. Биринчи зарба.	
Шифокорлар.....	55

Янги ҳаёт қасидаси.....	57
“Китобхўр шайх”.....	59
Шеърят.....	61
Эваз.....	64
Жаҳлга эрк берманг, одамлар.....	66
Огоҳлик талқини.....	68
Инсонийлик ёрдами .....	71
“Амир Темур бобо тангаларида...” .....	73
Тил ва миллат мақоми .....	74
Ризқингни ҳалол этгил.....	77
Аёл ва замон.....	80
Бу ишқ сиррин китоб этдинг.....	82

## **ВАТАННИ СЕВИШ КЕРАК**

### **Мақолалар. Сухбат ва муносабатлар**

Сурхон боғларида гул тўқди ўрик.....	86
Соғинтирган соғинчлар.....	92
Адабиёт зиёси – адаб ва ёд зиёси.....	95
Элга айтар гапинг бўлса .....	97
Келиб кетма – билиб кет.....	100
Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ бўлур .....	106
“Китобхўр шайх” ёхуд “Шолоховга салом айтиб қўй” .....	109
Ватанни севиш керак .....	113
Ватаним деб сени, уйғондим.....	128
Қодирий қадрияти .....	133
“Менинг қўлим – дўст қўлидур...” .....	139
Навойни ўқиш ва уқиш.....	143
Эътиқод имтиҳони .....	151
Адабиёт – халқнинг юраги .....	156
Матонат унутилмайди .....	163
Мурод гули қачон очилади ёхуд шоирнинг “ижодий куни”.....	174
Суронлардан ўтган “Туронбанк” .....	177
Бу оламдир меҳру шафқат олами.....	181
Ватанга суянч бўлинг.....	184
Туғишган туйғулар, тансиқ туйғулар. ....	190
Мен нима учун “Hurriyat”ни ўқийман?.....	200

Устозга бағишловлар.....	203
Эҳтиром.....	204
Совға.....	207
Сомончилар.....	208
Маънавият меъморлари.....	209
Лабда табассуму кўзда ёш билан ёхуд келажакнинг кўзлари.....	212
Матонатдан бино бўлган давлатимсан.....	233
Навойнинг Ватан янглиғ қиёси йўқ.....	241
Сандиқдан чиққан қалдирғочлар.....	248
Биз ёзмасак ким ёзгайдир бу кунларнинг “Хамса”син.....	255
<b><i>Рустам Мусурмон. Юлдузлар ёдлаб олади..</i></b> .....	<b>267</b>

*Адабий-бадий нашр*

Сирожиддин САЙИД

**ЭЛДОШЛАРИМ,  
ДИЛДОШЛАРИМ**

*Шеърлар, мақолалар, суҳбат ва муносабатлар*

Масъул муҳаррир Рустам МУСУРМОН

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*

Бадий муҳаррир *Фаррух Эрматов*

Мусахҳиҳ *Гулноза Абдурашулова*

Саҳифаловчи *Ғиёсиддин Ўнаров*

821.512.133-1

84-5(5Ўзб)

С 22

С 22 **Саййид, Сирожиддин**  
**Элдошларим, дилдошларим** [Матн]: *(Шеърлар, мақолалар, суҳбат ва муносабатлар)* / С. Саййид. – Тошкент: “ADABIYOT”  
нашриёти, 2021. – 280 б.

ISBN 978-9943-7108-5-6

**“ADABIYOT NASHRIYOTI”**

Наشريёт лицензияси: № АА 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

☎ 98 128-30-04.

Босишга 2021 йил 26 майда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет босма. “Cambria” гарнитураси.  
Наشريёт босма табағи 8,75. Адади 3000 нусха.  
Буюртма №

“AZMIR NASHR PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.